Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида тинчлик, барқарорликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида фикр билдирилади. Мамлакатимизда диний эркинлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик борасида ҳам вазият тубдан яхшиланди. Бу борадаги фаолиятимизнинг асосини – “Бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик – барқарор тараққиёт омили” деган тамойил ташкил этади. БМТ Бош Ассамблеяси томонидант Халқаро дўстлик куни деб белгиланган 30 июль санаси юртимизда “Халқлар дўстлиги куни” деб эълон қилинди. Ватанимизда хорижий давлатлар, биринчи навбатда, қўшни давлатлар билан доимий дўстона муносабатда бўлиб, барча соҳаларда ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида – “Марказий Осиё – бош устувор йўналиш” тамойилига амал қилинмоқда.

“Жамиятимиз хавфсизлиги, чегараларимиз дахлсизлиги, тинчлик ва барқарорлик, эркин ва озод ҳаётни таъминлаш, самарали ташқи сиёсатни амалга ошириш бундан кейин ҳам диққат эътиборимиз марказида бўлиши” таъкидланган.² Ёш авлодга бундай умуминсоний қадриятларни шакллантиришда улуғ мутафаккирларимизнинг қолдирган бебаҳо маънавий мероси биз учун доимий назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Шу маънода, олганда хожагон-нақшбандия тариқатининг асосчиси – Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний маънавий меросидаги эзгу ғоялар ёш авлодни баркамол, Ватанига содиқ фарзанд бўлиб улғайишида маънавий хазина. Хожаи Жаҳон она-Ватанимизнинг маънавий ривожига салмоқли хисса қўшган улуғ мутасаввиф – алломалардан. У киши асос солган хожагон тариқатидан кейинчалик дунёга машхур нақшбандия тариқати вужудга келган. Бу борада шарқшунос олим Маҳмуд Ҳасаний қуйидагича ёзадилар:

*“Тариқати Хожагон сардори Ғиждувоний,
Ушбу йўлнинг қуввату мадори Ғиждувоний
Тасаввуф бир боғ бўлса баҳори Ғиждувоний,
Дил уйининг сафоси, оҳори Ғиждувоний,
Олимлар ичра дурри, шаҳвори Ғиждувоний.”³*

Хожагон тариқатидаги улуғ хизматлари ва Баҳоуддин Нақшбанднинг маънавий устози бўлгани учун Абдуҳолиқ Ғиждувоний “сарҳалқаи силсилаи нақшбандия” номи билан улуғланган. Абдуҳолиқ Ғиждувоний пайғамбаримиз а.с.дан бошланган тариқат силсиласида Юсуф Ҳамадонийдан кейин ўнинчи ҳалқа пир ҳисобланади. Мутасаввиф панд-насиҳатларида ўзликни англаш, ахлоқни, ботинни тузатиш, қвלב имкониятларига йўл очиш, маърифат сирридан воқиф бўлиб, баркамол бўлишга даъват этади.

Абдуҳолиқ Ғиждувоний маънавий меросида насрий баёнлар назмий ўғитлар билан бирга ифодаланган. Фалсафанинг умумназарий масалалари ҳақида, яъни инсон, борлик, билиш, тафаккур, одоб-ахлоқ, қадрият, шунингдек, айниқса, фалсафанинг бош мавзуси ҳисобланган инсон муаммоси, унинг ҳаётининг маъноси, яшашдан мақсад, яхшилик ва ёмонлик, уруш ва тинчлик, адолат, ҳалоллик, поклик каби масалаларга бағишлаб жуда кўп рубоийлар биттилган.

¹ Alisher Navoiy. G'aroyib us-sig'ar.w.w.w.ziyouz .com. kutubxonasi 152-bet.

² Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкнт, 2021, 62-бет.

³ Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний. Рисолаи саҳабия. Васиятнома. С.Сайфуллох, Н.Ҳасан, “Mavonaunnahr”, 2018, 103-бет.

Шундай рубойларидан бири тинчлик, ватанпарварликни тараннум этувчи куйидаги тўртлик ҳисобланади:

*Бар дўст муборакиму , бар душман шум,
Дар жанг чу оҳаниму, дар сулҳ чу мум.
Сарчашмаи нур-Ғиждувон манзили мост,
Ман тиги лурўя мезанам то дар Рум.¹*

Таржимаси:

*Дўстга муборакмизу, душманларга шум,
Жангда темирмизу, сулҳда мисли мум.
Нур сарчашмаси-Ғиждувон манзилимиз,
Икки дамли тигмиз, Румгача таъсиримиз*

“Баъзи нусхаларда кейинги икки қатор шундай ёзилган:

*Андар таҳи кўҳи Ғиждувон манзили мост,
Шамшири дуруя мезаним то дари Рум.*

Таржимаси:

*(Бизнинг манзилимиз Ғиждувон тоғи остидадир,
То Рум эшикларига қадар қилич тортамиз) (С.С.)”²*

Бунда Абдуҳолик Ғиждувоний, ўзининг юксак ватанпарварлик, тинчликсеварлик хислатини баён этиб, дўстларга, яъни ватанига яхши, пок ниятда келганларга муборак – хайрихоҳ эканлигини, ёмон, душманлик муносабатида келганларга шум, яъни қарши бўлиб, асло, йўл қўймаслигини билдиради. Агар бу борада уруш бўлган тақдирда темирдек қалқон бўлишини, мурсою-мадорада, келишиш борасида келганларга, сулҳ тузиш тарафдорларига мисли мум даражасида юмшоқ муносабатда бўлиши ифодаланади.. Унинг манзили, яшаш жойи, киндик қони тўкилган жой ватани бўлмиш Ғиждувонни меҳр билан “нур сарчашмаси” деб атайди. Нурга қиёсланган она ер – ўзининг меҳнатсевар, ҳалол, бағрикенг, юксак тафаккурли эли билан фахрланган аллома қалбида ўзининг ёруғлигини жо этгандир.

Бизга маълумки, манбаларда келтирилишича, Хожаи Жаҳон ота томонидан румлик, яъни туркиялик бўлганлар ва тақдир тақозоси билан Ғиждувонда улғайганлар.

Ноъмалум муаллиф томонидан “Аллоҳнинг маҳбуби бўлган Хўжа Абдуҳолик Ғиждувоний ҳақида ёднома” асарининг 2-саҳифасида “У киши Хожа Юсуф Ҳамадоний сулоласининг буюкларидандир. Хожа Имом Молик авлодидан. Румлик подшоҳлар авлодига ҳам мансубликлари ул зотнинг ўз замонасининг олими, Бухорои Шарифга сафар қилиши, Ғиждувонда нашъу намо топиб, фарзанд кўриши ва туғилажак фарзандининг исмини Абдуҳолик қўйишни башорат қилган эканлар. Ота-оналари билан Бухорои Шарифга йўл олган ва тушга аён бўлганидек, Ғиждувонда нашъу намо топиб, фарзанд кўриб, исмини Абдуҳолик, яъни, Худонинг ўғли деб қўядилар, деб ёзилгандир.⁷

Шу сабабли ҳам турк элининг ва Ғиждувон элининг фарзанди сифатида ўзини “икки томонли тиг” деб, ҳамда таъсири Румгача эканлигини баён этган.

Абдуҳолик Ғиждувонийдек буюк сиймоларнинг ўғитлари, маънавий меросларидаги тинчликсеварлик, ватанпарварлик ғоялари ёш авлодни барқамол, ўз она-Ватанига содиқ қилиб тарбиялашга хизмат қиладиган маънавий хазиналардан биридир. Бу умуминсоний тамойилларининг таъминланишига давлатимиз сиёсатида доимо эътибор қаратилиб келинмоқда ва булар Янги Ўзбекистонда яна-да юқори поғоналарга кўтаради.

Тинчлик, хотиржамликнинг улғу неъмат эканлиги Хожаи Жаҳоннинг устози Юсуф Ҳамадоний асарларида ҳам ўз аксини топган. Буюк шайхнинг “Ҳаёт мезони” асари савол-жавоб тарзида ёзилган бўлиб, фикрнинг бошланишидаёқ, энг аввало, “тирик (жонли) ким ва тириклик(ҳаёт) нима“ деган савол қўйилади. Бунга “ғайб сирларининг кашшофи” деган номга сазовор бўлган буюк мутасаввиф “...тирик – бу тинч, осуда киши. “Тириклик” эса тинчлик, хотиржамликдир. Етти қават осмон ва ернинг махлуқоти, тинчлик ва хотиржамликнинг моҳияти ҳақида ҳамфикрдирларки, ҳар

¹ Абдуҳолик Ғиждувоний. Аз гуфтори Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний. 175 а.в.

² Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний. Рисолаи саҳабия. Васиятнома. С.Сайфуллоҳ, Н.Ҳасан, “Mavoraunnahr”, 2018, 58-бет.

⁷ Аллоҳнинг маҳбуби белган Хўжа Абдуҳолик Ғиждувоний ҳақида ёднома. 2-бет.

бир киши бир нарса билан осуда, тинч ва сокиндр” дея жавоб беради.¹ Тинчлик ва хотиржамликнинг “етти қават осмон ва ернинг бутун махлуқоти” томонидан улуғланиши даражасидаги умуминсоний кадрият эканлигига ва бу борада буларнинг ҳаммаси ҳамфикр эканликларига эътибор қаратилади.

2022 йил 28 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тпраққиёт стратегияси ҳақидаги ПФ-60 фармони эълон қилинди. Бунда ”Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан, ишлаб чиқилган 7 та устувор йўналишдан иборат 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон кадрини улуғлаш ва ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланди. Ушбу дастурнинг бешинчи вазифаси сифатида “маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш” дан иборат. Дастур ўз олдига қўйган 100 та мақсаднинг 71 сида :

–жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш;

–72 сида :китобхонликни кенг оммалаштириш ҳамда “китобсевар миллат” умуммиллий ғоясини рўёбга чиқариш;

–73 сида буюк аждодларимизнинг кенг илмий меросини чуқур ўрганиш ва ва кенг тарғиб этиш;

–жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш;

–77 сида Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва кенг тарғиб қилишни яна-да ривожлантириш² каби ғоялар ифодаланган.

Шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, хожагон тасаввуфий тариқатининг асосчиси Хожа Абдуҳолик Ғиждувонийнинг ёш авлодни тарбиялашга оид ўғитлари жуда аҳамиятлидир.

Холиқов Юнус Ортиқович (Самарқанд Давлат Чет тиллар институти Гуманитар фанлар ва ахборот технологиялари кафедраси доценти, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD))
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА БАҒРИКЕНГЛИК МАДАНИЯТНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ

***Аннотация.** Ушбу мақолада жамиятда бағрикенглик маданиятини ривожлантиришнинг ахлоқий асослари фалсафий жиҳатдан очиқ берилган. Шу нуқтаи назардан, аҳоли, айниқса, ёшларни тарбиялашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиши, ёшларнинг бағрикенглик маданиятининг мезонлари, меъёрлари ва тамойилларини аниқлаш, бу муаммога ахлоқий тамойиллар билан тизимли ёндашув асосида илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиши объектив зарурият эканлиги акс эттирилган.*

***Аннотация.** В данной статье философски раскрываются нравственные основы развития культуры толерантности в Джамихте. В связи с этим возникает объективная необходимость разработки эффективных механизмов просвещения населения, особенно молодежи, определения критериев, норм и принципов культуры толерантности молодежи, научно-практических исследований на основе системного подхода к проблеме с этические принципы.*

***Annotation.** In this article, the development of tolerant culture of tolerance is revealed philosophical accepting. In this regard, the development of effective mechanisms for the population, especially young people, identification of criteria, norms and principles of young people, reflecting the objective need for scientific and practical study on the basis of a systematic basis with moral principles.*

***Калим сўзлар:** маънавият, миллатлараро, дунёқараш, бағрикенглик, маданият, маърифат, глобаллашув, менталитет, миллий кадрият, урф-одат, илм-фан, миллат, элат, провард, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик.*

***Ключевые слова:** духовность, межнациональность, мировоззрение, толерантность, культура, просвещение, глобализация, менталитет, национальная ценность, традиция, наука, нация, этнос, провард, трайбализм, местничество.*

***Key words:** spirituality, interethnic, worldview, tolerance, culture, enlightenment, globalization, mentality, national value, tradition, science, nation, ethnicity, provard, tribalism, localism.*

¹ Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. Одоби тариқат. Коинот ва инсон ҳақида. Тошкент, 2018, 16-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ҳақидаги ПФ-60 фармони. 2022 йил 28 январь.

Шиддат билан ўзгариб бораётган Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар натижа-сида бағрикенглик маданияти, миллатлараро тотувлик ғояларини ёшлар онгига синдиришда тар-ғибот ва ташвиқот ҳамда тарбиявий ишларни яна-да кучайтиришни жамиятни ўзи тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев олиб бораётган миллатлараро бағрикен-ликка асосланган ташқи сиёсат натижасида Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари орасида алоҳида мавқени эгалламоқда. Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ва эллат вакиллари истиқомат қилиб келмоқда. Улар ўртасида асрлар давомида миллий, диний низолар бўлмаганлиги ва бу хал-қимизнинг азалий бағрикенглигини кўрсатади. Президентимиз таъкидлаганидек, бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улў аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, Худо хоҳласа, ҳавас қилса арзий-диган буюк келажагимиз ҳам, албатта, бўлади.¹

Давлатимиз раҳабари Ш.М.Мирзиёев томонидан “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 18 январдаги ПФ-60-сонли фармон-нинг имзоланиши ўз вақтида қабул қилинган қарор бўлиб, унда ўта чуқур муқамал ишланган 7 та устувор вазифа белгилаб берилди. Унинг бешинчи йўналиши 74-мақсади айнан шу ғоя мазмунида акс этади, халқ орзу-умидлари, эзгу ниятларини ифодалайди.

Бағрикенглик – бу ақлли кишиларнинг имкониятидир, улар мулоқот ва фикрлар хилма-хил-лиги орқали ҳақиқат йўлида олға силжишларига шубҳа қилмайди. Бундан ташқари, бағрикенг-ликнинг асоси – бу бошқа одамни худди у каби қабул қилишда, бошқа нуқтаи назарни ҳурмат қи-лишда, сиз улашмайдиган нарсада чекланишда, бошқа миллат ва дин вакилларининг урф-одатла-ри, қадриятлари ва маданиятини тушунишда ва қабул қилишда намоён бўлади. Шу билан бирга, бағрикенглик ҳар қандай қарашлар ва ҳаракатларга бефарқликни англамайди. Масалан, ирқчи-лик, зўравонлик, таҳқирлаш, манфаатлар ва инсон ҳуқуқларининг бузилишига дош бериш ахлоқ-сиз ҳисобланади.

Бағрикенглик – бу яхлит сифат. Агар у шаклланган бўлса, у барча ҳаётий вазиятларда ва барча одамларга нисбатан ўзини намоён қилади. Шу билан бирга, тажриба шуни кўрсатадики, одам қариндошлар, танишлар билан муносабатларда толерант бўлиши мумкин, аммо бошқа эъти-қод ёки миллатга мансуб одамларга бепарволик, сабрсизлик иллоти мавжуд. Айнан ана шу иллат-лар “провардида” уруғ-аймоқчилик ёки маҳаллийчиликнинг шаклланишига замин яратади. Ана шуларни инобатга олиб бағрикенгликни дахлдорлик субъектидан ва соҳасидан келиб чиқиб, шах-слараро, ижтимоий, миллий бағрикенглик ва диний бағрикенгликка ажратиш мумкин. Шахслараро бағрикенглик маълум бир одамга нисбатан намоён бўлади; ижтимоий – маълум бир гуруҳга, жа-миятга; миллий – бошқа миллатга; диний бағрикенглик - бошқа эътиқодга нисбатан намоён бўла-ди. Ёшларда бағрикенгликни тарғиб этишга қаратилган ишларни режалаштиришда ушбу жиҳат-ларни ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади.

“Бағрикенглик”, кўпинча, “миллатчилик”нинг антоними сифатида қаралади. Миллатчилик - бу ўз миллатини ўзгалардан устун қўйиш, ўзгаларни камситиш хусусиятига эга, айнан ана шу ху-сусиятлари бағрикенгликка зид ҳисобланади. Миллатчиликнинг асосини миллий эгоизм ва миллий худбинлик ташкил этади.

Миллий эгоизм – бу ўз маданиятининг тўғрилигига, бошқа маданиятнинг меъёрларини но-тўғри, паст, эстетик бўлмаган деб рад этишга мойиллик бўлса, миллий худбинлик, кўпинча, кенг кўламли можаролар ва урушларнинг сабабидир. Шахсий даражада турли маданиятлар ва халқлар вакиллари ўртасидаги мулоқотда қийинчиликлар туғдиради.

Кўпинча, миллатчилар нафақат миллий-давлат тақдирини ҳал этиш тарафдорлари, балки миллий устунлик ва бошқа миллат вакилларига нисбатан муросасизлик ғояларини тарғиб қилишда зўравон усулларни қўллаб-қувватловчилар ҳисобланади. Шу ўринда, миллатчилик ва миллатпар-варликни адаштириб юбормаслик ҳам муҳим. Сабаби миллатпарварлик ижобий туйғу, унда бағ-рикенглик хусусиятлари намоён бўлади. Унинг миллатчиликдан энг асосий фарқи ўзга миллат-ларни ҳурмат қилишда ва уларни қарашлари ва хатти-ҳаракатлари бағрикенглик билан йўғрилган-лигида намоён бўлади. Умуман, бу масала алоҳида тадқиқот мавзуси ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, бу ҳақда тўхталмадик.

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. Т.. “Ўзбекистон”, 2017, 482–483-бетлар.

Шундан келиб чиқиб, ҳадислардан намуналар келтириб ўтадиган бўлсак: “Ўзинга ёққан нарсани ҳам бошқаларга ҳам раво кўр”, “Зиёратингизга келган одам ҳурматини жойига қўйинглар”, “Қайси бирларингиз ўзингиздан бойроқ ёки ахлоқлироқ одамни кўриб қолсангиз, дарҳол ўзингиздан камбағалроқ ва ахлоқсизроқ одамлар ҳам борлигини эсланг”, “Одамларга кенг қалбли бўлинглар, шунда одамлар ҳам сизга шундай бўлувлар”, “Одамларга таом едиринглар ва ширин сўз бўлинглар, очларга овқат беринг, беморларни бориб кўринг ва ҳожатманднинг ҳожатини чиқаринг”, “Касбнинг энг яхшиси кишининг ўз кўли билан бажарадиган иши ва ҳалол савдодир”, “Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар, шунда меҳру муҳаббат уйғонур”, “Имоннинг афзали сабр ва кенг қалбли бўлишдир”.

Юқоридаги ёндашувларда бағрикенгликнинг асосини сабр ва чидамлилиқ ташкил этиши ҳақида қарашлар мавжуд. Аммо бағрикенглик сабр ва чидамдан фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд. Сабр, кўпинча, оғриқни, зўравонликни ёки бошқа салбий таъсирни бошдан кечираётган одам томонидан ҳис-туйғу ёки ҳаракатни ифодаласа-да, бағрикенглик бошқаларнинг ҳурматини ёки тан олиншини, ҳукмронлик ва зўравонликни рад этишни ўз ичига олади. Шундай қилиб, сабр-тоқат тушунчаси билан кўплаб манбалар томонидан аниқланган бўлса ҳам, бағрикенглик тушунчаси яна-да кенгроқ мазмунга эга.

Бағрикенглик бу шахсий ёки ижтимоий хусусият, бу дунё ва ижтимоий муҳит кўп қиррали эканлигини тушунишни аниқлатади, дунё қарашлар турлича эканлигини ва бир хиллик ёки кимнингдир манфаати камситилмаслиги кераклигини аниқлатади.

Асрлар давомида инсонларнинг ҳамкорликдаги фаолияти уларнинг дунёқараши ва ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган кадриятларни шакллантирди. Шундай ахлоқий кадриятлардан бири бағрикенгликдир.

Бағрикенгликнинг шаклланиш тарихини таҳлил қилар эканмиз, уни қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин. Жумладан, ҳар бир давр мутафаккирлари толерантликни турлича талқин қилганлар:

1. Антик ва қадимги давр, бунда Афлотун, Сукрот, Конфуций каби мутафаккирлар ҳаётни уйғунлаштириш йўли сифатида.
2. Христианлик ва Ислом динлари инсонларга сабр-бардошли муносабатда бўлиш ҳақидаги чақирувларга асосланди.
3. Маърифатпарварлар даврида (Джон Локк, Вольтер ва бошқалар) эътиқодий сабрлилиқ ёки бошқа динларга бардошлилик сифатида.
4. XIX аср охири XX аср бошларида ёвузлик, зўравонликка қаршилик сифатида тушунилган.
5. XX аср охири – XXI аср бошларида толерантликни ўзи алоҳида муаммо сифатида фаоллашди.¹

Умуман олганда, Шарқий Европа мамлакатлари, Болтиқ бўйи давлатларида ёшларнинг ахлоқий бағрикенглик муносабатлари тизимини шакллантиришда қуйидаги жиҳатларига алоҳида эътибор қаратишга ёрдам беради. Биринчидан, бағрикенглик – давлат ва жамият барқарор тараққиётини таъминловчи омил. Иккинчидан, бағрикенглик – таълим тизимининг ижтимоий буюртмаси ва ажралмас қисмига айланган.

Ўзбекистон ҳукумати оқилона, миллатлараро бағрикенглик сиёсатини олиб бормоқда. Бундай маънавий ислохотларнинг негизида миллий мафқуранинг муҳим ғояси бўлган диний бағрикенглик негизида барча миллат ва элатларни ҳурмат қилиш, Ватанга садоқат туйғусини кучайтириш, шу юртда яшаётган турли миллат вакилларининг ўзаро ҳамкорликда ҳамжиҳат бўлиб яшашлари акс этади. Бугун Ўзбекистондаги динга, миллатлараро муносабатнинг бағрикенгликка асосланганлигини барча миллат вакилларининг мақсад ва маслақларида яқдиллик, шу юрт келажаги йўлида бирлашиб озод ва обод Ватанни барпо этишга интилаётганлигида, азалдан мавжуд анъана ва урф-одатларни сақлаб келаётганлигида кўришимиз мумкин бўлади. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига асосан, “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан

¹ Ковалева Г.П. Основания категории “духовность” в онтологии трансцендентного космизма. Монография, Кемерово, 2014, с. 58.

қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар”¹ Ўзбекистонда бу қоида жамиятнинг барча жабҳалари ва бағрикенглик учун сиёсий-ҳуқуқий замин яратди.

“Бағрикенглик – бу тинчликни таъминлашга имкон беради ва уруш маданиятидан тинчлик маданиятига олиб келади”, дейилган 1995 йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси томонидан қабул қилинган бағрикенглик принциплари декларациясида.²

Декларацияда бағрикенглик “дунёимизнинг бой ранг-баранг маданиятини, ўзини намоён қилиш ва инсон шахсиятининг намоён бўлиш шакллари хурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушуниш”, догматизмни рад этиш ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормаларини қабул қилиш”, деб таърифланади.³

Бундан ташқари, бағрикенглик бу ижтимоий норма, кўп миллатли, кўп конфессияли ва кўп маданиятли жамиятдаги низоларга ижтимоий муносабат субъектларининг барқарорлигини белгилайдиган ижтимоий институт ҳисобланади. Бағрикенгликнинг шаклланиши нуктаи назаридан жамиятларни икки даражага бўлиш мумкин: биринчи даража – анъанавий, мурасимсиз жамиятлар бўлиб, уларнинг ҳаёти “бегона”, “бошқа”га нисбатан мурасимсизлик тамойилига асосланади. Бу анъанавий жамиятлар бўлиб, уларда ижтимоий тузилмалар барқарорлигини таъминлаш учун (эътиқод тизимлари, ижтимоий, сиёсий ва бошқа гуруҳлар), ҳар қандай қарши фикрлар йўқ қилиниши керак. Иккинчи жамият даражаси, шахслар ғоялар, қадриятлар, турмуш тарзининг хилма-хиллиги тамойилига асосланган очиқ жамият ҳисобланади. Фақат шунга асосланган цивилизация асосан можаролар, урушлар ва инқилоблардан қочиши мумкин. Америкалик тадқиқотчи Д.Труман ёзганидек, “агар жамият инқилобдан, таназулдан, сақланиб қолса ва барқарорликни сақлаб турса ҳам, бу фақат очиқ жамият ва унинг мезони бағрикенглик билан боғлиқдир”.⁴

Очиқ жамиятнинг муҳим белгиларидан бири бу толерантлик, ўзгача фикрга нисбатан бағрикенглик ва шу қабиларга олиб келадиган фикрлар, мафқуралар плюрализмининг муқаррарлиги ва зарурлигини тан олишдир. Шу билан бирга, ижтимоий ва сиёсий можаролар йўқолиб кетмайди, лекин асосий эътибор барча иштирок этаётган томонларнинг манфаатларини ва позицияларини ҳисобга олган ҳолда уйғунлаштириш орқали уларни демократик тарзда ҳал қилиш тартибига қаратилади. Бунинг асосида эса бағрикенглик маданияти устуворлик қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгида шакланган ахлоқий бағрикенглик ғояларини миллий менталитетимиз билан уйғун ривожланиб боришини таъминлашимиз, оммавий ахборот воситалари ёки бошқа ижтимоий тармоқлар орқали ёшларнинг онгига синдиришга қаратилган интолерант ғояларнинг олидни олишимиз даркор. Бунда, аввало, ёш улуг кишиларимиз ўзларининг тажриба ва билимларига таяниши, ҳар бир йигит-қизнинг ахлоқий тафаккур доирасини миллий ўзлик туйғуси билан бойитиши лозим.

Тошпулатов Одил Нодирович (Самарқанд Давлат Чет тиллар институти тадқиқотчиси) ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. *Ўзбекистонда глобаллашув жараёнлари халқимизнинг маданий мероси, ижтимоий тузуми ва мафқуравий қарашларини ўзида ифодалайди. Бу жараёнда ёш авлодни юксак миллий ғоя асосида тарбиялаш, уларнинг ҳар томонлама етук шахс бўлиб етишишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги глобаллашув шароитида ёшларнинг мафқуравий ва сиёсий фаоллигини юксалтириш долзарб масалалардан бири бўлиб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган маънавий-ахлоқий ҳамда маърифий тадбирлар моҳиятан глобаллашувнинг салбий жиҳатларининг олдини олишга қаратилган.*

Аннотация. *Процессы глобализации в Узбекистане отражают культурное наследие, общественный строй и мировоззренческие взгляды нашего народа. В этом процессе особое внимание уделяется вопросам воспитания подрастающего поколения на основе высоких национальных идей, обеспечивающих их развитие в полноценные зрелые личности. В условиях современной глобализации одним из наиболее актуальных вопросов является повышение идейно-политической ак-*

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., “Ўзбекистон”, 2018, 9-бет.

² Bag'rikenglik tamoyillari deklaratsiyasi 3-moddasining 1-bandini.

³ Шу манбада.

⁴ Truman D.V. The Governmental Process. Political Interests and Public Opinion. N.Y., 1971, p. 14.

тивности молодежи, а проводимая в Узбекистане духовно-нравственная и просветительская деятельность направлена на предотвращение негативных сторон глобализации.

Annotation. *The processes of globalization in Uzbekistan reflect the cultural heritage, social system and ideological views of our people. In this process, special attention is paid to the issues of educating the younger generation on the basis of high national ideas, ensuring their development into full-fledged mature individuals. In today's globalization, one of the most pressing issues is to increase the ideological and political activity of young people, and the spiritual, moral and educational activities carried out in Uzbekistan are aimed at preventing the negative aspects of globalization.*

Калим сўзлар: глобаллашув, муҳит, маънавий, табиий-ижтимоий, иқтисодий, полигон, урф-одат, анъана, қадрият, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, диний-мафқуравий, саховат, сабр-қаноат, миллат.

Ключевые слова: глобализация, окружающая среда, духовная, природно-социальная, экономическая, свалка, традиция, традиция, ценность, общественно-политическая, духовно-просветительская, религиозно-идеологическая, щедрость, терпение, нация.

Key words: globalization, environment, spiritual, natural-social, economic, landfill, tradition, tradition, value, socio-political, spiritual-enlightenment, religious-ideological, generosity, patience, nation.

Ўзбекистонда ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи долзарб ижтимоий-фаслафий жараён бўлиб, янгича ижтимоий муҳит, маънавий дунёқараш, ахлоқий қадриятларни ўзлаштиришга барча имкониятлар яратилган. Бу жараён бевосита жамиятда содир бўладиган объектив ва субъектив омилларнинг ўзаро алоқаси, нисбати ва диалектик бирлигидан ташкил топади. Чунки жамиятда ёшлар табиий-ижтимоий борлиқдаги қадриятларни кўриши ёки эшитиши натижасида янгиликка интилади, жамиятнинг ички кечинмаларидан роҳатланади. Натижада ҳаётнинг долзарб масалалари, сир-синоатларини ўрганишга интилаётган ёшларнинг маънавий олами кенгайиб бориши эвазига жамиятнинг соғлом ижтимоий муҳити ҳам янгиланиб, замонавий ғоялар билан бойиб боради.

Ахборот асри, электроника асри деб аталган XX асрнинг ниҳоясида – бугунги давримизда бу таъсирлардан холи бўлиш деярли имконсиздир. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугунги замонда мафқура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Энг қизиғи, шу билан бирга, кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафқуравий тазйиқ, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин.

Глобаллашувга қарши, айниқса унинг миллий урф-одат, анъана, қадрият ва ахлоқнинг емирилишига қаратилган таъсирга қарши курашмоқ, керак бўлса, унга қалқон бўла оладиган омилни шакллантириш бугун миллий тарбиямиз олдида турган энг долзарб вазифалардан бирини ташкил қилади. Глобаллашувнинг миллий ўзига хосликни емирилишига ўтказаетган таъсирини қирқишнинг асосий ва маърифий омили – бу миллий-маънавий иммунитетни шакллантиришни ташкил қилади.¹

Мана шундай бир вазиятда ёшлар ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, турли хил мафқураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош бериши амримаҳол. Буни кундалик ҳаётда учраб турадиган кўплаб воқеалар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Маълумки, XXI аср глобаллашув даври сифатида фан-техниканинг барча соҳалари: ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва диний-мафқуравий жараёнларда ўз аксини топмоқда. Мазкур ижтимоий ҳодиса инсоният тараққиётини юксак босқичга кўтариш билан бирга, унинг муқаррар вазиятларга тушиб қолишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин.

Миллат асоси ва таянчи бўлган ёшларнинг маънавий қашшоқлашуви эса истиқболда миллатнинг “йўқ” бўлишига замин ҳозирлайди. Бу бутун инсониятнинг маънавий фожиаси ҳисобланади. Ҳар қандай инсон ўзлигини англаши унинг ўз миллати вакили эканлигини билиши, ундан ғурур-

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т., “Ўзбекистон”, 2017, 201-бет.

ланиши, унга дахлдорлигини ҳис этиб яшаши билан эътироф этилади. Бундай фазилатлардан маҳрум бўлган инсон том маънодаги инсон даражасига етиша олмайди. У моддий жиҳатдан баркамол бўлиши мумкин, аммо у ўзлигини тушуниб етмаган маънавий қашшоқ инсон даражасида қолиб кетади. Бунинг оқибатида ҳаётдан завқланиш, унинг гўзаллигидан баҳра олиш каби умуминсониятга хос бўлган туйғулардан маҳрум бўлган манкуртга айланади. Айниқса, глобаллашув жараёни салбий оқибатларининг энг хавфли жиҳати – бу унинг мафкуравий таъсир ўтказиш қуроли бўлиб хизмат қилишидир. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Глобаллашув даврида таълим-тарбия жараёни замон кўяётган талабларга жавоб бериши, ундан орқада қолмаслиги муҳим аҳамиятга эга”.¹

Бугунги глобаллашув жараёнида мафкуравий таъсир ўтказиш қуроли сифатида қандай жараёнлар кўпроқ учрамоқда ва бу жараёнлар миллатимизнинг ижтимоий ҳаётига қандай салбий таъсирлар ўтказмоқда? деган савол остида мулоҳаза юритиш ҳар бир шахсни фикрлашга ундаши зарур. Шу сабаб, ёшларда глобаллашувнинг салбий таъсирига нисбатан иммунитетни шакллантириш бугунги куннинг долзарб масаласига айланмоқда. Бунинг учун кўпроқ улар онгида таҳлилий ёндашувни шакллантириш зарур.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустақкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга интилишга эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Айнан таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саҳоватли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди”.²

Ана шундай глобаллашув шароитида, ҳуқуқий демократик фуқаролик жамияти қураётган даврда ҳақиқий жамият соғлом турмуш тарзи ва ҳуқуқий маданиятга зид бўлган, ғоявий - бадий тазйиқ ўтказишга ҳаракат қилаётган, ниқобланган “оммавий маданият”дан огоҳ бўлиши керак. Мафкуравий тазйиқ этишга мўлжалланган ғоялар негизида миллат, Ватан туйғуси, тарихий жараён, аждодлар мероси ва ўғитига ихлосмандликни йўқотиш, яшашдан мақсад бир лаҳзалик гўзал ва ахлоқсиз ҳаётни шакллантириб, жамият маънавий маданиятини ўзгартиришга қаратилган дунёқараш мавжудлигидан огоҳ бўлишимиз лозим.

Глобаллашув асосида мамлакат ёхуд миллатнинг истиқболи бунёдкорликка асосланган ғоялар негизида шаклландиган маънавий маданиятдан баҳраманд бўлмас экан, бундай манзара жамиятда ёшлар онги ва қалбидан жой олмагунича ўзининг ижтимоий-тарихий моҳияти ва аҳамияти билан ер қаъридаги олтин заҳиралар тарзида ётаверади. Жамиятнинг соғлом турмуш тарзи, идеаллар, назария ва тамойиллар негизида ёшларнинг муайян мақсадларини амалга оширар экан, жамиятдаги диалектик алоқадорликнинг ҳаётийлиги ва амалий аҳамиятини белгилайди. Шунинг учун ҳар бир ёш авлод ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги соғлом муҳит билан қуроллантириш, бунёдкорлик ишларига жалб қилиш лозим. Ёшларимизнинг миллий қадриятларга муносабатларини глобаллашув масалалари билан уйғунлаштирган ҳолда соф шарқона маънавий ҳаёт билан бойитиш, жаҳон цивилизациясининг илғор ютуқларидан ва халқимизнинг тарихий илдизлари, ақлий бойликларини энг яхши намуналаридан фойдаланиш янги авлодни тарбиялаш учун кенг имкониятларни очди.

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашув жараёнида ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини миллий ғоя билан узвийлигини таъминлаш, амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳар бир жамият аъзоси учун унумли ва фойдали бўлишини таъминлаш, шунингдек, миллийлик билан умуминсонийликни уйғунлаштирган ҳолда замонавий ютуқлардан баҳраманд бўлиб боришни абадийлигини амалга ошириш вазифаси Ўзбекистон халқини ягона байроқ остидаги эзгу мақсадлари сари даъват этувчи куч эканлигидир.

¹ Маърифат гулшани: Диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалар бўйича маслаҳатчилар учун услубий қўлланма. Муаллифлар жамоаси. Тошкент Ислом университети нашриёт-магбаа бирлашмаси, 2014, 71-бет.

² Садулло Отамуратов. Глобаллашув: миллатни асраш маъсулияти. Т., “Ўзбекистон”. 2018, 27–28-бетлар.

Асадов Рустам Муминович (PhD, доцент), Набиев Алишер Исомиддинович
(Самарқанд Давлат Чет тиллар институти)
УЧ ВАЛЕНТЛИ КОМПОНЕНТЛАРНИНГ СИНТАКСЕМ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. *Мазкур мақолада структурал ва функционал синтаксис талабларидан келиб чиқиб, профессор А.М.Мухин ва унинг шогирдлари томонидан ишлаб чиқилган синтактик алоқалар хусусидаги илмий-назарий қарашлардан унумли фойдаланилди. Мақолада келтирилган мисолларнинг синтактик таҳлили жараёнида гап таркибида иштирок этган тил бирликларининг дифференциал синтактик, синтактик-семантик белгиларини ва муайян синтактик алоқалар асосида бошқа синтаксемалар билан бириктириш имкониятларини аниқлашга эътибор қаратилди. Гап қурилмасида валентлик фақат феълга хос ҳодиса бўлмасдан, балки ҳар қандай синтактик бирлик гапда бир синтактик алоқа асосида иштирок этса, бир валентли компонент, икки синтактик алоқа асосида икки валентли, уч синтактик алоқа асосида уч валентли компонент эканлиги ҳақидаги фикрлар ёритилган. Шунингдек, ноядровий аппозитив предикатив I ва ноядровий аппозитив тобе компонентлар ўрнида келган уч валентли синтактик бирликлар қатнашган гаплар синтаксем таҳлил қилинди. Таҳлил натижасида категориал белгилардан субстанциаллик ва квалификативлик доирасида нокатегориал белгилардан предикатив алоқа асосида идентификацияловчи, стативлик юклатилган идентификацияланувчи синтаксемалар, субординатив алоқа базасида объект, агентив, атрибуцион синтаксемалар ифодаланиши аниқланди.*

Аннотация. *В данной статье, исходя из требований структурного и функционального синтаксиса, были эффективно использованы научно-теоретические взгляды на синтаксические отношения, разработанные профессором А.М.Мухиным и его учениками. В процессе синтаксического анализа примеров, представленных в статье, внимание было уделено выявлению дифференциальных синтаксических, синтаксико-семантических особенностей языковых единиц, участвующих в предложении, и их способности сочетаться с другими синтаксисами на основе специфических синтаксических связей. В речевом аппарате валентность – это не только специфичное для глагола явление, но и идея о том, что если какая-либо синтаксическая единица участвует в предложении на основе одной синтаксической связи – валентный компонент, на основе двух синтаксических связей – двухвалентный, на основе трех синтаксических связей – трехвалентный компонент. Синтаксис также был проанализирован для предложений, включающих трехвалентные синтаксические единицы, которые заменили неядерный аппозитивный предикативный I и неядерный аппозитивный подчинительный компоненты. В результате анализа было установлено, что в рамках субстанциальности и квалификации категориальных признаков некатегориальные признаки идентифицируются на основе предикативной коммуникации, статистически нагруженные идентифицируемые синтаксисы, объект и агент, атрибутивные синтаксисы на основе субординативной коммуникации.*

Annotation. *In this article, based on the requirements of structural and functional syntax, the scientific-theoretical views on syntactic relations developed by Professor A.M. Mukhin and his students were effectively used. In the process of syntactic analysis of the examples presented in the article, attention was paid to the identification of differential syntactic, syntactic-semantic features of language units involved in the sentence and their ability to combine with other syntaxes on the basis of specific syntactic connections. In the speech device, valence is not only a verb-specific phenomenon, but also the idea that if any syntactic unit participates in a sentence on the basis of one syntactic connection – a valence component, on the basis of two syntactic connections – two-valent, on the basis of three syntactic connections – a trivalent component. The syntax was also analyzed for sentences involving trivalent syntactic units that replaced the non-nuclear appositive predicative I and non-nuclear appositive subordinate components. As a result of the analysis, it was found that in the framework of substantiality and qualification of categorical signs, non-categorical signs are identified on the basis of predicative communication, statistically loaded identifiable syntaxes, object, and agent, attribute syntaxes on the basis of subordinative communication.*

Калим сўзлар: валентлик, имплицит, эксплицит, ноядровий аппозитив предикатив, аппозитив алоқа, уч валентли синтактик бирлик, процессуал акционал модал негатив, объект ап-позитив, объект идентификацияловчи.

Ключевые слова: валентность, имплицитный, эксплицитный, неядерный аппозитивный предикат, аппозитивная связь, трехвалентная синтаксическая единица, модальное отрицание процедурного действия, аппозитивный объект, идентификатор объекта.

Key words: valence, implicit, explicit, non-nuclear appositive predicate, appositive connection, trivalent syntactic unit, procedural action modal negative, object appositive, object identifier.

Жаҳон лингвистика фанидаги тадқиқотларда анъанавий синтаксиснинг баҳсли масалаларини тизимли ўрганиш, валентлик назариясининг моҳиятини ёритишдаги семантик, лексик ва стилистик ёндашувларни бир-биридан фарқлаш, шунингдек, инглиз тили содда гап қурилмасида синтактик бирликларнинг валентлигини аниқлаш тамойиллари каби муаммоларни ҳал этиш масаласида кенг қўламли тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, валентлик назариясининг турли масалаларига бағишланган кўпчилик тадқиқотларда муаммо феълнинг лексик-семантик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этилган. Ушбу масалани тилдаги синтактик ва семантик сатҳ нуқтаи назаридан атрофлича ёритиш эҳтиёжи бу хусусда янгича ёндашувлар асосида тадқиқотлар олиб бориш заруратини ҳамда мавзунинг долзарблигини белгилаб беради. Тилшуносликда синтактик таҳлил бўйича кўплаб ишлар амалга оширилган бўлса-да, масалага ёндашувлар нуқтаи назаридан бизнинг мазкур мақоламиздаги фикрлар мавжуд тадқиқотлардан фарқ қилади. Ушбу тадқиқотда гап қурилмасида синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик, синтактик-семантик белгиларини ва муайян синтактик алоқалар асосида бошқа синтаксемалар билан бирикиш имкониятларини аниқлашга эътибор қаратилган. Синтактик таҳлилдаги анъанавий гап бўлақларига ажратиб таҳлил қилиш ўзини тўлиқ оқламаётганлиги сабабли мазкур тадқиқотда синтактик таҳлилнинг янгича усулларидан, яъни компонентларга ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш методидан фойдаланилди. Компонентларга ажратиб таҳлил қилишда поливалентли элементлар гапларнинг ташқи қурилмасини ташкил қилади. Синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилишда эса улар гапларнинг ички қурилмасини қамраб олади.

Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади синтактик сатҳда валентлик назариясига аниқлик кiritиб, инглиз тили содда гап таркибидаги поливалентли компонентларни синтактик алоқалар базасида юнкцион моделлар ёрдамида аниқлаш, компонентларга ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилишдан иборат.

Мазкур мақолада қуйидаги вазифалар амалга оширилган:

◆инглиз тили содда гап қурилмасида ноядровий аппозитив предикатив 1 ва ноядровий аппозитив тобе синтактик ўринларда келган уч валентли компонентларни синтаксем таҳлил қилиш;

◆уч валентли синтактик бирликлар ифодалаган синтаксемаларнинг аниқланган синтактик алоқалар асосида бошқа синтаксемалар билан бирикиш имкониятларини ва уларнинг вариантларини очиқ бериш.

Уч валентли компонентларни синтаксем таҳлил этишда қуйидаги методлардан фойдаланилди:

◆трансформация методлари;

◆дистрибутив;

◆компонент ва синтаксем таҳлил қилиш.

Валентлик термини латин тилидан олинган бўлиб, *valeo, lui, litum, ere* – соғлом, маъноли, ҳақиқий, кучга эга бўлиш¹ маъноларини англатади. Хусусан, тилшуносликда бу терминнинг бирика олиш кучи назарда тутилган. Тилшунослик тарихида биринчи марта 1948 йил С.Д.Кацнельсон томонидан валентлик назарияси термини ишлатилиб, қуйидагича таъриф берилди: «Сўзнинг гап қурилмасида иштирок этиш жараёнида бошқа сўзлар билан маълум комбинация асосида бири-кishi валентлик деб аталади».²

В.В.Бурлакова «...икки валентлилик, яъни сўзларнинг морфемалар асосида бирикиш усуллари ҳақида фикр юритади»,³ Т.И.Котина эса ўтимли феъллар асосида икки валентлиликни аниқлайди¹.

¹ Нисенбаум М.Е. Латинский язык. Издание второе, переработанное и дополненное. М., «Проспект», 2000, с. 595.

² Кацнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначение. Москва – Ленинград, «Наука», 1965, с. 100.

³ Бурлакова В.В. Основы структуры словосочетания в современном английском языке. Ленинград, ЛГУ, 1975, с. 216.

«Валентлик деб элементларнинг ички хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг бир сатҳда бир-бири билан бирикиш имкониятларига кўра синтактик ҳолатига айтилади», деб ёзади И.Б.Долинина.² Олима одатда валентлик ҳақида гапирганда таксономик элементлар, яъни сўз туркумлаир валентлиги борасида сўз юритади.

Қайд этиш жоизки, кейинги йилларда гап қурилмасини тадқиқ этишда феъл тилшуносларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Бунинг асоси феъл гапнинг «маркази», дея илгари сурилган қарашнинг натижаси ҳисобланади. Шунга асосан, феъл валентлиги барча тилларда тараққий этди. Лекин Н.Л.Сомерснинг таъкидлашича, «...валентликка фақат феъл доирасида ёндашиш, у бошқарадиган тўлдирувчилар сони билан чекланади, бу эса валентлик назариясини тўлиқ асослай олмайди».³ Бундан ташқари, А.М.Мухин: «Феълни ҳар доим гапнинг структур маркази деб қараш айрим ноаниқликларга олиб келади: биринчидан, феълнинг шахсли ва шахссиз шакллари синтактик бирлик ҳисобланавермайди, улар гап қурилмасида ички синтактик алоқалар ёрдамида иштирок этсагина синтактик бирлик бўла олади. Бу фикр от ва сифатга ҳам тааллуқли; иккинчидан, инглиз ёки рус тилларида феълсиз гаплар ҳам мавжудки, феъл гапнинг маркази деган ёндашув нуктаи назаридан бундай гапларда валентликнинг ечимини топиш, асло, мумкин эмас; учинчидан, гап қурилмасида валентлик тавсифидан ташқари, феълларнинг лексик бирикиш хусусиятлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг луғатларда берилган маъносини ҳисобга олмасдан валентлик ҳақида гапириш қийин», деб таъкидлайди.⁴

А.М.Мухин «Валентлик ва феълларнинг бирикиш хусусиятлари» («Валентность и сочетаемость глаголов») сарлавҳали (1987) мақоласида феълли сўз бирикмалари таркибида феълларнинг бирламчи ўтимли ёки иккиламчи ўтимлилиги асосида ҳамда тилнинг лексик сатҳида бошқарув алоқаси ёрдамида валентликни аниқлаш усулларини таъкидлаш билан бирга тилнинг лексик сатҳи билан синтактик сатҳини фарқлаш ва уларнинг ўзаро алоқаларини билиш мумкинлигини айтади.

Л.Теньер феълнинг валентлик назариясини ишлаб чиқди ва валентлик «...сўзларнинг ўзаро бирикиш моҳияти» деган тушунчани баён қилди.⁵ Олим валентликни аниқлашда «вербоцентризм» концепциясидан келиб чиқиб феълларни асосан тўрт гуруҳга бўлган:

- 1) нолга тенг валентли феъллар: *to drizzle, to rain, to snow, to freeze*;
- 2) бир валентли феъллар – ўтимсиз: *to doze, to travel, to bark, to blink, to cough, to faint*;
- 3) икки валентли феъллар – ўтимли: *to answer, to attack, to begin, to grow, to keep, to love*;
- 4) уч валентли феъллар: *to say, to tell, to give, to present*.

Бу каби тадқиқотларда асосан иштирокчилар иерархиясига таянилган: эга – биринчи иштирокчи, воситасиз тўлдирувчи – иккинчи иштирокчи, воситали тўлдирувчи – учинчи иштирокчилар ҳисобидан валентлик сони аниқланган, ҳол эса назардан четда қолган.⁶ Синтактик сатҳда валентлик назарияси тилшунослар томонидан турлича талқин этилганлигининг гувоҳи бўлдиқ.

Гапни компонентлар ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш жараёнининг синтактик сатҳ миқёсидаги таҳлилини А.М.Мухин, Ў.У.Усмонов, З.Ж.Мухторов, Д.Т.Кубейсинова, М.Р.Жоллыбекова, М.М.Облоқулова, Р.М.Асадовларнинг илмий тадқиқотларига таянган ҳолда амалга ошириб, синтактик валентликни қуйидагича аниқладик: бунда содда гап таркибида феълнинг қандай шакли бўлишидан қатъи назар бир синтактик алоқа асосида иштирок этган синтактик бирлик (бунда сўз туркумининг аҳамияти йўқ) – бир валентли компонент, икки синтактик алоқа асосида иштирок этган синтактик бирлик – икки валентли компонент, уч синтактик алоқа асосида иштирок этган синтактик бирлик – уч валентли компонент ҳисобланади.⁷

¹ Котина Т.И. Лексико-грамматическая характеристика двухвалентных глаголов спредложным управлением в современном немецком языке. Автореф. дисс. канд. филол. наук, Москва, 1991, с. 26.

² Долинина И.Б. Системный анализ предложений. Москва, «Высшая школа», 1977, с. 104.

³ Somers Н.Л. On the Validity of the Complement – adjunct distinction in Valency Grammar. *Linguistics*, 1984, V.22, № 4, p. 113 – 126.

⁴ Мухин А.М. Валентность и сочетаемость глаголов. «Вопросы языкознания», №6, Москва, 1987, с. 52 – 58.

⁵ Теньер Л. Основы структурного синтаксиса. Перевод с фран. Москва, «Наука», 2007, с. 670.

⁶ Johanna G. Ditransitives in British English Dialects. Walter de Gruyter, 2014, 152 p.

⁷ Асадов Р. (2016): Синтаксическая валентность на примере синтаксемного анализа трехвалентных элементов в позиции неядерного оппозитивного предидирующего компонента (NAP₂). In Вестник Челябинского государственного университета (9 (391), pp. 25–35. Available online at <https://cyberleninka.ru/article/n/sintaksicheskaya-valentnost-na-primere-sintaksemnogo-analiza-trehvalentnyh-elementov-v-pozitsii-neyadernogo-oppozitivnogo>.

Жаҳон тилшунослигида изоҳловчини синтактик тизимда ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотлар мавжуд бўлса-да, ханузгача синтаксисда изоҳловчининг ўрнини аниқлаш тамойиллари атрофлича ишлаб чиқилмаган. Аксарият олимлар изоҳловчининг ифодаланишига кўра от ва унинг эквивалентлари ёрдамида аниқловчи вазифасида келади, деб таъкидлашса, И.С.Камышев иккинчи даражали бўлақларга аниқлик киритиш мақсадида изоҳловчи нафақат от билан, балки сифат, равиш, сифатдошлар, феълнинг ноаниқ формаси ёрдамида ҳам ифодаланади, дейди¹. Бундан ташқари, изоҳловчи ҳақидаги қарашларда, аппозитив бирикмаларнинг гапдаги бошқа бўлақлар билан боғланиши, синтактик алоқаси тўғрисида ҳам бир тўхтамга келинган эмас. Айрим тилшунослар ушбу синтактик алоқани эргаштирувчи деб қараса, Э.А.Гуляева аниқловчи-предикатив,² Л.С.Бархударов аппозитив бирикмали компонентлар бириктирувчи³, Г.П.Цыганенко эса изоҳловчи ҳар иккала боғланишларни ўзида мужассамлаштиради,⁴ деб ҳисоблайди.

Анъанавий грамматикаларда аппозитив синтактик бирикларга изоҳловчи деб қаралиб, улар аниқловчининг бир тури сифатида тадқиқ этилган. Масалан, В.Н.Жигадло, И.П.Иванова, Л.Л. Иофик фикрларига кўра, «Изоҳловчи аниқловчининг бошқа турларидан фаркли ўлароқ аниқланмишнинг сифати ёки хусусиятини кўрсатмасдан, унга бошқа ном беради ва унинг мазмунига аниқлик киритади».⁵ Рус тилида изоҳловчи, асосан, от билан ифодалангани сабабли аниқловчидан фарқ қилади, деб таъкидланади.⁶ Мазкур олимлар изоҳловчи ҳақида турли фикрларни билдиришган бўлса-да, изоҳловчининг барча хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган, унинг синтактик мазмунини ифодаладиган аниқ бир таъриф мавжуд эмас.

Ж.Бўронов, Ў.Ҳошимов ва Х.Исматуллаевларнинг фикрича, «Изоҳловчи ҳам аниқловчининг бир тури бўлиб, унда шахс ва предмет қайта номланади. Изоҳловчи, асосан, от билан ифодаланиб амал, унвон, касб, машғулот, тахаллус, қариндошлик, шахснинг оти, географик номларни билдиради».⁷ Изоҳловчи мавзуси «Ўзбек тили грамматикаси»да «изоҳ гап ва изоҳ сўз бирикмалари фарқланиб, улар асосий гапдан англашилган мазмунга ёки унинг таркибидаги айрим бўлақларнинг маъносига оид қўшимча изоҳлар, қўшимча маълумотлар, айрим тузатишлар беради»⁸, деб таърифланади. А.Ғуломов ва М.Асқаровалар «...изоҳловчи ҳам аниқловчининг бир кўринишидир. Унда предмет бошқача ном олиш билан аниқланади, яъни шу предметнинг ўзи яна бошқача аталиб, бу билан у маълум характеристикага эга бўлади»,⁹ деган фикрни билдиришади.

Инглиз тили мутахассислари R.Quirk, S.Greenbaum, G.Leech, J.Svartvik изоҳловчига: «Изоҳловчи бир-бирига уйғунлашган грамматик хусусиятли бирикларни боғладиган тенг бирикишга ўхшайди. Бироқ, бундан ташқари, изоҳловчи бўлиш учун бирикларнинг ифодаси бир хил бўлиши керак ёки бирининг ифодаси (мазмуни) бошқасининг ифодасида мужассамланган бўлиши керак»,¹⁰ деб таъриф беришади. Рус тилшунослари Е.В.Кротевич, И.П.Распоповлар қуйидагича фикр билдиришади: «...изоҳловчини ўз таркибига олган бирикмалардаги ўзига хос алоқа тури ҳақида гапиришга асос бор».¹¹

Инглиз, рус ва ўзбек тилшуносларининг келтирган таърифларидан кўринадики, изоҳловчининг изоҳланмишга нисбатан синтактик семантикаси бўйича ҳеч қандай фикр билдирилмаган.

¹ Камышев И.С. К вопросу об уточняющих конструкциях в простом предложении. Уч. зеп. МГПИ им. Ленина, т. 216, Москва, 1964, с. 141 – 148.

² Гуляева Э.А. Обособленные аппозитивные конструкции в современном французском языке. Автореф. дисс. канд. филол. наук, Киев, 1978, 23 с.

³ Бархударов Л.С. Структура простого предложения современного английского языка. Москва, 2008, 200 с.

⁴ Цыганенко Г.П. Предложения в современном русском языке. Автореф. дисс. канд. филол. наук, Харьков, 1984, 24 с.

⁵ Жигадло В.А., Иванова И.В., Иофик Л.Л. Современный английский язык: теоретический курс грамматики. Москва, изд-во литер. на иностр. языках, 1956, 350 с.

⁶ Цыганенко Г.П. Предложения в современном русском языке. Автореф. дисс. канд. филол. наук, Харьков, 1984, 24 с.

⁷ Бўронов Ж., Ҳошимов Ў., Исматуллаев Х. English grammar. Инглиз тили грамматикаси. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1974, 352-бет.

⁸ Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. Тошкент, “Фан”, 1976, 560-бет.

⁹ Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1987, 256-бет.

¹⁰ Quirk R., Greenbaum S., Leech G., Svartvik J. A University Grammar of English. Moscow, “Vysšaya škola”, 1982, 391 p.

¹¹ Кротевич Е.В. Синтаксические отношения между членами словосочетания и членами предложения. В кн. Вопросы русского языкознания. Львов, 1986, с. 6 – 14.

Шунингдек, изоҳланувчининг гап қурилмасида қандай синтактик алоқа асосида иштирок этиши тўғрисида тилшунослар ягона хулосага келмаганликлари маълум бўлади. Ушбу баҳсалаб масаланинг ечимини топишда А.М.Мухиннинг эътиборга молик фикрлари мавжуд: «...изоҳловчи гап қурилмасида аппозитив бирикмалар билан нафақат бевосита синтактик алоқада бўлади, балки билвосита алоқа орқали учинчи бир элемент билан ҳам боғланади. Ана шу боғланиш усули аппозитив алоқа деб аталади ва унинг бошқа синтактик алоқалар каби гап таркибида ўз ўрни бор».¹ «Аппозитив алоқа гапнинг асосини ташкил қила олмайди. Чунки субординатив алоқадан фарқли равишда, бир элементни бошқаси билан боғлаб, у орқали учинчи компонент билан боғланади», деб таъкидлайди В.А.Северьянова.² Аммо қайд этиш жоизки, бу фикрда изоҳловчининг гап қурилмасида қандай синтактик ўринларда келиши, қандай синтактик алоқа асосида иштирок этиши ва унинг дифференциал синтактик-семантик белгиларини таҳлил этиш назардан четда қолган.

Мазкур соҳада тилшунослар фикрига эътибор берилса, изоҳловчили бирикмаларнинг ўзаро синтактик алоқаси хусусидаги турли хил қарашларга дуч келамиз. Айримлари улар орасидаги алоқани тобе боғланиш³, деб қараса, бошқалари эса изоҳловчини от-атрибут ҳисоблаб, атрибут предикатив алоқа,⁴ деб номлайди. Яна бир гуруҳ тилшунослар эса аппозитив бирикмаларнинг компонентлари ўзаро тенг боғланишга эга, деган қарашларини илгари суради.

Бироқ юқорида қайд этилган тадқиқотларнинг баъзиларида изоҳловчининг эксплицит тарзда бевосита боғланиши ҳақида гапирилса-да, имплицит тарзда – билвосита боғланиши хусусида ҳеч қандай фикр билдирилмайди. Бу ҳол изоҳловчининг гап қурилмасидаги роли фақат бир томонлама талқин қилинганидан далолат беради. Изоҳловчининг гап таркибида тутган синтактик ўрни, унинг синтактик бирликлар билан бевосита ва билвосита алоқалари, уларнинг синтагматик ҳамда парадигматик муносабатлари етарлича ўрганилмаса, унинг гапдаги ўрни атрофлича тадқиқ қилинмасдан қолаверишини таъкидлайди Р.Асадов.⁵

Синтаксем таҳлил. Мазкур мақолада гап қурилмасида ноядровий аппозитив предикатив 1 ($\check{N}AP_1$) ва ноядровий аппозитив тобе ($\check{N}AD$) ўринларда келган изоҳловчи вазифасидаги уч валентли синтактик бирликларни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш назарда тутилган. Содда қилиб айтганда, $\check{N}AP_1$ ўрнида келган уч валентли элемент гапнинг эгасига нисбатан, $\check{N}AD$ эса гапнинг тўлдирувчисига нисбатан изоҳловчи вазифасида келиши текширилган.

Изоҳловчи гап қурилмасида ноядровий аппозитив предикатив 1 компонентлари ўрнида келганда таянч компонентга бевосита аппозитив алоқа асосида боғланиб, гап таркибида иккинчи синтактик алоқа, яъни билвосита икки марта предикатив алоқа асосида иштирок этади. Шу туфайли у уч валентли синтактик бирлик саналади. Маълумки, аппозитив алоқа бир компонентни бошқа компонент билан боғлаб, шу орқали учинчи синтактик бирлик билан билвосита алоқага киришади. Шу боис В.А.Северьянованинг фикрига кўра, бир томондан ўша компонентнинг дифференциал синтактик белгиси аппозитивликни англатса, иккинчи томондан, яъни билвосита боғланиш натижасида ядро предикатив 1, ядро предикатив 2, ноядровий тобе компонентлардан бирини ифодалайди.⁶ Ноябрьровий аппозитив предикатив 1 ($\check{N}AP_1$) компоненти ўрнида келган синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик-семантик белгиларини аниқлашда трансформация методининг турли усулларида фойдаланиб куйидаги содда гапларни таҳлил қилиш мумкин:

1. *You wouldn't agree, Miss Ladram (RGH, 374).*
2. *A short, heavenly-built, florid-faced boding man, Arbithnot took the opportunity (GST, 8).*
3. *You don't shoot him, Candy (SM, 44).*
4. *The woman was in the corner of his vision field, Leonora Covan (GSTU, 42).*
5. *George – you asleep? (SM, 16)*

¹ Мухин А.М. Аппозитивная связь в структуре предложений. Исследования по славянской филологии (посв. пам. акад. В.В.Виноградова). Москва, МГУ, 1974, с. 240 – 246.

² Северьянова В.А. Синтаксемы в позиции приложения в современном английском языке. В сб.: Проблемы лексической и грамматической семантики английского и французского языков. Тула, 1976, с. 105 – 113.

³ Фёдоров А.К. Трудные вопросы синтаксиса. Москва, “Просвещение”, 1972, 239 с.

⁴ Распопов И.П. Строение простого предложения в современном русском языке. Москва, 1978, 164 с.

⁵ Asadov R.M., Syntaxemes expressed by bivalence components in the position of homogeneous nuclear predicated elements in the structure of sentences. Neue methodische Ansätze im DaF-Unterricht. Mainz, 2014, Band 2, p. 109 – 123.

⁶ Северьянова В.А. Аппозитивные элементы в структуре предложения современного английского языка. В кн.: Вопросы строя индоевропейских языков, ч. 1, Москва, 1975, с. 290 – 300.

6. *The woman was Beatrix Abberley's niece, Charlotte Ladram* (RGH, 46).

Берилган мисолларда ядро предикатив 1 компоненти ўрнида келган *you* (1, 3, 5), *man* (2), *the woman* (4, 6) синтактик бирликларга *Miss Ladram* (1), *Arbithnot* (2), *Candy* (3), *Leonora Covan* (4), *George* (5), *Charlotte Ladram* (6), синтактик бирликлар бевосита аппозитив алоқа асосида боғланган. Лекин гапда изоҳловчи ўрнида келган синтактик бирликлар ядро предикатив 2 (NP₂) ўрнида келган *wouldn't agree* (1), *took* (2), *don't shoot* (3), *was* (4), *asleep* (5), *was ...niece* (6) компонентлари билан ядро предикатив алоқа асосида билвосита боғланишини трансформация методининг ўрин алмаштириш усули орқали кўрсатиш мумкин.

Бу гаплар синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилинганда *Miss Ladram* (1), *Arbithnot* (2), *Candy* (3), *Leonora Covan* (4), *George* (5), *Charlotte Ladram* (6) компонентлари аппозитив алоқа асосида субстанциал идентификацияловчи синтаксемани ифодалаши аён бўлади. Бунинг исботи қуйидаги трансформация усули орқали тасдиқланади:

(1) *You wouldn't agree, Miss Ladram* → *You are Miss Ladram*: Id₁. Id₂;

(2) *A ... man, Arbithnot took the opportunity* → *a man is Arbithnot*: Id₁. Id₂;

(3) *You don't shoot, Candy* → *You are Candy*: Id₁. Id₂;

(4) *The woman was in the corner of his vision field, Leonora Covan* → *The woman was Leonora Covan*: Id₁. Id₂;

(5) *George – you asleep* → *You are George*: Id₁. Id₂;

(6) *The woman was Beatrix Abberley's niece, Charlotte Ladram* → *The woman was Charlotte Ladram*: Id₁. Id₂;

Ноядровий аппозитив предикатив 1 ўрнида келган уч валентли синтактик бирликлар билвосита ядро предикатив алоқа асосида синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилинганда биринчи, иккинчи ва учинчи гапларда қатнашган компонентлар субстанциал идентификацияловчи синтаксемага қўшимча агентивликни ифодалаши маълум бўлади. Чунки ушбу синтаксема (SbId₂Ag) ядро предикатив алоқа асосида процессуал акционал модал негатив (PrAcMdNg) – *wouldn't agree*, процессуал акционал (PrAc) – *took*, процессуал акционал негатив (PrAcNg) – *don't shoot* синтаксемалар билан бирикиб келган.

Бу гаплар трансформация методининг алмаштириш усулига мос келади:

(1) *You wouldn't agree, Miss Ladram* → *Miss Ladram wouldn't agree* – SbAc.PrAcMdNg;

(2) *A man, Arbithnot took the opportunity* → *Arbithnot took the opportunity* – SbAg.PrAc.SbOb;

(3) *You don't shoot him, Candy* → *Candy doesn't shoot him* – SbAg.PrAcNg.SbOb.

Навбатдаги гапда *Leonora Covan* субстанциал идентификацияловчи синтаксема қўшимча экзистенциалликни ифодалайди (SbId₂Ex). Ушбу синтаксема ядро предикатив алоқа асосида процессуал экзистенциал синтаксема *was* билан боғланади ва алмаштириш усулига мос келади:

(4) *The woman was in the corner of his vision field, Leonora Covan* → *Leonora Covan was in the corner of his vision field* – SbEx.PrEx.SbLc.SbPs.SbQlt.SbPsLc;

Бешинчи гапда *George* стивлик юклатилган субстанциал идентификацияловчи синтаксемани (SbId₂St) ифодалайди. Дифференциал синтактик-семантик белгилардан стивликни исботлаш мақсадида алмаштириш ҳамда *in the state of* бирикмаларни қўшимча қилиш методларидан фойдаланамиз:

(5) *George – you asleep* → *George is asleep* → *George is in the state of sleeping* – SbSt. QlfSt.

Охирги гаптаги *Charlotte Ladram* аппозитив алоқа асосида субстанциал идентификацияловчи синтаксемани (SbId₂), билвосита ядро предикатив алоқа воситасида идентификацияловчи ва идентификацияланувчи синтаксемаларни ифодалайди (SbId₂Id₁). Чунки *Charlotte Ladram* субстанциал идентификацияланувчи синтаксема *the woman* билан аппозитив алоқа асосида, идентификацияловчи *niece* ифодалаган синтаксема билан ядро предикатив алоқа асосида боғланади. Бундай боғланишларни таснифлашда трансформация методининг ўрин алмаштириш ва тиклаш усуллари қўл келади:

(6) *The woman was Beatrix Abberley's niece, Charlotte Ladram* → *The woman was Charlotte Ladram* – SbId₁.SbId₂ ёки *The woman was Beatrix Abberley's niece, Charlotte Ladram* → *Charlotte Ladram was Beatrix Abberley's niece* – SbId₁.SbPs.SbId₂.

Юқорида таҳлил қилинган мисоллардан ноядровий аппозитив предикатив 1 ўрнида келган уч валентли синтактик бирликлар билвосита биринчи марта ядро предикатив алоқа билан боғланиши ва ядро предикатив 2 компоненти ўрнида келган *was Miss Ladram* (1), *is Arbithnot* (2), *are Candy* (3), *was Leonora Covan* (4), *are George* (5), *was Charlotte Ladram* (6) синтактик бирликлар суб-

танциал идентификацияловчи синтаксемани англатиши маълум бўлади. Трансформация методи ёрдамида ушбу синтактик бирликлар ядро предикатив 1 компоненти ўрнига ўтказилганда, *Miss Ladram (1), Candy (3)* субстанциал агентив синтаксемани, *Coven (4)* субстанциал экзистанциал, *George (5)* стативлик юклатилган субстанциал, *Charlotte Ladram (6)* эса субстанциал идентификацияловчи синтаксемаларни англатади. Шунингдек, изоҳловчи ноядровий тобе компонентни аниқлаб, эксплицит тарзда объект синтаксемани ҳам ифодалаб келиши мумкин.

Куйидаги гаплар синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилинганда уч валентли ноядровий аппозитив тобе (ÑAD) компонентлар категориал белгилардан субстанциаллик базасида ядро предикатив алоқа асосида нокатегориал белгилардан идентификацияловчи синтаксемани, субординатив алоқа асосида объект, агентив, атрибуцион синтаксемаларни ифодалаши аён бўлади:

1. *They lifted down Zila, his wife (GSTU, 181).*

2. *He had left a young widow, Mary (RGH, 12).*

Ушбу иккала содда гапда уч валентли ноядровий аппозитив тобе компонентлар *his wife (1)* синтактик бирлик *Zila* билан, *Mary (2)* эса *a young widow* билан бевосита аппозитив алоқа асосида боғлангани туфайли улар субстанциал идентификацияловчи синтаксемаларни ифодалайди. Бу ифодани трансформация методининг куйидаги усули орқали тасвирлаш мумкин:

(1) *They lifted down Zila, his wife* → 1a) *Zila is his wife*: SbId₁ . SbPs . SbId₂;

(2) *He had left a young widow, Mary* → 2a) *A young widow is Mary*: QlfQlt . SbId₁ . SbId₂.

Ушбу уч валентли синтактик бирликлар ядро предикатив 2 ўрнида келган *lifted down (1)* ва *had left (2)* компонентлар билан имплицит тарзда субординатив алоқа асосида боғланиб, объект синтаксемани намоён қилади. Бу синтаксеманинг ифодаланишини тушириб қолдириш ва трансформация пассивизация усуллари орқали кўрсатиш мумкин:

(1) *They lifted down Zila, his wife* → *they lifted down ... his wife* → 1b) *his wife was lifted down by them*: SbOb . PrAc . SbAg;

(2) *He had left a young widow, Mary* → *he had left ... Mary* → 2b) *Mary had been left by him*: SbOb . PrAc . SbAg.

Трансформация пассивизациядан кўринадики, ноядровий аппозитив тобе компонент ядро предикатив 1 компоненти ўрнида келиб, ядро предикатив алоқа асосида билвосита иштирок этиши *his wife (1), Mary (2)* элементларининг уч валентли синтактик бирликлар эканлигидан далолат беради. Демак, ноядровий аппозитив тобе уч валентли компонентлар *his wife* ва *Mary* субстанциал идентификацияловчи объект синтаксемани ифодалайди.

Куйидаги модел воситасида биз гапларнинг бир йўла уч хусусиятини, яъни морфологик ифодаланишини, компонент ва синтаксем таркибини очиб бериш имкониятига эга бўламиз.

1) *They lifted down Zila, his wife.*

1.1	1.2	1.3	1.4	1.5
<i>They</i> → NP ₁ → Pnp → SbAg	<i>lifted down</i> → NP ₂ → Vf → PrAc	<i>Zila,</i> → ÑD → S → SbOb	<i>his</i> → ÑD → Pnps → SbPs	<i>wife</i> → ÑAD → S → SbOb

Трансформация натижасида эришилган гапларни ҳам шу моделга соламиз.

1a) *Zila is his wife*

1a.1	1a.2	1a.3
<i>Zila</i> → NP ₁ → S → SbId ₁	<i>his</i> → ÑD → Pnps → SbPs	<i>is...wife</i> → NP ₂ → S → SbId ₂

1b) *his wife was lifted down by them*

1b.1	1b.2	1b.3	1b.4
<i>His</i> → ÑD → Pnps → SbPs	<i>wife</i> → NP ₁ → S → SbOb	<i>was lifted down</i> → NP ₂ → Vpas → PrAc	<i>by them</i> → ÑD → prPob → SbAg

Мазкур моделларни ўзаро қиёслаб эканмиз, *wife* синтактик бирлик уч хил вазифада келиб, *Zila* компонентига изоҳ бермоқда. Бироқ куйидаги ҳодисага эътиборимизни қаратишимиз керакки, *wife* синтактик бирлик ноядровий аппозитив тобе (ÑAD) вазифада келганда субстанциал объект (SbOb) синтаксемани ифодалайди, биз уни, анъанавий грамматик термин билан атаганда, эга – ядро предикатив 1 (NP₁) вазифасига ўтказганимизда ҳам худди шу синтаксемани (SbOb) англатади.

Демак, объект синтаксеманинг валентлиги имплицит тарзда ифодаланганда ҳам унинг ўрни ал-машса-да, семантикаси ўзгаришсиз қолади.

Юқорида таҳлил қилинган мисоллардан ноядровий аппозитив предикатив 1 ўрнида келган уч валентли синтактик бирликлар билвосита биринчи марта ядро предикатив алоқа билан боғланиши ва ядро предикатив 2 компоненти ўрнида келган синтактик бирликлар субстанциал идентификацияловчи синтаксемани англатиши маълум бўлади. Ноябрьдровий аппозитив тобе компонентлар гап қурилмасида турли хил дифференциал синтактик-семантик белгиларни ифодалаши ҳамда бир, икки, уч валентли бўлиши ҳам мумкин. Уч валентли компонент ифодалаган синтаксемаларнинг синтактик алоқалар асосида бошқа синтаксемалар билан боғланиш қонуниятларига эътибор берадиган бўлсак, аппозитив алоқа асосида аниқланган барча идентификацияловчи синтаксемалар фақат идентификацияланувчи синтаксема билан боғланади.

Субординатив алоқа асосида объект, агентив, атрибуцион ва туркумловчи синтаксемалар эса процессуал акционал, акционал негатив, акционал модал, акционал модал негатив синтаксемалар билан алоқага киришади.

Ноядровий аппозитив предикатив синтаксемалар ядро предикатив алоқа асосида куйидаги синтаксемалар билан боғланиши мумкин:

1) субстанциал идентификацияловчи агентив синтаксема – субстанциал идентификацияланувчи акционал модал негатив синтаксема ҳамда акционал негатив синтаксемалар билан алоқага киришади;

2) субстанциал идентификацияловчи экзистенциал синтаксема – идентификацияланувчи процессуал экзистенциал синтаксема билан алоқага киришади.

Объект синтаксеманинг валентлиги эксплицит ва имплицит тарзда ифодаланади ва ўрни ал-маштириш трансформацияси методидан фойдаланган ҳолда ўз семантикасини сақлаб қолади.

Mavlaynov Sanjar Djambulovich (Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat O‘zbek tili va adabiyoti universiteti tayanch doktoranti; e-mail: sanjarmavlyanov18@gmail.com)
O‘ZBEK TILIDAGI DIPLOMATIK TERMINLARNING LEKSIK SISTEMADAGI O‘RNI

***Annotatsiya.** Terminlar jamiyatning ijtimoiy-gumanitar, iqtisodiy-siyosiy, tabiiy, aniq fanlar va texnik-texnologik sohalarida muhim leksik qatlamdan iborat. O‘zbek terminologiyasi tarkibida diplomatik terminlar, sohaga tegishli va uning tarkibiy qismlari bilan aloqador terminologik birliklar ham katta qismni tashkil qiladi. Mazkur maqolada o‘zbek tili leksik sistemasidagi diplomatik terminlarning o‘ziga xos xususiyatlari, diplomatik munosabatlarda janr, uslub va nutqni shakllantirishdagi o‘rni muhokama qilindi.*

***Аннотация.** Термины составляют важный лексический пласт в социально-гуманитарной, экономико-политической, естественно-научной, технико-технологической сферах жизни общества. Узбекская терминология также состоит из дипломатических терминов, терминологических единиц, относящихся к сфере и ее компонентам. В данной статье рассматривается специфика дипломатических терминов в лексической системе узбекского языка, их роль в формировании жанра, стиля и речи в дипломатических отношениях.*

***Annotation.** The terms consist of an important lexical layer in the socio-humanitarian, economic-political, natural, exact sciences and technical-technological spheres of society. Uzbek terminology also consists of diplomatic terms, terminological units related to the field and its components. This article discusses the specifics of diplomatic terms in the lexical system of the Uzbek language, their role in the formation of genre, style and speech in diplomatic relations.*

***Kalit so‘zlar:** termin, diplomatiya, diplomatik termin, leksik qatlam, terminologik birlik, janr, uslub, til.*

***Ключевые слова:** термин, дипломатия, дипломатический термин, лексический пласт, терминологическая единица, жанр, стиль, язык.*

***Key words:** term, diplomacy, diplomatic term, lexical layer, terminological unit, genre, style, language.*

Inson tug‘ilib, o‘sib voyaga yetar ekan, atrofida o‘zgarish va yangilanishlarning ta‘siri, avvalambor, uning ruhiy-ma‘naviy olamida aks etadi. Bu o‘zgarishlarning kishi tabiatidagi voqelanishi uning tili orqali namoyon bo‘ladi. Insonlarga til imkoniyatlari bir xilda taqsimlangan bo‘lib, undan foydalanish shaxslarda turlicha yuzaga chiqadi. Kishining til imkoniyatlaridan qanchalik unumli foydalanishi uning

nutqida ko‘rinadi. Shaxsning oilasi, qarindoshlari, tengdoshlari, bog‘cha muhiti, maktab davri, oliy va undan keyingi ta‘limni olish jarayoni, hamkasblari, umuman, jamiyat bilan muloqoti til imkoniyatlaridan qay darajada foydalanish, nutqiy malakasining yuksalishi kabi qator jihatlarga katta ta‘sir o‘tkazadi. Bunda yuqorida keltirilgan munosabatlarga kirishishning iyrarxik jarayonlarida kommunikatsiyaga kirishilayotgan til egalarining qay darajada til imkoniyatlariga ega ekanligi, nutqiy malakasining darajasi, jamiyat taraqqiyoti va undagi o‘zgarishlarning kishi tafakkuriga ta‘siri, buning tilda aks etishi hamda uning nutqiy voqelanishi muloqotga kirishuvchi shaxsning tafakkuri, til imkoniyatlari va nutqiy malakalarining oshishida muhim ahamiyat kasb etadi.

Til bu jamiyatdagi shaxslar muloqotini ta‘minlovchi asosiy kommunikativ vosita bo‘lib, tilning jamiyat bilan bevosita munosabati, avvalo, uning leksik tarkibida voqelanadi. Jamiyatda yuz bergan har qanday ilmiy-texnik taraqqiyot muntazam ravishda tilning leksik tizimi, xususan, terminologiyasida namoyon bo‘lib boradi. Fan-texnika sohasida ilmiy tushunchalarni nomlash va bayon etishda terminlar alohida o‘rin tutadi, Har bir fan sohasi o‘z terminologik tizimiga ega, ular fan sohaslariga doir bilimlarni aks ettiradi. Terminlarni ixtisoslashgan birliklar deb atash mumkin bo‘lib, chunki ular ma‘lum bir sohadagina tushuncha anglatuvchi birlik sifatida voqelanadi.

Ma‘lumki, har qanday kishilik jamiyati o‘z davriga mos ravishda taraqqiy etib boradi. Jamiyatda yashovchi shaxslar tafakkuri ham shu rivojlanishga bog‘liq ravishda o‘sib boradi. Misol uchun, eramizdan oldingi kishilik jamiyatlari bilan 7-asr arab jamiyatlarining, XV asr Yevropa uyg‘onish davri jamiyatlari bilan XXI asr dunyoviy jamiyatlarida katta farqlar, har jabhada tafovutlar ko‘zga tashlanadi. Jamiyatdagi texnik-texnologik taraqqiyot jarayoni, yaratilgan kashfiyot, ilm-fan sohaslaridagi yangiliklar kishilar hayotida muhim o‘zgarishlarga sabab bo‘lish bilan bir qatorda, yashash sharoiti va qarashlarida ham o‘zgarishlar sodir bo‘lishiga olib kelgan. Bunday jarayonlar tilda aks etib borgan va nutqiy faoliyatda sezilarli darajada namoyon bo‘lgan. Shu bilan bir qatorda, jamiyat hayotida yuz bergan har qanday texnik-texnologik jarayon, yaratilgan kashfiyot, ilm-fan sohaslaridagi yangiliklar muayyan terminlar bilan ifodalangan. Ushbu jihatlar esa tilning terminologik tarkibi kengayib borishiga sabab bo‘ladi. Aniqrog‘i, “borliq hodisalarning lisoniy ongda maxsus ifodaviy shaklga kirishi va turg‘unlashuvi tilda terminlarning vujudga kelishiga sabab bo‘ladi”.¹

Quyida ham mavzu mohiyatidan kelib chiqib, termin tushunchasining lingvistik talqinlarining ayrimlarini keltirishni joiz deb bildik. Tilshunos olim Sh.Ko‘chimov termin tushunchasini quyidagicha talqin qiladi: “termin kasbiy ma‘no bildiruvchi, kasbiy tushunchani ifodalovchi va shakllantiruvchi ayrim obyektlar va ular o‘rtasidagi aloqalarni muayyan kasblar nuqtai nazaridan bilish hamda o‘zlashtirish jarayonida ishlatiladigan so‘z yoxud birikmadir”.²

O‘zbek tilshunosligida terminologiya borasidagi tadqiqotlarda terminga oid xususiyatlar ham keltirilib, ularning o‘ziga xos jihatlari turli izohlar bilan yoritiladi. X.Narxodjayeva terminga xos quyidagi jihatlarni alohida qayd etgan:

“1) *termin* – umumadabiy tilning maxsus vazifa bajaruvchi bir turi bo‘lgan ishlab chiqarish, fan va texnika tiliga mansub lisoniy birlik, so‘z yoki birikmadir;

2) *termin* – aniq narsa-predmet, ashyo, mavhum tushunchalarning maxsuslashtirilgan nomidir;

¹Аксенов А.Г. К вопросу о взаимодействии между английской военной терминологией и общенародной лексикой. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук, М., 1953, с. 19; Вельштейн А.М. Современная английская биологическая терминология: особенности строения и семантики. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук, М., 1970, с. 19; Агапова Г.Н. Английская химическая терминология как совокупность трех семиотических систем. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук, М., 1976; Воробьева И.Н. Особенности семантики музыкальной терминологии. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук, М., 1986, с. 21; Коломиец З.Г. Лексико-семантические и структурно-функциональные характеристики ботанической терминологии современного английского языка: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук, Одесса, 1989; Крючкова Т.Б. Общественно-политическая лексика и терминология. Автореф. дисс. ...докт. филол. наук, М., 1991, с. 32; Анисимова А. Г. Типология терминов англоязычного искусствоведения: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук, М., 1994, с. 22; Кожанова Е.А. Лингвистические особенности терминологии нетрадиционной медицины английского языка. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук, М., 2001, с. 21; Мотченко И.В. Основные тенденции в формировании английской медицинской терминологии. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук, М., 2001, с. 21; Дегтярева И.А. Исследования современного содержания и развития терминов литературоведения. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук, М., 2002, с. 22.

²Кўчимов Ш. Дипломатик тил асослари. Тошкент, “Ўқитувчи”, 2006, 76-бет.

3) *termin* uchun muayyan ta'rif (definitsiya) zarurki, uning yordamida tegishli tushuncha mazmunini aniqroq ifodalash, tushunchadan birini ikkinchisidan chegaralab ajratish imkonini beruvchi, ayni mahalda, ma'lum tushunchani muayyan tasnifiy qatorga joylashtirishga yo'l qo'yuvchi, farqlovchi belgilari ni ravshanroq ko'rsatishi mumkin".¹

Qayd etish kerakki, ijtimoiy-gumanitar, iqtisodiy-siyosiy, tabiiy, aniq fanlar va texnik-texnologik sohalarda qo'llanuvchi ko'plab terminlar yuqorida keltirilgan umumiy jihatlar bilan bir qatorda, alohida belgilari bilan ham ajralib turadi. Bu esa terminlar sohaviy xoslanganlik xarakteriga ega akanligini namoyon qiladi. Biz buni diplomatiyada qo'llanuvchi terminlar misolida kuzatamiz.

Diplomatik atamalar zamonaviy o'zbek diplomatik nutqida ishlatiladigan, "davlatning tashqi siyosati bilan bog'liq" va u bilan aloqador semantik tarkibiy qismga ega bo'lgan maxsus leksik birliklardir.

Tipologik jihatdan e'tibor qaratganimizda zamonaviy o'zbek diplomatik terminologiyasi tarkibida, sohaga tegishli va uning tarkibiy qismlari bilan aloqador terminologik birliklar katta qismni tashkil qiladi. Ta'kidlash joizki, Diplomatik atamalar diplomatik munosabatlar sohasi tushunchalarining maxsus nomlangan belgilaridir. E'tibor qarating.

Memorandum (lot. *memorandum* – yodda tutish kerak bo'lgan narsa). "Ma'lum bir davlatning diplomatik hujjati. Memorandumning o'ziga xos belgisi – bu hujjatda biror masalaning faktlari va huquqiy tomonlari batafsil bayon etilgan bo'ladi".² Memorandum – "bu hukumat nuqtayi nazarini ifodalovchi diplomatik hujjat".

Attashe (fran. *attaché*). "Diplomatik idoradagi eng kichik lavozim yoki martaba. Diplomatik amaliyotda diplomatik lavozim, odatda, kichik diplomat xodimlarga tegishli "attashe" martabasi (rangi) bilan bir qatorda, maxsus attashelarni tayinlash amaliyoti ham mavjud".³ Attashe "diplomatik xodimning lavozimi yoki darajasi".⁴

Akkreditatsiya "diplomatik vakilni tayinlash jarayonidir".⁵

Diplomatik vakolatxona "tashqi aloqalar bo'yicha xorijiy davlat organi"⁶ bo'lib, unga diplomatik vakil rahbarlik qiladi.

Diplomatik korpus "ma'lum bir davlatda akkreditatsiya qilingan xorijiy diplomatik vakolatxonalar rahbarlari"⁷ yig'indisidir.

Diplomatik terminologiya bo'yicha tadqiqot olib borgan olimlar diplomatiya sohasining terminologik birliklari tarkibiy qismiga diplomatik sohaning alohida tushunchalarini (o'ziga xos voqeliklari va sub'ektlarini) belgilashga xizmat qiluvchi maxsus nomlanishlari ham kirishini qayd etishadi. Bular toyifasiga xalqaro tashkilotlar, hujjatlar (shartnomalar, bitimlar va boshqalar), xalqaro tashkilotlar tizimiga kiritilgan harakatlar kiritiladi. Masalan:

AQSHning Vetnamdagi tajovuzkorligi AQSHning Ikkinchi jahon urushidan keyingi eng yirik qurolli agressiyasidir.⁸

1919-yildagi Versal tinchlik shartnomasi, 1914–1918-yillardagi Birinchi jahon urushini tugatgan shartnomadir.⁹

BRICS dunyoning beshta yetakchi rivojlanayotgan mamlakatlari, jumladan, Braziliya, Rossiya, Hindiston, Xitoy va Janubiy Afrika.

1973–1974-yillardagi Yaqin Sharq bo'yicha Jeneva tinchlik konferensiyasi; Tinchliksevar kuchlarning Jeneva forumi 1977; Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi 1948-yil va boshqalar.

O'zbek diplomatik terminologiyasini tashkil etuvchi atamalarni umumiy diplomatik va yuqori ixtisoslashgan terminologik birliklar sifatida guruhlariga ajratish mumkin.

Umumiy diplomatik atamalar diplomatik terminologiyaning eng keng toifasi hisoblanadi. Janr, uslub va nutq shakllantiruvchi xususiyatga ega bo'lgan ushbu birliklar diplomatik nutq yaratuvchi matnlarda tez-tez takrorlanadi. Bunday maxsus nomlarga: davlat tashrifi, diplomatik tashrif, diplomatik viza, har-

¹ Нарходжаева Х. Жараён англатувчи терминларнинг ўзбек тилида туган ўрни. Т., "Фан", 2013, 11-бет.

² Шамсимухамедов И.У. Ўзбек тили дипломатик терминлари изоҳли луғати. Т., 2020, 99-бет.

³ Шамсимухамедов И.У. 11-бет.

⁴ Дипломатический словарь. I. т. 1985 г. 103 с.

⁵ Shu manba. 19 с.

⁶ Shu manba. 327 с.

⁷ Shu manba. 326 с.

⁸ Shu manba. 13 с.

⁹ Shu manba. 93 с.

biy jinoyatchilar, inson huquqlari, munozara, bosh vazir, terrorizm, delegat, intervensiya, hamkorlik va boshqalarni kiritish mumkin.

Yuqori ixtisoslashgan diplomatik atamalarga, faqatgina diplomatiyada qo'llanadigan, diplomatik faoliyat doirasida foydalaniluvchi, shu sohagagina xos bo'lgan birliklar kiradi.

Elchi – 1961-yilgi diplomatik munosabatlar to'g'risidagi Vena konvensiyasida mustahkamlangan, qabul qilingan va zamonaviy xalqaro tasniflash huquqiga muvofiq, 1-darajali diplomatik missiya rahbari; “davlat rahbari huzurida akkreditatsiyadan o'tkazilgan shaxs”.¹

Memorandum bu “har qanday masala bo'yicha hukumat nuqtayi nazarini ifodalovchi diplomatik hujjat”.²

Attashe “diplomatik xodimning lavozimi”³ yoki darajasi.

Akklamatsiya “ovoz berishsiz qaror qabul qilish” usuli bo'lib, xalqaro tashkilotlar va konferensiyalar amaliyotida mavjud. Ishtirokchilarning reaksiyasiga asoslangan “undovlar, izohlar, qarsaklar va boshqalar bilan ifodalanadi”.⁴

Diplomatiya terminologik birliklari tarkibida diplomatik, konsullik, xalqaro sifatlar bilan ifodalovchi iboralar katta qismni tashkil etadi.

Diplomatik nota – “diplomatik yozishmalar hujjati”ning⁵ bir turi.

Diplomatik yukxalta “yopilgan, mumli muhr bilan berkitilgan yoki belgilangan tartibda muhrlangan sumka. Qop, paket, konvert va boshqalar uning xarakterini ko'rsatuvchi ko'rinadigan tashqi belgilarga ega”.⁶ Har bir yukxalta alohida joyni tashkil qiladi va uni maxsus vakolatli shaxslar hamrohligida yoki oddiy aloqa kanallari orqali hamrohlik qilmasdan yetkazib berish mumkin;

Diplomatik agent bu termin faqat “diplomatik vakolatxonalar rahbarlari”ga nisbatan qo'llaniladi. Zamonaviy xalqaro amaliyotda bu atama (Diplomatik agent) “davlatning diplomatik vakillari (elchilar, vakillar, ishlar vakili) hamda elchixonalar va vakolatxonalar diplomatik xodimlarining umumiy nomi sifatida ishlatiladi”.⁷

Konsullik konvensiyasi konsullik muassasalarini tashkil etish va konsullarni tayinlash tartibini, ularning vakolat doirasini, shuningdek, konsullik mansabdor shaxslari va konsullik muassasalari xodimlariga o'zaro beriladigan “konsullik imtiyozlari va immunitetlarini belgilovchi ikki yoki undan ortiq davlatlar o'rtasidagi kelishuv”.⁸

Konsullik yig'implari “konsullik tomonidan amalga oshirilgan konsullik harakatlari uchun undiriladigan to'lovlar”.⁹ Konsullik yig'implari Pasportlar berish yoki ularning amal qilish muddatini uzaytirish, vizalar berish, fuqarolik masalalari bo'yicha arizalarni qabul qilish va ko'rib chiqish, fuqarolik holati dalolatnomalarini qayd etish, hujjatlarni so'rash, konsullikni legallashtirish, notarial tasdiqlash va boshqa harakatlarni o'z ichiga oladi.

Konsullik okrugi “konsullik mansabdor shaxsining konsullik funksiyalarini bajaradigan qabul qiluvchi davlat hududi”.¹⁰

Jahon tilshunosligidagi diplomatiya tiliga oid tadqiqotlarda, diplomatik terminologiyaga bag'ishlangan izlanishlarda keltirilgan diplomatiya terminlarining tematik guruhlarini taqqoslagan holda o'zbek tili diplomatic terminlarining leksik sistemadagi o'rnini belgilashda, tematik dolzarblik nuqtai nazaridan o'zbek tilining diplomatik atamalarini quyidagi guruhlariga tasniflanib tadqiq etilishini taklif etmoqchimiz:

1) diplomatik hujjatlarning nomi: ishonch yorlig'i, og'zaki nota, shaxsiy eslatma, memorandum va boshqalar. Ushbu terminlarning mohiyatiga nazar solsak:

Ishonchnoma ma'lum bir “shaxsning muayyan davlat lavozimida diplomatik vakil etib tayinlanganligini tasdiqlovchi hukumat hujjati”.¹¹

¹ Shu manba. 404 c.

² Shu manba. 222 c.

³ Shu manba. 103 c.

⁴ Shu manba. 19 c.

⁵ Shu manba. 287 c.

⁶ Shu manba. 308 c.

⁷ Shu manba. 327 c.

⁸ Shu manba. 81 c.

⁹ Shu manba. 86 c.

¹⁰ Shu manba. 87 c.

¹¹ Shu manba. 145 c.

Shaxsiy eslatma xat shaklidagi “diplomatik yozishmalar hujjati”;¹
Memorandum har qanday masala bo‘yicha “hukumatning nuqtai nazarini ifodalovchi diplomatik hujjat”;²

2) diplomatik faoliyatni amalga oshiruvchi jismoniy va yuridik shaxslarning nomlari: diplomatik agent, elchi, attashe, konsul va boshqalar.

Diplomatik agent hozirgi xalqaro amaliyotda “davlatning diplomatik vakillari (elchilar, vakillar, muvaqqat ishlar vakili) hamda elchixonalar va vakolatxonalar diplomatik xodimlarining umumiy nomi sifatida qo‘llaniladi”.³

Elchi – 1961-yilgi “Diplomatik munosabatlar to‘g‘risidagi Vena konvensiyasi”da mustahkamlangan zamonaviy xalqaro huquqda qabul qilingan tasnifga ko‘ra birinchi darajali “diplomatik missiya rahbari, davlat rahbariga akkreditatsiya qilingan”.⁴

Attashe “diplomatik xodimning lavozimi”⁵ yoki unvoni;

3) xalqaro huquq sohasidagi harakatlarning nomlari: xalqaro yig‘ilish o‘tkazish, dalillar keltirish, qurollarni cheklash va qisqartirish, rasmiy shaxslar tashrifi.

Harbiy harakatlar yoki jangovar harakatlar xavfi bilan bog‘liq voqeliklarning nomlari.

Harbiy ishg‘ol (lot. Occupatio) “bir davlat qurolli kuchlari tomonidan boshqa davlat hududini (yoki uning bir qismini) vaqtincha bosib olish va bosib olingan hududda harbiy boshqaruv hokimiyatining o‘rnatilishi”⁶. Bu qonuniy yoki noqonuniy bo‘lishi mumkin. Harbiy ishg‘ol doyim ham bosib olingan hudud ustidan suverenitetni bosib oluvchi davlatga o‘tkazishga olib kelmaydi;

Agressiya qilmaslik – quroldan foydalanmaslik. Yuqori qurolli kuchlarga ega davlatning boshqa mamlakatga qarshi birinchi qurul qo‘llamasligi. Xalqaro huquqning asosiy tamoyillaridan biri “xalqaro munosabatlarda kuch ishlatmaslik tamoyilidir”.⁷

Harbiy jinoyatchilar urush jinoyatlarini sodir etganlikda, ya‘ni “urush qonunlari va odatlarini buzganlikda aybdor deb topilgan shaxslardir”.⁸ Bugungi kundagi xalqaro huquq jinoiy javobgarlik tamoyilini tan oladi;

4) davlat mustaqilligi bilan bog‘liq voqeliklarning nomlari:

Davlat hududi “ma‘lum bir davlat chegaralarining davomi va uning suvereniteti ostida joylashgan yer shari yuzasining bir qismi”.⁹ Tarkibiga ko‘ra davlat hududi quruqlik, suv va havo zonalariga bo‘linadi.

Hududiy suvlar qirg‘oqbo‘yi davlatlarining quruqlik yoki ichki suvlariga tutashgan zonalarini hisoblanadi.¹⁰

Davlat bayrog‘i davlat suverenitetining ramzidir.¹¹

Davlat suvereniteti bu davlatning qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va sud hokimiyatlarining o‘z hududidagi to‘liqligi. “Suverenitet davlatning ajralmas xususiyatlaridan biridir”. Ta‘kidlash joizki, xalqaro normalarda mustasno o‘rinlar ham mavjud;¹²

5) xalqaro huquq voqeliklarining nomlanishi:

Xalqaro tranzit (lot. Transitas – o‘tish, o‘tish) xalqaro tranzit hududi orqali o‘tish. “Chet el fuqarolarining davlati, shuningdek, chet el yuklari, bagajlari, transport vositalari, pochta jo‘natmalari, tranzit davlat hududidan o‘tish yo‘li uning chegaralaridan tashqarida boshlanadigan va tugaydigan to‘liq yo‘nalishning faqat bir qismidir”.¹³

¹ Shu manba. I t. 1985, 209 c.

² Shu manba. III t, 1986, 222 c.

³ Shu manba. 327 c.

⁴ Shu manba. II t, 1985, 404 c.

⁵ Shu manba. I t, 1985, 103 c.

⁶ Shu manba. II t, 1985, 298 c.

⁷ Shu manba. 274 c.

⁸ Shu manba. I t, 1985, 213 c.

⁹ Shu manba. III t, 1986, 460 c.

¹⁰ Shu manba. 459 c.

¹¹ Shu manba. I t, 1985, 514 c.

¹² Shu manba. III t, 1986, 437 c.

¹³ Shu manba. III t, 1986, 498 c.

Demetalizatsiya bu “ma’lum bir hududning xalqaro huquqiy rejimi”¹ bo’lib, u tinchlik davrida harbiy maqsadlarda foydalanishni taqiqlaydi.

Depozitariy (lat. depositutu depozitga qo’yilgan narsa) “xalqaro ko’p tomonlama shartnomaning va unga tegishli barcha hujjatlarning (bayonotlar, izohlar, hujjatlar) asl nusxalarini saqlaydigan bir yoki bir nechta davlatlar, xalqaro tashkilot yoki bunday tashkilotning bosh ma’muriy xodimi”². Ratifikatsiya, qabul qilish, qo’shilish, denonsatsiya to’g’risidagi hujjatlar va boshqalar qayd etilgan hujjat toifalaridandir;

6) xalqaro tashkilotlarning nomlari:

Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) SSSR va Gitlerga qarshi koalitsiyaning boshqa yetakchi a’zolari tashabbusi bilan suveren davlatlarning sa’y-harakatlarini ixtiyoriy ravishda birlashtirish asosida tuzilgan xalqaro tashkilot.³ Tashkilotning oliy maqsadi mamlakatlar orasida xalqaro tinchlik va xavfsizlikni saqlash, mustahkamlash, hamkorlikni rivojlantirishdir.

NATO (Shimoliy Atlantika Shartnomasi Tashkiloti). Ushbu tashkilot jahondagi eng yirik harbiy-siyosiy ittifoq⁴. NATO o’z faoliyatini 1949-yil 4-aprelda Vashingtonda AQSH, Buyuk Britaniya, Fransiya, Belgiya, Niderlandiya, Lyuksemburg hukumatlari vakillari tomonidan imzolangan Shimoliy Atlantika shartnomasi asosida boshlagan. Keyinchalik, Kanada, Italiya, Portugaliya, Norvegiya, Daniya, Islandiya ittifoq a’zolariga erishgan. 1952-yilda Gretsiya va Turkiya shartnomaga qo’shildi, 1955-yilda – Germaniya uyushmaning a’zosi aylandi.

Yuqoridagi qarashlardan kelib chiqib, quyidagilarni ta’kidlamochimiz:

1. Diplomatik atamalar zamonaviy o’zbek diplomatik nutqida ishlatiladigan, “davlatning tashqi siyosati bilan bog’liq” va u bilan aloqador semantik tarkibiy qismga ega bo’lgan maxsus leksik birliklardir.

2. Zamonaviy o’zbek diplomatik terminologiyasi tarkibida, sohaga tegishli va uning tarkibiy qismlari bilan aloqador terminologik birliklar katta qismni tashkil qiladi. Ta’kidlash joizki, diplomatik atamalar diplomatik munosabatlar sohasi tushunchalarining maxsus nomlangan belgilaridir.

3. Umumiy diplomatik atamalar diplomatik terminologiyaning eng keng toifasi hisoblanadi. Janr, uslub va nutq shakllantiruvchi xususiyatga ega bo’lgan ushbu birliklar diplomatik nutq yaratuvchi matnlarda tez-tez takrorlanadi.

4. O’zbek tili diplomatik terminlarining leksik sistemadagi o’rnini belgilashda, tematik dolzarblik nuqtai nazaridan quyidagi guruhlariga ajratish maqsadga muvofiq.

a) diplomatik hujjatlarning nomi;

b) diplomatik faoliyatni amalga oshiruvchi jismoniy va yuridik shaxslarning nomlari;

d) xalqaro huquq sohasidagi harakatlarning nomlari;

e) davlat mustaqilligi bilan bog’liq voqeliklarning nomlari;

f) xalqaro huquq voqeliklarining nomlanishi;

g) xalqaro tashkilotlarning nomlari.

Xulosa qilib aytganda, zamonaviy o’zbek diplomatik terminologiyasi tarkibida sohaga tegishli va uning tarkibiy qismlari bilan aloqador terminologik birliklar katta qismni tashkil qilib, ularni mavzuiy guruhlariga ajratish, bunda tematik xususiyatlarini inobatga olish maqsadga muvofiq. Diplomatik terminlarning mazmun-mohiyati va lingvistik tabiatini ochib berishda termin semasi muhim hisoblanadi.

Tillayeva Muyassar (filologiya fanlari nomzodi, UrDU dotsenti), Jumaniyazova Shahlo Zohid qizi (Xorijiy filologiya fakulteti, xorijiy til va adabiyot ta’lim yo’nalishi (ingliz tili), 3-bosqich talabasi)

MEDIALINGVISTIKA – OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI MATNINI O’RGANUVCHI YANGI LINGVISTIK PARADIGMA

***Annotatsiya.** Ushbu maqola medialingvistikani zamonaviy tilshunoslikning yangi paradigmasi sifatida e’tirof etadi. Uning paydo bo’lishi, taraqqiyot bosqichlari va jamiyat ijtimoiy hayotida tutgan o’rni borasida ilmiy-nazariy qarashlarni taqdim qiladi.*

***Аннотация.** В данной статье медиялингвистика признается новой парадигмой современной лингвистики. Приводятся научно-теоретические взгляды на ее возникновение, этапы развития и роль в обществе.*

¹ Shu manba. 1985, 299 c.

² Shu manba. I t, 1985, 300 c.

³ Shu manba. II t, 1985, 121 c.

⁴ Shu manba. II t, 1985, 123 c.

Annotation. *This article recognizes medialogistics as a new paradigm of modern linguistics. It provides scientific and theoretical views on its emergence, stages of development, and role in society.*

Kalit so‘zlar: *medialogvistika, ommaviy axborot, mediamatn, medianutq, kommunikatsiya, uslub*

Ключевые слова: *медиалингвистика, средства массовой информации, медиатекст, медиа-речь, коммуникация, стиль.*

Key words: *media-linguistics, mass media, media-text, media-speech, communication, style.*

Zamonaviy tilshunoslikning mustaqil yo‘nalishi sifatida medialogvistikaning shakllanishi va rivojlanishi ham lingvistik, ham axborot texnologiyalari, jamiyat hayotining ijtimoiy-madaniy sohalarini hamda bir qator omillar bilan bog‘liq. Medialogvistikasining paydo bo‘lishi uchun eng muhim shartlar qatoriga quyidagilar kiradi:

– axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining (AKT) jadal o‘shishi, xususan, ommaviy axborot vositalarining global axborot tarmog‘ini yaratuvchi sifatida namoyon bo‘lishi;

– matnli aloqa uchun yangi virtual muhit sifatida yagona axborot makonini shakllantirish va rivojlantirish;

– “media tili” tushunchasini shakllantirish va ilmiy tushunish, uning funksional-stilistik xususiyatlari va ichki tuzilishini aniqlash;

– turli gumanitar fanlar vakillarining birgalikdagi sa‘y-harakatlari asosida ommaviy axborot vositalari tilini o‘rganishga kompleks yondashuvni qo‘llash zarurligini anglash;

– ommaviy axborot vositalari tilini o‘rganishni mediashunoslik doirasida ko‘rib chiqish, uning predmeti, tarixiy rivojlanishi, hozirgi holati va butun majmua faoliyatining xususiyatlarini har tomonlama tahlil qilish.¹

Umuman olganda, 1970-yillardan boshlab ommaviy kommunikatsiya sohasida tilning qo‘llanilishi bo‘yicha tadqiqotlar muntazam ravishda Rossiyada ham, chet elda ham nashr etib kelinmoqda. Ularda ommaviy axborot vositalarining matnlari eng xilma-xil maktablar va yo‘nalishlar doirasida, jumladan, sotsiologiya, funksional stilistika, nutq nazariyasi, kontent tahlili, kognitiv lingvistik va ritorik tanqid nuqtayi nazaridan ko‘rib chiqilgan. Olimlarning e‘tiborini keng ko‘lamli masalalar jalb qilgan bo‘lib, ular ommaviy axborot vositalari tilining funksional va stilistik maqomini aniqlash, turli xil ommaviy axborot vositalari matnlarini tavsiflash usullari, ijtimoiy-madaniy omillarning ommaviy axborot vositalariga ta‘siri, nutq va ta‘sir qilishning lingvomedial texnologiyalar doirasida muhokama qilingan.

G‘arb ommaviy axborot vositalari tilini o‘rganish an‘anasi Theun van Dejk, Martin Montgomery, Alan Bell, Norman Feuerclough, Robert Fauler va boshqalar kabi nomlar bilan ifodalanadi.²

Ushbu yo‘nalish vakillarining ishlari tahlili shuni aytishga imkon beradiki, XX asrning oxiriga kelib, to‘plangan bilimlarni rasmiylashtirish uchun barcha zarur sharoitlar yaratilgan va ommaviy axborot vositalari tilini mustaqil ilmiy yo‘nalishda o‘rganish bo‘yicha yetarli tajriba maktabi yaralgan. Boshqacha qilib aytadigan bo‘lsak, ommaviy axborot vositalari nutqini o‘rganishning umumiy hajmi yetarli “tanqidiy massa”ga yetdi. Ushbu sohani o‘rganish esa o‘z o‘zidan yangi tilshunoslik sohasi – medialogvistikaga o‘tish imkonini berdi. Ushbu soha doirasida ommaviy axborot vositalari tilini o‘rganishga tizimli kompleks yondashuv taklif etilgan.

“Medialogvistika” fan sifatida shakllanib, tilshunoslik va axborot alma-shinuv maydoni chorrahasida paydo bo‘lgan bu yangi o‘quv fani ommaviy axborot vositalari, televideniya, radio, gazeta, jurnal, ilmiy nashrlar, internet, mobil axborot ilovalar matnlariga nisbatan qo‘llaniladigan bir qator o‘xshash atamalarga izoh berish va ularning o‘ziga xos xususiyatlarini aniqlash maqsadida fan sifatida shakllangan. Ijtimoiy lingvistik, etnologiya, media psixologiyasi kabi atamalarning barchasi ikkita asosiy ilmiy yo‘nalishning nazariy asoslari va metodologiyasini o‘zida mujassam etgan. Ushbu sohalar yig‘indisi sotsiologiya va tilshunoslik (sotsiologiya), etnografiya va tilshunoslik (etnologiya), ommaviy axborot vositalari va psixologiyani o‘rganish (mediapsixologiya) sohalarining fanlararo umumlashgan xarakterini o‘zida namoyon qiladi.

¹Добросклонская Т.Г..Медиалингвистика: системный подход к изучению языка СМИ. МП, М., 2008, с. 5.

² Fowler R. Language in the News: Discourse and Ideology in the Press. London, Routledge, 1991; Fairclough N. Language and Power, London, Longman, 1989; Bell A. The Language of News Media. Oxford, Blackwell, 1991; Теун ван Дейк «Язык. Познание. Коммуникация», М., “Прогресс”, 1989; Montgomery M. “Introduction to Language and Society” OUP, 1992.

Rus ilmiy iste'molida "medialingvistika" atamasi nisbatan yaqinda, 2000-yilda paydo bo'lgan bo'lsa,¹ bundan biroz oldinroq, uning ingliz tilidagi "medialinguistics" varianti paydo bo'lgan edi. Uni britaniyalik tadqiqotchilarning ommaviy axborot vositalari tili haqidagi asarlarida, xususan, J.Kornerning "Medialingvistikasi doirasi" maqolasida topish mumkin. Uni bu sohani tadqiq qilish dasturi sifatida hisoblash mumkin. Chunki u tilshunoslikda birinchi marta ommaviy axborot vositalari tilshunosligining tadqiqot mavzulari va vazifalarini belgilab bergan.²

Ommaviy axborot vositalari tilini o'rganish predmeti bo'lgan medialingvistikani mustaqil ilmiy yo'nalish sifatida ajratib ko'rsatgan holda, Jon Korner uning fanlararo xususiyatini ta'kidlaydi: "Media lingvistikasi jadal rivojlanayotgan sohaga oid keng ko'lamli tadqiqotlarni birlashtirgan, ommaviy axborot vositalarining tilidir. Bugungi kunda ommaviy axborot vositalari tiliga bag'ishlangan ko'plab adabiyotlar mavjud va ko'pincha bu tadqiqotlar fanlararo xususiyatga ega. Bunda medianutqining turli janrlari tahlil qilinadi, masalan, yangiliklar nutqi, hujjatli filmlar va reklamalar matni. Ommaviy axborot vositalarining tili har bir alohida ommaviy axborot vositasida o'zgarishsiz qolmasligi, shu jumladan, boshqa semiotik tizimlar ham zarur".³

Albatta, medialingvistikaning asosiy nazariy komponentini mediamatnning maxsus konsepsiyasi deb hisoblash mumkin,⁴ ommaviy axborot vositalari nutqining deyarli barcha tadqiqotlarida bu yoki boshqa usul mavjud. Ushbu konsepsiyaning mohiyati shundan iboratki, an'anaviy tilshunoslik uchun asosiy ta'rif matnning "asosiy xususiyatlari izchillik va yaxlitlik bo'lgan semantik aloqa bilan birlashtirilgan belgi birliklari ketma-ketligi" degan ta'rifga asoslanadi,⁵ matn ommaviy axborot vositalari sohasiga qo'llanilganda, u o'z chegaralarini sezilarli darajada kengaytiradi. Bu yerda mediamatn tushunchasi og'zaki darajadagi belgilar tizimidan tashqariga chiqib, "matn" tushunchasining semiotik talqiniga yaqinlashadi, bu shunchaki og'zaki belgilar emas, balki har qanday ketma-ketlikni nazarda tutadi.

Medialingvistikani alohida yo'nalish sifatida ajratib ko'rsatishga imkon beradigan omil uning ichki tuzilishi bo'lib, u shakllanish bosqichida davom etayotgan bo'lsa-da, allaqachon yetarlicha barqaror tarkibiy qismlarni namoyish etadi.

Hozirgi vaqtda medialingvistikaning oltita asosiy bo'limi mavjud bo'lib, ularning mazmuni quyidagi asosiy mavzular atrofida birlashgan:

1) ommaviy axborot vositalari tilining intralingvistik maqomini aniqlash, uni tilning asosiy paradigmasi – nutq, matn – nutqi nuqtayi nazaridan tavsiflash;

2) medianutqni funksional va stilistik farqlash imkoniyatlari, matnlarni ulardagi tilning asosiy funksiyalarini amalga oshirish darajasi va tarqatish kanali (matbuot, radio, televideniya, internet) bo'yicha tasniflash;

3) ommaviy axborot vositalari nutqining tipologiyasi, ommaviy axborot vositalari matnlarining janrga xos tasnifi diapazoni, matnlarning asosiy turlari – yangiliklar, axborot tahlili va sharhlari, publististik (xususiyatlar), reklamalarning taqsimlanishi;

4) ommaviy axborot vositalari matnlari turlarining lingvistik va stilistik xususiyatlari;

5) mediamuloqotning tildan tashqari komponentlari, masalan, ommaviy axborot vositalari matnlarini ishlab chiqarish, tarqatish va idrok etish, ijtimoiy-madaniy va mafkuraviy konteksti, ommaviy axborot vositalari nutqining sharhlovchi xususiyatlari, metaxabarni amalga oshirish xususiyatlari, madaniyatga xos xususiyatlar;

6) individual va ommaviy ongga ta'sir qilishning lingvomedial texnologiyalari (targ'ibot texnikasi, manipulyatsiyasi, texnikasining lingvistik tarkibiy qismi), axborot siyosati va axborotni boshqarish, jamoatchilik bilan aloqalar).⁶

Fanning metodologiya va terminologik apparat kabi zarur komponentlariga kelsak, media lingvistikada, boshqa har qanday fanlararo sohada bo'lgani kabi, ular aniq integrativ xususiyatga ega.

Shunday qilib, medialingvistika doirasida matnni qayta ishlash usullarining butun majmuasi keng qo'llaniladi: tizimli tahlil va mazmun tahlilining an'anaviy usullaridan mantiqiy, empirik, sotsialingvistik

¹ Впервые он был использован в докторской диссертации Т.Г.Добросклонской «Теория и методы медиалингвистики», Москва, МГУ, 2000.

² John Corner. The Scope of Media Linguistics. BAAL Newsletter, 1998.

³ Corner J. Documentary television: the scope for media linguistics. In AILA Review, 1995, p. 62.

⁴ Термин «медиа́текст» впервые употреблён в работе Т.Г.Добросклонской «Вопросы изучения медиатекстов», М., МГУ, 2000.

⁵ Лингвистический энциклопедический словарь. М., 1990, с. 507.

⁶ Добросклонская Т.Г. Медиалингвистика: системный подход к изучению языка СМИ. МП, М., 2008, с. 37.

va qiyosiy madaniy tavsiflargacha. Aytish mumkinki, har bir lingvistik maktab ommaviy axborot vositalari til uslubining umumiy metodologiyasiga hissa qo'shgan. Ommaviy axborot vositalari matnlari kognitiv lingvistika, diskurs tahlili, tanqidiy tilshunoslik, funksional stilistika, pragmatika va ritorik tanqid usullaridan foydalangan holda o'rganiladi. Mavjud usullarni integratsiyalashuviga asoslangan holda ommaviy axborot vositalari matnlarini o'rganishga tizimli, kompleks yondashuvni ta'minlovchi media lingvistik metodologiyasining yangiligining sababi ham shu.

Medialingvistikaning terminologik apparatida asosiy gumanitar fanlar – tilshunoslik, sotsiologiya, psixologiya, jurnalistika, madaniyatshunoslik va boshqalar atamaları ham o'zida mujassamlashgan. Ammo medialingvistikaning terminologik apparati shakllanish bosqichida bo'lishiga qaramay, ommaviy axborot vositalarida tilning qo'llanilishini tavsiflash uchun keng qo'llaniladigan atamalar tahlil qilinayotganligi quvonarli holdir. Bular, asosan, “ommaviy axborot vositalari” leksik asosi yordamida tuzilgan so'z va iboralar, masalan, medialingvistika, media matn, media nutqi, media landshaft, lingvomedia xususiyatlari, lingvomedia ta'sir texnologiyalari va boshqalardir.

Shunday qilib, medialingvistikani asosiy fanni tashkil etuvchi komponentlari holati bilan bog'liq holda tahlil qilish ushbu gumanitar yo'nalishni mustaqil fan sifatida ko'rib chiqish uchun barcha asoslar mavjudligini aytishga imkon beradi. Shu bilan birga, shuni ta'kidlash kerakki, fanlar chorrahasida paydo bo'ladigan boshqa fanlar singari, medialingvistika ham tabiiy ravishda ikkita ilmiy yo'nalishning xususiyatlarini o'zida mujassamlashtiradi: bir tomondan, u tilshunoslikning umumiy bazasiga tayansa, ikkinchi tomondan, u tabiiy ravishda medialingvistiyaning umumiy tizimi – yangi ilmiy yo'nalishga kiritilgan OAV tili har tomonlama, chuqur va ilmiy asoslarga tayangan holda o'rganish bilan shug'ullanadi.

**Do'simov Zaribboy (f.f.d., UrDU professori),
Alimova Shahnoza Maqsudovna (UrDU mustaqil tadqiqotchisi)
XORAZM QIPCHOQ SHEVALARIDA IQTISODIY ATAMALAR**

***Annotatsiya.** Maqolada Xorazm qipchoq shevlarida iqtisodiyotga oid ayrim atamalar o'zbek tilining boshqa lahjalari hamda ayrim o'zga turkiy tillar bilan qiyosan tahlil qilinib, zarur mulohazalar bayon qilingan.*

***Аннотация.** В статье анализируются некоторые хозяйственные термины хорезмских кыпчакских диалектов в сравнении с другими диалектами узбекского и некоторых других тюркских языков и приводятся необходимые комментарии.*

***Annotation.** The article analyzes some economic terms in Khorezm Kipchak dialects with other dialects of Uzbek and some other Turkic languages and makes the necessary comments.*

***Kalit so'zlar:** sheva, qipchoq lahjasi, qipchoq shevalari, turkiy tillar, dilektal leksika.*

***Ключевые слова:** диалект, кыпчакский диалект, кыпчакские диалекты, тюркские языки, диалектная лексика.*

***Key words:** dialect, Kipchak dialect, Kipchak dialects, Turkic languages, dialectal vocabulary.*

Moliyaviy terminlar kompleks tarzda turkiy tillar ichida birinchilardan bo'lib ozarbayjon tilshunosligida 1963-yilda Sh.Pashayev tomonidan o'rganildi.¹ Bu mavzu, shuningdek, qozoq tilshunosligida M.R.Nasirov, K.A.Shaymergenov, turkman tilshunosligida O.Akmamedov, o'zbek tilshunosligida D.Y. Do'smuhamedov, O.Ermatovlar tomonidan o'rganilgan. H.Dadaboyev XI –XIV asrlar turkiy yodnomlari ijtimoiy-siyosiy terminologiyasi sirasida moliyaviy istilohlarga tahliliga ham o'rin ajratgan.²

XQSHda³ mavjud iqtisodiyot bilan bog'liq atamalarning katta ko'pchiligi boshqa turkiy tillar leksikasida ham mavjud bo'lib, ularni solishtirish, birinchi navbatda, qadim qardosh etnik birliklar ruhiyatida mushtarakliklarning naqadar uzoq davrlar asnosida saqlanib qolishini, ikkinchi tomondan, o'zicha mustaqil rivojdagi etnik birliklarning hayot tarzi, muhiti lug'aviy birliklar silsilasida o'z aksini topib borishini ko'rsatadi. Masalan, *baqir* lug'atlarda quyidagicha izohlangan: *I esk. Qizil mis. Noma'lum yerda oltin bor, borsang – baqir topilmas.* Maqol. *Baqir II esk. tar. Misdan zarb qilingan chaqa pul.*⁴ Bu so'z

¹Юматова М.К. Экономическая терминология в татарском литературном языке. Автореф... дисс ...к-та филол ... наук, Казань, 2007, с. 68.

² Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI – XIV вв. Ташкент, “Ёзувчи”, 1991.

³ Shartli qisqartma: Xorazm qipchoq shevalari.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик. Биринчи том.

ma'nosida mohiyatan o'zgarish bo'lmasa ham, XQSHda qo'llanishini quyidagicha izohlash mumkin: I. Qizil mis. *Palan yerda altin bar, barsaḥ baqirg'a donar amish* (Maqol). Baqir II. Misdan zarb qilingan pul. Sho'rolar davrida zarb qilingan tanga shaklidagi banknotlarni *baqir tiyin* deyish urf edi.

Mazkur so'z asosida ismlar ham bo'lgan. E.Begmatov *Baqir, Baqirboy* ismlariga "Mis, qizil metall, ya'ni misdek mustahkam bo'lsin. Ehtimol, *Bakr, Bakir* (qar.) ismining buzilgan shakli" deb izoh beradi.¹ Bu o'rinda birinchi izoh juda to'g'ri berilgan, deb hisoblaymiz. Chunki o'zbek ismlari orasida metall nomlari bilan bog'liq boshqa ismlar ham ancha. Masalan, *Kimsan, Kimsanoy, Kimsanboy* ismlari apellyativi ham shunday shakllangan. *Kimson* (aslida, *kimsan*) so'ziga "Navoiy asarlari lug'ati"da "Oltin o'xshash yaltiroq sarig' modda bo'lib, maydalab, narsalarga oltin tusli bo'yoq berish uchun ishlatiladi, bronza"² deb sharh berilgan. Shuning uchun kimsan bilan hallangan, yaltiroq, bronza berilgan ashyolar *kimsanlig'* deyilgan. Shu bilan birga, o'zbek tilidagi *baqir* va *boqir* so'zlarining alohida manbaga ega alohida so'zlar ekanini nazardan soqit qilmaslik kerak.

Umumoltoy manbaga ega *baqir* iqtisodiy sohaga oid eng qadim so'zlardan biri bo'lib, yodgorliklarda III asrdan boshlab uchraydi. Enasoy yodgorliklarida, so'ngra uyg'ur huquqiy hujjatlarida ham "Mis (pul)" ma'nosida qayd etilgan. "Devon"da bu so'z *baqir* I mis; *baqir* II Chin o'lkasidagi chaqa (pul) deb izohlangan.³ Shuningdek, *baqirliq' tag'* birikmasi "misga ega bo'lgan tog'" deb sharhlangan.⁴

Turkiy tillarda mis tushunchasini *tuch* تۇچ atamasi ham ifodalagan.⁵ "Devon"da mis ma'nosida yana *choz'in* so'zi uchraydi. Mahmud Koshg'ariy shu o'rinda *choz'in ash'ich* – mis qozon so'zini misol keltiradi.⁶ Bu so'zni alohida qayd etayotganimiz sababi shuki, allaqachon iste'moldan chiqib ketgan *choz'in* so'zi Yangibozor tumanidagi ayrim qishloqlarda laqab sifatida saqlanib qolgan. Masalan, Oyoqdo'rmaning Sarito'rang'i o'ramida *Karim choz'in* degan odam yashagan bo'lib, ehtimol, bu laqab unga chayirliigi uchun berilgan bo'lsa kerak.

Bu so'z qipchoq guruh turkiy tillarda o'zbek tiliga qaraganda ancha faol. Masalan, hozirgi tatar tilida "qo'ng'ir metall, kimyoviy element", "mis pul, mayda pul" ma'nolarini bildiradi. Keyinchalik *baqir* so'zining "mis rangli, qizil", "sifatsiz" so'zining ko'chma ma'nolari ham paydo bo'lgan. Tatar tilida uning hosilalari bo'lgan *bakirchi, bakirchilik, bakirxane, bakir yelan* kabi so'zlarni uchramiz. *Baqir* so'zining "qadrsiz", "serob narsa" ma'nolari "Devon"da keltirilgan *bar baqir (qadrsiz), joq altun (qadrl)* maqolida ham mavjud. Ushbu maqolga Mahmud Koshg'ariy "Qo'lda bor bo'lgan narsa misdek qadrsiz, qo'lda bo'lmagan narsa oltindek qadrl. Bu maqol yaqinlar orasida xo'rlanib yurgan kishi, keyinchalik yo'qligida qadri bilinishi ma'nosida qo'llanadi" deb batafsil izoh bergan.⁷

Bu so'z, shuningdek, qoraqalpoq, qorachoy, oltoy tillarida *bavir*, boshqird,⁸ no'g'oy, qozoq tillarida *baqir*⁹ turk tilida *bakir*,¹⁰ o'zbek tilida *baqir/paqir* shakllarida mavjud. "Boshqird tilining akademik so'zligi"da mazkur xalq etnografiyasida *baqir* sehrli kuchga ega deb hisoblangani ham qayd etilgan. Bu so'zga qozoq tili lug'atida berilgan izoh o'zbekcha *baqir* va *paqir* so'zlari aslida bir manbaga egaligini ko'rsatadi. Bu so'zlar o'rtasidagi bog'liqlik, ma'no taraqqiyoti va omillari Sh.Rahmatullayev tomonidan batafsil tahlil qilingan.¹¹

Qip-qizil, to'q qizil ma'nodagi *bagr* (qizil) leksemasi slavyan tillariga ham kirib kelgan. Bu so'zni forsiy sifatida talqin qilish hollari ham uchraydi, lekin bu fikr ilmiy asosga ega emas.

¹ Begmatov Э. Ўзбек исмлари. 14600 исмлар изоҳи. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007, 51-бет.

² Иброҳимов С., Шамсиев П. Алишер Навоий асарлари луғати. Тошкент Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 312-бет.

³ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғот ит-турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. Биринчи том, Тошкент, "Фан", 1960, 341–342-бетлар.

⁴ Маҳмуд Кошғарий. Шу манба. 456-бет.

⁵ Маҳмуд Кошғарий. Шу манба. Учинчи том, 132-бет.

⁶ Маҳмуд Кошғарий. Шу манба. Биринчи том, 388-бет.

⁷ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғот ит-турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. Биринчи том, Т., "Фан", 1960, 342-бет.

⁸ Башкорт теленә академик һүзлеге: 10 томда. Т. II (Б хәрефе). Ф.Ф.Хисамитдинова редакцияһында. Өфө, Китап, 2011, 99 – 100-бетлар.

⁹ <https://classes.ru/all-kazakh/dictionary-kazakh-russian-term-3860.htm>

¹⁰ S. 163.

¹¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. Тошкент, "Университет", 2000, 267-бет.

Demak, iqtisodiy terminologiyada eng qadimgi nom metall nomi bo‘lib, keyinchalik, pul birligi nomi sifatida qo‘llanilgan. XQSHda qo‘llanilayotgan iqtisodiy terminlar barcha turkiy tillarda yoki aksariyat turkiy tillarda qo‘llanilib, umumturkiy so‘zlar sirasidan sanaladi.

Masalan, *aqcha* – pul, *som* – so‘m, *tiyin* – tiyin, *al-* – sotib ol-, *sat-* – sotib ol-, *berim//bergi* – qarz, *alim//alg‘i* – olinadigan pul, haq va boshqalar. Keksa avlod nutqiga e‘tibor qaratsak, XQSHda *aqcha* atamasi faol bo‘lganini ko‘rsatadi.

Bu so‘zning turkiy tillarga mansubligiga shubha yo‘q. *Aqcha* so‘zi qadimgi yozma yodgorliklarda, jumladan, Barik daryosi vodiysidan qadimgi turkiy Enasoy yodgorligida “tanga, pul” ma‘nosida uchraydi. Mazkur so‘z “Codex cumamcus”, Xorazm yozma yodgorliklarida pul, tanga; “At-tuhfa”da “pul birligi” ma‘nosida *aqcha* va *aqshaning* fonetik variantlari qayd etilgan. “Qadimgi turkiy lug‘at”da *aqcha* shaklida berilgan.

Hozirda bu so‘z mablag‘ ma‘nosini anglatuvchi evfemik ifodaga aylangan, ya‘ni biror ishni qilishga imkoni bo‘lmagan, qo‘li kaltalik qilgan kishi “aqcha bosa ozim bilar idim” (pul bo‘lsa o‘zim bilar edim) deydi. Lekin kekse avlod vakillari nutqida bu holat sezilmaydi – ular “aqcha” mablag‘ so‘zi sinonimi sifatida ishlatadilar. O‘tgan asr boshlaridagi o‘zbek adabiy tilida ham uning “mablag‘” ma‘nosi yetakchi bo‘lganini ko‘rishimiz mumkin. Masalan, Abdurauf Fitrat “Muxtoriyatni bajarmoq uchun *aqcha* kerakdir” deb yozadi “Turkiston muxtoriyati” maqolasida.¹

Akcha so‘zi ko‘plab turkiy tillarda turli fonetik variantlarda ishlatiladi: tatar, qumiq, qirg‘iz, o‘zbek, uyg‘ur, oltoy tillari *akcha/aqca* turk tilida *aqca*, turkman tili shevalarida *aqçca/ aqča*, qozoq, no‘g‘oy, tuva tillarida *aksha/aqša*, boshqir tilida *aq‘cha/arča*, *aq‘‘a/arča* ozarbayjon tilida. Xuddi shu kabi uning kabardin balqor, uyg‘ur, xakas, qoraqalpoq, chuvash kabi tillardagi shakli ham bir-biridan katta farq qilmaydi² va 1) pul; 2) tanga, kumush yoki oltin tanga; 3) kumush tangalardan yasalgan ayollar taqinchoqlari, mayda tanga, tiyin; 4) moliyaviy xarajatlar, valyuta kabilarni anglatadi. Keyingi ma‘nolar, shubhasiz, keyingi davrga taalluqlidir. Ikkinchi guruhga kiruvchi ma‘nolar yeng qadimgi hisoblanadi. “Pul” ma‘nosi ham qadimiyligi ehtimolga yaqin, chunki *aqcha* Enasoy yodgorliklarida ham shu ma‘noda qayd etilgan. Mazkur so‘z etimologiyasiga kelsak, *aq* – “oq, kumush” so‘zidan *-cha* qo‘shimchasi bilan yasalgan.

Mana shu so‘z asosidagi *Aqcha* ismi haqida E.Begmatov “pul, kumush tanga. Boy bo‘lsin degan niyat bilan beriluvchi ism. Ehtimol, Og‘acha ismining o‘zgargan shakli. Shakllari: *Aqchaboy*” deb yozadi.³ Xuddi shuningdek, olim tomonidan *Aqchagul* va *Aqchaniso* ayol ismlari ham qayd etilgan. *Aqcha* antroponom sifatida, aniqrog‘i laqab tarzida Xorazm dostonlaridan biri “Oshiq G‘arib va Shohsanam”da uchraydi: “Ammo Shohsanamning Gulnihol degan bir kanizi bor erdi. Laqabini *Aqcha* der erdilar”.⁴ Bu so‘z tojik tiliga ham o‘zlashgan bo‘lib, 1) tillo va zarb qilingan tanga; 2. majozan ochilgan gul ma‘nolarini ifodalaydi. Mumtoz adabiyotda daraxtlarning oppoq gullari aqchaga qiyoslangan. Jumladan, Sa‘diy Sheroziy yozadi:

Mujdagonū, ki gul az g‘uncha burun meoyad,

Sad hazor aqcha birezand daraxtoni bahor,

ya‘ni, “Xushxabar shuki, gullar kurtaklardan chiqar ekan, bahor daraxtlari yuz minglab aqchalarni sochadi”.⁵

Som so‘zi XQSHda pul birligi ma‘nosida keyingi davrlarda faollashgan. Chunki keksalar nutqida uning o‘rnida *manat* so‘zi ko‘p ishlatiladi. Bugungi kunda Ozarbayjon Respublikasi va Turkmaniston Respublikasining rasmiy pul birligi bo‘lgan *manat* ruscha moneta so‘zidan, u esa o‘z navbatida *moneta* – zarb qilingan pul so‘zidan olingan. Fransuzcha *monétaire* – pul so‘zi ham lotincha *moneta* 1. Yo‘l ko‘rsatuvchi, aql beruvchi. 2. Rim zarbxonasi, zarbxona so‘zlari bilan bog‘liq. O‘zbek tiliga o‘zlashgan *monitor* so‘zi ham manat bilan tarixan umumiy *moneter* so‘ziga borib taqaladi. Demak, XQSHlarida manat so‘zi keyingi davrlarda faollashgan. Bunda, albatta, turkman va ozarbayjon tillari ta‘siri bo‘lgan deyish

¹ Фитрат Абдурауф. Туркiston мухторияти. Нашрга тайёрловчи Ш.Турдиев. “Фан ва турмуш”, 10, 1990, 31-бет.

² Юматова М.К. Экономическая терминология в татарском литературном языке. Автореф..дисс...к-та филол ...наук, Казань, 2007, с. 10.

³ Бегматов Э. Ўзбек исмлари. 14600 исм изоҳи. Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. 2007, 41-бет.

⁴ Хоразм дostonлари. Ошиқлар бўстони. 1-китоб. Нашрга тайёрловчилар: С.П.Рўзимбоев, Г.Эшчонова, С.С. Рўзимбоев. Урганч, “Хоразм”, 2005, 19-бет.

⁵ Фарҳанги забони тоҷикӣ. Ҷилди 1. Москва, “Советская энциклопедия”, 1965, с. 116.

o‘rinli. Som so‘ziga kelsak, ozarbayjoncha *som*; boshqird, qumiq, fors va dariy tillarida سوم; tojikcha *sōm*; o‘zbekcha *so‘m//so‘m*; qozoqcha *som*; qoraqalpoqcha *so‘m//sōm*; qirg‘izcha *som*; tatar tilida *sum // sum*; turkmancha *som* bir qator turkiy va eroniy davlatlarda pul birligi; Oltin O‘rda va undan keyin bir necha davlatlarda qo‘llangan; sho‘rolar davrida o‘zbek, tojik, qozoq va qirg‘iz tillarida pul birlining rasmiy nomi; O‘zbekiston Respublikasi (o‘zbek so‘mi) Qirg‘iziston Respublikasi (qirg‘iz somi) pul birligi. Hozirda Rossiya rubli tatar, boshqird, qorachoy-balqar, kabardin-cherkass, chechen, ingush va osetin tillarida *som* yoki *sum* deyiladi. Asl turkiy “so‘m” qimmatbaho metal, oltin yoki kumush quymasidir. Shevalarda hozir ham sof holatdagi narsa *som* deb ataladi. Masalan, lahm go‘sh ma‘nosida *somgosh*, og‘ir va quyma temir *somtemir* deyilgani kabi.

Altin so‘zi turkiy tillarning deyarli barchasi ishlatiladi va denotativ va konnatativ ma‘nolari bir-biriga juda yaqin keladi. So‘zning katta ko‘pchilik turkiy tillarda shakli bir-biriga yaqin, ayrimlarida ba‘zi o‘zgarishlar bor. Masalan, chuvash tilida *ultan*, yoqut tilida *altan*¹ kabi.

Ko‘rinadiki, XQSHda iqtisodiyot bilan bog‘liq istilohlar tahlili manbalar tilidagi ayrim paremiologik birliklar etimologiyasini aniqlash, tilda so‘zlarning tarqalish areali kengligini aniqlash omillari ko‘rsatish kabi nazariy masalalarda juda qo‘l keladi.

**Mardonova Sitora Mardonovna (SamDCHTI assistent o‘qituvchisi; mardonovasitora@yahoo.com
QADIMGI INGLIZ TILI YURISH HARAKAT FE‘LLARI GURUHLANISHI**

Annatsiya. *Qadimgi ingliz tili taraqqiyoti va rivojlanishiga sabab bo‘lgan omillar hamda qadimgi ingliz tili rivojlanishiga hissa qo‘shgan tilshunoslar haqida fikr yuritiladi. Maqolada asosan qadimgi ingliz tili harakat ma‘nosini ifodalovchi qadimgi ingliz tiliga mansub bo‘lgan fe‘llar o‘rganilgan va tahlil qilingan. Amalga oshirilgan izlanishlar natijasida qadimgi ingliz tili fe‘llari bugunga qadar bir qancha o‘zgarishlarga duch kelgani o‘rganib chiqilgan va tahlil qilingan.*

Аннотация. *Обсуждаются факторы, которые привели к развитию и росту древнеанглийского языка, а также лингвисты, внесшие свой вклад в развитие древнеанглийского языка. В статье в основном исследуются и анализируются древнеанглийские глаголы, выражающие значение древнеанглийского действия. В результате проведенного исследования было изучено и проанализировано, что древнеанглийские глаголы на сегодняшний день имеют ряд изменений.*

Annotation. *The factors that led to the development and growth of Old English verbs as well as the linguists who contributed to the development of Old English are discussed. The article mainly studies and analyzes Old English verbs that express the meaning of Old English action. As a result of the research carried out, it has been studied and analyzed that Old English verbs have undergone a number of changes to date.*

Kalit so‘zlar: *semantika, leksema, birlik, fe‘l, yurish harakati fe‘llari, holat fe‘llari, komponent, argument, konseptual, kodlash, element, yadro, maydon, makon, diaxronik, predlog, poslelog, harakat, suf-fikslar, leksik-semantik.*

Ключевые слова: *семантика, лексема, единица, глагол, глаголы движения, надежные глаголы, компонент, аргумент, концепция, кодирующий, элемент, ядро, пространство, диахронический, предлог, послелог, действие, суффиксы, лексико-семантический.*

Key words: *semantics, lexeme, unit, verb, motion verbs, conditional verbs, component, argument, conceptual, coding, element, core, field, space, diachronic, preposition, action, suffixes, lexical-semantic.*

Barcha tillarda fe‘llarning leksik-semantik guruhlari mavjud, ammo mazkur guruhlar har bir tilda o‘ziga xos ta‘siri hamda semantik maydonining farqlanishlariga egaligi kuzatiladi. Shuning uchun ham til birliklarini keltiradigan fe‘llarni leksik-semantik guruhlari ta‘sirini amalga oshirishda turlicha yondashuvlarga tayanishadi. Misol uchun, L.Talmi, S.Levinson, M.Hikman kabilar fe‘llarni tasniflashda argument (ega/kesim) bog‘lanishlarini e‘tiborga olish, shuningdek, har bir leksik-semantik guruhni konseptual asosga bog‘lashni taklif etishsa, L.Filipovich, M.Jaszczolt kabilar faqatgina leksik ma‘noga e‘tibor qaratgan holda amalga oshirilishi maqsadga muvofiqligini ta‘kidlaganlar. Ammo mazkur yondashuvlarning barchasida tillar ifodalagan komponentlar turlariga ko‘ra farqlanishini kuzatishimiz mumkin. Ifodalanayotgan komponentlar tarkibini eng katta guruhini harakat hodisasi tashkil qiladi. Harakat hodisasini kodlashga lingvistik nisbiyliklarga murojat qilish samarali bo‘lishi ta‘kidlangan.

¹ Зейналов Ф.Р., Новрузов М.Д. Об этимологии слова *altun*. “Советская тюркология”, 1984, №5, с. 45.

F.Ameka o'z ishlarida harakat hodisasi tipologiyasi bo'yicha tadqiqotlar yetarli emasligini ta'kidlab o'tgan. U tadqiqotchilar, asosan, diaxronik tadqiqotlarga nisbatan sinxron sohaga ko'proq e'tibor qaratishadi deydi. Shunday sinxron tadqiqotlarga Shoslarning roman tillar haqidagi ishini keltirib o'tish mumkin. Bundan tashqari, harakat tipologiyasi sohasida Kopechka, Stolova va Fanego ushbu yo'nalish bo'yicha ingliz tilida tadqiqotlar olib brogan. Taniqli tilshunos L.Talmi harakat hodisasini ikki bosqichga ajratadi. Birinchi bosqichga u harakat hodisalarining semantik elementlarining kodlanishini kiritadi. Ikkinchi bosqichga u, aksincha, harakat hodisalari kodlanmagan semantik hodisalardan boshlanishini ta'kidlab o'tadi. L.Talmi yo'nalish harakat hodisalarini "semantik yadro" sifatida ajratib o'rganadi va harakat hodisasi gapdagi qaysi element tomonidan kodlanganligini yoki kodlanmaganligi makonda namoyon bo'lishini ta'kidlaydi. L.Talmining ushbu nazariyasidan ruhlangan Zlatev jonli va jonsiz predmetlarni harakatga keltiruvchi ma'noga ega fe'llar guruhini ro'yxatini shakllantiradi. Ushbu tadqiqotlar fe'llarning diaxronik taraqqiyoti natijasida rivojlanganligi borasida qarashlar mavjud.

Qadimgi ingliz tilida, asosan, harakat hodisasini ifodalovchi fe'llar borasida olib borilgan tadqiqotlarga fe'l shakllari, grammatik kategoriyalariga e'tibor qaratilgan. Harakat fe'llarining semantik tahlilini T.Fanegoning ishlarida kuzatish mumkin. T.Fanego qadimgi ingliz tilidagi fe'llarni holat va harakat turlariga ajratgan holda o'rganadi. T.Fanego holat fe'llarining 78 turini aniqladi va ushbu fe'llarning ko'pchiligini jonsiz predmetlar bilan harakatga keladigan fe'llar tashkil etganligi borasidagi ma'lumotni keltiradi. Muallif, qadimgi ingliz tilidagi harakat va holat fe'llarining jonsiz predmetlar ta'sirida yuzaga keladigan ma'nolari tahlilini amalga oshiradi. Misol uchun, suvning tomchilab oqishi (water in sicerian 'to ooze') yoki kemaning suvda suzishi (ships in flotian 'to float'). Bundan tashqari, predmetning yoki shaklning harakatga ahamiyati bo'lmagan fe'llarni ham aniqladi. Misol uchun, to'satdan harakatlanish, siljish (hæppan 'to move accidentally, to slip'). Qadimgi ingliz tili sintetik hamda analitik xususiyatlarga ega bo'lib, ular ot, olmosh, fe'l kabi guruhlarining morfologik shakllarini hosil qilgan.

Ma'lumki, qadimgi ingliz tili davridagi "rian" suffiksi ot yasovchi qo'shimcha sanalgan. Masalan, "fricorian" "frikoriyalik" ma'nosiga ega bo'lgan. Ammo mazkur "rian" suffiksini fe'lga qo'shish orqali qo'shimcha ma'no ifodalash hollarini ham kuzatishimiz mumkin. Misol uchun, "pocerian" "to run to and fro" (u yoqdan bu yoqqa yugurmoq) fe'li "rian" suffiksi bilan yasalgan va bu fe'l qadimgi ingliz tili holat fe'llari qatoriga kiritilmagan.

Demak, T.Fanegoning tadqiqotiga ko'ra, boshqa turdagi harakat fe'llaridan suffikslar orqali yasalgan holat harakat fe'llari semantik taraqqiyot natijasida ingliz tilining boshlang'ich bosqichlarida yangi leksemalarni yaratilishiga sabab bo'lgan. Boshqacha qilib aytganda, qadimgi ingliz tilida holat fe'llarining umumiy yoki maxsus ma'nolarini ifodalash uchun "slīdan" fe'li o'rniga "slidrian" fe'li suffikslar orqali yasalgan va ishlatilgan.

Ta'kidlash joizki, qadimgi ingliz tilida harakat fe'llaridagi ba'zi bir holat ma'nolari inventarizatsiyaga uchragan. Qadimgi ingliz tilida sodir bo'lgan ushbu o'zgarish eng ko'zga tashlanadigan hodisa sanaladi. Shuning uchun ham qadimgi ingliz tili davrida fe'l ma'nosi uning harakat komponenti va holat komponentlariga ajratish orqali o'rganilgan. Qadimgi ingliz tili davrida fe'llarning katta leksik guruhini yurish harakati fe'llari tashkil etgan. Ushbu turkumga, asosan, ma'lum yo'nalish hamda noaniq yo'nalishni anglatuvchi fe'llar kiritilgan.

Harakat fe'llarining uchinchi qismini neytral yo'nalish fe'llari tashkil etadi. Fe'llarning juda kam qismini boshlang'ich harakat ma'nosini beruvchi fe'llar tashkil qilgan. Har qanday lisoniy birlikning semantik voqealanishi, uning tarkibiy deduksional hamda formal munosabatalariga asoslanadi. Bu fe'llarning "atributivlik va obyektivlik" xususiyatlari bilan baholanadi. Ammo ko'plab yurish-harakati fe'llarining asosiy ma'nolarida mazkur xususiyatlar ko'zga tashlanmaydi. Faqatgina, ularning ikkilamchi hamda semantik derivativ ma'nolarida ushbu jihatlarni uchratishimiz mumkin. Qadimgi ingliz tili davrida yurish harakati fe'llarini yo'nalish hamda yo'nalishsiz ma'nodagi ko'chish ma'nolarini leksik-semantik ta'siriga quyidagicha taklif keltirishimiz mumkin.

I. Qadimgi ingliz tilida holat fe'llarining dastlabki harakat ma'nosining ifodalanishi quyidagicha taqsimlanadi

a)	Qadimgi ingliz tilida tezlik harakat ma'nosini bildiruvchi fe'llar: ærnan (yugurmoq), blæstan (uloqtirmoq), cleacian (shoshilmoq), drīfan (urmoq), ef(e)stan / of(e)stan (yo'lga tushmoq), fundian (zabt etmoq), fȳsan (shoshilmoq), hradian (yetkazib bermoq), irnan/iernan/rinnan/yrgan (yugurmoq), læcan (shoshilmoq).
----	---

b)	Qadimgi ingliz tilida sekin harakat ma'nolarini ifodalovchi fe'llar: crēopan, healtian, huncettan, luncian, slincan, smūgan, snīcan, tealtrian.
c)	Qadimgi ingliz tilida havo va suvda harakat ma'nolarini ifodalovchi fe'llar: dūfan, fiþercian, fiþerian, flēogan, flēotan, flicerian/ flicorian, flogettan, floterian, flotian, liþan, rōwan, siglan/seg(l)ian, swimman.
d)	Yuqoridan pastga harakat ma'nolarni ifodalovchi fe'llar: drēopan, drēopian, drēosan, feallan, feallettan, gefetan, hrēosan, lūtan, sincan.
e)	Pastdan yuqoriga qarab harakat ma'nosini ifodalovchi fe'llar: flōwan, glīdan, gelisian, hæppan, sicerian, seohhian/ sēon, slīdan, slidrian, slūpan.
f)	Sakrash ma'nosini ifodalovchi fe'llar: hlēapan, hlēapettan, hoppetan, hoppian, (wiþer)hyppan, springan.
g)	Aylanma harakatni ifodalovchi fe'llar: hwearfian, hwearftlian, hwierfan/ hwyrfan, turnian, tyrnan, þrāwan, wealwian.
h)	Yugurish harakat ma'nosini ifodalovchi fe'llar: gedīgan, flēon, sceacan/ scacan.
i)	Qolgan ma'nolarni ifodalovchi fe'llar: climban, crūdan, fēþan, frician, lācan, rīdan, s(e)altian, spurnan, stæppan, (be)stealcian, stalian, (be)stelan, swēgan, swōgan, tredan, treddan, treddian, treppan, tumbian, wealcan, weallan, windan.
II. Qadimgi ingliz tilida yo'nalish harakat ma'nolarini ifodalovchi fe'llar:	
a)	Aniq yo'nalish harakatini ifodalovchi fe'llar: grētan, lendan, genēahian, nēahlācan
b)	Biron bir muhit ichkarisidagi harakatlarni ifodalovchi fe'llar: innian, scipian
c)	Obyektdan uzoqda bo'ladigan harakatlarni ifodalovchi fe'llar: feorrian, feorsian/ fyr-sian, (for)lāetan, wīcan, (ge)witan
d)	Yuqoridan pastga qarab harakat ma'nolarini ifodalovchi fe'llar: gryndan, hnīgan, hyltan, lihtan, sīgan
III. Neytral yo'nalish harakat ma'nosini ifodalovchi fe'llar: būgan, cyrran/ cirran/ cierran, cuman, dragan, dwelian, dwelsian, dwolian, elþēodgian, faran, fēolan, fēran, fercian, ferian, folgian, fylgan, gān, gangan, gengan, gēotan, hweorfān, lēoran, reccan, scrīþan, settan, sīþian, spyrian, stīgan, strīcan, strīdan, styrian, swīcan, swician, swīfan, tēon, (wiþ)tremman, þrægan, wadan, wandrian, wærlan, wæðan, weallian, wegan, wendan, wōrian, wracian, wracnian, wrēcan, wrigian.	
IV. Boshlang'ich ma'nosi harakatni ifodalamaydigan fe'llar: berstan, breccan, (ge)dōn, facian, feohtan, healdan, hīgian, metan, nēosian, niman, (ā)redian, sēcan, slēan, weorþan, winna.	

Qadimgi ingliz tilida ishlatilgan ærnān, blæstan, cleacian, drīfan, ef(e)stan/of(e)stan, fundian, fýsan, hradian, irnan/iernan/rinnan/yrnan, lācan, ōnettan, pleg(i)an, racian, rāsan, recan, scēon, scēotan, scotian, scūfan, scūdan, scyndan, snēowan, snyrian, st(i)ellan/ styllan, stincan, swengan, tengan, þeran, þocerian, þringan fe'llari harakatning tezlik ma'nosini ifodalash uchun ishlatilgan va birinchi eng katta turkum hisoblangan. Ushbu turkumni ham bir necha kichik guruhlarga ajratib mazmun tahliliga e'tibor qaratamiz. Masalan:

1. þonne **ærnað** hy ealle toweard þæm feo – Mazkur misoldagi “**ærnað**” fe'li shaxsning otdagi harakatini ifodalab kelgan.

2. þa deofla þa **blæstan** hie ofer þone halgan Andreas – Turgan joyida tezlik bilan harakatlanish ma'nosida ifodalangan.

3. and he þanon **deacode** swiðe earhlice to porte – “diacian” fe'li ot so'z turkumidan o'zlashgan so'z bo'lib shaxsning harakatlanishini anglatgan.

4. ða ic mid ðy heafde & mid honda com on ðone stan **dryfan** – Ushbu misoldagi “drifan” fe'li subyektning shoshilinch harakatini ifodalab kelgan.

5. **efstað** aweg – Ushbu misolda ham shoshilinch tezlik ma'nosi ifodalanib subyekt makondan yiroqlashishini anglatgan.

6. þet Cnut cyng of Denmearcan, Swægnes sune cynges, **fundade** hiderward & wolde gewinnan þis land – Ushbu misolda bironbir yo'nalishga maqsadli harakatlanish ifodalangan.

7. ongan þa ofstlice eorla mengu **to flote fýsan** – “**fýsan**” Kauzativ mazmunli harakatni bildiradi.

8. Geefst þ **hrada** þæt þu Alyse – Shoshilinch harakatni amalga oshirish ma'nosiga ega.

9. Ðonne orn he eft **inn to ðæm temple** – Tez harakatlanish (yugurish) ma'nosini ifodalab kelgan.

10. *Hwilum se wonna leg læhte wið ðes laþan* – Tez harakatda bo'lmoq, biron-bir yo'nalishga otilmoq kabi ma'nolarga ega.

Materiallarning dalilicha, yuqorida keltirilgan jadvallarga tayanib qadimgi ingliz tili davrida fe'llar turli semantik munosabatlarda namoyon bo'lgan. Qadimgi ingliz tili davrida yurish harakati fe'llarini guruhlashda yo'nalish semantikasiga e'tibor qaratish lozimligi ko'zga tashlanadi. Bundan tashqari, holat semantikasiga ega bo'lgan yurish harakat fe'llari mavjudligi sabab ular holat fe'llari va yo'nalish harakati fe'llariga ajratilgan. Yo'nalish fe'llariga ko'proq aniq maqsad tomon yo'naltirilgan harakat fe'llari kiritilgan va ushbu fe'llar shaxs, hayvon, transport harakatlarini anglatgan. Holat fe'llari esa makondagi aylanma vertikal harakatlarni turli xil ifodalagan. Bu, o'z navbatida, holat fe'llarining xilmaxilligini tasvirlab kelmoqda. Shuningdek, holat fe'llari, asosan, boshlang'ich ma'nolariga ega bo'lgan. Fe'llar, asosan, lisoniy birlikning semantik voqealanishi uning tarkibiy deduksional hamda formal munosabatlariga asoslangan. Fe'llarning atributivlik va obyektivlik xususyatlariga ega ekanligi ko'rib chiqilgan. Qadimgi ingliz tilida yurish harakati fe'llari sintaktik munosabatga kirisha olish imkoniyatlari bilan ham ajralib turgan. Ba'zi bir fe'llarga "rian" suffikslarini qo'shish orqali ularning ma'nolari tamomila o'zgarib borishi, boshqa holatlarda "rian" qo'shimchasini qo'shish orqali ot yasash holatlari uchragan. Yurish harakati fe'llarning predlog hamda posleloglar bilan birikishi ularning semantik faollashuvini ta'minlashga xizmat qilgan. Predmetning harakat-holat belgisini anglatadigan leksemaga fe'l leksemalar kiritilgan. Har bir milliy tilda leksemalar muayyan qonun-qoidalar asosida bir yerga jamlanib, to'dalanib borilgan. Tilning o'ziga xos tarixiy taraqqiyot jarayonida mazkur leksik-semantik guruhlar sifat va miqdor jihatidan tinmay o'zgarib borgan. Maydon nazariyasi, shuningdek, ideografik lug'atlar tuzishda ham muhim ahamiyat kasb etadi. Natijada tezlik harakat fe'llari turli kontekstda subyekt, shaxs harakati jonli jonsiz predmetlarning tezligi hamda tezlik bilan maqsadli harakatlanish kabi ma'no va mazmun bilan ajralib turgan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Talmy L. Semantics and the syntax of motion. *Syntax and semantics*, vol. 4, New York, Academic Press, 1975, p. 181–238.
2. Levinson S.C. Space in language and cognition. *Explorations in cognitive diversity*. Cambridge, U.K., Cambridge University Press, 2003, p. 131–160.
3. Hickmann M, Stéphane R. Space in languages. *Linguistic systems and cognitive categories (Typological Studies in Language 66)*. Amsterdam, John Benjamins. 2006, p. 66–105.
4. Filipović L., Kasia M. Jaszczolt. Space and time in languages and cultures. Vol. II: Language, culture, and cognition (*Human Cognitive Processing 37*). Amsterdam: John Benjamins. 2012, p. 37–102.
5. Ameka F, Semantics. *Contact linguistics: An international handbook of contemporary research*. Vol. I, 130–8. Berlin: De Gruyter, 1996, p. 130–138.
6. Schøsler L. L'expression des traits manière et direction des verbes de mouvement. *Perspectives diachroniques et typologiques*, 2008, p. 160–170.
7. Kopecka A. Continuity and change in the representation of motion events in French. New York: Psychology Press, 2009, p. 305–345.
8. Stolova N. From satellite-framed Latin to verb-framed Romance. *Late Latin as an intermediate stage*. Oxford, 6–9 septembre, 2008, p. 253–262.
9. Talmy L. Semantics and the syntax of motion. New York: Academic Press. 1975. – P 181–238.
10. Talmy L. Lexicalization patterns. *Semantic structure in lexical forms*. Cambridge, U.K. Cambridge University Press, 1985, p. 57–149.
11. Fanego T. Motion events in English: The emergence and diachrony of manner salience from Old English to Late Modern English. *Folia Linguistica Historica*, 2012, p. 29–85.
12. Сафаров Ш. О двойном управлении древнеанглийских глаголов. *Вопросы строя индоевропейских языков*. М., 1976, с. 98.
13. Сафаров Ш. Функционирование лексических единиц в синтаксических конструкциях. Самарканд, 1983, с. 270–272.
14. Zlatev J. *Spatial semantics*. Oxford University Press, 2007, p. 318–350.

Шукурова Сабохат Одилова (ҚарДУ Факультетлараро чет тиллар (ижтимоий-гуманитар
 йўналишлар учун) кафедраси ўқитувчиси)
**ШАХС ВА ЖАМИЯТ ПАРАДОКСЛАРИНИНГ ОБРАЗЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИДАГИ
 ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИ**

Аннотация. Ушбу мақолада Жон Стейнбек ва Назар Эшонкул асарлари қиёсий тадқиқ учун танланган, аслида Назар Эшонкул ижодига Жон Стейнбек адабий мактаби таъсири кучли, ёрқин эмас. Бу таъсирнинг кўпроқ матнортида қолиши, ҳаёт материални танлаш ва унга муносабатда, тасвирда, қаҳрамонларда инъикос топиши ҳамда Жон Стейнбек ижодига инсон ва жамият, табиат ва цивилизация ўртасидаги конфликтни бадий талқин қилиши текширилган, айни шундай кучли ижтимоий нафос Назар Эшонкул прозасининг ҳам ўзагини ташкил этиши тадқиқ қилинган.

Аннотация. В данной статье для сравнительного изучения выбраны произведения Джона Стейнбека и Назара Эшонкула, на самом деле влияние литературной школы Джона Стейнбека на творчество Назара Эшонкула не столь сильное и яркое. Рассматривается значение этого влияния на текст, выбор жизненного материала и его отношение к нему, его отражение в образе, героях, художественное осмысление конфликта между человеком и обществом, природой и цивилизацией в произведениях Джона Стейнбека.

Annotation. In this article, the works of John Steinbeck and Nazar Eshankul are selected for comparative study, in fact, the influence of John Steinbeck's literary school on the work of Nazar Eshankul is not strong, bright. The essence of this influence remains on the text, the choice of the material of life and its attitude to it, its reflection in the image, the heroes, and the artistic interpretation of the conflict between man and society, nature and civilization in John Steinbeck's work.

Калим сўзлар: адабий қаҳрамон, бадий образ, ижтимоий ҳаёт, образлар эволюцияси, маънавий-ахлоқий, фалсафий-ижтимоий гоялар, шахс ва жамият, адабий ракурс, модернистик услуб, интерпретацияю

Ключевые слова: литературный герой, художественный образ, общественная жизнь, эволюция образов, духовно-нравственные, философско-социальные идеи, личность и общество, литературный ракурс, модерн, интерпретация.

Key words: literary hero, artistic image, social life, evolution of images, spiritual-moral, philosophical-social ideas, personality and society, literary perspective, modernist style, interpretation.

“Стейнбек ўз асарларида қаҳрамонларни уни ўраган ижтимоий муҳит, жамиятнинг социал масалалари билан ўзаро уйғунликда тасвирлайди, деб ёзади адабиётшунос олима Ноила Шакирова. Шундан келиб чиқиб, Стейнбекнинг бадий тимсолларининг ҳар бири ўзида ўзи яшаган ижтимоий ҳаётнинг энг долзарб масалаларини, дардларини, турли муаммоларини, худди марказий компонент каби, марокли равишда мужассам этишга гувоҳ бўламиз”.¹

Олима тўғри таъкидлаганидек, Жон Стейнбек қалбига яқин оддий ва эзилган меҳнат ахиллари образларини юксак меҳр ва ҳамдардлик билан қаламга олиб, уларнинг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини, сиёсий-ижтимоий моҳият билан бақамтилигини, ижтимоий ҳаётдаги норозилиklarини юксак бадийлик маромида талқин қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, адабиётшунослар ёки ижод аҳлининг Стейнбекнинг социал-психологик теранликдаги асарлари Америка ижтимоий ҳаётининг ойнаси эканлигини таъкидлашлари бежиз эмас.

“Лома қишлоғи Марказий Калифорниядаги Салинас текислигининг дўнрок ерида жойлашган. Терскай ва кунчиқар томонида узундай-узок қора торф ботқоқликлари ястанган, аммо торф ботқоқликларининг захи қочган. Ўша ерлар мўл-кўл сабзавот ҳосили беради, тупроқ шунчалар унумдорки, коху ва гулкарам одам бўйи ўсади”.²

¹ Шакирова Н.Р. Художественное функционирование «театрнй группы» в творчестве Дж.Стейнбека 1930-х гг. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидат фил. наук, Уфа, 2006, с. 10.

² Стейнбек Ж. Жонни маймоқ. Ҳикоя. Рус тилидан Саиджалол Саиджамолов таржимаси. “Тафаккур”, 2012, 4-сон, 72-бет.

“Жонни маймоқ” ҳикояси Лома қишлоғига хос шундай мароқли тасвирлар билан бошланади. Буям Стейнбек насрига хос услубий ўзига хосликлардан бири. Воқеалар кечагидан, ижтимоий масалалар рўй берадиган географик кўлами билан асарнинг бошланиши ўз йрқинлиги, мавзу ва ғоявий кўлами теранлигини англаш асоси шу тариқа вужудга келади. Англашиладики, асарда ривоячи – ботқоқликларни тугатиш компаниясининг ишчиси. Воқеалар, маънавий-ахлоқий, фалсафий-ижтимоий ғоялар шу персонаж нигоҳи орқали кечади.

Жонни одамларнинг товушини айнан ўзига ўхшатиб такрорлай оладиган ўта иқтидорли тақлидчи. Бу парранда ҳайвонот оламига ҳам тегишл устакорлик. Ҳозир у ривоячи йигит билан унинг хушбичим ҳинду қизи Мэй Ромеро ўртасида бўлган суҳбатларини айнан кўрсатиб берган эди. Бу пухта ижро этилаётган ўйин қовоқхона аҳлининг ривоячига тишининг оқини кўрсатиб қарай бошлаганларида ўзининг таъсир кучини намоён этаётганлигини кўрсатарди. Ривоячи “Агар полда судралаётган одамни кўрмаганимда, ўша заҳоти “Мэй Ромеро” деб чақирган бўлардим”, дейиш билан Жонни Маймоқнинг саҳнадаги энг кучли актёрдан ҳам кучли иқтидор эгаси эканлигига иқрор бўлади. Жонни Маймоқнинг шу такрорланмас истеъдодининг мукофоти – бир бокал виски, холос. У шундай таҳқиромуз кун кўриш, бир оғиз нон, мунчагина таом ва виски илинжида шу “ноёб” иқтидорини намойиш этишга ўрганиб қолган.

Жонни Маймоқ каби онда-сондагина учраши мумкин бўлган “топилмас” тимсолни танлаган Стейнбек бадиий асарнинг қизиқарлилик хусусиятини ҳисобга олган. Шунингдек, адабиёт фақат комил шахсларни, ибратли кишиларнигина эмас, лозим бўлса, жинояткорларни, жинни-девоналарни, майиб-мажруҳларни ҳам тасвир объектига олади. Жонни Маймоқ каби одамлар наздида, жамиятнинг мисоли чиқитга чиққан бандаси, ўша ижтимоий муҳитнинг ажралмас бўлакчаси, сиёсий тузум нотенглигининг меваси саналади.

Алекснинг айтишича, Жонни бировларни, унинг уйини “писиб пойлашнинг обдон ходисини олган”. Пойлоқчиликниям шундай яширин, сирли тарзда амалга оширадики, шу чокқача ҳар қандай чакқн одам ҳам уни қўлга тушира олмаган. Бировнинг овозини, гап-сўзини айнан такрорлай олишда у устаси фаранг.

“ – Ё Раббим! Лекин бировнинг овозини...

Алекс бош ирғади.

– Ҳа, нима демокчилигингизни билиб турибман. Биз Жонни тўғрисида университетга хат ёздик, у ердан бир олим йигит келди. У Жоннини кўргач, Сўқир Том ҳақида гапириб берди. Шунақасини эшитганмисиз?

– Негр пианиночими? Ҳа, эшитганим бор.

– Сўқир Том ҳам ақли заиф бўлган. Деярли гапиролмаган, лекин олдида пианинода чалинган ҳар қандай куйни такрор чалиб берган, ҳатто энг мураккабларини ҳам. Донғи кетган созандалардан сўнг чалишга ундашганда, нафақат куйни, унинг кайфиятини, мусиқанинг нозик оҳанглариини ҳам такрорлаб берган. Уни илинтириш учун пианиночилар жиндек хато қилиб чалишса, Том ҳам худди шундай хато қилган. Куйнинг энг майда икир-чикиригача илғаб, хотирасида сақлаб қолиш қобилияти бўлган унинг. Университетдан келган йигит Жонни Маймоқда ҳам худди шундай истеъдод бор, у фақат сўз ва овозларни хотирасига муҳрлаб олади, деганди. Йигит Жоннига юнон тилидаги узундан-узоқ бир матнни ўқиб бериб уни синаб кўрган. Жонни ҳаммасини дона-дона қилиб такрорлаган. У айтаётган гапларининг маъзини чақолмайди, шунчаки уларни такрорлайди, холос. Бир нималарни тўқиб-чатишга унинг ақли етмайди, фақат нимани эшитса, шуни айтади – буни қишлоғимизда ҳамма билади.

– Лекин нега бундай қилади? Ҳеч вақони тушунмас экан, бировларнинг гапини пойлаб нима зарил унга?

Алекс тамаки ўраб чекди.

– Тушунмасликка тушунмайди, лекин виски деса ўзини томдан ташлайди. Жонни дераза тагида яширинча у-бу гапни эшитиб, бу ерда аслидек қилиб такрорлаб берса, кимдир уни бир стакан виски билан сийлашини билади”.¹ Бундай фавқулудда ғаройиб, қутилмаган иқтидор ва уддабурунлик эгаси бўлган тимсолни асар марказига олиб чиқиш ҳам мазкур ҳикоя ғоявий-фалсафий компонентининг оригиналликни белгилайди.

¹ Стейнбек Ж. Жонни маймоқ. Ҳикоя. Рус тилидан Саиджалол Саиджамолов таржимаси. “Тафаккур”, 2012, 4-сон, 53-бет.

Жонни Маймоқ иқтидорининг ўзига хос бир нозик жиҳати—айрим ёпиқ-яширин ишларнинг, сир-асрорларнинг беихтиёр ошкор қилиниб қолишига бориб тақалади. Масалан, Карл Алекснинг боён хонимларидан бири Эми билан хуфия ишқий алоқалари, унинг бўйида бўлиб қолиши билан боғлиқ сирли муносабатлари Жонни туфайли ошкор бўлади. Алекснинг Жоннига ташланиши унинг Мисс Эми билан ўртасидаги хуфия сирни бадтар ошкор қилиб юборишига сабабчи бўлади.

Ёзувчи мазкур ахлоқий муаммо бўйича бу қадар сирли-ғаройиб поэтик теранликда фикр юритаркан, пировардида маънавий покликни ҳимоя қилиш мақсадини қўллаганлиги аниқ. Кино-Хуана (“Жавоҳир”) якка-ягона гўдаклари Койотитонинг ўлимига сабабчи бўлган, ўз ҳаётларигаям хавф солаётган ғаройиб жавоҳирни денгизга отиб юборадилар; ёлғиз онаизори қанчалик фахрланиб юрадиган ўғли Пепе бир бандани ўлдириб, ўзиям фожиали қазо топади; ноҳос бир ёш аёлнинг ўлимига сабабчи бўлган соддамижоз, далли-девонасифат ўсмир Леннининг ўзиям ўлим топади. “Жонни Маймоқ” ҳикоясидаги иффатли, эзгу қалб ва гўзал хоним Эми ҳам ўзи сабабчи бўлган хуфия зинонинг қурбонига айланади. Салоҳиятли адиб Жон Стейнбекнинг бу каби талқинлари маълум шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг (парадоксларнинг) ўзаро интерпретацияси (уйғунлашуви) муаммосининг ўзига хос мисоллари сифатида характерлидир. Ж.Стейнбекнинг бу каби моҳиятан шарқона характерга эга панднома услуби унинг барча асарларида ҳам ўткир ижтимоий-социал масалалар талқини билан уйғун шаклда ҳам намоён бўлиши Стейнбекшунослар томонидан ҳам тўқидланган.¹

Яна муҳими, адиб ҳамиша эзгу ҳаракат комиллик ва маънавий юксаклик парадокси бўлса, ёвузлик, қотиллик, ахлоқий айниш эса ҳам руҳий-маънавий, ҳам жисмоний ҳалокатга олиб келишини таъкидлашни кўзлайди.

Ф.Бурхонова Назар Эшонкул ижодининг, адабий карьерасининг ўзига хослиги ҳақида фикр юритиб, жумладан, шундай ёзади: “Адиб асарларида ижтимоий мазмунни мутлақ инкор этмайди. Бу унинг Ғарб модернистларидан фарқ қиладиган муҳим жиҳатларидан биридир. “Тун панжаралари”, “Қора китоб”, “Тобут”, “Хароба шаҳар сурати”, “Зулмат салтанатига саёҳат” каби асарларини ўқисак, бунга ишонч ҳосил қиламиз. Унинг асарларида тасвирланаётган ва қаҳрамоннинг ўз “мен”ини, ўзлигини излаш жараёнида намоён бўладиган ҳис-туйғулари, қалбида бўй кўрсатаётган буюк кўрқув салтанати, ижтимоий ҳис-туйғулар ва унга чорасиз исён – уларнинг пайдо бўлиш омиллари фақат ички “мен”ига, онг ости қатламларигагина боғланиб қолмасдан, қайсидир маънода ташқи олам билан, муайян замон ва макон билан узвий алоқадорликда намоён бўлади”.²

“Буюк кўрқув салтанати” эзиб, қонини сўрган мискин бандалар қисмати ёзувчини қизиқтириши бежиз эмас. Бу, аввало, истиқлол даври ижод аҳлининг, олиму журналистнинг ҳам ўзак вази-фасига айланган мустақилликни асраш ва мустаҳкамлашга айланган экан, бу, аввало, тоталитар тузум кирдикорларини фош этиш, шўро даври зулмлари жонидан ўтган кишилар тийнатиини мажозий моделда кўрсатиш мақсад-муддаолари сифатида намоён бўлади.

“Менга машҳур адиб М. ҳақида мақола ёзиш топширилганда, ишни нимадан бошлашни билмай каловланиб қолдим. М. бугунги кунда унутилган ёзувчига айланган бўлса-да, ҳали ҳам кўплар у ҳақида бирон жиддий хулоса айтишдан кўрқишар, ўша – олис йиллар ортида унга адабиёт фахри сифатида ўрнатилган салобатли ҳайкал ва ҳали ҳам жавонларда кўпдан бери ўқилмай кўйган ёс-тиқдай китобларда тутиб ётган доврўғи ҳар қандай одамни ҳам эсанкиратиб кўярди”.³

“Зулмат салтанатига саёҳат” ҳикояси шундай бошланади. Ҳикояда танланган образ – қизил сиёсатни алқаб, нуфузли сийловларга сазовор бўлган корчалон ижодкор бўлганлиги дастлабки қадамдан маълум.

Ҳикоя мажозий ва сирли адабий ракурс каби модернистик услуб асосига қурилган. Тўқсон ёшдаги ижодкорнинг яна кўтар-кўтар қилиниши – умри бўйи ёвузлик салтанатини алқаб, ёвузликни тарғиб қилиб яратган асарларининг муқофоти саналади. М. деб аталган бу “донгдор” ижодкор юбилейи муносабати билан газета редакцияси адабий танқидчига унинг босиб ўтган ҳаётий

¹ Леонова Н.Е. Семантика художественного пространство в произведениях Джона Стейнбека. Автореферат дисс. на соиск. уч. степ. кандидат филологических наук, Москва, 2004, с. 17.

² Бурхонова Ф.А. Муаллиф адабий-эстетик қарашлари ва ижодий параллелизм (Назар Эшонкул ва Улуғбек Ҳамдам ижоди мисолида). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати, Тошкент, 2019, 13-бет.

³ Эшонкул Н. Зулмат салтанатига саёҳат. Н.Эшонкул. Момоқўшиқ. Қисса ва ҳикоялар. Ғ.Ғуллом номидаги нашриёт-матбаа уйи. Тошкент, 2019, 55-бет.

йўллари ҳақида мақола тайёрлаш топшириғини беради. Танқидчи бунинг учун унинг даврдоши бўлган, адабиётга бир вақтда кириб келган шоир билан суҳбатлашмоқчи бўлади.

Н.Эшонқул адабий услубига хос муаллиф нутқи жозибадорлиги бу ўринда қўл келган. Бир-икки жумладаёқ адиб шўро салтанати зулмларини кўрган, руҳан мажруҳ ҳолга келиб қолган кекса шоир қисматининг шўришларини шу муаллиф нутқи таркибида прозалай олган.

Маълум бўладики, бу бечора шоир ҳалиги доврүкли М. шоирнинг қутқуси, сотқинлиги билан камалган. Аниғи, сталинизм даври қурбони, бежиз эмаски, бу бечора мухбирнинг истагини эшитиб, суд залида ўз устидан ўқиладган айбномани эшитаётгандай М. ҳақидаги саволдан соқов бўлади-қолади. Бу ўзининг душмани бўлган кимса номини эшитиб, даҳшатга тушган жабрдийда банданинг аҳвол-руҳияси ҳисобланади. Сотқинлик, хиёнат жабрини тортган кишининг кўз ўнгини “қўркув ва ваҳм алафлари” қоплаб олиши, шубҳасиз.

Муаллиф шу кичкина одам ва унинг эзгин фожиона қисмати ҳақида сўз юритиш билан сталинизм қатағонлари сиёсатининг ёвуз башарасини жонлантирган. Асарда адабий танқидчи билан М.нинг рамзан у босиб ўтган йўлларда бирга юриб, суҳбатлашиши жараёнида бу мураккаб, зулмли тарих манзаралари аста-секин намоён бўла боради. Бу тарих йўли эса зулмат билан қопланган салтанат йўли ҳисобланади. Ёзувчи ўз талқинларида яқин ўтмишни – мустабид тузум ҳукмронлик қилган даврни очиқ-ошқора фош қилиш йўлидан бормайди. Балки, бу қабоҳатга, атеистик зулмкорликка асосланган сиёсий даврни мажозий ва рамзий моделда, юксак бадиийлик либосида талқин этиш каби илғор жаҳон адабиётига хос поэтик шакллар услубида истифода этиш йўлидан боради.

М. ўн беш йиллардан буён якка-ёлғиз ҳолда ирқит кўрпа-тўшақда, тамаки ва яна бошқа эскириб, ҳидланиб кетган нарсалар қуршовида яшайди. Унинг таникли ёзувчи, ёстикдай-ёстикдай китоблар ёзган бўлишига қарамай, атрофида ҳеч зог йўқ. Бу рамзда одамлардан ёвузлик излаган, ҳаётни қабоҳат моделида тасвирлаган, давр сиёсатининг қулига айланган кимсанинг булганч ҳаёти, булганч тақдири мужассам.

М.. биринчидан, зулм-зўравонликка асосланган мустабид давр вакили, иккинчидан, шу зулмат дунёсини улуғлаган бўлса-да, ўзиям шу давр қурбони бўлган фожиона шахсият. М. коммунистик мафқуранинг сунъий ва ёлғон чақириқлари асосида коммунизм учун кураши, бу жамятда фаровон ва шодон яшаш даъватларини жон-жаҳди билан мадҳ этиб, пировардида бу чақириқларнинг нақадар алдамчилигига гувоҳ бўлиб, танг аҳволга тушиб қолган, қаттиқ алданган зиёли тимсоли.

М. ўзини ёлғиз қилиб қўйган зулмат дунёсининг барча қабих, юлдузсиз, шуъласиз кўчаларини, манзилларини яхши билар, бу зулматли йўлларда адашмасдан юра оларди. Ёзувчи бу зулмат дунёсини “қабр сукунати”, “қиёфасиз олам” сингари нотақрор метафоралар орқали талқин қилиш билан унинг қабихликка асосланган булганч дунёсини яна-да ёрқинроқ кўрсатишга эришган. Моҳиятан абсурд олам талқинида ёзувчига шундай услуб қўл келиши бошқа асарларига ҳам хос. М.нинг қабих умр йўлларида қилган ярамасликларидан энг ярамаси – бу унинг ўз ота-онасига қилган ҳурматсизликлари, хиёнаткорликлари билан боғлиқ.

Мана, улар (М. ва танқидчи) М.нинг, асли, туғилиб-ўсган ҳовлисига етиб боришади. Ҳовлига ваҳшатли чакалакзордан зўрға ўтиб олиб, қадам қўйишади. Уй ҳалиги М. яшаган исқирт ҳужрага монанд эди. Бу М.нинг қари ота-онасининг зулмат кўркуви қоплаган уйи экан. Ота кўрқа-писа “Қандай келиб қолдиларинг, ҳамма ёқда изғиб юришибди-ку?” дея сўрайди. Асардаги Қ. образи ўзининг бешафқат шотирлари билан ҳамма жойда изғиб, ваҳм ва даҳшат солиб юришади. Улар кўзига ёқмаганларни дарҳол қатл этишади. Бу Қ. – сталинизм сиёсати тимсолининг ёрқин инъикоси. Ўғил ота-онага зулм қилса, ота-она ҳатто ўғлидан ҳайиқиб яшаса, бу жамятнинг мустабид моҳияти барчани кул-манкуртга айлантирганлиги аломатидир. Ҳикоя Қ.нинг буйруғи билан қора шарпалар томонидан симёғочга осиб ўлдиришлари билан интиҳо топади. Бу тоталитар тузумнинг ўзига хизмат қилган кишиларни алал-оқибат ҳалокатга маҳкум этади, деган ижтимоий фикрнинг поэтик-рамзий тасдиғидир.

Тоталитар тузумнинг даҳшатларини, одамқуш жиноятларини фош этиш – Н.Эшонқул ижодий изланишларининг, унинг шахс ва жамят интерпретациясини англаш ракурсининг муҳим жиҳатини белгилайди. Гулноз Сатторова қайд қилгани каби, “фавқулудда ҳолатлар (уруш, очлик, вабо каби)нинг инсон психологиясига салбий таъсирини кўрсатиш сурункали тазйиқ, зўравонлик, миллат онгининг тушқунликка юз тутишига сабаб бўлишини драматик вазиятларда тасвир этиш

Н.Эшонкулнинг “Тобут”, “Оғрик лаззат”, “Муолажа”, “Бевақт чалинган бонг” хикояларида ифода этилади”.¹

Бинобарин, бундай жабрдийда, эзилган бандалар, хароботлик, зулмат миждозлари – кечаги зўравон шўро сиёсатининг мажозий услубдаги инъикосидир. Улар мавжуд ижтимоий зулмга бўйсунмаган, рози бўлмаган бечора-мискинлар, ёвуз сотқинларнинг бадий-рамзий интерпретациялари саналади.

Ismailov Is’haqjon Otabayevich (f.f.n., UrDU dotsenti; @Iskhaqjon ISMAILOV),
Saparboyeva Madina Murodjon qizi (UrDU talabasi)

OGAHIYNING “RIYOZ UD-DAVLA” ASARIDAGI MASNAVIYLAR VAZNI HAQIDA

Annotatsiya. Ushbu maqolada Ogahiyning “Riyoz ud-davla” asaridagi masnaviylarning vazni masalasi haqida fikr yuritiladi. Bayon qilingan mulohazalar muhim ilmiy faktlar taqdim qilishi bilan birga Ogahiyning muarrix-shoir sifatida anglash imkoniyatimizni kengaytiradi.

Аннотация. В данной статье рассматривается вопрос о весе маснави в историко-литературном Агахи “Рияз уд-давла”. Содержащиеся суждения, помимо приведения важных научных фактов, служат расширению осознания Агахи в качестве историографа-поэта.

Annotation. This article discusses the issue of the weight of masnavi in the historical and literary work of Agahi “Riyaz ud-davla”. The judgments contained, in addition to citing important scientific facts, serve to expand Agahi’s awareness as a historiographer-poet.

Kalit soʻzlar: aruz, mafoiylun, foilotun, bahr, rukn, zihof.

Ключевые слова: аруз, мафаъийлун, фаъилатун, бахр, стопа, зихаф.

Key words: aruz, mafoiylun, foilotun, bahr, rukn, zihof.

Xorazm tarixini atroflicha oʻrganishda Abulgʻozi Bahodirxon, Shermuhammad Munis, Muhammad Rizo Erniyozbek oʻgʻli Ogahiy va Bayoniylarning xizmatlari cheksiz. Bu muarrixlar qalamiga mansub tarixiy asarlar voqealarning quruqdan quruq bayoni bilan cheklanib qolmasdan, voqealar silsilasi bayonida nazmiy parchalar ham ilova qilib ketilganki, bu holat oʻquvchi kitobxonni bir xillikdan zerikib qolmasidan, badiiy-estetik zavqini ham oshirishga harakat qiladi.

Tadqiqot obyektimiz boʻlgan “Riyoz ud-davla” asarida ham boshqa lirik janrlar bilan birga masnaviylar ham alohida oʻrin egallaydi. Asarda 176 ta (shundan, 60 tasi “nazm” sarlavhasi ostida berilgan) masnaviy oʻrin olgan boʻlib, 3370 misrani tashkil qiladi. Masnaviylar ichida eng kattasi “Toʻynoma” masnaviyi boʻlib, 552 misrani tashkil qiladi.²

Aruz turkiy-oʻzbek mumtoz sheʼriyatining muhim poetik belgilaridan biri sanaladi. Sheʼriy asardagi soʻzlarni tartibga solishda, unda ritmik holatlarni yuzaga keltirishda aruz ruknlarining, qofiya va radiflarning oʻrni kattadir. Bularsiz sheʼriy asarning boʻlishi mumkin emas.

Oʻzbek mumtoz adabiyotidagi lirik asarlarning deyarli barchasi arab sheʼriyati orqali oʻtgan aruz bahrlari, vaznlarida yozilganligi barchamizga maʼlum. Aruz bizda milliy sheʼriyatimiz tabiatiga moslash-tirilgan holda qoʻllanila borilganligini aruzshunos olimlarimiz ham qayd etadilar.

“Riyoz ud-davla” asaridagi masnaviylarning vazn xususiyatlariga toʻxtaladigan boʻlsak, muarrix-ijodkor Ogahiyning aruz amaliyotini puxta egallaganiga guvoh boʻlamiz. U turkiy aruzning nozik, oʻziga xos jihatlaridan mahorat bilan foydalanib, betakror sheʼrlar yarata olganligi bilan ham “Riyoz ud-davla” asari oʻzbek adabiyotida adabiy manba sifatida ham alohida oʻrin tutadi.

Aruz vazni shoirdan yuksak mahorat, soʻz boyligi hamda badiiy salohiyatni, shuningdek, asarning gʻoya va mazmuniga mutanosib shaklni tanlay bilishni ham taqozo etadi. “Riyoz ud-davla”da mavjud sheʼrlar aruz vaznining, asosan, *mutaqorib* va *hazaj* bahrida yozilgan. Mutaqorib bahri “*faulun*” aslining, hazaj bahri esa *mafoiylun* aslining takrorlanishidan vujudga keladi. Ushbu bahr mumtoz sheʼriyatimizda XIV asrdan boshlab munosib oʻrin egallay boshlagan boʻlsa, XVI va XX asrlarda ham undan keng foyda-

¹ Сатторова Г.Ю. 90-йиллар ўзбек хикоячилигида миллий характер муаммоси. Филология фанлари номзодлик диссертациясининг автореферати, Тошкент, 2012, 22-бет.

² Riyoz ud-davla. Nashrga tayyorlovchi, soʻzboshi, izohlar muallifi hamda forsiy matnlar tarjimoni Abdulla Oʻrozboyev. Urganch, “Kuvanchbek-Mashxura” MCHJ, 2021, 258–272-betlar. Bundan keyingi misollar shu asardan olingani uchun asar nomi va beti koʻrsatib oʻtiladi.

lanildi. Buning asosiy sabablaridan biri, hazaj bahri o'z xususiyatlariga ko'ra, mumtoz va xalq kuylariga mos tushishidir.

Shu bilan birga, mazkur bahrda kechinmalarni, tuyg'ularni, ruhiy holatlarni ifodalash qulayligidir. Biz asardagi mavjud lirik asarlar vaznini bahrlar ketma-ketligi tartibida joylashtirib chiqdik:

1. Hazaj bahri.

a) *Hazaji musaddasi mahzuf*. Nizomiyning "Xusrav va Shirin" dostoni tufayli shuhrat qozongan bu vazn "Xamsa"lardagi ikkinchi dostonlarga xos bo'lib, unda ishqiy-sarguzasht sujetlar bayon etiladi. Amir Xusrav Dehlaviyning "Shirin va Xusrav", Jomiyning "Yusuf va Zulayho", Navoiyning "Farhod va Shirin" dostonlari ham shu vaznda yozilgan. Mazkur vazn turkiy adabiyotda keng iste'molda bo'lgan. Jumladan, Xorazmiy "Muhabbatnoma"si va uning naziralari, Sayfi Saroyining "Suhayl va Guldursun", Haydar Xorazmiyning "Gul va Navro'z" dostonlari, So'fi Olloyorning "Sabot ul-ojizin" asarlari ham ayni vaznda bitilgan. Tahlillar shuni ko'rsatadiki, bu bahr tarixiy asarlardagi eng keng qo'llanilganidir.

*Biri bahri/karam Bu – Bak/ri Siddiq,
Zamiri of¹ tobi bur/ji tahqiq.¹
Chu qolding ish/qilur vaqti/da g'ofil,
Pushaymonlig / bila emdi/ na hosil.²
V – – – / V – – – / V – – –
mafoiylun/mafoiylun/faulun;*

b) *Hazaji musaddasi maqsur*.

*Xabarchilar/qilib xizmat/ belin rust,
Ketib atrof¹ g'a sur'at/ bila chust³.
Kelib payvas/ta lashkar fav/ji bar favj,
Urub har fav/ji Yuz daryo/kibi mavj.⁴
V – – – / V – – – / V – ~
mafoiylun / mafoiylun / mafoiyl;*

d) *Hazaji musaddasi axrabi maqbuzi mahzuf*. "Xamsa"larning uchinchi dostoni shu vaznda bo'lib, ko'proq ishq iztiroblari, dard va mahzun ohanglarni ifodalashga mo'ljallangan. Nizomiy, Amir Xusrav, Jomiy va Alisher Navoiyning Layli va Majnun haqidagi dostonlari, Hoju Kirmoniyning "Gavhar-noma"si, Amiriyning mashhur "Qoshingg'a teguzmag'il qalamni" deb boshlanuvchi g'azali shu vaznda yozilgan.

*Ul nav'i / yig'ildi xay/li lashkar,
Kim, go'yi/zuhur¹ qil/di mahshar⁵.
– – V / V – V – / V – –
maf'ulu/mafoilun/fauvlun;*

e) *Hazaji musaddasi axrabi maqbuzi maqsur*.

*Ey soqi /yi mahvash-u/ gulandom,
Shirin la/ b-u dilbar-u /dilorom.⁶
– – V / V – V – / V – ~
maf'ulu/mafoilun/mafoiyl*

Xiva xoni Olloqulixonning hijriy 1251 (milodiy 1836) shahzodalarning sunnat to'yi munosabati bilan yozilgan, "Riyozi ud-davla" asaridagi hajman eng katta masnaviy (552 misra) ana shu vaznda bitilgan.

2. Ramal bahri.

a) *Ramali musaddasi mahzuf*.

*Borg'usi vo / jun bo'libon / bosh anga,
Qolg'usi dar / yo tubida / losh anga.⁷
Ey guruhi / xushmand-u / muhta ram,*

¹ "Riyozi ud-davla". 20-bet.

² Shu manba. 247-bet.

³ Shu manba. 187-bet.

⁴ Shu manba. 103-bet.

⁵ Shu manba. 52-bet.

⁶ Shu manba. 258-bet.

⁷ Shu manba. 123-bet.

*Bu tarafg'a / qo'ydingiz nev/chun qadam.*¹

- V - - / - V - - / - V -

foilotun / foilotun / foilon;

b) Ramali musaddasi maqsur.

Kimiki, shah/ ra'yig'a ay/lab xilof,

*Qilsa inod,/ aylasa zo /hir masof.*²

Uyla yig'il/di sipahi / beshumor,

*Kim anga ne/had edi - yu,/ne kanor.*³

- V - - / - V - - / - V ~

foilotun/ foilotun/ foilon

d) Ramali musammani mahzuf.

Zulmat ahli/g'a yetushti / obi hayvon/mujdasi,

*Yo'q esa, yet/ti o'luk aj/somⁱg'a jon/ mujdasi.*⁴

- V - - / - V - - / - V - - / - V -

foilotun / foilotun / foilotun / foilon;

e) Ramali musammani maqsur.

Ey, ki topmish / sen diyor-u / kishvaring ich/ra farog',

Bilmamish sen/ ki nedur mah/jurⁱlarg'a / dardu dog⁵.

- V - - / - V - - / - V - - / - V ~

foilotun / foilotun / foilotun / foilon

3. Mutaqorib bahri.

a) Mutaqoribi musammani mahzuf.

Jahon ah /lini xur/ram aylar / edi,

*Zamoyir/larin be/g'am aylar / edi.*⁶

Padido/rⁱ yaxshi/ nizom ayladi,

*Jahon xal/qini sho/dⁱkom ayladi.*⁷

V - - / V - - / V - - / V -

faulun / faulun / faulun / faal;

b) Mutaqoribi musammani maqsur.

Furuzan/da toj-u/ farozan/da taxt,

*Pisandi/da iqbo/l-u feru/zⁱbaxt.*⁸

V - - / V - - / V - - / V ~

faulun / faulun / faulun / fauyl

4. Rajaz bahri.

a) Rajazi musammani solim.

Mashhad hiso/ri fathini/ gar ro'zi qil/sa, Haq sanga,

*Dushvor emas/dur bu taraf/ azmini qil/moqlik yona.*⁹

- - V - / - - V - / - - V - / - - V -

mus taf'ilun / mus taf'ilun / mus taf'ilun / mus taf'ilun;

b) Rajazi musammani muzol.

Qish shiddati/ning ranjedin/ bo'lur ulog'lar notavon,

*Barcha cherik/ ahli bo'lur/ ham ojiz-u /ham xastajon.*¹⁰

- - V - / - - V - / - - V - / - - V ~

mus taf'ilun / mus taf'ilun / mus taf'ilun / mus taf'ilon.

¹ Shu manba. 157-bet.

² Shu manba. 123-bet.

³ Shu manba. 56-bet.

⁴ "Riyoz ud-davla". 106-bet.

⁵ Shu manba. 151-152-betlar.

⁶ Shu manba. 35-bet.

⁷ Shu manba. 44-bet.

⁸ Shu manba. 26-bet.

⁹ Shu manba. 65-bet.

¹⁰ Yuqoridagi o'rinda.

5. Sari’i musaddasi matviyi mavquf (matviyi makshuf). Bu bahr aralash bahrlar sirasiga kirib, unda mustaf’ilun va maf’o’lotu asllarining qat’iy ketma-ketlik holati uchraydi. Ya’ni, ikki marta mustaf’ilun asli va bir marta maf’o’lotu asli keladi. Lekin har bir asl zihofga uchragan bo’ladi. Bu bahr “Xamsa” dostonlarining birinchi dostoni bahri hisoblanib, ko’proq pand-nasihahat (didaktik) ruhdagi she’rlarda uchraydi. “Riyoz ud-davla”da ham xuddi shu holatni kuzatishimiz mumkin. Ogahiy nasihat mazmunidagi masnaviyalarida sari’ bahriga murojaat qilganki, bu bilan shoir yaratayotgan she’r lirikaning barcha talablariga, ya’ni ham mazmun, ham shakl talabiga to’la mos kelmoqda. Agar misralar muftailun, muftailun, foilun tarzida bo’lsa, sari’i musaddasi matviyi mavquf; agar muftailun, muftailun, foilun tarzida bo’lsa, sari’i musaddasi matviyi mavquf tarzida nomlanadi:

a) Sari’i musaddasi matviyi makshuf.

Barcha kiyib/ javshan ila/ xo’dini,

Aslahayi/ siymu zaran/dudini¹.

– V V – / – V V – / – V –

muftailun / muftailun / foilun;

b) Sari’i musaddasi matviyi mavquf

Maqdamidin bo’ldi jahon gulsiton,

Dema gulsitonki, riyozu jahon².

– V V – / – V V – / – V ~

muftailun / muftailun / foilun

Ushbu baytda vazn talabi bilan ”guliston” so’zi birinchi misrada ”gulsiton” tarzida qo’llanilgan.

6. Xafifi musaddasi maxbuni maqtu’i musabbag’. “Xamsa” masnaviyotining Shoh Bahromga bag’ishlangan to’rtinchi dostoni shu vazn bilan mashhurdir. Bunda uchinchi rukn fa’al, fa’ol, failun, failun zihoflaridan biri bilan nihoyasiga yetishi mumkin.

Shoh³ har kim/ga aylasa /ehson,

– V – – / V – V – / – ~

Foilotun,/ mafoilun, / fa’ol

Bo’lur ul sarfarozi ah/li jahon³.

– V – – / V – V – / V V ~

Foilotun,/ mafoilun, / fa’ilon

Ushbu baytning ikkinchi misrasining oxirgi rukni oldingi misradan farq qilib, xafifi musaddasi maxbuni maqsur vaznida yozilgan. Shuningdek, vazn talabi bilan “sarafroz” so’z “sarafroz” tarzida qo’llanilgan.

Ogahiy tom ma’nodagi mahoratli shoir sifatida o’z asarlarining badiiyligiga, yoqimli, o’qishli chiqishiga katta e’tibor berdi, lirikada go’zal asarlar yaratdi. Shu bilan birga, u tarixiy asarlarida ham poetik jihatdan barkamol lirik asarlar yaratdi. “Riyoz ud-davla” asarida vazn, qofiya va badiiy vositalar shu darajada noziklik va mahorat bilan qo’llanilganki, bu ularning yuksak iste’dodini yaqqol namoyon etgan. Muarrix-ijodkor tarixiy asarlaridagi lirik shakllarda aruz vaznining imkoniyatlarini to’lig’icha ishga solgan va uning ohangdorligini hamda rang-barang poetik bo’yoqlarini asarlariga ko’chira olgan. Ogahiy hazaj, ramal, rajaz, sari’, xafif va muta’qorib vaznining turli-tuman ko’rinishlarini yaxlit bir asarda qo’llab, uning erkinroq harakatini yaratishga intilgan. Jumladan, satrlarning o’ynoqilgini, bir-biriga urilib ohangdor tebranish hosil qilishini ta’minlashga uringan.

Ogahiy vazn tanlashda ham, qofiya turlarini belgilab olishda ham, badiiy tasvir vositalaridan foydalanishda ham o’z maqsad va vazifalari doirasidan chetga chiqmagan. Shuning o’ziyoq bu ijodkor-muarrixning iste’dodi naqadar yorqinligidan dalolat beradi.

Rahimova Bekposhsha (UrDU dotsenti, f.f.n.), Isakjanova Shahodat (UrDU magistranti)
SIROJIDDIN SAYYID PUBLITSISTIKASIDA VATAN MAVZUSI

Annotatsiya. Mazkur maqolada Sirojiddin Sayyid badiiy publitsistikasi va unda Vatan mavzusiga bag’ishlab yozilgan esselar tahlilga tortiladi. Shoir publitsistikasining asosiy xususiyatlari, o’ziga xos jihatlari e’tibor qaratiladi.

¹ “Riyoz ud-davla. 179-bet.

² Shu manba. 2-bet.

³ Shu manba. 25-bet.

Аннотация. В данной статье анализируются художественная публицистика и очерки Сирожиддина Сайида на тему Родины. Подчеркиваются основные черты публицистики поэта.

Annotation. This article analyzes Sirojiddin Sayyid's artistic journalism and essays on the theme of the Motherland. The main features of the poet's journalism are emphasized.

Kalit so'zlar: publitsistika, Vatan mavzusi, tarixiy fakt, badiiylik, she'riyat, vatanparvarlik, poetik mahorat, obrazlilik, real voqelik, esse, yozuvchi.

Ключевые слова: публицистика, тема Родины, исторический факт, искусство, поэзия, патриотизм, поэтическое мастерство, образность, действительность, эссе, писатель.

Key words: journalism, Homeland theme, historical fact, art, poetry, patriotism, poetic skill, imagery, reality, essay, writer.

Zamonaviy o'zbek she'riyatining yetakchi namoyandalaridan biri Sirojiddin Sayyid ijodida Vatan mavzusi alohida o'ringa ega. Ma'lumki, Vatan tuyg'usini chuqur his qiladigan shoir she'riyatida bu mavzudagi she'rlar salmog'i yetakchilik qiladi.

Sirojiddin Sayyidning she'riy to'plamlaridan birining "Vatanni tushunish" deb atalgani ham uning ijodida ushbu mavzu ustuvor o'rin tutishidan shahodat beradi. Shoirning "Yaxshilar ichra Vatan", "Vatanni sevish kerak", "Bobojonimning Vatani", "Bug'doybo'y Vatan", "Vatan", "Egasi bor yurt", "Qaldirg'ochlarga ber, ayvonlaringni", "Vatan yodi", "Vatan qo'shig'i", "Vatan desam...", "Vatan mehri" kabi qator she'rlarida ona yurtga beg'araz muhabbat tuyg'ulari balandparvoz so'zlardan xoli, samimiy so'zlar, betakror sifatlar bilan ta'riflanadi. Bu kabi she'rlarda Sirojiddin Sayyid Vatan to'g'risida so'z yuritganda an'anaviy chiroyli ta'rif-tavsiflardan qochib, uning ramzini ifodalashda oddiy narsa va hodisalarga murojaat qiladi. Asarlarida Vatan mavzusiga sog'inch va cheksiz mehr tuyg'ularini mohirona singdira oladi va butunlay yangi ohang bilan to'yintiradi. Bu ohangda har bir yurtdoshimiz qalbida iftixor hissini uyg'otadigan sehr va ehtiros kuchli ekanligini ko'ramiz. Chunonchi, "u ona siyosida, ota ayvonida, hovlisida mung'ayib turgan tandirda, borini shig'il-shig'il meva qilib, bargixazon qilib to'kib bo'lgan, momosining xotirasiga aylangan qari tutda, ayvonida alyor aytib turgan qaldirg'ochlarda Vatan ko'radi".¹

Shoirning bu mavzuga bag'ishlangan qator she'rlari ("Vatan abadiy", "Vatanni o'rganish", "Vatan nadir", "Vatan yodi") va ikki jildlik saylanmasidagi asarlarda yurt mehri oshuftalik, uni seva olish, unga munosib bo'la olish mas'uliyati va har bir fuqaroning Vatan qismatiga daxldorligi qalamga olinadi va bu mas'uliyat hissini shoir o'zidan boshlaydi. Shoir "men"i bir nasim timsolida elning "ko'hna dardlarini aytib o'tish"ga intilar ekan, qalb nidosini oddiy, samimiy va ravon misralarda ifodalay oladi:

Yurtim, menga zar kerakmas zarlaringdan,

Kipriklarim unsalar bas gardlaringdan.

Menga dunyo kerak emas, bir xas yetar

Yassaviylar yotgan aziz yerlaringdan.

Sirojiddin Sayyidning nasriy ohanglarida ham mazkur mavzu alohida mehr bilan qalamga olinadi. Shoir "Ey, menga daryoday dil bergan Vatan"² deb nomlangan badiasi istiqoldan avvalgi va keyingi gungunlar to'g'rida ekanligini yozadi. Badiada shoirning bolaligi, oilasi, qatag'on davri xalq boshiga tushgan fojialar, ikkinchi jahon urushi ofatlari va bularga mushtarak tarzda yoshi, kasb-kori, ijtimoiy ahvolidan qat'i nazar barchani birlashtirib turadigan Vatan haqida hikoya qilinadi. Esseda oddiy qishloq kishilari misolida "O'zbek ishi", paxta yakka hukmronligi davri talafotlari tadrijiy ravishda hikoya qilinib, o'zbek dehqonining mashaqqatli mehnati, biroq shu zahmatga yarasha jamiyatda qadrsiz bo'lib qolgan inson hayoti orqali katta ijtimoiy-ma'naviy muammolar qalamga olinadi.

Shoir otasining "Bolam, men bormanmi, yo'qmanmi, bobongning Vatanini obod qilinglar" yoki momosining "Bolalarim, qayda yursanglar ham vatanlaringga qayinglar", degan o'gitlarini takrorlar ekan, Vatanga muhabbat, ona yurt tuyg'usi yanada yorqinroq namoyon bo'la boradi.

Bilamizki, adabiyot uchun Vatan mavzusi hech qachon eskirmaydigan, abadiy mavzulardan sanaladi. Faqat har bir ijodkor talqinida bu mavzu o'ziga xos, individual tarzda jarang topadi. Sirojiddin Sayyid ijodida ham bu mavzu o'zgacha jilolanadi, Vatanning yangi qirralari kashf etiladi. "...Sirojiddin Sayyidning bu mavzudagi bitiklari salaflari va zamondoshlari nazmini takrorlamaydi".³ "Ey, menga daryoday dil bergan Vatan" badiasida shoirning ichki kechinmalari, samimiy tuyg'ulari o'zbekona soddalik,

¹ Махмуд Тоир. Ёғду ичра гуллаган сўз. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 2009, 3 апрель.

² S.Sayyid. Asarlar. III jild, Toshkent, 2019, 490-бет.

³ N.Jabborov. Zamon. Mezon. She'riyat. Toshkent, G'.G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 155-bet.

to'porilik, beg'uborlik bilan tasvirlanadi. Ayniqsa, Nura ona, Oybibi kampir, Mergan bobo, Sa'dulla mergan, Nusratullo jebachi, usta Tojiddin mulla Vatan bobo kabi qator obrazlarda bu yaqqol namoyon bo'ladi. Ana shu obrazlar orqali Vatan – ona, Vatan – kindik qonimiz to'kilgan diyor, Vatan – jigar ekanligi o'ziga xos tarzda ifoda etiladi. Shoir Vatanni pokdomon bir inson sifatida, mag'rur Ota, munis Ona tim-solida qo'llaganligi uning asarlariga o'zgacha jonlilik baxsh etadi. Badiada Nura ona obrazi inson qalbini to'qinlantiradigan tarzda tasvirlangan. Ayol urush payti yarador Otaning yarim chalajon gavdasini tuproq ostidan chiqarib, qutqarib qolgan va shu otasi bilan tanishib, o'zbek diyoriga kelib qolgan. Uning hamisha aytib yuradigan birgina istagi Vatanga qaytib borib, uni bir ko'rish edi. Biroq, bu orzu ushalmadi. Oldin gulday qizidan ajraldi, keyin esa falokat yuz berib, yakka-yu yagona zurriyodi tuproqqa qo'ygan Nura onaning nolalari osmonga chiqdi. Otasini deb “yetti yot tog'-u toshlar aro umri zor-u nigoron o'tgan” Nura onaning ko'ngliga sal bo'lsa-da, yorug'lik berish uchun “Vataningizga olib boraman”, deganda “Men endi qayoqqa ham borardim? Otang shu yerda bo'lsa, qizim, o'g'lim shu yerda ko'milgan bo'lsa. Meni ham bolalarimni yoniga qo'yinglar. U yoqlarda nima qilaman, meni Vatanim shu endi. Otangni Vatani, meni Vatanim....”¹

Anglashiladiki, Vatan voz kechilmas xotiralar, unutilmas tuyg'ular, yurakni o'rtovchi og'riqlar, dildan o'chmas muqaddas hislar makonidir. Muallif Vatanni bog'ga qiyoslaydi, “Vatan – bog'”, “bog' – Vatan” tushunchalarini yaxlit qo'llaydi. Ota-bobolardan qolgan bog' qarovsiz qolmasligi, Vatan hamisha obod bo'lishi lozimligini ta'kidlaydi.

Esseda ona-Vatan obodligi uchun jonini fido qilgan vatanparvarlar, “xalq dushmani” degan tamg'a bilan nohaq qamalgan mag'rur o'g'lonlar ta'rifi bilan bir qatorda, vatanfuroshlar haqida ham so'z boradi. Mergan boboning ta'sirli xotiralari orqali kitobxon Valibek, Joahmadday Vatanning arslonlari va ularning qotili bo'lgan “Eshniyoz kofir” bilan tanishadi. Mergan bobo Valibekni “bunday yigitni olamda boshqa ko'rmaganman”, deya ta'riflaydi. Valibek, uning ukasi Joahmad va yana beshta yigitni qotillar otryadi boshlig'i Eshniyoz kofir otib tashlaydi. Mergan bobo u haqda shunday xotirlaydi: “Musulmondan chiqqan kofir yomon bo'larkan. Valibekning kallasini kesib, xurjunga solib, bizning qishloqqa olib keldi. Xurjundan chak-chak qon tomadi. Hamma karaxt, xalq lol-u hayron....Qishloqlarni talagan, birovlarining kelinini zo'rlagan shu Eshniyozning otryadi bo'ladi. Keyin o'zini ham o'zinikilar otib tashladi”²

Mustabid tuzum davri voqealari aks etgan qator asarlarda Eshniyoz kofirga o'xshagan obrazlar taylagina. Jumladan, O'.Hoshimov nasridagi Umar zakunchi, komissar Soat G'aniyev obrazlari kitobxonda nafrat uyg'otgan Eshniyoz kofir kabi xalq ichidan chiqqan razil kimsalardir. O'zbek she'riyatining donishmand shoiri A.Oripov bunday manfur kimsalar haqida shunday yozgan edi:

*Sen omon o'tgaysan, jar-u o'rlardan,
Men faqat qo'rqaman, qo'rqaman, yurtim,
Ichingdagi turli baloxo'rlardan.*³

Esseda 60–70-yillar voqeligi, “oq oltin” deb fido bo'lgan bobo dehqon qismati sanqid yasovchi usta Tojiddin obrazi orqali ta'sirli yoritiladi: “Kampirimning kayfi chog' bo'ladi, bolosh-molish qilar” deb usta bobo toqqa ketayotib, daladan xurjuniga ozroq paxta terib oladi. Yo'lda tekshirib qolishib, og'iz-burnini qonga bulab kaltaklashadi”⁴

Bir siqim paxta uchun kaltaklanib, uch oy qamoqda azob chekkan usta Tojiddin qismati o'sha davrda yashagan ko'plarning boshiga tushgan fojia edi. Biroq oltmishinchi yillarning adabiyot butkul siyosatga bo'ysungan bu davrlari hayot bezab, pardozlab ko'rsatilgani ma'lum. Maktab direktori Ernazarov domlaning o'quvchilarga “tinchlik chumchuqlari”ni ushlatib, ularni uchirish voqeasi baayni shu davr qiyofasini ko'rsatadi. Direktorning “Shuncha qidirdik, kabutar topolmadik, bugun bayram sharafiga “Tinchlik chumchuqlari”ni uchiramiz”, degan fikrlarining o'ziyoq “Jahon xalqlariga tinchlik!” deya hayqirgan u mustabid tuzumning aslida yolg'onga yo'g'rilganligini, qumdan bino bo'lgan qasr ekanligini ko'rsatadi.

Sirojiddin Sayyid badiiy publitsistikasida Vatanga sadoqat, tarixni xolis baholash, o'zbek millatiga xos an'ana va qadriyatlarni o'zining mantiqan asosli, tarixiy dalillarga tayangan shaxsiy munosabatlari keltiriladi. Esseda tadrijiy ravishda 80-yillar ijtimoiy voqeligi, xususan, afg'on urushi voqealari, bu urushdan ruhan va jisman mayib-majruh qaytgan, qanchadan qancha shahid ketgan o'zbek o'g'lonlari ham tilga olinadi. “U qattol va makkor tuzumning bor va'da-yu paymonlari, g'oyasi-yu mafkurasi o'sha vaqtda

¹ S.Sayyid. Asarlar. III jild, Toshkent, 2019, 492-bet.

² S.Sayyid. Shu manba. 495-bet.

³ A.Oripov. Tanlangan asarlar. Toshkent, G'.G'ulom nomli nashriyot-matbaa uyi, 2016, 338-bet.

⁴ S.Sayyid. Shu manba. 498-bet.

maktab hovlisida uchirganimiz “tinchlik chumchuqlari”day yolgʻon va omonat ekanligiga ham hali aqlimiz yetmasdi”¹

Sirojiddin Sayyid Vatan toʻgʻrisida fikr yuritganda uning tarixidagi qonli voqealarni tirik obrazlar orqali tasvirlaydi, bevosita oʻzi guvoh boʻlgan hayotiy faktlarni jonlantiradi. Ayniqsa, Vatan bobo haqida oʻqiganimizda butun oilasini zabardast yelkalari ostida qoʻriyotgan Ota koʻz oldimizga keladi. Esse istiqbolga erishgan yurtimizda qilinayotgan xayrli ishlar va bunga shukronalik tuygʻusi bilan yakunlanadi. Shoirning oʻz yaqinlari, hamqishloqlari, hamdardlari taqdiridan soʻzlashi orqali Vatanga muhabbat tuygʻusini odamlar qalbiga chuqurroq singdirish istagi turgani aniq bilinadi.

Sirojiddin Sayyid Vatanga muhabbatni insonlarning hayot tarzi va ezgu amallaridan izlaydi. Uning “Vatanni oʻrganish” deb nomlangan essesi hassos ijodkor Shukur Xolmirzayevga bagʻishlanadi. Zero, Shukur Xolmirzayev nasrida Vatan mavzusining alohida oʻrni bor. Adib Vatan toʻgʻrisida soʻz yuritganda anʻnaviy va balandparvoz taʻrif-tavsiflarni qoʻllamaydi, oddiy narsa-hodisalarga murojaat qiladi, ayniqsa, ona yurt tabiatini alohida mehr bilan yoritadi.

Sirojiddin Sayyidning “Vatanni oʻrganish” essesinde ustoz ijodkor Shukur Xolmirzayev saboqlari Vatan mavzusidagi qissa, esse-hikoyalari misolida tahlil qilinadi. Yozuvchining “Oʻn sakkizga kirmagan kim bor” qissasi, “Qadimiy Baqtriya tuprogʻi” esse-hikoyalari haqida fikr yuritib, “Oʻn sakkizga kirmagan kim bor” qissasining otash harorati nechogʻlik baland boʻlmasin, Shukur aka nasridagi bir yoʻnalish – yurt, Vatan, ona tuproq tarixi mavzusining yuksakligi, adib bu mavzuni butun umri davomida boʻlakcha mehr va sinchkovlik bilan ifodalaganining guvohi boʻlasiz”, deydi.

Shukur Xolmirzayevning 1973-yilda yozgan “Qadimiy Baqtriya tuprogʻida” esse-hikoyasi “Avesto”dan olingan “Men Oxura-Mazda shafqat-himoyatim ostida olamning toʻrtinchi mamlakati qilib tugʻi baland erlar yurti Baqtriyani yaratdim” degan epigraf-soʻzlar bilan boshlanadi. Sirojiddin Sayyid 70- yillar shoʻro zamonining avj pallasida Shukur Xolmirzayevning jasorat bilan bu soʻzlarni ayta olganliguni haqiqiy vatanparvarlik matonati deb biladi. Chunki bu davrda Vatan tarixi “qanaqadir 1917-yildan” deb oʻrgatilar edi. Shukur Xolmirzayev esa esse-hikoyasida Yunon-Baqtriya davlatlari, Kushon imperiyasi, Boysundagi Teshiktosh qadimiy gʻorlari, Navoiy “Xamsa”sida tasvirlangan Zarautsoy va shu kabi koʻhna zaminimiz madaniy yodgorliklari, sanʼati bu yurtning buyukligini, ulugʻvor tamadduni borligini koʻrsatadi. “Biz mana shu Vatanni – Shukur akamiz yurak qoni-yu umrini sarflab, sogʻligi bilan oilaviy farogʻati, dunyo hashami-yu rohatidan kechib, butun hayotini baxsh etganча soʻzma-soʻz, betma-bet, tepama-tepa yozib qoldirgan shu aziz, sersogʻinch Vatanni oʻrganmoqqa kirishdik”², deydi Sirojiddin Sayyid.

Esseda Shukur Xolmirzayevning qator hikoyalari xususida mulohaza yuritiladi. Ayniqsa, adibning “Xorazm, jonginam” hikoyasida ota maskan, ona Vatan mavzusi oʻzgacha bir ohangda tasvir etiladi. Hikoyada shunday fikrlar bor: “...men tugʻilgan yurtimni qaytadan kashf etdim: u tap-taqir choʻl, sahra boʻlib qolgandayam – mening tuprogʻim ekan. Oʻliblar ketmaymanmi oʻsha yerda! Xorazm, jonginam”³

Shukur Xolmirzayevning mazkur hikoyani oʻqigan kitobxon shuurida kindik qoni toʻkilgan makon, tugʻilib oʻsgan maskan tushunchasi behad oliy maqom kasb etadi. Sirojiddin Sayyid adibning hikoyasi tag zaminida ayni shu umumbashariy, umumfalsafiy gʻoyaning namoyon ekanligini oʻquvchiga anglatmoqchi boʻladi. Zotan, asarda “Buzilib boʻlgan” oʻgʻilning otasi oʻlimidan soʻng koʻzlari ochilishi, moddiyat hech mahal insonga baxt berolmasligi nihoyatda xalqona koʻlamda ochib beriladi: “...Sigʻmadim-da! Yoʻq, tushunmayapsiz: shunday katta Oʻzbekistonga sigʻmadim! Xiva, oʻsha minorlar, eski karvich devorlar, tor koʻchalar, sagʻanazor mozorlar meni tortdi. Mayli, bari toʻkilib, chirib ketmaydimi!.. Men oʻsha yerga boraman!”⁴

Xulosa oʻrnida shuni taʻkidlash lozimki, Sirojiddin Sayyidning ona Vatanga bagʻishlangan jamiki publitsistik asarlarida ijodkor fikrlaridagi yetakchi konsepsiya ona yurtga boʻlgan mehr bilan sugʻorilib, undan ungan har nav hosil shoirning yuksak pafosga yoʻgʻrilgan hayotiy pozitsiyasini, chin farzand siymosini, hayot falsafasidan nur olgan, maʼnaviy qadriyatlarni dunyoqarashiga chuqur singdirgan, oʻzbekona gʻururdan koʻksida butun umr faxr tuygan barkamol inson qiyoqasini zohir etadi.

¹ S.Sayyid. Shu manba. 500-bet.

² S.Sayyid. Asarlar. III jild, Toshkent, 2019, 563-bet.

³ Sh.Xolmirzayev. Tanlangan asarlar. III jild, “Sharq”, 2006, 512-bet.

⁴ Sh.Xolmirzayev. Shu manba.

Аннотация. Мақолада Алишер Навоийнинг ғазалларидан бири таҳлилга тортилган бўлиб, унинг моҳияти ишқ ва ошиқлик, ишқнинг сир-у синоатлари, пири комилнинг бу йўлдаги раҳнамолиги, ҳақ ва ботил, маъно ва сурат, зоҳир ва ботинни англаш хусусида. Ғазалда қўлланган бадиий тасвир воситалари, хусусан, бадиий кўчим ва мажознинг бадиий матн яратилишидаги ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

Аннотация. Статья представляет собой анализ газелей Алишера Навои, суть которых - любовь и романтика, тайны любви, руководство совершенным в этом пути, правда и ложь, смысл и образ, понимание внешнего и внутреннего. В газели высказываются мнения об используемых художественных образах, в частности, об особенностях художественного движения и метафоры в создании художественного текста.

Annotation. The article is an analysis of Alisher Navoi's gazelles, the essence of which is love and romance, the mysteries of love, the guidance of the perfect in this way, truth and falsehood, meaning and image, understanding of the external and internal. In the gazelle, the opinions are expressed on the artistic imagery used, in particular, on the peculiarities of artistic movement and metaphor in the creation of an artistic text.

Калим сўзлар: ғазал, бадиий кўчим, мажоз, метафора, орифона истилоҳ, фано, бақо, дайр, соғар, сидқ аҳли, кўнгул, ишқ, бода, пири комил

Ключевые слова: газель, художественное направление, метафора, орифонский термин, фано, бака, дайр, согар, сидқ аҳли, сердце, любовь, бода, пири комил

Key words: gazelle, artistic movement, metaphor, orifona term, fano, baqa, dayr, sogar, sidq ahli, heart, love, boda, piri komil

Алишер Навоий ўз ижоди билан туркий шеърятда янги бир адабий даврни бошлаб берган ва уни форсий назмдан кам бўлмаган юксакликка кўтара олган даҳо сўз санъаткори. Улуғ шоирнинг ҳар байти, ҳар бир мисраси ҳам ташқи, ҳам ички томонидан маромига етган, зоҳири ва ботини гўзал касб этган бадиий дурдонларидир. Қайси мавзу, қайси вазна бўлмасин унинг битикларида навоиёна руҳ устиворлик қилади. Образларнинг қуюқлиги, бетакрорлиги, фикрларнинг байт-ма-байт тадрижи, рангларнинг такомил кузатиладиган бундай ғазалларни ўқиган китобхон закий китобхонга шоир руҳониятидаги инжа ҳол, лирик кайфият ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Маълумки, шеърятни мажоз ва бадиий кўчимларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бадиий кўчим (метафора, метонимия, синекдоха) шеърятнинг асосий ифода ва тасвир воситалари ҳисобланади. Уларсиз поэтик фикрнинг бадиийлиги ҳақида ҳукм чиқариш қийин.

Ҳақиқий шеър ранг-баранг маъно товланишларини ўзида мужассамлаштиради. Ана шу маънолар жилвасини тўғри англаш ва бадиий кўчимлар воситасида амалга ошади. Ҳар қандай маъно шеърда тўғридан-тўғри ифодаланар экан, ундаги сирлилик йўқолади, шеърда оддий сўзлар йиғиндисига айланади. Шунинг учун бўлса керак, қадимги поэтикага оид манбаларда маънони яшириб ифодалаш тамойили ҳақида кўп сўзланади.

I байт. Фалақдин гар сенга ҳар лаҳза юз қайғу келди ўтру,
Агар ҳар қайғудин сўнг бир севинмак бор, эмас қайғу.

II байт. Ва гар ҳар тийраликка бир ёруғлукни инонмассен,
Йиғи кўр чарҳдин ҳар шом доғи субҳдин кулгу.

III байт. Камол истар эсанг сидқ аҳлидин, қилма кўнгул тийра,
Мукаддар айламас хуршид субҳ анфосидан кўзгу.

IV байт. Сафо аҳлига гулруҳлар хаёлидин тағайюр йўк,
Қачон гул акси тушмаклик била гулранг бўлғой су.

V байт. Тиларсен ғафлатингни рафъ этиб, огоҳлар нақлин,
Ки ғофил элга ул афсоналардин кам бўлур қайғу.

VI байт. Фано нақди жаҳонингга чу эрмас бир замон маълум,
Дирам нақдига умрунг ҳар замон сарф этмагил асру.

VII байт. Жунун занжирида ошиқ ёнида ҳийлагар зоҳид,
Киши кўрса тасаввур айлагай шер оллида тулку.

VIII байт. Кўнгул миръоти ичра жилвагардур ёру сен ғофил,
Ториқма ҳажридин кўпким, эмассен ёрдин айру.

IX байт. Фанонинг ҳам фаносин истагил, васл эрса комингким,
Бу йўлда восил ўлмакнинг тариқи ушбудур, ушбу.

X байт. Кетур бир бода, эй соқийки, ичсам қолмағай боқи,
Фанодин, бал бақодин ҳам замирим лавҳида белгу.

XI байт. Навоий дайр аро маст ўлса, шохдин паноҳ, андин
Ўтарда туткуси албатта бир соғар чиқиб ўтру.¹

(Луғат: фалак – осмон, тақдир, ўтру – қарши, рўпара, гар – агар, тийралик – қоронғилик, чарх – осмон, субҳ – тонг, сидқ аҳли – садоқатли, самимий, ростгўй кишилар, ориф – сўфийлар, муқаддар – хира тортган, занг босган, кирланган, хурийд – қуёш, анфос – нафаслар, еллар, сафо аҳли – пок қалблилар, валилар, гулрух – юзи гулдай чиройли, тағайюр – ўзгарши, бошқа тусга кирши, рафъ этмоқ – юксалмоқ, баланд кўтармоқ, огоҳлар – валилар, ориф пирлар, ғофил эт-ирфондан беҳабар кишилар, афмоналар – бу ерда: ҳикоя, ривоят, нақл, жунун – жиннилик, девоналик, Илоҳ ишқи билан маст киши, бақо – абадийлик, ўзгармаслик, гақд – бор нарса, насянинг тескариси, дирам – қадимий пул бирлиги, миръот – кўзгу, тулку – тулки, фано – ёмон ахлоқнинг йўқолиши, ком – мақсад, ният, восил – етишиши, бода-ичимлик, лавҳ – тахта, варақ, дайр – оташ-парастлар ибодатхонаси, майхона, мажозан пир даргоҳи, соғар – қадаҳ, май ичиладиган идиш, мажозан: ориф инсон қалби, асру – кўп, жуда, беҳисоб, аниқ).

Ўн бир байтдан иборат ғазал матлаъси шоирнинг бошқа ғазаллари ва дostonларида бўлгани сингари. фалакдан шикоят билан бошланади, бироқ қайғудан сўнг шодлик келса, буни қайғу демаслик уқдирилган. “Қайғу келди бирикмасида мавҳум от+феъл ўзаро боғланиши орқали метафора юзага чиққан, натижада қайғунинг келиши, ёғилиши орқали фикр жонлантирилган.

Тун ва кун, шом ва тонг қарама-қарши маъно ифодалайди. Шоир айтилмоқчи бўлган фикрни зид тушунчалар воситасида кучайтиради. Шоир биринчи мисрадаги фикрни иккинчи мисрада ҳаёттий мисол билан далиллайди. Агар қоронғиликдан кейин ёруғлик борлигига ишонмасанг, шомда самонинг қорайиши, кўз ёшидай милтираган юлдузларнинг йўқолиб, тонг отиши – чароғонлик тарқалишини кўр, дейди. Байтда мажоз (тийралик, ёруғлик, субҳ) ва кўчим (йиғи кўр, субҳдин кулгу) ёрдамида жонли манзара ҳосил қилинган.

Учинчи байтда ҳам қилма кўнгул тийра (кўнгилни қора қилмоқ), субҳ анфоси (тонг ели) кўчимларини қўллаш билан бадийлик кучайтирилган. Шеърятда образни ёркинлаштирадиган, лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатининг жонли ва таъсирчанлигини таъминлайдиган омиллардан бири кўчимдир. Агар юкоридаги метафоралар олиб ташланса, уларни ифодаловчи тушунчалар оддий сўзлар билан айтилса, шеърдан асорат ҳам қолмайди.

Тўртинчи байтда ифодаланган фикр шундай: авлиёлар кўнгли тоза, покликда мисоли сувдек. Сув ҳамма нарсани тозалаганидек, бундай зотлар ҳам бошқалар кўнглини ғуборлардан халос этади. Агар гулрухлар қанчалар зебо бўлмасин, сафо аҳлининг ҳаёлига ёмон фикр-хаёл келмайди. Гулнинг акси тушганда сувнинг ранги ўзгармаганидек авлиёларнинг қалби Ҳақ ишқидан бошқасини тан олмайди. Шоир ҳар бир байтда ўз фикрини мисол билан қувватлантиради, китобхоннинг кўз ўнгида жонли манзара чизади. Олдинги байтда келтирилган кўзгу ва мазкур байтдаги сув билан боғлиқ лавҳада мантиқий боғлиқлик мавжуд. Кўзгу, аслида, сувнинг қотиб қолган шакли, деган қарашни ёдга олсак, бу икки тасвир бир-бирини тўлдириб келаётганлигига амин бўламиз.

Бешинчи байтда шоир лирик қаҳрамонга мурожаат қилиб, ғафлату билимсизлигини орифлар ривоятлари билан огоҳ этиб, юксалишни истайсан, зеро, ғофиллар бу ривоятларни эшитсалар, уйқулари қочиб, кўнгиллари уйғонади, деб танбех беради. Келтирилган “ғафлатингни рафъ этиб”, “кам бўлур қайғу” бирикмалари шеърятда бадий кўчимнинг қанчалар муҳимлигини кўрсатади. Олтинчи байтда шоир насиҳат қилади: умринг нақдини беҳудага бойлик учун сарфлама, чунки сен ҳали бақога эриши йўлини тополган эмассан.

Бадий кўчим шоирнинг фикрлаш тарзи, у бошқача фикрлай олмайди. Образли фикрлаш жараёнида ҳақиқий ижод, яратиш юз бкеради. Ҳар бир кўчимни шоир табиий йўсинда кашф этади. Метафора ва бошқа бадий кўчим турлари ижодкор тасаввурида, онгида табиий туғилади. Ижодкор уни ўзининг поэтик фикри таркибида қайта жонлантиради.

¹ Комилов Н. Маънолар оламига сафар. Т., “Тамаддун”, 2012, 153-бет.

Жинни деб занжирбанд қилинган ошиқ ва ҳийлагар зоҳидни шоир шер олдида турган тул-кига ўхшатади. Метафора қа мажознинг параллел қўлланиши ўқувчини ҳис орқали фикр юри-тишга ундайди. Саккизинчи байтдаги “кўнгул миръоти” метафораси Ёр-Аллоҳ билан боғлиқ. Ошиқ фироқдан азобланмаслиги керак, негаки у истаган Ёр, аслида, ошиқдан узокда эмас, Ёр унинг кўнгил кўзгусида жилваланиб турибди. Уни кўриш учун қалб кўзи очиқ бўлиши лозим.

Агар мақсаднинг Ёрга етишиш, кунинг васлини истасанг, фанонинг фаносини ишташинг ке-рак, чунки ўзини, ичидаги “мен”ни маҳв этолмаган васлга эриша олмайди. Навоийнинг мазкур байтининг изоҳи ҳам шоирнинг ўзида:

*Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсан ўзингдан истагил.*¹

Ўлмасдан бурун ўлинг, – дейилган ҳикматнинг моҳияти ҳам айнан мана шудир. Шоир мана шу фалсафани бошқа бир шаклда ифодалаган. Ошиқ ва маъшук ўртасида “мен”лик ва “сен”лик мавжуд экан, улар бирлаша олмайди.

Ўнинчи байтда соқийга шундай дейилади: ишқ шаробидан келтир, ўзни унутаи, токи фано ва бақодан нишон ҳам қолмасин. Ишқ фидокорликни талаб қилади, йўқлик оламига юз бурган со-лик моҳиятга етишади.

Мақтадаги шох сўзи – метафора, у ориф, пир, подшоҳ, севгили, зот сингари бир неча маъ-нода қўлланади. Лирик қаҳрамон (шоир ўзини назарда тутмоқда) майхонада, пир ҳузурида ишқдан масту мустағрақ бўлса, бу манзилдан ўтаётганда, албатта, қаршисидан чиқиб, бир қадаҳ тутаяди.

Ғазалда комил инсонга хос сифатлар таърифу тавсиф этилган, ғафлатга ботмасликдан огоҳ-лантирилган, бойлик, сийму зар, дирам устига дирам тўплаш ғам устига ғам келтириши уқдирил-ган. Зеро, бир қалбда икки муҳаббат сиғмаганидек, дунёвий тама жой олган қалбда ишққа ўрин йўқ. Бу ҳақда қудсий ҳадисда шундай дейилган: “Менга бўлган қалбингдаги муҳаббат сенинг дун-ёга бўлган майлинг миқдоридадир. Албатта, Мен Ўзимга бўлган муҳаббат билан дунё муҳаббати-ни ҳеч қачон бир қалбда жамламайман”.² Дарҳақиқат, Ҳақ йўлини талаган ва ўзини таниган солиқ нафсини тия олиши шарт. Яъни: “Гуноҳнинг очигини ҳам, махфийсини тарқ қилингиз!” Албатта, гуноҳ қилувчи кимсалар ўзлари қилиб ўтган гуноҳларига жазо олажақлар.³

Бадий кўчим ва мажоздан ўринли фойдаланиш орқали шоир ғазал мазмунининг таъсир-чанлигини яна-да оширган ва ўзининг фалсафий-ирфоний қарашларини бетакрор услубда намоён қилган. Хулоса шуки, ўз ишқига садоқатли, бу машаққатларга тўла риёзат йўлида собит, фана ва бақони забт эта олган соф қалб соҳиби пири комил нури билан дунё ҳавасини қуйдириб, ўткинчи дунёнинг қайғу-ташвишларини назар-писанд қилмаслик, қазага ризолик орқали ўз мақсудига эри-шади.

Yangibayeva Nodira (Urganch davlat universiteti tayanch doktoranti) SHUKUR XOLMIRZAYEVNING IJOD USTAXONASIGA BIR NAZAR

***Annotatsiya.** O‘zbek adabiyotshunosligida ijodkor laboratoriyasini o‘rganish masalasiga keyingi yillarda katta e‘tibor qaratilib, ayniqsa, ijodkor asarlarining qo‘lyozma nusxalari va arxiv materiallari asosidagi akademik va ilmiy-tanqidiy nashrlarini yaratish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Ushbu maqo- lada yetuk nosir Sh.Xolmirzayevning ijod ustaxonisidagi jarayonlar, adibning bir hikoyani yaratishdagi mashaqqatli mehnati ochib berilgan. Ilmiy ishda adibning shaxsiy arxividagi qo‘lyozma materiallardan foydalanib, “Mangu yo‘ldosh” hikoyasining yaratilish bosqichlari ochib berilgan. Maqolada hikoyaning arxiv materiallari va nashr varianti o‘zaro qiyoslangan. Badiiy asarning yaratilish tarixi bir hikoya mi- solida ko‘rsatilgan.*

***Аннотация.** В последние годы изучению творческой лаборатории в узбекской литературе уделяется большое внимание, особенно при создании академических и научно-критических изда- ний на основе рукописей и архивных материалов. В статье раскрывается творческий процесс в мастерской прозаика Ш.Холмуратова, его кропотливая работа над созданием каждого рассказа. В научной работе раскрываются этапы создания повести “Вечная спутница” с использованием*

¹ Навоий А. Ҳикматли сўзлар. Т., 1968, 6-бет.

² Ғаззолий. Қирқ ҳадиси қудсий. Тошкент Ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент, 2008, 12-бет.

³ Қуръони карим. Абдулазиз Мансур таржимаси. Т., Ислом университети нашриёти, 2001, 118-бет.

рукописей из личного архива автора, проводится сравнение архивных материалов повести и опубликованной версии. История произведения искусства проиллюстрирована в рассказе.

Annotation. In recent years, the study of the creative laboratory in Uzbek literature has received a lot of attention, especially in the creation of academic and scientific-critical editions of works based on manuscripts and archival materials. In this article, the mature prose writer Sh.Kholmiraev's creative workshop process reveals the writer's hard work in creating a story. The scientific work reveals the stages of creation of the story "Eternal Companion" using manuscripts from the personal archive of the author. The article compares the archival materials of the story and the published version. The history of the work of art is illustrated in a story.

Kalit so'zlar: ijod ustaxonasi, biografik metod, shaxsiy arxiv, qo'lyozva materiallar, qiyosiy metod, nashr variant, hikoya.

Ключевые слова: творческая мастерская, биографический метод, личный архив, рукописные материалы, сравнительный метод, издание, рассказ.

Key words: creative workshop, biographical method, personal archive, manuscript materials, comparative method, edition, story.

Ma'lumki, biror mukammal asar adabiyot maydoniga kelguniga qadar obdon sayqallanadi, yozuvchining o'ziga xos ijod elagidan o'tadi. Bu jarayonni bog'bonning umid bilan ekan niholidan meva-hosil olgan damlarigacha bo'lgan mehnatiga qiyoslash mumkin. Iste'dod urug'i ijodkor qalbiga Yaratgan tomonidan qadalgan. U ilhom kelganida gullaydi, meva tugadi. Mevalar yirik va totli bo'lmog'i uchun bog'bon (yozuvchi) teran aql, cheksiz mehr bilan ish ko'radi. Niholning ortiqcha shoxlarini qirqib, yovvoyi o'tlardan tozalab, parvarish qiladi. Bu xuddi yozuvchining bir asarni yozish jarayonida matn ustida uzoq zahmat chekib, ishlashi natijasida, asarning dunyoga kelishiga o'xshaydi. Albatta, shundagina mag'zi to'q, barkamol asarlar dunyoga keladi. Bu har bir yetuk yozuvchining o'z ijod ustaxonasida kechadigan jarayondir.

Biror-bir asarning yaratilish jarayonini o'rganishda adabiyotshunoslikda biografik metoddan foydalaniladi. O'zbek adabiyotshunosligida ijodkor laboratoriyasini o'rganish masalasiga keyingi yillarda katta e'tibor qaralib, ayniqsa, ijodkor asarlarining qo'lyozma nusxalari va arxiv materiallari asosidagi akademik va ilmiy-tanqidiy nashrlarini yaratish muhim ahamiyat kasb etmoqda.

"Milliy madaniy merosimizning hali o'rganilmagan ko'pgina qatlamlarini ochib berishga yo'naltirilgan ilmiy tadqiqotlarga e'tibor qaratilayotgan bir paytda".¹ XX asrda yaratilgan o'zbek adabiyoti namunalarini umuminsoniy, madaniy, adabiy, milliy, tarixiy va diniy qadriyatlarimiz tiklanishi nuqtayi nazardan uzviy tadqiq etish, xususan, Shukur Xolmirzayevning ijodi va uning o'ziga xos ijod ustaxonasini o'rganish, fan uchun noma'lum qirralarini tadqiq etish bugungi adabiyotshunosligimiz oldidagi muhim masalalardan biri. Ijodkor laboratoriyasini o'rganish borasida ko'pgina ilmiy tadqiqotlar amalga oshirilgan. Xususan, N.Karimov Cho'lpon, H.Olimjon, Mirtemir, Zulfiya kabi XX asr adabiyotining yirik adiblari haqida yirik monografik tadqiqot yaratgan bo'lsa, O.Sharafiddinov, M.Qo'shjonov, U.Normatov, R.Qo'chqor, N.Ziyodullayeva, O.Jo'rabojev, M.Qo'chqorovalar A.Qahhor ijodiy laboratoriyasini ma'lum darajada ochib berishga muvaffaq bo'ldilar. Qodiriylshunoslik sohasida M.Qo'shjonov, N.Karimov, U.Normatov, B.Karimov, S.To'laganovalar Abdulla Qodiriy hayoti va ijodining yangi qirralarini, yozuvchining badiiy mahorat sirlarini ochib berishdi. O'zbek nasrining ustunlaridan biri Sh.Xolmirzayev ijodi biografik metod asosida deyarli o'rganilmagan. Shuni inobatga olib, ushbu buyuk so'z san'atkorining ijodiy ustaxonasini o'rganish maqsadga muvofiqdir.

Shukur Xolmirzayev o'ziga nisbatan juda talabni yuqori qo'yuvchi ijodkor bo'lgan. Bir hikoyani yaratish uchun uni kamida 5 xil variantda yozgan va ko'ngli to'lgan eng oxirgi mukammal variantini kitobxonga taqdim etgan. "Ular hikoyalar, esselar, hatto romanlarni ham bir necha variantda yozganlar, boshqacha aytganda, bitta asarni mukammal holatga yetkazguncha yetti-sakkiztalab nusxalarini yozganlar, ko'plaridan voz ham kechib yuborganlar".² Adibning shu kunga qadar chop qilingan "Tanlangan" asarlar (2020) "Saylanma" (1-2-3-jild) kitoblaridan o'rin olgan hikoyalarning har biri o'zining yaratilish tarixiga ega, ya'ni har bir asarning ijodiy tarjimai holi bor.

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 24-maydagi PQ-2995-sonli "Qadimiy yozma manbalarni saqlash, tadqiq va targ'ib qilish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risidagi qarori. <https://lex.uz>

² Xolmirzayeva S. Qaytmas damlar. Toshkent, "Dizayn-press", 2013, 84-bet.

Biz ijodkor laboratoriyasini o'rganish maqsadida Sh.Xolmirzayevning shaxsiy arxivi bilan tanishdik. Arxivdagi ba'zi asarlarning qoralamalarini adibning qizi Sayyora Xolmirzayeva ruxsati bilan nusxalab oldik. Ijodkorning yozuv mashinkasidan chiqqan qoralamalarda yozuvchining o'z qo'li bilan yozgan tuzatishlari, asarning ba'zi o'rinlariga chiziq tortgan joylari, hatto bir asarning bir necha variantlari borligini aniqladik. Masalan, adibning shaxsiy arxivida saqlanib qolgan "Olabo'ji" romanining 3 ta qo'lyozma varianti (bittasi to'liq emas, ayrim varaqlari yo'qolgan) hamda "Qilko'prik" romanining to'rtta varianti bor.

Mazkur maqolada bir hikoyaning tarjimai holini, arxivdagi qo'lyozmalar misolida tahlil etib berishga urinamiz. Yozuvchining arxivida saqlanib qolgan, ammo chop etilmagan "Ikki boshli odamlar" hikoyasi diqqatimizni tortdi. Hikoyani, dastavval, yozuvchining "Saylanmasi"dan izladik, topolmagach, uni kitobxon uchun yangi, adibning e'lon qilinmay qolgan asari bo'lsa kerak, deb taxmin qildik. Hikoyani o'qib chiqqach, asosiy voqea yozuvchi "Saylanma"ning 3-jildiga kirgan "Mangu yo'ldosh" asari sujeti bilan deyarli bir xil ekani ayon bo'ldi.

Shukur Xolmirzayev "Mangu yo'ldosh" hikoyasini 1999-yilda yozgan va u "Navro'z" sarlavhasi bilan 2000-yilda "Mehrigiyoh" gazetasining 11-yanvar 1-sonida e'lon qilingan. Ushbu hikoya nega "Navro'z" sarlavhasi bilan emas, balki "Mangu yo'ldosh" nomi bilan "Saylanma"ga kiritilgan? Bu savolni biz adibning qizi S.Xolmirzayevaga berib, javobini oldik. Uning aytishicha, adibning "Navro'z" nomli 2 ta hikoyasi mavjudligi tufayli kitobxonda chalkashlik bo'lmasligi uchun aynan shu hikoya qoralamalardan birining nomi bilan "Saylanma"ga kiritilgan ekan. Adib shaxsiy arxivini o'rganish mobaynida ushbu hikoyaning bitta emas, ikkita emas, beshta variantini aniqladik. Bular: "Ikki boshli odamlar", "Sumalak", "Ko'lanka", "Uzangi-yo'ldosh" va, nihoyat, "Mangu yo'ldosh". Qoralamalarning barchasi bir yilda 1999-yilda noyabr va dekabr oralig'ida yozilgan. Faqat ikkita qoralamada yozilgan sana va joy nomi ko'rsatilgan: "Ikki boshli odamlar" 1999-yil. Toshkent, XI. Qoralama to'liq holda bo'lib, jami 18 betni tashkil qiladi. Hikoya yozuv mashinkasi uchun mo'ljallangan A4 formatli qog'ozga yozilgan. "Mangu yo'ldosh" qoralamasida asarning oxirida "Toshkent, 1999." deyilgan. Xo'sh, hozirgi adabiy xazinaga kiritilgan hikoya uchun qaysi bir qoralama "xamirturush" bo'lgan? Bunisi mavhum edi. Hikoya qoralamalarining badiiy ifoda darajasi, asar tilining takomili, sujetning siqiy bo'lib borishi kabi xususiyatlar ularni qiyosan o'rganganimizda barcha taxminlar dastavval "Ikki boshli odamlar" yozilganiga ishora qildi, qolgan to'rt variantda sujet o'zaro keskin farq qilmaydi.

"Ikki boshli odamlar"da asar sujeti hikoya muqaddimasida keltirilgan afsona bilan bog'liq holda ochib beriladi. Afsonada qo'llangan "ikki boshli" birikmasi hikoyadagi dili boshqa, qiladigan amali boshqa odamlarga nisbatan ko'chma ma'noda ishlatiladi. Qoralamada Haqberdiyeva tilidan "Bir tanda ikki jon bo'lib yashashga majburlamiz" degan jumla ishlatiladi. Aynan mana shu jumla adibning 1998-yilda yozilgan va "Saodat" jurnalining 6-sonida e'lon qilingan "Bir vujudda ikki jon" essisini eslatadi. Nazarimizda, yozuvchi takrordan qochish maqsadida asardan afsonani chiqarib tashlagan va uning sujetidagi o'zgarish o'laroq hikoya nomi ham o'zgartirilgan. Bu qoralama yozuvchi ish stolining bir chekkasida turgani holda u miyasida charx urayotgan ayni shu g'oyani boshqa variantda yozishga kirishadi.

"Sumalak" sarlavhali hikoya qoralamasi boshqa variantlardan kompozision jihatdan farqlanadi. Unda asar voqealari bugungi zamonamizda, mustaqillik davrida yashayotgan Amir ismli chol tilidan bayon qilinadi. U bolaligini eslaydi, maktabda bo'ladigan uchrashuvda Navro'zni o'tmishda (mustabid Sho'ro davrida) qanday nishonlaganliklari haqida gapiradi. Shu tariqa, Amir cholning xotiralari zanjirida bola Amir obrazi va u bilan bog'liq voqealar maydonga chiqadi. Ammo bu hikoyadan ham adibning ko'ngli to'lmaydi. Qoralamani o'qish jarayonida, adibni o'zi payqagan bayonchilik, voqealarning juda cho'zib yuborilgani va ayrim qahramonlarning tilida zo'rma-zo'raki singdirilgan tasvirlar mavjud. Mana shu sabablarga ko'ra, yozuvchi bu qoralamadan voz kechgan ko'rinadi. Adib shoshilmaydi. O'ylar girdobiga g'arq bo'ladi. Asarni miyada pishib yetilishini kutadi. Shu tariqa, yana ikki xil variantdagi hikoya qoralamasi paydo bo'ladi.

Navbatdagi "Ko'lanka" hikoyasining qoralama variantiga to'xtalamiz. Ushbu qoralamada adib asosiy voqeadan oldin o'quvchini Navro'z bayrami haqida mushohada qilishga chog'laydi. Milliy bayram-Navro'zni soya-ko'lankaga o'xshatadi. O'xshashlikning sababi shuki, bu bayram xuddi soya kabi goh yashirin, goh oshkora xalqning ichida, uning yonida, jonida edi. Biroq bu boshlanma ham adibga ma'qul bo'lmagan shekilli.

Keyingi hikoya "Uzangi – Yo'ldosh" sarlavhasi bilan yozilgan qoralama variant. Mazmun va shakl bir biriga mutanosib, aytilmoqchi bo'lgan fikrlar tiniq va muhimi samimiylilik bor. Yozuvchining o'zi hi-

koya ichida “Uzangi yo’ldosh” haqida shunday izoh beradi: “Nomi “Uzangi Yo’ldosh”. Buning ma’nosini bilasiz: Uzangi juft bo’ladi. Demak, biz bilan Navro’zning...”

Nega adib hikoyani shu nomda qoldirmadi? “O’zbek tilining izohli lug’ati”da uzangi so’ziga shunday ta’rif berilgan: “Uzangi-egarning ikki tomoniga qayish bilan bog’lab qo’yiladigan, metallardan yasalgan ot abzali”.¹ Navro’zni uzangiga qiyoslash, ya’ni chavandozning oyog’i ostida turuvchi narsaga o’xshatish adibning ko’ngliga o’ramagan chog’i, hikoya nomini “Uzangi yo’ldosh”dan “Mangu yo’ldosh”ga aylantiradi. Nihoyat, bir hikoyaning eng so’nggi varinanti “Mangu yo’ldosh” deb sarlavha qo’yilgan qoralama dunyoga keladi. Oxirgi variantni o’qish orqali hikoyaning badiiy jihatdan ancha pishiq bo’lib yaralganini anglash mumkin. Jurnal va kitob uchun aynan shu variant tanlangani oydinlashdi.

Taqqos uchun jadval	“Mangu yo’ldosh: hikoyasining qoramalari va nashr variantidagi asar kompozitsiyasi va qahramonlarning nomi bo’yicha aniqlangan farqlar					
Asar nomlari	“Ikki boshli odamlar”	“Sumalak”	“Ko’lanka”	“Uzangi yo’ldosh”	“Mangu yo’ldosh”	Nashr variant “Mangu yo’ldosh”
Matn hajmi, sahifasi va holati	18 varaq, A4 formatdagi yozuv mashinkasi uchun mo’ljallangan qog’oz. Hikoya matni tugal emas, qog’oz sarg’ayib ketgan, biroq o’qishga yaroqli.	18 varaq, A4 formatdagi yozuv mashinkasi uchun mo’ljallangan qog’oz. Hikoya matni tugal emas, qog’oz sarg’aygan, o’qishga yaroqli.	13 varaq, A4 formatdagi yozuv mashinkasi uchun mo’ljallangan qog’oz. Hikoya matni tugal emas, qog’oz sarg’aygan, adib tomonida 5 ta xatboshiga o’zgartirish kiritilgan.	14 varaq, A4 formatdagi yozuv mashinkasi uchun mo’ljallangan qog’oz. Hikoya matni tugal emas, qog’oz sarg’aygan, biroq o’qish uchun yaroqli.	4 varaq, A4 formatdagi yozuv mashinkasi uchun mo’ljallangan qog’oz. Hikoya matni tugal emas, qog’oz sarg’aygan	13 bet, saylanma, 3-jild, 187-betdan 200-betgacha
Hikoyaning bayon etilishi	Sujet hikoya muqaddimasi da keltirilgan afsona bilan bog’liq holda ochib beriladi. Roviyy – yozuvchi	Mustaqillik davrida yashayotgan Amir ismli chol tilidan bayon qilinadi.	Roviyyozuvchi, u Navro’z haqidagi mushohadalari bayon eta turib, ularga dalil sifatida o’zi bolaligida guvoh bo’lgan voqayeni bayon etadi	Roviyyozuvchi, u navro’z haqidagi mushohadalari ni bayon eta turib, ularga dalil sifatida o’zi bolaligida guvoh bo’lgan voqayeni bayon etadi	Roviyyozuvchi ning mushohadasi, asosiy voqea sujeti	Roviyyozuvchi ning mushohadasi, asosiy voqea sujeti
Voqealar ekspozitsiyasi	Bola Amirning maktabi, Navro’z sayli bo’ladigan To’rtchinor, Chuqursoy	Amirboy chol bolaligida o’qigan maktab, Chorchinor, Chuqursoy	Maktab, To’rtchinor, Chuqursoy	Roviyy bolaligida o’qigan maktab, navro’z sayli bo’ladigan Chinor, Chuqursoy	Roviyy bolaligida o’qigan maktab, navro’z sayli bo’ladigan Chinor, Chuqursoy	Roviyy bolaligida o’qigan maktab, navro’z sayli nishonlangan To’rtchinor (Chinor), Chuqursoy

¹ O’zbek tilining izohli lug’ati. 4-jild, Toshkent, O’zbekiston milliy ensiklopediyasi davlat ilmiy nashriyoti, 2008, 265-bet.

Hikoya qahramonlari	Amir(maktab o'quvchisi) Amir Po'latov-rovii, bolaning onasi; SSSR tarixi fani o'qituvchisi Haqberdiyeva; Tosh asri laqabli muallim, Odil aka-maktab direktori, Hoji aka-biologiya fani o'qituvchisiva melisalar	Amirboy Umarov, uning kampiri To'ti opa, o'gli Temur; Pioner vokatiy SSSR tarix fani o'qituvchisi Hamdamova maktab direktori To'ychiboy Turdiyev, melislar	Amir -rovii, bolaning onasi; SSSR tarixi fani o'qituvchisi Haqberdiyeva; Tosh asri laqabli muallim, Odil aka-maktab direktori, Hoji aka-biologiya fani o'qituvchisi, melisalar	Amir Po'latov-rovii, bolaning onasi; SSSR tarixi fani o'qituvchisi Haqberdiyeva; Tosh asri laqabli muallim, Odil aka-maktab direktori, Hoji aka-biologiya fani o'qituvchisi, melisalar	Amir Po'latov-rovii, bolaning onasi; SSSR tarixi fani o'qituvchisi Haqberdiyeva; Odil aka-maktab direktori,	Amir Po'latov-rovii, bolaning onasi; SSSR tarixi fani o'qituvchisi Haqberdiyeva; Tosh asri laqabli muallim, Odil aka-maktab direktori, Hoji aka-biologiya fani o'qituvchisi, melisalar
---------------------	---	--	--	--	---	--

Hikoyaning barcha variantlarida yozuvchining bosh maqsadi sho'ro davri tuzumida ham millat o'zligidan kechmay, o'z milliy qadriyatlarini, urf-odatlariga sodiq bo'lganini, birgina "Navro'z" milliy bayrami an'analarini pinhona bo'lsa-da, o'tkazib kelganini badiiy tasvirlarda aks ettirish bo'lgan.

Shukur Xolmirzayevning kitobxonlar tomonidan iliq kutib olingan "Mangu yo'ldosh" hikoyasining yaratilish jarayonini adibning shaxsiy arxividagi beshta qo'lyozma asosida tahlil etib berishga baholi qudrat urindik. Bir hikoyaning dunyoga kelishi uchun yozuvchi, avvalo, hayotni o'rgangani, yaqin o'tmish voqealarini badiiy tahlil etib, uni qog'ozga tushirib, bir hikoya o'laroq taqdim etish uchun bir qancha ijodiy jarayonlarni, bosqichlarni, murakkab ijod mashaqqatini chekkanini "Mangu yo'ldosh" hikoyasining qoralamalari ashyoviy dalillar kabi isbotlab turibdi. Kuzatilayotganidek, ijodkor laboratoriyasini ochib berishda, yozuvchining arxivida saqlanib qolgan qo'lyozmalar, qoralamalar, ijodiy chizgilar, yana bir qator hujjatlar nihoyatda muhim manba bo'lib xizmat qiladi.

**Ганиев Илхом Музаффарович (ТерДУ Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси,
филология фанлари доктори, Халқаро Яссавий мукофоти лауреати)
ДОНИШМАНДОНА ФИКРЛАР СИЛСИЛАСИ**

Аннотация. Мазкур мақолада XX аср бадий-этик тафаккури даҳоларидан бири Чингиз Айтматовнинг "Кассандра тамғаси" романи тадқиқига бағишланган бўлиб, унда бадий тафаккурнинг фалсафий, ижтимоий, мифологик, илоҳий-урфоний қарашлар билан синтезлашуви Чингиз Айтматов ижоди мисолида ўрганилган.

Аннотация. Данная статья посвящена изучению романа «Печать Кассандры» Чингиза Айтматова, одного из гениев художественно-эпического мышления XX века.

Annotation. This article is dedicated to the study of the novel "Cassandra's seal" by Chingiz Aitmatov, one of the geniuses of artistic and epic thinking of the twentieth century.

Калим сўзлар: бадий тафаккур, фанлар чорраҳаси, бадий синтез, генетика, бадий психологизм, трагизм, интеллектуал роман, ахлоқ, экскурсия.

Ключевые слова: художественное мышление, пересечение наук, художественный синтез, генетика, художественная психология, трагедия, интеллектуальный роман, этика, экскурсия.

Key words: artistic thinking, intersection of sciences, artistic synthesis, genetics, artistic psychology, tragedy, intellectual novel, ethics, excursion.

"Кассандра тамғаси" романининг ўзбекча нашрига сўз боши ёзган таниқли ижодкор, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Чингиз Айтматовнинг энг қадрдон ҳамфикрларидан бири Одил Ёқубов асарга юксак баҳо бериб, унинг жаҳон адабиётидаги бетакрор ўрнини алоҳида таъкидлаган: "Му-

раккаб дунёвий фожеаларни буюк қаламкашнинг сезгир қалби, ҳатто башоратчи футуролог олимлардан ҳам олдин пайқади”¹.

Абдулла Орипов эса “Бадий тафаккур тонгидан бошлаб маҳобатли Шарк, жумладан, туркий халқлар жаҳонга ўнлаб улуғ адибларни берди. XX асрнинг ана шундай жаҳонгир адибларидан бири, шубҳасиз, Чингиз Айтматовдир”.² Таъкидлаш лозимки, мутафаккирлар даврнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳолатини чуқур билиб, анализ қилганлари боис кўпгина воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билганлар. Масалан, Жалолиддин Румий “Маснавий ва маънавий” да бугунга қадар орадан саккиз аср ўтса-да, жамият ва одамзод табиатида учрайдиган салбий, фожиали оқибатларни, Алишер Навоий темурийлар салтанатининг ичдан инқирозга учрашини, Қодирий, Чўлпон, Фитратлар истибод эмирилишини башорат қилганлар.

Чингиз Айтматов учун ҳам башоратчилик янгилик эмас. “Оқ кема”дан бошланган бу ишора – башоратчилик, айниқса, “Асрни қаритган кун”да чўққисига чиққан эди. Зулмга, зўрликка асосланган собиқ иттифоқнинг парчаланишини адиб 1979–80-йилларда ўша асари орқали башорат қилган эди.

Назаримизда, профессор Суюн Қораев “Тавро Кассандры”ни “Кассандра тамғаси” дея тилимизга ўйрганида, романга қизиқиш яна-да ортарди. Чунки юнон мифологиясидаги Троя подшосининг кизи, соҳиббашорат Кассандрани ҳамма ҳам билвермайди, табиийки, одамзод башоратга ўч.

Одил Ёкубов таъкидлаганидек, “роман воқеаси ўта шиддатли психологик можоролар ва тўқнашувлар заминига қурилган. Ер курраси ахлоқий муаммолар синаб кўриладиган полигонга айланган. Инсоният ҳалокат ёқасига бориб қолган. Бу ҳалокат ташқаридан келган эмас, балки одамнинг хатти-ҳаракатлари, мунофиқлиги, худбинлиги, ахлоқсизлиги оқибатида юзага келгандир. Дунё бедаво дардга чалинган, агар инсоният ижтимоий хатоликлардан фориг бўлмас экан, интиком муқаррар”.³ Бир сўз билан айтганда, бу роман фалсафасининг жавҳари, квинтэссенцияси!

Агар романнинг ижтимоий табиатига жиддий эътибор берсак, унда технократ замоннинг фожиалари, асорат ва иллатлари, қавм, миллат, жамият, тузум ва сиёсатлар таназзули синтезлашган. Бу роман фанлар чорраҳасида яратилган. Унда тарих ва социология, сиёсатшунослик ва футурология, психология ва генетика, биология ва физиология, зоология ва ихтиология, география ва астрономия каби ўнлаб фанларнинг энг сўнгги ютуқлари бадий синтез қилинган. Бу романни чуқур тушуниш ва ҳис этиш учун ўқувчидан интеллект талаб қилинади.

Асарнинг бош қаҳрамони Андрей Крильцов – фашизмга қарши уруш йилларида етимхона эшиги олдида қолдириб кетилган ташландиқ бола. Ота-она меҳрини кўрмай, етимхонада ўсган. У генетика бўйича олим, академик бўлиб етишади. Бу одам маҳкумалар қорнида ота-онаси, қариндошининг тайини йўқ иксзурриётларни етиштиришни кўзлайди. Бундай манқуртлар эса собиқ комфирка эътиборини тортади.

Романда ёзилишича, *иксзурриёт келажакда эски, ўз умрини ўтаган дунёни туб-томири билан қўпориб ташлаш баробарида, янги дунёни бунёд этажак.*

Аёли Евгения эрининг бу мудҳиш кашфиётига қарши. Маҳкума Руна ҳам бу экспериментга қарши. У исён сифатида ўзини сувга ғарқ этади. Ёлғиз қолган Андрей Крильцов ўзини фазовий роҳиб деб эълон қилиб, Филофей лақаби билан космосга чиқиб кетади. Худди “Асрни қаритган кун” романидек, бу асарда ҳам фантастика билан реализм синтезлашган. Аччиқ ҳақиқат, қисмат шундан иборатки, Андрей Крильцов Ерда ўз ҳақиқатларига одамларни эргаштиролмагач, самовий роҳиб сифатида тажриба ва ғояларини ердагиларга тушунтириш учун Рим папасига очик хат ёзади. Бу мактуб АҚШнинг “Трибюн” газетасида эълон қилингач, катта шов-шувларга сабаб бўлади. Гарвард университети алломасининг бутун умри ана шу иксзурриёт муаммоси мағзини чақишга қаратилган.

Филофейнинг ғоялари билан параллел ҳолда Ерда Роберт Беркнинг бошидан ўтган саргузаштлар, сайловда қандай қилиб оммани ишонтириш масаласи ҳам акс этган. Бу билан Чингиз

¹ Ёкубов О. Чингиз Айтматовнинг фалсафий башоратлари. Айтматов Ч. Охирзамон нишонлари. Тошкент, Алишер Навоий номидаги матбаа нашриёти, 2007, 3 – 12-бетлар.

² А.Орипов. маънавий дарддошлик. Ғаниев И., Ибрагимов Р. Чингиз Айтматов ва XXI аср. Тошкент, Академнашр, 2013, 4-бет.

³ Ёкубов О. Чингиз Айтматовнинг фалсафий башоратлари. Айтматов Ч. Охирзамон нишонлари. Тошкент, Алишер Навоий номидаги матбаа нашриёти, 2007, 4-бет.

Айтматов табиат ва жамият қонунларидан қиёсан сўз очган. Яъни, табиат тартиботлари, хусусан, генетика қонуниятлари бузилган тақдирда жамиятда фожеа, таназзул содир бўлади.

Самовий роҳибнинг Рим папасига хати бутун инсониятга мурожаат, улуғ хавфдан огоҳлан-тириш ҳамдир.

Романинг жавҳар ғояси бўлган “Рим папасига” фаслида XX асрнинг бутун ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, фанний, социал муаммолари бадий ва фалсафий акс эттирилган. Андрей Крильцов – Филофей ўз тажрибаларининг ахлоқий, тарихий нуқтаи назардан зарарли эканини билади: *“Мен шунга амин бўлдимки, инсон ҳомиласи она қорнидаги ривожининг биринчи ҳафталарида ўзининг келажак ҳаёти қандай кечишини ички ҳис билан сезиши ва тақдири азалга ўз муносабатини билдириши имкониятига эга бўлар экан. Агар эмбрионнинг қисмати келажак ҳаётда ёмон кечадиган бўлса, ҳомила ўзининг ёруғ дунёга келишига қаршилик қилар экан.*

Мен эмбрионда шундай сигнал-нишон топдимки, эмбрион туғилишига салбий муносабатда бўлса, ўзидан нишон, яъни сигнал беради. Бу сигнал туғилишини хоҳламайдиган болага ҳомиладор аёлнинг пешонасида кичкинагина рангли доғ шаклида кўринади. Мен бу доғни “Кассандра тамгаси” деб, қўнғилсиз сигналлар бериб турадиган ҳомилани кассандра-эмбрион деб атадим”¹.

Филофей самодан туриб Рим папаси орқали ҳамма қитъаларга мурожаат қиларкан, ўз кашфиётини келажак учун энг зарур, эртага содир бўлажак фожиаларнинг олдини ақл-идрок билан олиш деб ҳисоблайди.

У ўз ғояларига тарихий мисол ва асос ҳам топади. Рим папасининг шахси ҳамда обрўсига эҳтиром билдириб, *“шунинг учун ҳам мурожаат этилманки, Сизнинг шахсингиз Ер қуррасида яшайдиган жуда кўп кишиларнинг ахлоқий имон-эътиқодлари ва маънавий қадриятларини ўзида мужассамлаштиргандир”* деркан, ўта усталик билан ўз кашфиётини ерликларга сингдирмоқчи бўлади.

У кассандра-эмбрионлар берган ахборотни шундай ифодалайди: *“Эрк менда бўлса, мен тугилмасликни афзал кўрган бўлур эдим. Сиз юборган сўроқларга сигналлар жўнатаямман, сиз бу сигналларни ўқисангиз, келажакка мени ва, бинобарин, менинг қариндош-уруғларимни аччиқ тақдир, шўрпешоналик кутаётганини билиб оласиз”².*

Филофей ўз мурожаатида туғилажак болани келгусида нималар кутажаги она қорнида бир ҳафталик бўлганида аёнлашади дейди: *Эндигина ҳомила шаклини олган инсон боласининг қисмати келажакда дунёда уни пойлаб турган азоб-уқубатлар – нажотсиз қашишоқлик ва касалликлар, зўравонлик, иллатлар ва хўрликлар исканжасига тушажак”³.* Шунингдек, *“Кассандра тамгаси дунёнинг охири яқинлашаётганини она қорнидаёқ бутун борлиги ва умидсизлик ҳисси-ла кутаётган охирзамон ҳомиласининг кадр орти овозидир. Бу эса ҳомилада яшашига табиий интилиши ҳиссини сўндиради.*

Эндиликда шу кунларда индустриялашиб бўлган жамият шароитида бундай ҳолатни дунёдан яшириб бўлармиди? Йўқ, албатта, бундай яшириши инсониятга қарши, ўз-ўзларимизга қарши жинойат бўлур эди”⁴.

Филофейнинг хати шу қадар илмий, мантиқлики, уни унча-мунча одам инкор қилолмайди. У ҳар бир даъвосига ердан, одамзод қилмишидан мисол, асос келтиради.

“Бирон киши томонидан қилинган ёвузлик, дейди у, шу кишининг жисмоний йўқолиши билан, ҳаёти сўниши билан тугамайди, балки генетик ўрмонда азалий уруғ шаклида сақланиб қолиб, эҳтимол бўлиши акс соатини кутади ва белгиланган вақтда портлайдиган минага ўхшаб ўзини намоян қилади”⁵.

Бу – инкор қилиб бўлмайдиган, генетика ва психоанализ, тарих исботлаб берган аччиқ ҳақиқат.

Филофей Ер юзида пайдо бўлган ижтимоий кескир муаммоларнинг асосини, илдизини инсоннинг ўз ичидан, эҳмоли бадидан, шуҳрат ва ҳокимиятга интилиши инстинктдан излайди.

Ҳақиқатан ҳам, Филофейнинг изтироблари, бугунги XXI асрда яшаётган интеллектуал шахсининг энг биринчи муаммосидир: *“Буларнинг ҳаммасининг манбаи қаерда? Булар горда тирик-*

¹ Айтматов Ч. Охирзамон нишонлари. Т., Алишер Навоий номидаги матбаа нашриёти, 2007, 26-бет.

² Шу манба. 27-бет.

³ Шу манба. 28-бет.

⁴ Шу манба. 33–34-бетлар.

⁵ Шу манба. 35-бет.

лайн кўмилганларга ўт қўйган ибтидоий одамларданмикин ёки бўғиб ўлдираётганда қурбонининг қийноқларидан шаҳвоний лаззатланадиган васвасаларданмикан, минг йиллар давомида жаҳолат ва шафқатсизликларнинг иблисона жаҳаннамидан ўтган қанча-қанча золиму бераҳмлардан келиб чиқадимикин; ва азалдан давом этиб келаётган ана шу узундан узоқ рўйхатда жаллод хоннинг ёнида жаллодлик қилганларни ёки ўз тажрибаси билан бизга таниш бўлган, партия галалари орасида мутаассиб газабнок жарчиларни, балконлар ва минбарлардан туриб бор вужуди билан томоғини йиртиб-қичқириб, инқилоб ва уруш оловини ёққан, жон жаҳди билан ҳокимиятга ёпишиб, каттароқ амалга минган сари қутуриб, қаҳр-газабга тўлган раҳбарларни эсламай бўлармиди? ”¹

Шу тариқа, Филафей кассандра тамғаси устида бутун бир системавий тажрибалар ўтказди. Ер юзида бўлиб турган ижтимоий, иқтисодий фожиалар кўламнинг кенглиги, мусибатларнинг чеки кўринмаслиги боис она қорнида эмбрион шаклида бўлган бола туғилишни истамайди деган ғояни исботлашга уринади: “Бўлажак она қуйидаги мусибатлар ҳақида ўйламаслиги мумкин эмас:

- очарчилик;
- хароба кулбалар;
- касалликлар, шу жумладан, ОИТС;
- урушлар;
- иқтисодий бўҳронлар;
- ижтимоий қасирғалар;
- жинояткорлик;
- фоҳишабозлик;
- гиёҳвандлик ва наркомафия;
- элатлараро қирғинлар;
- ирқчилик;
- экологик, энергетик ҳалокатлар;
- ядро синовлари;
- қора туйнуклар ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Буларнинг ҳаммаси одамлар дастидан. Одамзоднинг бошига тушаётган мусибатлар авлоддан-авлодга ортиб бормоқда. Ва буларнинг ҳаммасида барчамиз иштирокчимиз. Мана, ниҳоят, Илоҳ бизни жаҳаннам лабида тўхтатиб, Кассандра тамғаси орқали ўзи ҳақида нишон бермоқда... ”²

Филофей шахсий ҳаётдан айрилган, сўққабош, аслан ташландик, меҳрсиз ўсгани боис ҳам оламга роботдек муносабатда бўлади. Унинг Рим папасига ёзган хатидаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий, социал муаммолар Ер юзида мавжуд ҳамда келажакка тайин хавф солиб турибди. Бу ҳақиқатни сайёраимиздаги бирор зот инкор қилолмайди. Аммо муаммонинг ечими инсоний эмас, манкуртона, роботона. Отаси ва онаси, қавм-қариндоши, дини ва миллатининг тайини йўқ иксзурриёт билан бу фожеаларнинг олдини олиб бўлмайди.

Айтматов айтмоқчи, дунё шундай танг, мураккаб, хатарли аҳволга келиб қолганки, фидойи, жасоратли, иймон-эътиқодли, ҳалол ва меҳнаткаш кишилар қанча уринмасин, кўрғилик ва иллатлар кун, соат, лаҳза сайин кўпайиб бормоқда. Бу ҳолни қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин: *Муаммолар катталашиб бормоқда: “Оммавий маданият”, Ибтидоий тузум, феодализм, капитализм, социализм, ...изм.*

Ер юзида одамзод шу даража қутуриб, давр технократлашиб кетдики, инсон энди ер ости, сувлик ва космосни ҳам ўз табиий ҳолига қўймоқчи эмас. Бу ҳодиса “Кассандра тамғаси” романида ўзини қирғоққа уриб, ҳалок қилган китлар галаси мисолида санъаткорона тасвирланган. Ўша жониворларнинг ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиши – доллар ҳудудлик қилаётган, табиат қонунларини назар-писанд қилмаётган учига чиққан ахлоқсизликларга, нафс бандаларига қарши исён, улуғ хавфдан огоҳлик.

Романда шундай фанний истилоҳлар қўлланганки, уларнинг маъзани чақиш билан асар фалсафаси янада чуқурлашади. Масалан, апартеид – ирқий камситишнинг энг ашаддий шакли. Бу сўз замирида XX асрда, XXI аср бошида Шимолий ҳамда Жанубий Африкадаги, Америка ва Осиёдаги, Ғарбий Европанинг айрим давлатларидаги этник можароларнинг фожиали оқибатларидан огоҳлантириш ётибди.

¹ Шу манба. 36-бет.

² Шу манба. 46 – 47-бетлар.

Генетика – организмнинг тузилиши, ундаги генлар мажмуи. Андрей Крильцов – Филофей айнан шу генлар устида эксперимент ўтказди. Ахир, бу генларда авлодларнинг минг йиллик хусусиятлари яширин-ку.

Мазохизм – жинсий бузуклик, азоб, қийноқ, таҳқирдан лаззатланиш. Бу муаммо ҳам ХХI асрда худди ОИТС, ядровий ва бактериологик куруллар, фахш ва одам савдоси сингари улкан хавф солиб турибди. Никрофил – мурда билан жинсий алоқа қилувчи. Бу ҳам қиёмат белгиларидан, одамзоднинг нақадар тубанлиги, жирканчлиги, ярамаслигидан. Бу фожиа ҳам ХХI аср кишининг келажакига таҳдид солмоқда.

Инсон қалбининг эврилишларини тушуниш, инсон майлларини жиловлаш жуда катта куч талаб қилади. Ана шуни тўғри бошқара олган инсон кўзлаган мақсадига шубҳасиз етади, деган ақидага амал қилинмас экан, коинот таҳлика ва хавф-хатар ичида қолаверади.

Умуман, “Кассандра тамғаси” жанр нуқтаи назаридан ижтимоий-фалсафий, интеллектуал романдир. Уни ўқиган ҳар бир шахс, авлод янги-янги ғояларни, фалсафани кашф қилаверади.

**Ғаниева Афиға Илҳомовна (Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат
Ўзбек тили ва адабиёти университети илмий тадқиқотчиси)
ШАВКАТ РАҲМОН УСЛУБИНИНГ АЙРИМ ҚИРРАЛАРИ ҲАҚИДА**

***Аннотация.** Мазкур мақолада Шавкат Раҳмон шеърятининг услубий хусусиятлари, шоирнинг сўз қўллаидаги ўзига хос бадий маҳорати тадқиқ этилган. Шунингдек, шоирнинг бадий тасвир воситаларидан фойдаланишидаги адабий тажрибаси ва метафорик образнинг тадрижи тўғрисида фикр юритилган.*

***Аннотация.** В данной статье рассматриваются стилистические особенности поэзии Шавката Рахмона, уникальное художественное мастерство поэта в словоупотреблении. Также рассмотрен литературный опыт поэта в использовании художественных выразительных средств и эволюция метафорического образа.*

***Annotation.** This article examines the stylistic features of Shavkat Rahmon's poetry, the poet's unique artistic skills in the use of words. The poet's literary experience in the use of artistic means of expression and the evolution of the metaphorical image are also considered.*

***Калим сўзлар:** сифатлаш ва сифатланмиш, тазодийлик, оксиморон, анъанавий бадий талқин, бадий услуб, индивидуаллик, бадий кўчим, бадий синтез.*

***Ключевые слова:** определение и определяемое слово, контраст, оксюморон, традиционная художественная интерпретация, художественный стиль, индивидуальность, художественная миграция, художественный синтез.*

***Key words:** qualifying and qualified, contrast, oxymoron, traditional artistic interpretation, artistic style, individuality, artistic migration, artistic synthesis.*

Шавкат Раҳмон шеърларида яққол кўзга ташланадиган яна бир ҳолат – бутун борлиқнинг жонли тарзда идрок этилиши. Агар шоир шеърларини ягона бир система, яхлит бир бадий олам дейдиган бўлсак, унда жонлантириш яққам-дуққам учрайдиган ҳодиса бўлмай ва шунчаки ифодавий восита сифатида ишлатилмасдан, шоир бутун борлиқни жонли тарзда тасаввур қилганлигининг гувоҳи бўламиз. Мана шу жиҳатига кўра, бу шеърлар қадимги мифологик тасаввурларни хотирга келтиради. Чунки миф-асотирлар олис ибтидоий аждодларимизнинг куёш, ой, юлдузлар, осмон, ўсимликлар, дарахтлар, ер, ҳаво, шамол, хуллас, табиатдаги барча унсурларни жонли мавжудот сифатида қабул қилганидан хабар беради. Бинобарин, уларнинг оламини жонли тарзда идрок этишларидан туғилган асотирлар туфайли кейинчалик фольклор ва ёзма адабиётда жонлантириш образлилик кўринишига айланган ва бадий услубда яшаб қолган.

Шавкат Раҳмоннинг бирор-бир шеъри йўқки, унда табиат сўзламаса, ҳаракат қилмаса, изтироб чекмаса, куйламаса... Бу шеърларни ўқиркансан, ҳатто баъзан теварак-атроф, табиат одамдан кўра одамроқдай, одамдан кўра жонлироқдай, одамдан кўра қалби борроқ, ҳассосроқдай туюлади:

*Энди жим турасиз,
эшитинг элни,
эл асло демайди, зоглар куйласин.
энди кенгликларда ҳақ сўрамасдан
ерни безаб ётган боғлар куйласин.*

*... Ана... қулоқ солинг...
эшитяпсизми,
қуйлар шоир шамол, қуйлар шоир қор,
шоир қоронғулик, шоир тоғларда
шоир дарёларнинг шовиллаши бор.*

Шоир онгли равишда оламни олис аждодлари сингари идрок этмоқни истайди. Чунки Шавкат Раҳмон шеърларида инсониятнинг ибтидоий ҳаётидаги соддалик, покликни соғиниш мотиви устиворлик қилади. *“Ишонгил, ҳеч қачон сени алдамас софдил элатларнинг асотирлари”*, дейди бир шеърда у. Бошқа ўринда эса ўқиймиз: *“Ё мамлук бўлайлик, эй қоним, кетайлик ё ундан нарига, тушайлик одамзод қонининг ҳамиша мусаффо қаърига”*.

“Гуллаётган тош” шеърда жонлантириш ўзига хос: шеърда жонсиз предметнинг жонланиш жараёни кўрсатилади. Яъни, жонсиз ётган тош лирик қаҳрамонга ҳадемай гуллайдигандай туюлади. Бунда тош дарахт сифатида тасаввур қилинади. Аммо унинг ухлаб ётгани, ўйлаётгани ҳақида сўз бориши билан тош одамга хос хусусият касб этади – жонлантирилади.

Шавкат Раҳмон шеърларида кенг қўлланган “қадимги” сўзи ҳамда жонлантириш приёми, бизнингча, шоир такрор-такрор мурожаат этган Ер образи билан ҳам боғланади. Ер – бу шеърларда жуда кенг тушунча бўлиб, табиат, миллат, Ватан, бутун инсоният каби маъноларни англатади. Олдинги фаслларда кўриб ўтилган “Гўл” шеърда гўл Ер заҳматқаш, содда, итоаткор, айни пайтда, ўз ҳақини ҳеч бир танимаган ва шу туфайли камситилган, таҳқир этилган миллат тимсолини гавдалантиради. “Кузги Ер кўриниши” номли шеърда эса Ер миллий Ватан тушунчасидан бошланиб, ғорат этилган табиат, инсониятнинг ўзи вайрон қилаётган бешиги – Ватани қадар кенгайиб кетади. “Нур” шеъри гўёки “Кузги Ер кўриниши”ни тўлдиради, унда Ер – адашиб, залолатга ботган бутун инсоният тимсолини англатади. Олис коинотдан биздан хабар олгани келган нурлар зулмат босган қалблар туфайли Ерда қолишни истамайди, ўзининг коинотига қайтиб кетади. “Йўловчи” шеърда шоир:

*Қадам босганимда чайқалади ер,
чайқалар ёдимнинг оғирлигидан.
Бирор аср ухлай,
ичайин чоғир,
бергин, ер, минг йиллик чоғирларингдан,*

деб мурожаат этаркан, Ер – инсоният тарихининг шонли лаҳзалари, ибтидоий мусаффолиги ўлароқ идрок этилган.

“Ҳар қандай ҳиммат-да чегаралидир” деб бошланадиган шеърда Ер – гуноҳкорлиги учун юксаклардан ҳайдалган одамзоднинг тубан маскани маъносида келади. *“Қай бир айби учун парвардигорлар ерга қамаб қўйган инсониятни?”* деган саволни қўяди шоир. Ер коинотдаги, юксаклардаги ўзга сайёраларга қарама-қарши қўйиларкан, дарҳол кўз олдимишга Антуан Сент Экзюперининг Кичкина шаҳзодаси ва унинг саргузаштлари билан боғланган сайёралар келади. Шавкат Раҳмоннинг шеъри Кичкина шаҳзоданинг Ерни абадий тарк этганлиги сирини очгандай, Экзюперига лирик шарҳдай туюлади гўё. Шеърнинг лирик қаҳрамони сўнгги сатрларда Экзюперининг Кичкина шаҳзодани чексиз соғинч ва ўкинч билан хотирлаётган ҳикоячисини эслатади:

*Чегарасиз бўлса инсон имкони
табиат одамга бир қанот берса,
ерда қолармикан бирорта одам
абадий кулфатлар маскани – ерда?*

Хусусан, сўнгги мисра кишини дафъатан ларзага солади. Ларзага солароқ, ичимиздаги Кичкина шаҳзодани уйғотади. Бизни абадий кулфатлар масканини абадий шодликлар масканига айлантириш учун ҳаракатга чорлайди.

“Юлдузлар қулаган тунлари” шеърда ҳам худди шу рух – *“жоҳиллар, жаллодлар ери”*ни коинотдаги бошқа сайёраларга қарама-қарши қўйиш руҳи устивор:

*Ё тинсиз чекарми заминнинг
бу забун ҳолидан гангираб
саноқсиз сайёра – тошларда
кенгашиб ўтирган тангрилар?*

“Ўшни кезганда ўйлаганларим”да эса ер – инсониятнинг шайтоний туйғулар билан кирланмаган вакиллари, комил инсон каби гавдаланади. Шоирнинг она-Ватани бўлмиш Ўшда ўша Ер

кимгадир дарди ҳол қилаётгандай, кимдандир мадад сўраётгандай бўлади. Япроқлари, гулу тошлари, сувлари баҳайбат бўлган, гулу чечаклари осмонни тўсгудай ҳайбат билан ўсаётган, устига осмон ҳар кун баҳайбат нурлар ёғдираётган бу улуғ диёрнинг ўзидан-да улуғроқ дардлари бор. Бу дард – келажак дарди, тобора айниб, залолатга тойиб бораётган инсониятнинг истикболидан тугилган дарддир.

*Мен буни уқаман
эркалаб замин,
ҳам асраб бағрида кўз қароғидай,
баҳайбат бўлгин деб,
ҳар бир боланинг
митти товонларин ўнган чоғида.
Аммо қани улар,
замин алқаган,
умидвор тикилган митти даҳолар?*

Афсуски, улар йўқ. Уларни жаҳолат, майда ташвишлар хароб қилмоқда. Улар маънан кичрайиб-ерга қапишиб ораётир. “Шундоқ сўниб борар ер орзулари...” Шу тариқа, Ер – Шавкат Раҳмон шеърларида оддий макон мазмуни доирасидан чиқиб, хилма-хил маъноларни ўзида жамлаган марказий образлардан бирига; шоирнинг инсоният, Ватан, миллат ва келажакка оид изтиробларининг, орзуларининг мужассам тимсолига айланади. Шоир қайта-қайта Ер образига мурожаат қилаверади, уни умуман коинот марказида турган, ҳаётнинг жавҳарини ташкил қилган инсониятнинг муҳим атрибути сифатида тасаввур қилдиради.

Шавкат Раҳмоннинг ўзига хос услубини бадиий сўзнинг энг муҳим унсурларидан бири бўлган сифатлашларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. У бизга нарса-ҳодисаларнинг ҳам, ҳаракатларнинг ҳам фақат шоир нигоҳигина илғаши мумкин бўлган сифатларини тақдим қилади. Бу шеърларда барқарор, доимий сифатлар фақатгина алоҳида урғу берилган ҳолатлардагина ишлатилади. Чунончи, “Баланд дарахтлар” шеърисида дарахтларнинг одатдаги “баланд” ва “паст” сифатлари шеър ғоясини юзага чиқаришнинг асосий компонентларидан бирига айлантирилган.

“Эски расм” шеърисида ҳам суратга хос бўлган ўнлаб одатий сифатлар орасидан “эски” сифати ажратиб олинади, сарлавҳага чиқарилади. Аммо шеър матни сарлавҳадаги бу сифатни йўққа чиқаради, шеърда инсонлик жамиятининг ҳеч қачон эскирмайдиган, замонлардан замонларга ўтиб бораверадиган, ҳамма даврлардаги асосий хусусияти, сифатидан сўз юритилади, расмнинг эскилик сифати шартли, юзаки ҳодисотга айланиб қолади. Эски расм кеча, бугун ва эртанги куннинг моҳиятини англаувчи ҳодисани акс эттиради. Шу тариқа, сифатлаш муҳим аҳамият касб этади. “Ёш тоғлар” шеърисида ҳам сарлавҳага чиқарилган сифатлаш ва мазмун ўртасида тазодий муносабат бор. Ўспирин чоғида йўлга чиққан тоғлар бир лаҳзага дам олиш учун тўхтаганлару, шу тариқа, миллион йиллардан буён давом этаётган уйкуга чўмганлар.

“Гуллаётган тош” шеърисида эса ҳолат тесқари – қотиб ётган тош гуллашга, тирилишга тадорик кўраётгандай. Асрларни кўрган, асрларнинг сирини ўзида мужассам этган тош гуллаш арафасида. Шоир гуллаётган тош образида бирор-бир хатти-ҳаракат – на эзгу амаллар, на ёвузлик мозий бағрида кўмилиб қолиб кетмаслиги, бир кунмас-бир кун бутун оламга шоён бўлишидан иборат ғоявий мазмунни акс эттирган. Шеърда барча амаллар сарҳисоб қилинадигн Илоҳий Кун ҳақиқати, эҳтимол, ғайриихтиёрий равишда, ифода топгандай. Шеърни ўқир эканмиз, руҳимизни – одамлар кўзидан яшириш мумкин бўлган амалларимиз абадий пинҳон қолиб кетмасдан, барибир, бир кун очилажагидан иборат илоҳий ҳақиқат босими остида сезамиз.

“Гуллаётган тош” бирикмасида сифатлаш ва сифатланмиш ўртасидаги тазодийлик оксиморонни юзага келтирган. Мана шу оксиморон дафъатан диққатни ўзига тортади. Шоир анъанавий бадиий талқинларда ҳиссилик ва догма билан характерланадиган тош образига кутилмаган, зиддиятли маъно юклайди. Тош образи ҳаётнинг бир-бирини тақозо қиладиган зиддиятли жиҳатларини ифода этганлиги билан характерлидир.

Шавкат Раҳмон сифатлашларига изчиллик ва кутилмаганлик, шоир ижодининг лейтмотиви билан мустаҳкам алоқадорлик хосдир. У муайян нарса-ҳодисанинг оддий нигоҳ билан кўриш ва тавсифлаш мумкин бўлмаган сифатларини кўради ва турли шеърларида ифода этади. Дейлик, шоирни ўзбек аёлининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, тарихий тақдири масаласи қаттиқ безовта қиладди. У, умуман, бутун миллат сингари, унинг аёллари ҳам ҳақсизликка, оғир дўзахий меҳнатга, таҳқирга гирифтор этилганидан теран изтироб чекади. Табиат ҳеч бир аёлдан кам қилмай ички ва

ташқи гўзаллик билан сийлаганига, дунёнинг барча аёллари каби ороланиб юришга, муҳаббатдан маст бўлиб, заҳматсиз ва тўқ-фаровон ҳаёт кечиришга ҳақли бўлгани ҳолда, ўзбек аёлининг тегиши фақат ҳаётнинг азоб ва машаққатларигина бўлгани шоирни тубсиз оғриқлар чоҳига ташлайди. “Автобусдаги ўйлар” шеърида *хинодан қизарган кафти-ла* ёноқларини тўсаётган, *юз оёқ, юз қўлли, минг бир иболи, ҳулво қизларни* қўпол кирза этик кийган, юзларини қуёш ялаган сувратда учрата-миз. Шу шеърда шоир ўзбек аёлининг қўлига нисбатан *ерга ўхшаган* сифатлашни ишлатади. Бу сифатлашда ўзбек аёлининг заҳмати, беминнат – бетамалиги, айни пайтда, азбаройи меҳнатнинг қаттиқлигидан қорайиб ёрилиб-хунуклашиб кетганлиги – ўзбек аёли қисматининг фожиаси бирваракайига ифода топган.

“Ёнаётганлар” шеърида эса худди шу қўллар ҳақида “қанотдай”, “фаришта” сифатлашлари ишлатилади. Аллоҳ бу қўлларни яратганда уларни фаришта қилиб, қанотдай қилиб, нозик ва ипакдай мулойим – бу қўллар Константин Паустовскийнинг Мария Черни (“Гулмоҳилар сузган сойлар”)си сингари ўз маршаллининг сочларини силасин; мард бир йигит уларни ўпсин, уларга таъзим бажо айласин деб; бу қўллар гўдақлар тимсолида келажакни аллаласин деб яратган. Парвардигор аёлни қушдай эркин ва қизиққон, қўлларини қанотдай парвозбоп қилиб яратган. Аёл гулдай зариф, қўллари шу гулнинг новдаларидай нозик қилиб яратилган. Аммо...

*Бу гуллар –
сўзлаган онидан бошлаб
қўрмайин юлдузли осмон равогин,
қанотдай қўлларда ерни тарошлаб,
ўт билан сувлардан ясар жавоҳир.
Фаришта қўллари қорайиб куйган,
кир дурра чирмаган олма юзларин.
ҳар бири Шерали ҳофизни суйган,
кўзлари ғуссали,
кичик жуссали.*

Матндаги бошқа барча ифодадалар – юлдузли осмон равоғи, кир дурра чирмаган олма юзлар, ғуссали кўзлар, кичик жуссалар, Шерали ҳофизни суйиш, ўт билан сувлардан жавоҳир яшаш – буларнинг барчаси ё тазодий муносабатда, ё параллел ҳолатда қанотдай, фаришта қўллар соҳиби фожиасини чуқур акс эттиришга, сифатлашни тўлдиришга йўналтирилган.

Pirnazarova Manzura (UrDU) **OMON MATJON SHE’RIYATIDA OBRAZLAR TIZIMI**

Annotatsiya. *Mazkur maqolada shoir Omon Matjon she’riyatidagi obrazlar tizimi haqida fikr yuritiladi. Ijodkor she’rlari obrazlar rang-barangligi bilan ajralib turishi she’riy namunalarining tahlillari orqali ko’rsatilgan. Shuningdek, shoir she’rlaridagi samimiylik, vatanparvarlik haqidagi tushunchalar ochib berilgan.*

Аннотация. *В данной статье рассматривается система образов в лирике поэта Омона Матжона. Анализ поэтических образцов показывает, что стихи художника отличаются многообразием образов. Также в стихах поэта раскрываются понятия искренности, патриотизма.*

Annotation. *This article discusses the system of images in the poetry of the poet Omon Matjon. The artist’s poems are distinguished by the variety of images can be seen on analysis of poetic samples. Besides, the senses of sincerity, patriotism are revealed in his poems.*

Kalit so‘zlar: *she’riyat, ijod, obraz, adabiyot, iste’dod, badiiy mahorat, tamoyil, go‘zallik.*

Ключевые слова: *поэзия, творчество, образ, литература, талант, художественное мастерство, принцип, красота.*

Key words: *poetry, creativity, image, literature, talent, artistic skill, principle, beauty.*

O‘zbek she’riyati taraqqiyotiga hissa qo‘shgan shoir Omon Matjon ijodi mavzu ko‘lamining kengligi, rang-barangligi bilan ajraladi. Ijodkor qalami goh tabiatning betakrorligini tarannum etsa, goh tarixga qaytib, o‘tmishdan xulosa chiqaradi, tarixni so‘zlaydi. Shu bilan birga, bugungi kun kishisini ma’rifatga chorlaydi, vatanni sevishga o‘rgatadi.

Bilamizki, badiiy adabiyot bu insonshunoslikdir va uning asosida inson obrazi turadi. Har bir ijodkor o‘z uslubiga binoan g‘oyaviy niyatidan kelib chiqib o‘ziga xos tarzda kishilar obrazini yaratadi. Sho-

irlar ijod namunalarini kuzatar ekanmiz, turli tuman insonlarning badiiy obraziga duch kelamiz. O‘zbek she‘riyati taraqqiyotiga munosib hissa qo‘shgan shoir Omon Matjon ijodi mavzu ko‘lamining kengligi, obrazlar rang-barangligi bilan ajralib turadi. Haqiqiy iste‘dod egasining zimmasidagi burchi – bu inson obrazini o‘z ijod namunalarida mukammal tarzda, she‘rxon ruhiyati va tasavvurida gavdalantira oladigan holatda tasvirlab berishdir. Omon Matjon she‘rarini tahlil qilarkanmiz, shoir asarlaridagi obrazlar tizimi turli xarakterlardan iborat ekanligi ma‘lum bo‘ldi. Ijodkor turli xarakterdagi, turli yoshdagi va har xil kasb egalari obrazlarini yuksak mahorat bilan tasvirlagan.

*Bugun davra tuzib fe‘lidek ulkan,
She‘r, o‘lan bazmiga chorladi o‘lkam!
Qani, Islom shoir, Er Fozil, Po‘lkan –
To‘yingdir, may rangin yanoqda qoldir,
She‘r yurtida bizni qo‘noqda qoldir!*¹

Omon Matjonning ichki tuyg‘ulari va qarashlari bitilgan satrlarini mutoalaa qilar ekanmiz, o‘z tuyg‘ularimiz, fikrlarimizni tark etib, boshqa bir zamonga parvoz qilamiz. Shoir she‘riyati haqida fikrlar ilgari surganda, mavzu va g‘oya jihatdan xilma-xil, shu bilan birga qimmatli hamdir. Adabiy namunalarda “Men jo etdim Ona nomiga Yerni so‘nggi gardigacha to”, “Bir do‘stim bor mening jimgina, O‘z g‘amida yashaydi yolg‘iz” mehribon ona, do‘st, talabchan ustoz, mehnatsevar dehqon, qo‘shiqshi obrazlari ham tajassum topganki, ularni yaratishdan asosiy maqsad kitobxonni undan o‘rnak olishga chorlashdir. Sababi, obraz kishilarning ongigagina emas, his-tuyg‘ulariga ham ta‘sir etadi.

*Cheksiz ehtiromim senga, dehqonim,
Sen bois totlidir har burda nonim.
Tuproq‘im ost-usti qo‘sh ganj yombidir,
Dehqonim mehnati-uchinchi konim.*²

Lirik qahramon – o‘y fikri, his-hayajoni va kechinmalari lirik she‘rda ifodalangan shaxs obrazidir.³ Lirik she‘rda shoirning tasavvurlari, his-hayajoni va ruhiy kechinmalari badiiy ifodalanadi. Shu boisdan lirik qahramon deganda ko‘z oldimizda ko‘pincha shoirning o‘zi gavdalanadi. Omon Matjon she‘rlarida ham lirik qahramonning bir ko‘rinishi ijodkorning o‘zining qiyofasida bo‘lib, ona xalqi tashvishi bilan yashash, el koriga yarash, insonlararo munosabatlardagi ma‘naviyat muammosi, insoniy yetuklik, komillik masalasi – uning asosiy fazilatidir.

*Yashash, – bu orzular qanotin kermoq,
Yashash, – bu muhabbat gullarin termoq.
Yashash, – bu umrning gulgun damlarin
El uchun yashamoq, el uchun bermoq.*⁴

She‘rdagi lirik qahramon tilidan keltirilgan yuqoridagidek ezgulik maqsadida yashash kabi ma‘naviy yuksak qarashlar va boshqa insoniy fazilatlar, ijtimoiy muammolar ilgari surilgan “Men bulut bag‘riga sin solib boqsam”, “Moslashuvchiga”, “Dehqonim”, “Suhbatdosh”, “Tarix muzeyida” she‘rlaridagi qahramonlarda xalqparvarlik, fidoiylik yaqqol namoyon bo‘ladi. Zukko adabiyotshunos olim U. Normatov shoir ijodi xususida shunday fikrlarni ilgari suradi “Omon va uning tengqurlari adabiyotga kirib kelgan va qizg‘in ijod qilgan yillar adabiyot uchun xiyla murakkab, ziddiyatli davr edi. O‘sha zamonning ruhi, asl qiyofasi, birinchi galda, o‘sha davrning peshqadam adiblari, jumladan, Omon Matjon asarlarida g‘oyat yorqin, haqqoniy aks etgan. ...Omon ana shunday chalkash bir zamonda qalam tebratdi.”⁵ Darhaqiqat, shoir asarlarini kuzatar ekanmiz, zamondagi holatlar va bunga ijodkorning bevosita munosabatini o‘zida aks ettirgan she‘rlar talaygina ekanligiga amin bo‘lamiz. Bashariyatning azaliy va abadiy muammolarini badiiy-falsafiy idrok eta bilgan haqiqiy iste‘dod egasi bu muammolarni o‘zi yashab turgan davr, ayniqsa, zamon illatlari, zamondoshlarining kayfiyatlariga uyg‘unlashtirgan holda ifodalashga muvaffaq bo‘ladi. Quyidagi she‘rda ham lirik qahramon sifatida ijodkorning o‘zi xuddi guvohi bo‘lgandek holatlarni tasvirlab, hayotda uchrab turadigan yolg‘onchilikning o‘ta tuban illatligiga diqqat qaratgan:

*Yolg‘onning yashash tus tarzi juda ko‘p,
Yolg‘on har muqomga o‘zini sozlar.*

¹ Omon Matjon. Iymon efdusi. T., Faqur Fulum nomiдаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995, 146-бет.

² Omon Matjon. Эл бирла бўл. “Sharq“, 2019, 16-бет.

³ X.Хомидий ва бошқалар. Адабиётшунослик терминлари луғати. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1970, 94-бет.

⁴ Omon Matjon. Минг бир efdу. Тошкент, Faqur Fulum nomiдаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, 8-бет.

⁵ Normatov U. Адабиёт гурунглари. Тошкент, “Muxarrir”, 2010, 102-бет.

*Haqiqatga qiyin, uni podshoga
Ayta bilgan jondan umidi ozlar...
Ammo jonga uncha ozor bermay ham
Til topsa bo'larkan har holat bilan!
Kecha yolg'on bilan davron surganlar
Bugun qo'rqitarlar adolat bilan.¹*

Lirik qahramon sifatida shoir o'zi yashab turgan jamiyatdagi insonlararo munosabatlarda duch kelgan ba'zi salbiy holatlardan xulosa chiqarib, o'quvchini ogohlantirishni burchi deb biladi. Zero, adolat-pesha, haqiqatni gapiradigan insonlar har doim el-yurt, vatan manfaati, uning yuksalishi, rivojlanishi uchun bor imkoniyatini, g'ayratini ayamaydilar.

Ma'lumki, badiiy obrazning materiali bir tomondan real voqelik, ikkinchi tomondan ijodkor shaxsidir,² degan fikrlar ilmiy manbalarda mavjud. Shu fikrdan kelib chiqsak, Omon Matjon ijodkor sifatida adolatsizliklarga, illatlarga qarshi o'ta murossasiz bo'lgan. Shoir yaratgan obrazlar buning yaqqol dalilidir. Ushbu she'r tilining soddaligi, qofiyasining to'qligi bilan o'ziga xoski, she'rda lirik qahramon tilidan ishlatilgan "zuryod", "ustod", "ruju" kabi so'zlar yosh kitobxon so'z boyligining oshishiga ham xizmat qiladi:

*Ters fe'lli kimsalar kimning zuryodi,
Tag'in har birining bordir ustodi!
Pokdil el "Yo haq" deb ruju qilganda
Bularning nimada bo'larkan yodi.³*

Yana bir muhim jihati shundaki, ushbu to'rtlikda shoir haqiqatning, haqgo'ylikning inson hayotida naqadar zarur ekanligiga urg'u bergan. XX asr o'zbek she'riyatida tabiat obrazlari o'zining ramziy ma'nosi bilan insonning qaysidir darajadagi an'anaviy munosabat, ruhiy kechinma va his-tuyg'ularini anglatish uchun xizmat qiladi. Tabiat obrazlari lirik kechinmalar zamiriga singishib ketadi. Tabiat go'zalliklari zamiriga yashiringan ma'no, uning o'ziga xos ta'sir kuchi, ahamiyati falsafiy poetik umumlashmalarning ta'sir kuchini oshiradi. Lirik qahramon his-tuyg'ularini ifodalovchi tabiatning rangdor bo'yoqlari ramziy obraz vazifasini o'tashdan tashqari shoir yashagan davr kishilarining o'ziga xos dunyosini ifodalashga ham xizmat qiladi. Quyidagi satrlarni fikrimiz dalili sifatida keltirishimiz mumkin:

*Quyosh botgan sayin uzaydi soya,
Abadiy zulmatga ko'mildi qoya.
Yerning nurga bo'lgan buyuk sog'inchi
Tog'larni yuksaltib turibdi g'oyat.*

Yoki shoirning yana bir to'rtligida tabiat ko'rinishlari yangi hayajon, yangi tuyg'ularga yo'g'rilgan holda tabiat obrazlari orqali keltiriladi:

*Oydin tun. Yaxmalak. Dala-tuz edi.
To'lin oy bulog'I yaxlit muz edi.
Osmon shishasiga tirik naqsh slogan
Sen menga aytgan bir iliq so'z edi...⁴*

Omon Matjon she'riyatidagi obrazlar turfa xilligini tahlil qilarkanmiz, mavzu va g'oyaning rang-barangligi, badiiy tiniqligi, obrazlar qurilishidagi falsafiy mushohadakorlikka moyilligi bilan ajralib turishi namoyon bo'ldi. Shuningdek, shoir she'rlarining mavzusi uning hayot mazmuniga aylangan Vatan ekanligi tabiiy holdir. Vatan mavzusiga aloqasi yo'qdek ko'ringan mavzular ham alal-oqibat Vatan va vatanparvarlik tuyg'ulari, o'y-kechinmalari, orzu-istaklarining badiiy ifodasi bo'lib kelaveradi:

*Men bosgan qadamim yerim tushundi
Har bir nafasimni she'rim tushundi.
Jismimda gohi gul undi, goh tikan,
Lekin har so'zimni elim tushundi.*

¹ Omon Matjon. Минг бир ёғду. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, 10-бет.

² Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. Т., 2007, 65-бет.

³ Omon Matjon. Иймон ёғдуси. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995, 21-бет.

⁴ Omon Matjon. Шу манба. 24-бет.

Xalq hayotini sho'rolar tuzumi siyosati natijasida tanazzulga tushganligini chuqur his qilgan shoir elning turmushini, ijtimoiy holatini kuzatar ekan, millat kishisining mudroq holatidan iztirobga tushadi va yurtdoshlarini o'z qadr-qimmatlarini anglab yetishlarini istaydi:

*Toleimda sirli xatlar ko'rindi,
Tushimda qanotli otlar ko'rindi.
Ko'nglim istagicha joy tutmoq bo'ldim,
Diyorim taxtida yotlar ko'rindi.
El-yurt kovak-katak, qo'shin-piyoda,
Qayoqqa ot sursam, motlar ko'rindi...*

Ko'rinadiki, ijodkor yurti begonalar boshqarayotganidan qalbi larzaga kelib, xalqining o'zga millat oldida tobe bo'lib, mot bo'lib qolganidan nadomatlar chekadi. She'rning oxirgi satrlarida esa lirik qahramon "Umidli dunyo bu, Omon, jam chekma" deya nurli kelajak bo'lishiga umidvor bo'ladi. Ushbu she'r ijodkorning "Iymon yog'dusi" to'plamiga kiritilgan bo'lib, 1988-yilda, ya'ni yurtimiz mustaqillikka erishishdan oldinroq yozilgani belgilab ko'rsatilgan.¹ Shoirning o'zbek xalqi obrazini mehr va iztirob bilan chizgan satrlari mavjud. "Bag'ring but bo'lsin, yurtim" nomli asarini 1989-yil yozgan va o'sha mud-hish yillardagi xalq boshiga tushgan fojealardan she'rxonni ogohlantiradi.

Farg'ona voqealari natijasida xalqning boshiga tushgan jabrlar kamdek, masalaning tub zaminini bilmasdan turli nashrlarda xalqni yomonlagan kimsalarni ko'rib nafratini yashirmaydi. "O'zbek ishi" degan mash'um holatlarni eslab kuyunadi va buni yuzaga keltirganlar albatta jazosini olajagiga lirik qahramon sifatida ishonch bildiradi. Tarixdan o'tgan buyuk ota-bobolarimizning merosxo'ri ekanini, o'zbek millatining iymoni but ekanini bot-bot takrorlaydi va shoir lirik qahramon tilidan "O'zbekim, bag'ringni but ko'ray deya, Ko'zda yoshim bilan bitdim bu she'rni"² kabi satrlari bilan she'rini yakunlaydi.

Yuqoridagi she'rlar tahlili shuni ko'rsatadiki, Omon Matjon o'zbek xalqining fidohi, vatanparvar farzandi sifatida o'z ijod namunalari orqali kelajak avlodni yetuk inson qilib ulg'ayishlariga, tariximizdan o'tgan buyuk shaxslarga hurmat ruhida tarbiyalashga o'zining munosib hissasini qo'shib ketgan. Ijodkor sifatida o'zining badiiy-estetik maqsadiga erishish yo'lida obrazlar tizimidan mohirlik bilan foydalanganini uning she'rlaridagi obrazlarning turli ko'rinishlarida ko'rish mumkin. Shoirning she'rlari quruq pand-nasihatdan yiroq bo'lib, yuksak badiiyat bilan ifodalangan va kitobxon qalbini egallab, yaxshi taasurot qoldirish kuchiga ega.

¹ Omon Matjon. Иймон ёғдуси. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995, 90-бет.

² O'sha manba. 89-бет.

**Aralov Muzaffar Muxammadiyevich (Qarshi Muhandislik-iqtisodiyot instituti katta o'qituvchisi)
BO'LAJAK MUHANDISLARGA KARTOGRAFIK CHIZMACHILIK FANINI O'QITISHDA
KENGAYTIRILGAN DIDAKTIK BIRLIKLARNING USLUBIY XUSUSIYATLARI VA
USULLARI**

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada oliy ta'lim tizimining bo'lajak muhandislarga kartografik chizmachilik fanini o'qitishda kengaytirilgan didaktik birliklarning uslubiy xususiyatlari va usullari o'qitishni takomillashtirishda o'qitishning o'ziga xos xususiyati muammolarini fan nuqtai nazaridan ko'rib chiqish bayon etilgan.*

***Аннотация.** В данной статье описаны методические особенности и методы расширенных дидактических единиц в обучении картографическому черчению будущих инженеров системы высшего образования с научной точки зрения особенностей обучения в совершенствовании обучения.*

***Annotation.** This paper describes the methodological features and methods of the extended didactic units in teaching cartographic drawing to future engineers of the higher education system from a scientific point of view of the problems of specificity of teaching in improving teaching.*

***Kalit so'zlar:** kartografiya, kartografik chizmachilik, pedagogik texnologiyalar, ta'lim-tarbiya metodlari, diaktik birliklar, assimilatsiya, yer yuzi, shartli belgilar.*

***Ключевые слова:** картография, картографический рисунок, педагогические технологии, методика обучения, диалектические единицы, ассимиляция, земля, условные знаки.*

***Key words:** cartography, cartographic drawing, pedagogical technologies, teaching methods, dialectical units, assimilation, earth, symbols.*

Bo'lajak muhandislarga kartografik chizmachilik fanini o'qitish bo'yicha tayyorlash mutaxassislikning aniq o'ziga xosligi bilan ajralib turadi. Muhandislik mutaxassisliklarini tayyorlash tizimida yetakchi o'rinlardan birini "Kartografik chizmachilik" fani egallaydi. Bu kartografik chizmachilik faniga nisbatan keng ko'rinishga ega bo'lajak muhandisning rivojlanishini ta'minlashi va unga kasbiy faoliyatda qo'llash uchun yetarli bo'lgan aniq bilimlarni berishi kerak.

Bu nafaqat tegishli asosiy tayyorgarlikni ta'minlash, balki kasbiy va pedagogik yukni ham olib kelishni maqsad qiladi (1-rasm). Shu bilan birga, asosiy ta'lim ikkita quyidagi komponentni o'z ichiga olishi zarur:

- ♦fanni o'zlashtirishda turli tasvirlash usullari va ularni nazariy asoslash haqidagi bilimlarni shakllantirish;

- ♦turli xil muammolarni hal qilish uchun ushbu usullarni qo'llash qobiliyati.

Kartografik chizmachilik fanini o'rganishning kasbiy yo'nalishi ushbu ikkala komponentda ham o'z yechimini topadi.

Bo'lajak mutaxassislar kelajakda quyidagilar bilishi zarur:

- ♦kasbiy amaliyotda qo'llanilishi mumkin bo'lgan tasvirlash usullarini bilishi;

- ♦muayyan vaziyatda eng optimal usulni tanlash qobiliyatini shakllanishi;


- ♦ishlab chiqarish faoliyati davomida bajarilgan chizmadan foydalanish qobiliyati.

Oliy ta'lim muassasalarida kartografik chizmachilik fanini o'qitishning o'ziga xos xususiyati muammolarini fan nuqtayi nazaridan ko'rib chiqishni talab qiladi (1-ilovaga qarang), o'rganilgan usullarni kosmik obyektlar va ularning kombinatsiyalarini tasvirlashda qo'llash amaliyotda ko'plab uchraydi.¹

Kartografik chizmachilik fanini o'rganishni tashkil qilishda e'tiborga olinishi kerak bo'lgan yana bir xususiyat uning o'ziga xosligi bilan bog'liq. Xususan, tekislikda yer yuzasi tafsilotlarini hamda fazoviy obyektlarning tasvirlarini qurish usullarini ishlab chiqish, ularning ikki o'lchovli tasviridan foydalanган holda fazoviy figuralar uchun masalalarni grafik hal qilish yo'llarini ko'rib chiqish va jismlarning geometrik xususiyatlarini ularning tasvirlaridan o'rganishni o'z ichiga oladi. Shuning uchun kartografik

¹ Усманов А.В. Укрупненные дидактические единицы как средство повышения учебно-познавательной активности студентов при обучении инженерной графике. Диссертация, 13.00.02, Т., 2007; Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. М., 1995, с.250; Берлянт А.М. Картоведение. М., «Аспект Пресс», 2004, с. 720.

chizmachilik fanini o'rganish jarayonida talabalar yer yuzasida joylashgan xarakterli obyektlar xususiyatlarini aniqlash, farqlash va ularni taqqoslash zarurati bilan duch keladilar. O'qitish 2D (ikki o'lchovli) va 3D (uch o'lchovli) obyektlar o'rtasidagi munosabatni aks ettirishi kerak.¹



1-rasm. Mutaxassislarning asosiy tayyorgarligi.

Bu, o'z navbatida, tekislik va fazoviy obyektlarning tasvirlarini birgalikda o'rganish, tegishli muammolarni hal qilish zaruratini keltirib chiqaradi. Bunday o'rganish uchun asos tekis va fazoviy obyektlarning xossalari oddiy o'xshashligi bilan ham, kartografik chizmachilik fanidagi maxsus dasturlarning o'ziga xos xususiyatlari bilan yaratiladi.

Fan tarkibining o'ziga xosligi uni assimilatsiya qilishning muayyan xususiyatlarini belgilaydi. Bu tasvirlar nazariyasini o'rgatishda uni to'liq amalga oshirish uchun ishning o'ziga xos mazmunini, umumiylikni aniqlashni talab qiladi. Biz ularning mohiyatini va o'rganish mavzusiga yaxlit nuqtayi nazarni shakllantirishdagi rolini va umumiy vazifani aniqlaymiz hamda u bilan bog'liq muammolarni hal qilish uchun biz har bir materialning o'quv jarayonini o'zlashtirishga ta'sirini bildiramiz.








Kartografik chizmachilik fanini o'qitishda o'quv materialiga kengaytirilgan yondashuvni amalga oshirish bo'yicha asosiy funksional yukni tegishli tarkib birliklarini o'rganishning muvofiqligi va bir vaqtdaligi usuli bajaradi.




Ushbu didaktik birliklarni birlashtirish texnikasi talabalar tomonidan yaxlit bilimga erishish uchun kartografik chizmachilik tarkibining kengaytirilgan birligining o'zaro bog'langan elementlarini o'rganishda konvergensiya (fazoviy va vaqtinchalik) qaratilgan bo'lib, bu idrok qilinadigan, tushuniladigan va o'zlashtiriladigan muhim aloqalar va munosabatlar sonining ko'payishiga yordam beradi.

1-ilova

AutoCAD dasturi orqali kartografik chizma ishlarini bajarish	O'lcham ishlari bajarish uskunasi	
	Chizma ustida ishlash uskunasi	

¹ Усманов А.В. Укрупненные дидактические единицы как средство повышения учебно-познавательной активности студентов при обучении инженерной графике. Диссертация, 13.00.02, Т., 2007.

ArcGIS dasturinin Arcmap yordam- chi ilovasida kartograflik chizma ishlarini bajarish	O'zgartirish uskunasi	
	Hudud chizmasi	
	Yer yuzasi tafsilotlarini relyflar orqali tasvirlash	
	Standart menyusi	
Tahrir uskunasi		
Vositalar		
Fazoviy bog'lash uskunasi		

Qatlamlarni nashrga tayyorlasha	
Arcmap yordamchi ilovasida rastrlar bilan ishlash	 <p style="text-align: center;">Vektor Rastr</p>
Qatlam shakli bo'yicha hududni qirqib olish	 <p style="text-align: center;">Qirqib olingan ichki soha Qolgan tashqi soha</p>

Ushbu texnikani amalga oshirish, kartografik chizmachilik fani mazmunining o'ziga xos xususiyatlariga muvofiq, turli xil tasvirlash usullarini o'rganishda konvergentsiyani, bir darsda geometrik obyektning tasvirini qurish uchun bir nechta algoritmlardan foydalanishni ta'minlaydi.

Ya'ni, o'quv materialidagi uslubiy bog'lanishlarni tezroq va uzoqroq o'zlashtirish uchun mazmunning tegishli birliklarini o'rganish orasidagi umumiy vaqt oraliq'i minimal bo'lishi kerak. Ma'lumotlarni fazoviy moslashtirish ma'lumotni umumiy ifodalash vositalaridan foydalangan holda amalga oshiriladi, bu chiziqli taqdimotga qaraganda osonroq, uni idrok etish va o'rganilayotgan mavzuning yaxlit ko'rinishini shakllantirishni ta'minlaydi.¹

Talabalar kartografik chizmachilik qonun qoidalarini mukammal bilishlari, unda qo'llaniladigan asbob-uskunalarini, shartli belgilarni tushinishi, ularni ishlata olishi, zamonaviy texnologiyalarni qo'llay olishi hamda o'zlar mustaqil ravishda chiza olishi kerak. Kartografik chizmachilikni asosiy xususiyatlari

¹Safarov Y., Prenov Sh., Mo'minov A. Topografiya va kartografiya, GAT texnologiyalari. O'quv qo'llanma, T., "Sano-standart", 2018; Aralov M.M., Berdiyev D.F., Abdiazizov A.A. Uchuvchisiz uchish apparatlarini kartografiya sohasida qo'llash tamoyillari. Oriental Renaissance: innovative, educational, natural and social sciences scientific journal, 2021, aprel.

shundaki, barcha bajariladigan chizmalar “qulda” qalam, pero, reysfedr, akvarel buyoqlari va boshqa asboblardan yordamida bajariladi.

Kartografik chizmachilik fanining asosiy maqsadi – talabalarda fanning rivojlanish tarixi, topografik chizmachilikda qo‘yiladigan aniqlik darajasining shartlari chizmachilik asboblarini bilishi, qalam bilan ishlash, topografik shriftlar, shartli belgilarni chizish, akvarel bo‘yoqlarida ishlash, karta va planlarni asl nusxasini yaratish, va kompyuter grafikasidan foydalangan holda bilimlarini shakllantirishdan iborat.

Amaliyotda bajariladigan topografo-geodezik va kartografik ishlar vazirlik va turli geodezik tashkilotlar tomonidan bajarilib, o‘ziga xos umumiy xususiyatga egadir.

Kartografik chizmachilik fanidan hozirgi kunda geodeziya, kartografiya hamda kadastr sohalarida keng miqiyosda foydalaniladi. Kartografik chizmachilik fanining ishlab chiqarishdagi o‘rni dolzarb ekanligini hisobga olgan holda ushbu fanni o‘rganishga alohida e‘tibor qaratilgan.

Talabalar kartografik chizmachilik fanini o‘zlashtirishlari uchun ta‘lim jarayonining zamonaviy metodlari, pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, darslik, o‘quv va uslubiy qo‘llanmalar, tarqatma va elektron matriallari qo‘llanilishi nazarda tutilgan. Amaliy mashg‘ulotlarga mos ravishdagi pedagogik va axborot texnologiyalardan foydalaniladi.

Xulosa qilib aytganda, kartografik chizmachilik fani nazariyasini o‘qitishda didaktik birliklarni birlashtirish jarayoni an‘anaviy ravishda chiziqli ketma-ketlikda ko‘rib chiqiladigan tasvirlarning turli usullarini o‘rganishda konvergensiyaning ta‘minlanishi. Shu bilan birga, tasvir usullarining vaqtinchalik yaqinlashuvi deganda, qisqa muddatli xotirada mustahkam aloqalarni shakllantirishga yordam beradigan mavzu mazmunining tegishli birliklarini o‘rganishda minimal vaqt oralig‘i usuliga rioya qilish tushuniladi. O‘rganilayotgan materialni tushunish va yodlash uchun asos bo‘lib, bunday aloqalar uzoq muddatli xotiraga o‘tadi.

Abdilaxatov Zafar Abdigapirovich, Dusanov Shuxrat Abdirazokovich (Samarqand davlat universiteti)
YENGIL ATLETIKA MASHG‘ULOTLARI JARAYONIDA MA‘NAVIY VA IRODAVIY
FAZILATLARNI TARBIYALASH USULLARI

***Annotatsiya.** Yengil atletika mashg‘ulotlari jarayonida ma‘naviy va irodaviy fazilatlarini tarbiyalash usullari mavzusi keng yoritilgan bo‘lib, maqola ilg‘or xorijiy tajribalar asosida tayyorlangan. Yengil atletikachilarni ma‘naviy va irodaviy sifatlarini tarbiyalashda nazariy va amaliy bilimlar bilan boyitilishi to‘g‘risida amaliy tafsirlar berilgan.*

***Аннотация.** В данной статье освещен вопрос методов воспитания духовно-волевых качеств в процессе учебно-тренировочных занятий лёгкой атлетикой. В статье изучены и проанализированы теоретический и практический опыт ведущих зарубежных специалистов по воспитанию духовно-волевых качеств легкоатлетов.*

***Annotation.** The present article analyzes “the methods of education of spiritual and volitional qualities in the process of athletics”, prepared on the basis of advanced foreign experience, is widely covered. Practical interpretations are given about enriching athletes with theoretical and practical knowledge in the education of their spiritual and volitional qualities.*

***Kalit so‘zlar:** yengil atletikachilarni irodaviy tayyorgarligi, xulqi, o‘dov-axloq, ma‘naviy bilimlarga ega bo‘lish, mashqni bajarishda irodaviy tayyorgarlik.*

***Ключевые слова:** духовно-волевая подготовка легкоатлетов, поведение, мораль и этика, получение духовных знаний, волевая подготовка при выполнении упражнения.*

***Key words:** endurance of athletes, behavior, decency, possession of spiritual knowledge, endurance of athletes in the exercises.*

Bugungi sportda sportchilarning ruhiy tayyorgarligi jihatlariga jiddiy e‘tibor berilmoqda. Yengil atletikachi ruhiy tayyorgarligi holatini boshqarish uchun murabbiy uning shaxsini o‘rganib chiqishi talab qilinadi. Chunki sportchi yuguruvchi shaxsini faqat bir tomonlama, ya‘ni faqat uning sport faoliyatini o‘rganish va uning kundalik turmush tarzi va faqatgina uning o‘zigagina xos bo‘luvchi sport iqtidorini o‘rganmaslik mumkin emas.¹

¹Abdullayev M.J., Olimov M.S., To‘xtaboyev N.T. Yengil atletika va uni o‘qitish metodikasi. T., 2017, 112–113-betlar.

Sport ruhiy ta'sir o'tkazishning muvaffaqiyati murabbiyning sport faoliyati umumiy ruhiy tasnifi bo'yicha ega bo'lgan bilim saviyasi darajasiga bog'liq. Ikkinchi muhim shart bo'lib, sport turini va sportchi shaxsini o'rganish bo'yicha psixologik bilimlariga ega bo'lishi hisoblanadi.

Ruhshunoslarning fikricha, shaxs muammolari yechimi insonni shaxs sifatidagi barcha xususiyatlari to'plamida ham, uni qurshab turuvchi tashqi sharoitlarda ham emas, balki uning jamiyatdagi tutgan kundalik turmushidan izlanishi kerak.¹

Sportchi, avvalo, inson, kasb egasi, jamoat faoliyatiga, o'z oilasiga ega. Shuning uchun faqat uning sport faoliyatini o'rganish sezilarli samara bermaydi. Yana bir muhim jihat shundan iboratki, sport faoliyati deyarli hamma vaqt sportchiga shaxsiy yondashuv talab qiluvchi qiyin va ekstremal sharoitlarda kechadi. Sportchining shaxs sifatidagi ruhiyatining obyektiv (haqqoniy) tavsifnomasi faqatgina uning ijtimoiy tirik jihatlarini emas, balki individual o'ziga xoslik xususiyat va jihatlarini ham aks ettirishi kerak.

Sportchining bilish murabbiyga mashg'ulotlar samaradorligi sifatini oshirishda unga individual yondashuvi asoslab beradi. Uning vazifasi shudan iborat bo'lishi kerakki, shaxsiy xususiyatlarga asoslanib, mashg'ulotlar jarayonini rejalashtirishi va bu jarayon mobaynida jismoniy tayyorgarlikning yuqori darajasiga erishish bilan bir qatorda, mustahkam iroda, qat'iyat, ruhiy barqarorlik ham rivojlantirib borilishi ko'zda tutilgan bo'lishi kerak. Ruhiy barqarorlik shakllantirilishi uchun esa o'z kuchiga ishonchni, sport kurashuviga intiluvchanlikni, yuqori natijalarga erishish yo'lida qat'iy g'ayrat-shijoatni tarbiyalash kerak.

Mashg'ulot jarayoni doimo jiddiy bosim ostida kechishi hisobga olinadigan bo'lsa, bu ish murabbiydan juda katta mas'uliyat va mahorat, ruhiy bilimlar asosiga ega bo'lishni talab qiladi. Murabbiy eng boshidanoq sportchida mustahkam sport intizomini, mashg'ulotlarga va kun tartibiga qat'iy rioya qilish ko'nikmalarini tarbiyalashi kerak. Mashg'ulotlar jarayonida shunday yuklamalarni tanlash kerakki, u musobaqalardagiga yaqinlashtirilgan, hatto undan ham yuqoriroq bo'lishi kerak. Musobaqalarda g'olib chiqish uchun, mashg'ulotlarda maqsadga intiluvchanlik o'z faoliyatiga va tanlagan sport turiga muhabbat, yuqori bilim darajasi va tafakkurga ega bo'lish talab qilinadi.²

O'zining mashg'ulot va musobaqalarning muayyan sharoitida ruhiy tayyorgarlik maqolasida nemis ruhshunosi va mutaxassisi Z.Myuller quyidagi omil va holatlarni sportchiga va u ko'rsatadigan sport natijasiga ta'siri bor deb hisoblaydi: Musobaqalar vaqtining o'zgartirilishi, musobaqalarga yetib kelish masofasi va vaqtining doimiyliigi va o'ziga xos qiyinchiliklari, raqiblarning yuqori natijalari, musobaqalar mavsumi boshlanishidagi muvaffaqiyatsiz natijalar, yuqori asabiylik, jismoniy toliqishlarni his qilish va hokazo. Murabbiy bu noxush holatlarning har biriga jiddiy munosabatda bo'lishi va musobaqalarga tayyorlanishda ularni o'z vaqtida bartaraf qilish choralarni izlab topishi kerak.

Sportchining o'z ruhiy holatini boshqara olish qobiliyatining shakllantirilishi ham o'ta muhim sanaladi. Buning uchun murabbiy va sportchidan mustaqil yo'naltirilgan ta'sirlarning muhimligini anglash bo'yicha maxsus ruhiy bilimlarga ega bo'lish talab qilinadi. Bu boradagi izlanishlar shuni ko'rsatadiki, ruhiyatni boshqara olish tayyorgarligi murabbiy oldida sportchining ruhiy holatigagina emas, uning mashg'ulotlarga shaxsiy yondashuv borasidagi butun faoliyat jarayonida keng imkoniyatlarni ochadi. Ruhiy holatni boshqarish usulini faqat shunday murabbiylar qo'llay oladiki, ular bu usulning ta'sir mexanizmini xis qiladilar va unga ishonadilar, sportchi ishonchini qozona oladilar, uni u yoki bu harakatni bajarishning mohiyatini anglashga o'rgatadilar.

Ruhiy tayyorgarlik jarayoni ikki asosiy yo'nalish bo'yicha rivojlantirib borilishi kerak.

1. Umumiy ruhiy tayyorgarlikning sport faoliyati davomida ruhiy vazifalarni bajaruvchi a'zolar faoliyatini rivojlantirish va mukamallashtirish. Bu sportchilarda ichki tuyg'u va hissiyotlarini mustaqil va ongli ravishda boshqarishni rivojlantirish.

Yengil atletikachilarda bu sifatlar mashg'ulotlar va musobaqalarga qatnashish davomida shakllanib boradi, asosan, ularning shakllanishi mashg'ulotlar maqsadi, irodaning o'sish dinamikasi, shijoat, tishishqoqlik kabi sifatning rivojlanish darajasiga bog'liq. Ular sportchi shaxsi barqarorligi va ishonchligini belgilovchi sifatlar bo'lib hisoblanadi. Shuningdek, yengil atletikachida yillar davomida olib boradigan tajriba, katta hajmdagi yugurish amaliyoti, uning yuqori izchilligi, harakatlanishning aniq maqsadga yo'naltirilganligi, sportchining tafakkur darajasi bilan bog'liq bo'lgan muhim sifat hisoblanmish o'z ku-

¹ Shu adabiyot. 198 – 199-betlar.

² Olimov M.S. O'rta masofaga yuguruvchi sportchi-talabalarning O'zDJTI o'quv qo'llanmasiga moslashtirilgan musobaqa oldi tayyorgarligi dasturi bo'yicha musobaqalarga tayyorlash samaradorligi. Uslubiy qo'llanma, T., O'zDJTI nashriyot-matbaa bo'limi, 2010, 29 – 30-betlar.

chiga, maxoratiga ishonch sifatini rivojlantirish murabbiy oldida turgan dolzarb muammo hisoblanadi. Bu sifatning barchasi, taktik tayyorgarlik bilan bog'liq holda, sportchi yuqori ko'rsatkichlar namoyish qilishi uchun xizmat qiladi va sportchini ortiqcha tashqi ta'sirlardan xalos qilishga yordam beradi. Sportchini ish kayfiyatiga tayyorlay bilish mashg'ulot va musobaqalar uning manfaatlariga xizmat qilishiga ishonirish, mashg'ulotlar ularga shodlik va huzur bag'ishlashi mumkinligini uqtirish murabbiyning pedagogik maxoratiga bog'liq. Ruhiiy holat sportchining irodasini mustahkamlash, unda musobaqalar vaqtida tashabusskorlik va qat'iyat kabi sifatarni namoyish qilishiga ham yordam beradi.

2. Bevosita musobaqalar oldidan sportchini maxsus ruhiy tayyorlash. Musobaqalar jarayonida sportchi ruhiy holatini shartli ravishda quyidagilarga bo'lish mumkin: uzoq muddatli startlar oldi holat, so'nggi start oldi mashg'ulotidan keyingi ruhiy holat, start holati, musobaqa holati va musobaqadan keyingi holat. Sanab o'tilgan bu holatlar yengil atletikachining sport faoliyatida doimo uchrab turadi. Murabbiyning musobaqa oldi tayyorgarligidagi vazifasi, sportchini to'g'ri kun tartibi (uyqu, mashg'ulotlar, ovqatlanish, muloqot)ga rioya qilish sportchini kutilmagan tasodiflardan va noxushliklardan muxofaza qilish hisobiga uni yuqori sport formasi va ruhiy tayyorgarlik darajasida musobaqagacha yetib kelishini ta'minlash. Sportchi bilan hamkorlikda uning haqiqiy tayyorgarlik darajasidan, musobaqani o'tkazish sharoitlaridan, qatnashchilar tarkibidan kelib chiqib yugurish grafigini rejalashtirish. Sport holati sportchining individual xususiyatlari, chigalyozdi mashqlari, raqiblar bilan muloqotlar ta'sirida kelib chiqadigan ruhiy holatdir. Murabbiy sportchining shijoat darajasi, hissiyotlarga beriluvchanligi va ularni jilovlay olish mahorati va boshqa sifatarni inobatga olib, chigalyozdi mashqlarini rejalashtiradi. Musobaqa holati musobaqalar o'tish davomida kelib chiqib, u tomoshabinlar munosabatiga, yugurishning shiddatiga va dinamikasiga, o'zi va raqiblari tanlagan taktik usul va vositalarga bog'liq bo'ladi.

Musobaqalar vaqtida sportchining xarakteri namoyon bo'ladi, shu bilan birgalikda, uning irodasi, tirishqoqligi, raqiblarga nisbatan murosasizligi, faolligi, bir so'z bilan aytganda, har tomonlama tayyorgarlik darajasi aniq bo'ladi. Odatda, musobaqalardan keyingi sportchining ruhiy holatiga murabbiylar yetarli e'tibor qaratmaydilar, adabiyotlarda ham bu haqda kam yozilgan. Lekin musobaqalardan keyingi holatni o'rganish ham juda muhim bo'lib, u murabbiyga sportchi shaxsini yanada yaxshiroq o'rganishga va keyingi mashg'ulot va musobaqalarni rejalashtirib olishga imkon beradi. Muvaffaqiyat ham, muvaffaqiyatsizlik ham sportchi holatida jiddiy iz qoldiradi va uning qiziqishlari va ishchanlik qobiliyatiga ta'sir qiladi. Sportchining ruhiy holati uning qayta tiklanish jarayoniga ham o'z ta'sirini o'tkazmasdan qo'ymaydi. Musobaqa natijalarini murabbiy tomonidan tahlil qilinishi va sportchining o'z-o'zini tanqidiy taxlil qilishi musobaqalar jarayonining muhim jihatlaridan biridir.¹

Ma'lumki, insonning ehtiyojlari ijtimoiy tuzum shakllari taraqqiyotiga qarab o'zgaradi. Shu bois o'z ehtiyojlarini qondirish uchun inson harakat qiladi. Shaxs o'z harakatlari yordami bilan muhitga moslashadi va undan o'z ehtiyojlari uchun foydalanadi. Lekin, shu bilan birga, odam muhitni o'z ehtiyojlariga muvofiqlashtirib o'zgartiradi, qayta quradi va o'ziga moslashtiradi.

Odamning shaxs sifatidagi faollik xususiyati shundan iboratki, o'z ehtiyojlarini qondirishga yordam beradigan harakatlari instinktiv harakatlar emas, balki, asosan, oqilona, ongli harakatlardir. Bu ongli shundan iboratki, odam oldindan biron-bir maqsadni ko'zlab harakat qiladi, shu maqsadga yetishish uchun yordam bera oladigan vositali yo'l va usullarni oldindan qidirib topadi, to'sqinlik va qiyinchiliklarni yengish uchun ongli ravishda kuch-g'ayratini ishlata oladi. Odam faqat o'ziga xos madaniy-ijtimoiy ehtiyojlarini qondirishdagina emas, balki, tabiiy-biologik ehtiyojlarini qondirishda ham ongli va oqilona ravishda ish tutadi. Odam tevarak-atrofdagi narsalarni o'zgartirib, o'ziga moslashtirar ekan, yangilik yaratadi, ijod qiladi, shu yangilikni tevarak-atrofdagi voqelikka qo'shadi, voqelikni o'zgartiradi va to'ldiradi. Umuman, odam har doim harakat qilmasdan tura olmaydi. Ana shu jihatdan olganda, odamning barcha harakatlarini ikki turkumga bo'lish mumkin. Ulardan birinchisi ixtiyorsiz harakatlar bo'lsa, ikkinchisi ixtiyoriy harakatlardir.²

Odamning ixtiyorsiz harakatlari qat'iy bir maqsadsiz, ko'pincha, impulsiv tarzda, ya'ni reflektor tarzda yuzaga keladi. Bu harakatlarni odam oldindan o'ylab rejalashtirmaydi. Ixtiyorsiz harakatlar har qanday sharoitda yuz berishi mumkin. Ixtiyorsiz harakatlar ba'zan, odamning aqliy faoliyatlari bilan ham bog'liq bo'ladi. Chunonchi, ixtiyorsiz idrok, ixtiyorsiz diqqat, ixtiyorsiz esda olib qolish, ixtiyorsiz esga tushirish holatlari ham bo'ladi. Bunday hollarda odamning ixtiyorsiz harakatlari idrok qilinayotgan narsa-

¹ Shakirjanova K.T. Yengil atletikada boshqaruv va pedagogik nazorat. O'quv qo'llanma, T., 2009, 38 – 39-betlar.

² Utayev Z.M., Nazarov N.B. Sport mashg'ulotlari nazariyasi va uslubiyati. Uslubiy qo'llanma, Samarqand, 2020, 52 – 53-betlar.

ning boshqa narsalardan keskin farq qilishi yoki odamning qiziqishlari, ehtiyojlari bilan bevosita bog'liq bo'ladi. Ixtiyoriy harakatlar iroda bilan bog'liq bo'lgan harakatlardir. Ixtiyoriy harakatlar oldindan belgilangan maqsad asosida to'la ongli ravishda amalga oshiriladigan harakatlardir. Lekin ixtiyoriy harakat deganda, faqat jismoniy harakatlar emas, balki aqliy harakatlar ham tushuniladi. Shunday qilib, iroda tushunchasiga nisbatan adabiyotlarda turlicha ta'riflar uchraydi. Jumladan, A.V.Petrovskiy darsligida iroda – bu kishining o'z oldiga qo'ygan maqsadlariga erishishida qiyinchiliklarni yengib o'tishga qaratilgan faoliyati va xulq-atvorini ongli ravishda tashkil qilishi va o'z-o'zini boshqarishi demakdir, deb ta'riflanadi. Q.Turg'unov muallifligidagi lug'atda ta'riflanishicha, iroda-shaxsning ongli harakatlarida, o'z-o'zini bilishida ifodalanadigan, ayniqsa, maqsadga erishish yo'lida uchraydigan jismoniy va ruhiy qiyinchiliklarni yengib chiqishda namoyon bo'ladigan ixtiyoriy faolligidir. M.Vohidov fikricha, iroda deganda biz oldindan belgilanadigan, qat'iy bir maqsad asosida amalga oshiriladigan va ayrim qiyinchiliklarni, to'siqlarni yengish bilan bog'liq bo'lgan harakatlarni tushunamiz.

Masalan, uzoq masofaga yuguruvchi sportchilar musobaqa oldidan biladi shuning uchun barcha qiyinchiliklarga chidab masofani yengib o'tadi. Umumiy irodaviy faoliyatni yoki alohida akti amalga oshirishning muhim xususiyatlaridan biri amalga oshirilayotgan harakatlarning erkin ekanligini aniqlashdan iboratdir:

–pedagogik faoliyatimiz davomida, Sharq allomalari va mutafakkirlarining g'oyalaridan unumli foydalanib, ta'lim oluvchilarning intellektual, ma'naviy, axloqiy sifatlarini shakllantirish, rivojlantirish maqsadga muvofiqdir;

–Sharq allomalarining komil inson ta'lim-tarbiyasi xususidagi g'oyalariga tayanib, undagi tarbiya usullari va vositalaridan, bugungi kun ta'lim-tarbiya jarayonida foydalanish ijobiy samara beradi deb o'ylaymiz.

Yengil atletikachilarning ma'naviy va irodaviy fazilatlarini tarbiyalashning naqadar muhimligini o'rganib chiqdik. Ma'naviy irodaviy fazilatlarini tarbiyalash orqali biz, sportchilarga bir-biriga o'zaro xurmat, mashg'ulot jarayonlarida qiyinchiliklarda irodali yondashishga o'rgatish tuyg'ularini shakllantirishni o'rganib chiqdik.

Ma'lumki, jismoniy tarbiya va sport sohasi bo'yicha kadrlar tayyorlash o'ziga xos yondashuv va asoslarga tayanadi. Xorijiy tajribalar, yetakchi mutaxassislarining sohada erishgan tajribalari va boshqa qator omillar bu o'rinda salmoqli o'rin tutadi.

Shunday qilib, yengil atletikachilarni mashg'ulotlar jarayonida ma'naviy va irodaviy sifatlariga ko'p e'tibor bermaymiz va adabiyotlarda ham ma'lumotlar juda kam kuzatiladi, agarda mashg'ulotlar jarayonida ma'naviy va irodaviy sifatlariga e'tibor berilsa, nazariy va amaliy bilimlar bilan boyitilsa, bizni sportchilarimiz nafaqat respublikamiz musobaqalariga, jahon arenalariga chiqishga zamin yaratgan bo'lardik.

Valiyeva Zaynab, Tursunova Nigora (O'zbekiston davlat Jahon tillari universiteti katta o'qituvchilari; omanbayevnaz@mail.ru; nigoratursunova75@gmail.com)

OLIIY TA'LIM MUASSASALARIDA HAYOT FAOLIYATI XAVFSIZLIGI FANINI O'QITISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada innovatsiyalar, ularni ta'lim tizimida rivojlantirish bilan bog'liq masalalar ko'rib chiqilgan. Maqolada zamonaviy ta'lim tizimi, oliy ta'lim muassasalarida hayot faoliyati xavfsizligi fanini o'qitishda keng qo'llaniladigan innovatsion texnologiyalar, ularning ta'lim sifati va samaradorligini oshirishdagi ahamiyati haqida alohida to'xtalib o'tilgan.*

***Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы, связанные с инновациями и их развитием в системе образования. В статье также была затронута современная система образования, инновационные технологии, которые широко используются при преподавании предмета безопасности жизнедеятельности в высших учебных заведениях, их значение в повышении качества и эффективности образования.*

***Annotation.** This article discusses issues related to innovations and their development in the education system. The article also touched upon the modern education system, innovative technologies that are widely used in teaching the subject of life safety in higher educational institutions, their importance in improving the quality and effectiveness of education.*

***Kalit so'zlar:** ta'lim tizimi, ilm-ma'rifat, innovatsiya, innovatsion muhit, innovatsion ta'lim, innovatsion texnologiya, muammoli ta'lim texnologiyasi, integratsiyalashgan ta'lim texnologiyalari.*

Ключевые слова: система образования, наука и образование, инновации, инновационная среда, инновационное образование, инновационная технология, проблемная образовательная технология, интегрированная образовательная технология.

Key words: education system, science and education, innovation, innovation environment, innovative education, innovative technology, problematic educational technology, integrated educational technology.

Hozirgi kunda mamlakatimizda barcha sohalarda islohotlarni oshirish, odamlarning dunyoqarashini o'zgartirish va zamonaviy talablarga javob beradigan yetuk mutaxassislarni tayyorlashni hayotning o'zi talab qilmoqda.

Respublikamizda ta'lim tizimini mustahkamlash, uni zamon talablari bilan uyg'unlashtirish davlat siyosatining asosiy yo'nalishlari darajasiga ko'tarilib bormoqda. Chunki zamonaviy hayotni bugun ilm-ma'rifat va ta'limning taraqqiyotsiz tasavvur etib bo'lmaydi. Jahonning yetakchi davlatlarida ta'limni rivojlantirish birinchi galdagi vazifa sifatida belgilanishi ham bejiz emas. Negaki, har qanday mamlakatning ertangi ravnaqi aynan ta'lim sohasida qo'lga kiritilgan va kiritilayotgan yutuqlari bilan chambarchas bog'liqdir. Buning uchun, avvalambor, tashabbuskor islohotchi bo'lib maydonga chiqadigan, strategik fikr yuritadigan, bilimli va malakali yangi avlod kadrlarini tarbiyalashimiz zarur. Shuning uchun ham bog'chadan boshlab oliy o'quv yurtigacha – ta'limning barcha bo'g'inlarini isloh qilishni boshladik.

Nafaqat yoshlar, balki butun jamiyatimiz a'zolarining bilimi, saviyasini oshirish uchun, avvalo, ilm-ma'rifat, yuksak ma'naviyat kerak. Ilm yo'q joyda qoloqlik, jaholat, albatta, to'g'ri yo'ldan adashish bo'ladi. Sharq donishmandlari aytganidek, "Eng katta boylik – bu aql-zakovat va ilm, eng katta meros – bu yaxshi tarbiya, eng katta qashshoqlik – bu bilimsizlikdir!" Shu sababli hammamiz uchun zamonaviy bilimlarni o'zlashtirish, chinakam ma'rifat va yuksak madaniyat egasi bo'lish uzluksiz hayotiy ehtiyojga aylanishi kerak."

Taraqqiyotga erishish uchun raqamli bilimlar va zamonaviy axborot texnologiyalarini egallashimiz zarur va shart. Bu bizga yuksalishning eng qisqa yo'ldan borish imkoniyatini beradi. Zero, bugun dunyoda barcha sohalarga axborot texnologiyalari chuqur kirib bormoqda".¹

Innovatsion ta'lim deganda, odatda, o'quv jarayoniga yangi (foydali) elementlar olib kirish tushuniladi. Innovatsiya inglizcha «innovation» so'zidan olingan bo'lib, yangilik kiritish, yangilik ma'nosini ifodalaydi. Shuningdek, bu atama yangidan kiritilgan tushunchalar, tartib-qoidalar, texnologiyalar ko'rinishida ham uchraydi. Innovatsiya tushunchasini kengroq tarzda tahlil qilib, quyidagicha talqin etish ham mumkin. Innovatsiya bu maqsadga yo'naltirilgan o'zgartirishlar bo'lib, ma'lum bir ijtimoiy birlik – muassasa, uyushma, jamoa va guruhlarga yangi va nisbatan barqaror bo'lgan elementlar, umumiy holda xalqning ma'daniy-ma'naviy munosabatlari va mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi bilan uzviy bog'liq bo'lgan yangiliklarni kiritishdir".²

Ta'limda ko'zlangan maqsadga erishish, jahon ta'lim reytingida munosib o'rin egallash, dunyo talablari darajasidagi kadrlarni yetishtirish uchun bugungi kun ta'lim sifatiga alohida e'tibor qaratmog'imiz zarur. Endilikda an'anaviy dars o'tish usullaridan ko'ra, noan'anaviy dars o'tish ko'proq samaraga, ta'lim sifatini oshirishga yordam berishi hech kimga sir emas.

Yangi asr didaktika va o'qitish metodikasida sezilarli o'zgarishlarni amalga oshirdi. XX asr pedagogikasi XXI asr pedagogikasidan tubdan farq qiladi. Milliy va jahon ta'limining rivojlanishida ko'plab o'zgarishlar yuz berdi. Ta'lim tizimiga internetlashtirish va raqamli texnologiyalarning kirib borishi ta'lim sifatini oshirishda juda katta yordam bermoqda.

"Hayot faoliyati xavfsizligi fanini o'qitish jarayonida innovatsion ta'lim texnologiyalaridan foydalanish ta'lim jarayonini qiziqarli olib borish, har bir talabaga individual yondashish imkonini beradi.

Bu borada, ta'limni rivojlantirish, uning samaradorligini oshirish yo'llari izlanmoqda, mashg'ulotlar jarayonida talabalar faolligini oshirish, o'tilayotgan mavzularni tez va oson o'zlashtirishlari uchun pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan keng foydalanilmoqda.

Hayot faoliyati xavfsizligi fanini o'qitishda virtual vositalardan foydalanish yer yuzida sodir bo'layotgan turli xususiyatli favqulodda vaziyatlarni talabalar bilishi, xavflarni bashoratlash orqali oldindan aniqlashi, ular yuz berganda muhofazalanish usullarini o'rganishi, favqulodda vaziyatlarda oqilona qaror qabul qilish va to'g'ri harakat qilishni tashkil etish hamda jabrlanganlarga tez va to'g'ri birinchi yordam

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. T., 2020.

² Djurayev R.H., Turg'unov S.T., Nazirova G.M. Pedagogika. T., 2013.

ko'rsatish, ularni xavfli hududlardan olib chiqish, shuningdek, moddiy va madaniy boyliklarni muhofaza qilishga doir bilimlarga ega bo'lish va ko'nikmalar hosil qilishga qaratilgan".¹

Zero, kundan kunga rivojlanib, takomillashib borayotgan mamlakatimiz ta'lim tizimi oldida turgan muhim vazifalardan biri – bu o'zlashtirgan bilimlarini o'zlari tomonidan baholashga qodir, zarur qarorlar qabul qiluvchi, mustaqil va erkin fikrlaydigan mutaxassislar tayyorlash. Ushbu maqsadga erishish uchun Hayot faoliyati xavfsizligi fanini o'qitish jarayonida berilayotgan mavzularni talabalar tomonidan oson tushunish, anglab yetish va olgan bilimlarini amaliyotda tatbiq qila olishi uchun mavzularga mos bo'lgan zamonaviy innovatsion ta'lim texnologiyalaridan keng foydalanilmoqda.

Innovatsion pedagogik jarayonning eng muhim yo'nalishlaridan biri talabalarning bilish faoliyatini rivojlantirishdir. Bunday yo'nalish talabalarining o'quv jarayonini faollashtirishni, ularning kasbiy ixtisoslashishini aniqlab olishni o'z ichiga oladi.

Nomutaxassis oliy ta'lim muassasalarida Hayot faoliyati xavfsizligi fanini o'qitish birmuncha murakkabliklar tug'diradi. Chunki fan bo'yicha o'quv dasturlari tayanch oliy ta'lim muassasalarida tayyorlanganligi sababli, asosiy mavzular ishlab chiqarish va ishlab chiqarishdagi favqulodda holatlarni qamrab olgan. Bunday vaziyatlarda pedagogning ta'lim berish mahorati, bilim darajasi, o'tilayotgan mavzuni talabalarga yetkazib bera olish va innovatsion pedagogik texnologiyalardan foydalanishni bilish qobiliyati juda muhim o'rin tutadi.

Ayniqsa, "Hayotiy faoliyat xavfsizligi" fanini talabalarining o'zlari egallayotgan kasbiga yo'naltirib o'qitish, talaba tomonidan o'zlashtirilayotgan bilimlarni kelgusi kasbiy faoliyatida tutgan o'rmini tushunib yetishiga, nazariya bilan amaliyotning birligiga erishishga, talabaning istiqbolli motivatsiyasini vujudga keltirish orqali shaxsning barkamolligini ta'minlanishiga erishiladi.

Ma'lumki, O'zbekiston davlat Jahon tillari universiteti xorijiy til va adabiyoti, filologiya va tillarni o'qitish, tarjima nazariyasi va amaliyoti, media va kommunikatsiya kabi bir qator yo'nalishlar bo'yicha mutaxassislar tayyorlaydi. Bizning asosiy maqsad va vazifamiz turli soha vakillarida xavfsizlik bilimi va madaniyatini rivojlantirishdan iborat.

Hozirgi kunda "Hayot xavfsizligi asoslari" fani har yili mamlakatimizda ko'plab baxtsiz hodisalar ro'yxatga olinishi, unda yuz minglab yurtdoshlarimiz, shu jumladan, bolalar va o'spirinlarning halok bo'lishi, og'ir jarohat olishlari va kasal bo'lishlari sababli talabalarni tarbiyalashda alohida ahamiyat kasb etmoqda. Talaba-yoshlarning ma'lum darajada xavfsizligini ta'minlash uchun ularga bilim berish, uyda, maktabda, ko'chada bo'lishi mumkin bo'lgan ekstremal vaziyatlarda o'zini tutish ko'nikmalarini o'rgatish, ularning hayoti va sog'lig'ini himoya qilish, o'zlariga, iloji bo'lsa, boshqa odamlarga yordam berish ko'nikmalarini rivojlantirish kerak. Bu ma'lum ta'lim texnologiyalarini talab qiladi.

Bugungi kunga kelib, an'anaviy va innovatsion pedagogik o'qitish texnologiyalari juda ko'p. Ulardan biri yaxshiroq, ikkinchisi yomonroq deb aytish mumkin emas yoki ijobiy natijalarga erishish uchun faqat shu texnologiyadan foydalanish kerak, boshqasi mumkin emas, degan tushuncha bo'lmasligi kerak. Muayyan texnologiyani tanlash talabalar kontingenti, ularning yoshi, tayyorgarlik darajasi, dars mavzusi kabi ko'plab omillarga bog'liq. Eng yaxshi variant – turli xil texnologiyalardan, turli yo'llar bilan foydalanish hisoblanadi.

Hayot faoliyati xavfsizligi fanining mazmunini profilaktika aspekti asosida integratsiyalashuvi insonning hayot xavfsizligini yaxshilashga intilishining, ya'ni iqtisodiyotning rivojlanishi, o'lim xavfini kamaytirish, fan va texnologiyadan foydalanish, turmushning moddiy darajasini oshirish, xizmat ko'rsatish, ovqatlanish kabi obyektiv jarayonini aks ettiradi."

Mashg'ulotlar jarayonida quyidagi texnologiyalardan ko'proq foydalanamiz:

- muammoli ta'lim texnologiyalari (shu jumladan, muammoli dialog texnologiyasi);
- tabaqalashtirilgan ta'lim texnologiyalari;
- o'yin texnologiyasi;
- integratsiyalashgan ta'lim texnologiyalari;
- sog'liqni saqlash texnologiyalari;
- loyiha va qidiruv tadqiqot faoliyati;
- axborot-kommunikatsiya texnologiyalari.

Talabalarining bilim faoliyati uchun motivatsiyaning kuchli manbayi, ularning fikrlashini faollashtirish va boshqarish, o'rganishda muammoli vaziyatlarni yaratish, bilimlarni ijodiy o'zlashtirishni ta'minlaydigan ishda muammoli dialogik texnologiyalardan foydalanishdir.

¹ N.Gulboyev. "Ta'limda axborot texnologiyalari" fani bo'yicha uslubiy ko'rsatma. T., 2018.

Bilamizki, inson biror narsani tushunishga muhtoj bo'lganida o'ylashni boshlaydi, fikrlash muammo yoki savol, ajablanib yoki hayratda qolishdan boshlanadi. Muammoli dialogik ta'limni o'qituvchi bilan muloqot orqali talabalar tomonidan bilimlarni ijodiy o'zlashtirilishini ta'minlaydigan ta'lim turi sifatida qarashimiz mumkin.

2. O'yin texnologiyalaridan foydalanish. Mavzuga kognitiv qiziqishni rivojlantirishga imkon beradi. Darslarning o'yin shakli auditoriyada talabalarni o'qishga undash, rag'batlantirish vositasi sifatida harakat qiladigan o'yin texnikasi va vaziyatlar yordamida yaratiladi. Hayot faoliyati xavfsizligi mashg'ulotlarida "Baxtli imkoniyat", "Nima?, Qa-yerda?, Qachon?", "Qutqaruvchilar", "Sayohat" kabi intellektual o'yinlardan foydalanish mumkin. Bu o'yinlar talabalarga o'quv materialini chuqur o'zlashtirishga, mustahkamlashga yordam beradi.

3. Darajalarni differensiallash texnologiyasi. Hech kimga sir emaski, talabalar bilimlarini bir xil talablarga moslashtirish ularning aqliy rivojlanishini sekinlashtiradi va o'quv faoliyatini pasaytiradi. O'quv jarayonini qanday qilib yanada moslashuvchan, har bir talabani bilim darajasiga mos qilish mumkin? Bu savolga aynan ushbu texnologiya tomonidan javob berilgan.

Darajalarni farqlashdan foydalanish o'quv ehtiyojlarini, topshiriq darajasini tanlash huquqini ta'minlashga imkon beradi, muvaffaqiyatga intilishni ta'minlaydi, bir so'z bilan aytganda, talabalarda o'zini-o'zi qadrlashni shakllantiradi. Bu usulda ko'p bosqichli test topshiriqlaridan foydalanish mumkin.

4. Integratsiyalashgan ta'lim texnologiyasi. Integratsiya zamonaviy talabani yangi interfaol fikrlash usulini shakllantirishga imkon beradi. Integratsiyalashgan darsda talabalar turli mavzulardagi ma'lumotlardan foydalangan holda, voqea va hodisalarni butunlay yangicha tushunish, chuqur va ko'p qirrali bilimlarga ega bo'lish imkoniyatiga erishadi. Integratsiyalashgan darsda bilimlarni sintez qilish imkoniyati mavjud, bilimlarni bir sohadan boshqasiga o'tkazish qobiliyati shakllanadi. Aynan shu ta'lim texnologiyasida ko'proq darajada, ijodiy, mustaqil, mas'uliyatli, bag'rikeng shaxsni shakllantirish amalga oshiriladi.

5. Sog'liqni saqlash texnologiyalari. Bu ta'lim texnologiyalarining maqsadi talabada sog'lig'ini saqlash, sog'lom turmush tarzi uchun zarur bilim va ko'nikmalarni shakllantirish, olingan bilimlardan kundalik hayotda qanday foydalanishni o'rgatishdir.

Ta'lim va tarbiya tizimi favqulodda vaziyatlarda va kutilmaganda sodir bo'lishi mumkin bo'lgan baxtsiz hodisalarda talabalarining oqilona qaror qabul qilishlarini shakllantirish va ma'naviyatini rivojlantirish orqali insonni real hayotning salbiy omillarini yengishga, ularni inson hayotiga ta'sirini sezilarli darajada kamaytirishga va buni yosh avlodga intellektual, axloqiy, amaliy tajribani yetkazish orqali amalga oshiradi.

6. Loyiha va ilmiy tadqiqot faoliyati texnologiyasi. Ta'lim loyihasi—bu loyiha ishtirokchilari uchun muhim bo'lgan har qanday muammoni hal qilishda umumiy natijaga erishishga qaratilgan bo'lib, talabalarining birgalikdagi o'quv, bilim, tadqiqot, ijodiy faoliyati hisoblanadi. Har bir ta'lim loyihasi ma'lum bir muammoga asoslanadi, bu talabalarining loyiha faoliyatining maqsadi va vazifalarini nazarda tutadi. Loyiha usuli muammoli usulga xos bo'lgan barcha xususiyatlar bilan tavsiflanadi.

Loyiha ta'limidan foydalanish quyidagilarga imkon beradi:

- o'rganishni individuallashtirish;
- talabada mavjud bilim va ko'nikmalarni yangilash;
- har bir talabaga o'quv jarayonida ishtirok etishga imkon berish;
- ishni har kimning o'z ritmida bajarish;
- olingan bilimlardan amaliyotda foydalana olish;
- faoliyatingizni aniq rejalashtirish va vaqtni, resurslarni, faoliyat usullari va texnikasini hisobga olish;
- birgalikdagi faoliyatning dastlabki, oraliq va yakuniy natijalarini ko'rish;
- rejalashtirilgan natijalarga erishish uchun alohida bosqichlarni ishlab chiqish, o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish.

Hayot faoliyati xavfsizligi fani mashg'ulotlarida ushbu texnologiyadan foydalangan holda, talabalar loyihaning maqsad va vazifalarini o'zlari belgilaydilar, kerakli ma'lumotlarni turli manbalardan qidiradilar.

Loyiha texnologiyasining vositalari quyidagilar bo'lishi mumkin: vaziyatli masalalar, sog'lom turmush tarzini targ'ib qiluvchi bukletlar, videoroliklar, to'g'ri ovqatlanish va zararli odatlar xavfi haqida taqdimotlar, tinchlik va urush davridagi favqulodda vaziyatlarda o'zini tutish qoidalari bo'yicha ko'rsatmalar.

7. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari. Ta'lim jarayonida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan (AKT) foydalanish zamonaviy ta'limning dolzarb muammosi hisoblanadi.

Bugungi kunda har bir o'qituvchi axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanib, dars tayyorlashi va o'tkazishi zarur. Bunday dars ko'rgazmali, rang-barang, informatsion, interfaol bo'lib, o'qituvchi va talabaning vaqtini tejaydi, talabaga jadal sur'atda ishlashga imkon bersa, o'qituvchiga o'quv natijalarini o'z vaqtida kuzatib borish va baholash imkoniyatini yaratadi.

Hayot faoliyati xavfsizligi darslarida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishning afzalliklari:

- o'qitish sifatini oshiradi;

- o'quvchilarning yangi axborot muhitida samarali ishlashga tayyorligi va qobiliyatini oshiradi.

Hayot faoliyati xavfsizligi fanining jabrlanganlarga birinchi yordam ko'rsatish bo'limini o'qitishda *Keys stadi va vaziyatli masala* texnologiyalaridan foydalanish juda muhim ahamiyatga ega.

Keys stadi ta'lim texnologiyasi – bu harakat bilan o'rganish, natijada kasbiy bilim, ko'nikma, qobiliyatlarning ijodiy mahorati va fikrlash qobiliyatini rivojlantirish.

Talabalarga ma'lum bir shikastning mavjudligi yoki biror-bir jarohat olgan vaziyat haqida ma'lumotlarni o'z ichiga olgan holatlar beriladi. Shundan so'ng, talabalar o'z bilimlaridan foydalanib, bajariishi zarur bo'lgan vazifalarni aniqlaydi va chora-tadbirlar to'plamini belgilaydi.

Nima uchun biz ta'lim jarayonida innovatsion o'qitish usullaridan foydalanishga ehtiyoj sezamiz?

Birinchidan, hozirgi zamon yangilik va yangiliklar zamonidir. Chunki biz har kuni, har soatda yangi bilim, yangi g'oyalar bilan duch kelamiz. Shunday ekan, ta'lim jarayoni ham, o'qitish usullari ham o'z-o'zidan shunga mos kelishi kerak.

Ikkinchidan, innovatsion o'qitish usullariga odatlanish, mashg'ulotlar davomida ulardan doimiy va o'z o'rnida foydalanish, talabalarda yangiliklarga nisbatan ochiq fikrlash imkonini beradi.

Uchinchidan, innovatsion o'qitish usullari bugungi kunda eng zamonaviy faol o'qitish usullari hisoblanib, pedagogik ta'lim jarayonida ularning ustunligi tasdiqlangan.

Mutaxassislarning fikr bildirishicha, innovatsion o'qitish usullaridan foydalanilgan holda olib borilgan mashg'ulotlarda talaba o'zlashtirishi zarur bo'lgan ma'lumotlarni xotirasida o'qiganlarining 10%ni, eshitganlarining 20%ni, ko'rganlarining 30%ni, eshitganlari va ko'rganlarining 50%ni, shu bilan birga, axborotni faol idrok etish bilan 80%ni, o'zlari aytib va amalda bajargan holda 90%ni saqlab qoladi.

Xulosa qilib aytish mumkinki, zamonaviy pedagogik texnologiyalar, o'z o'rnida foydalanilsa, har qanday pedagog faoliyatida ijobiy natija beradi. Yuqorida sanab o'tilgan ta'lim texnologiyalarining elementlari O'zbekiston davlat Jahon tillari universiteti talabalari bilan olib borilgan o'quv jarayoni samaradorligini, talabalarining xabardorligi va tayyorgarligi darajasini oshirishga va o'rganishni individuallashtirishga imkon berdi. Ular talabalarni o'quv jarayoniga jalb qilishga, Hayot faoliyati xavfsizligi faniga bo'lgan qiziqishlarini oshirishga, kundalik hayotlarida yuz berishi mumkin bo'lgan baxtsiz hodisalarda va favqulodda vaziyatlarda to'g'ri qaror qabul qilishga, o'z-o'ziga va o'zaro yordam ko'rsatishni amalga oshirishga xizmat qiladi.

Boyxanov Shuxratjon Mashrapovich (Nizomiy nomidagi Toshkent davlat Pedagogika universiteti doktoranti; e-mail:bshuhratjon@inbox.ru)

BOSQICHLI TABAQALASHTIRILGAN MAQOL MASHQLARINING TALABALAR PAREMIOLOGIK KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHDAGI SAMARADORLIGI

Annotatsiya. Ushbu maqolada bosqichli tabaqalashtirilgan maqol mashqlarining talabalar paremiologik kompetensiyasini rivojlantirishdagi samaradorligi o'rganildi. Talabalarga paremiyalarni o'rgatish uchun "All roads lead to Rome" usuli ishlab chiqildi. Bu usulning afzalliklari hamda paremiyalarni o'rganishga xalaqit beradigan omillar sanab o'tildi.

Аннотация. В данной статье исследована эффективность многоэтапного упражнения в развитии паремнологической компетенции студентов. Для проведения исследования разработан новый метод. Описываются преимущества и перечислены факторы, препятствующие успешной реализации данного метода.

Annotation. The article is dedicated to the effectiveness of a multi-stage differentiated proverbial activity in developing students' paremiological competence. A new method was designed to conduct this research. The advantages and the factors that hinder the successful implementation of this method were stated.

Kalit soʻzlar: kommunikativ kompetensiya, interaktiv, maqol, mustaqil taʼlim.

Ключевые слова: коммуникативная компетенция, интерактивный, пословица, самостоятельное обучение.

Key words: communicative competence, interactive, proverb, independent learning.

Kirish. Maʼlumki, 21-asr yangi texnika va texnologiyalar asri boʻlib, ushbu texnika va texnologiyalardan turli sohalarda qulaylik yaratish va katta samaradorlikka erishish uchun foydalanilmoqda. Xususan, xorijiy tillar, yana ham aniqroq qilib aytganda, ingliz tilini oʻqitishda auditoriyaning oʻziga xos jihatlari hisobga olgan holda, anʼanaviy, noanʼanaviy yoki har ikkalasini uygʻun qoʻllab oʻqitilmoqda.

Ushbu maqolada shaxsga yoʻnaltirilgan taʼlim turlaridan biri boʻlgan tabaqalashtirilgan taʼlimning talabalar paremiologik kompetensiyasini rivojlantirishdagi samaradorligini tadqiq etiladi. “Bosqichli tabaqalashtirilgan maqol mashqlarining talabalar paremiologik kompetensiyasini rivojlantirishdagi samaradorligi” deb nomlangan maqola 2020-yilda yozilgan maqolamizning mantiqiy davomidir. Ularning farqi shundaki, avvalgi maqolada qiyinlik darajasi turli boʻlgan maqollarni oʻqitishda Foyer modelining samaradorligini mashqlar orqali koʻrsatib oʻtganmiz.¹ Mazkur maqolada esa “All roads lead to Rome” yangi metodini ishlab chiqdik. Shu metod asosida namuna yaratdik va uning afzalliklarini bayon etdik hamda ushbu metodni muvaffaqiyatli amalga oshirishga xalaqit beradigan baʼzi omillarni aytib oʻtdik.

Nazariy asos. AQSHlik olim C.A.Tomlinson tabaqalashtirilgan taʼlimni til oʻrganuvchilarning turli jihatlari (yoshi, bilim darajasi va qiziqishi) eʼtiborga olgan holda oʻqitish deb taʼriflagan. Tomlinsonning fikricha, oʻqituvchi darsdan koʻzlangan natijaga erishish uchun talabalarni baʼzan yakka, baʼzan esa juft ishlatishi kerak. Tadqiqotchi taʼlimda tabaqilashtirishning toʻrt jihatiga alohida toʻxtalib oʻtadi, jumladan: 1) mazmun – talaba nimani qanday oʻrganadi; 2) jarayon – mazmunni egallash uchun moʻljallangan mashqlar; 3) natija – til oʻrganuvchi mazmunni oʻzlashtirganligi; 4) taʼlim olish muhiti–sinfxonaning zarur moddiy-texnik baza bilan taʼminlanganligi.²

Adabiyotlar tahlili. Gluxova Olga (2020) fonetik kompetensiyani rivojlantirish uchun maqol va matallarni darsning turli bosqichlarida qoʻllash mumkinligini aytib oʻtgan. Ammo u bunday mashqning faqat fonetikaga oid tushunchalarini rivojlantirishdagi ahamiyatini koʻrsatib oʻtish bilan cheklangan.

Umidaxon Boltaboyeva va b. (2020) bir-biriga tallaffuz jihatdan yaqin boʻlgan (s-sh), (l-r), (s-z), (ch-j) kabi undoshlarni talaffuz qilishdagi qiyinchiliklarni bartaraf etishda tez aytish va maqollar qulay vosita ekanligini aytib oʻtgan.³

Réka Benczes (2019) binomiyalar (“and” yoki “or” bogʻlovchili ikki qismdan iborat ibora, maqol: *sink or swim*), idiomalar, maqollar va shiorlarda alliteratsiyaning mavjudligi ularni maqol mazmunini yaxshi bilib olish, yangi tuzilmalarni oʻzlashtirish va maqol haqida tasavvurga ega boʻlish kabi maqsadlarda qoʻllash mumkinligini oʻz maqolasida qayd etgan.⁴

Vladimir Arakinning Ingliz tili amaliy kursi darsligida maqollar 11 fonetik mashq tarkibida misol sifatida qoʻllangan.

Natija. “All roads lead to Rome” (Barcha yoʻllar Rimga olib boradi) maqoliga metod sifatida taʼrif. Ushbu maqol har qanday usulni qoʻllashingizdan qatiʼy nazar, bir xil natijaga erishasiz degan maʼnoni bildiradi. Bu metodda xilma-xil qiziqarli, interaktiv, tabaqalashtirilgan bosqichli til va nutq mashqlari boʻlib, ular talabalarning, avvallo, kommunikativ, oʻz navbatida, ularning paremiologik kompetensiyasini rivojlantirishga moʻljallangan. Shu bois ham mazkur maqolni ramziy tarzda metod deb atadik. Aslida, bu kabi til koʻnikmalarini bosqichli rivojlantirishga moʻljallangan mashqlar darsliklarda berilgan. V.Arakin muallifligidagi ingliz tili amaliy kursi darsligidagi maqollarga oid mashqlar. Lekin ularda metodik jihatdan qiziqarli, eʼtiborni tortadigan jihatlari kam. Yangi ishlab chiqqan metodimiz orqali aynan maqollarni qanday qiziqarli usul bilan oʻrgatish muammosini hal qilishni maqsad qilganmiz.

“All roads lead to Rome” metodi.

a) Write the proverb in order;

¹ Boykhanov S. (2020). Efficiency of differentiated instruction in developing students’ paremiological competence. Electronic journal of actual problems of modern science, education and training Vol. V.

² Tomlinson C.A. (2000). Differentiation of Instruction in the Elementary Grades. ERIC Clearinghouse on Elementary and Early Childhood Education Champaign IL. ERIC Digest. <https://files.eric.ed.gov/fulltext/ED443572.pdf>

³ Boltaboeva U., Andunazarov Z., Tursunova G. (2020). Importance of tongue twisters and proverbs in overcoming speech defects. Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems. T. 12, № 2, p. 134.

⁴ Benczes R. (2019). The name of the game: Rhyme and alliteration in multi-word expressions Argumentum 15 (2019), p. 133, Debreceni Egyetemi Kiadó.

- dish fish empty small are an better than;
- Tell the proverb as a tongue twister;
 - Explain the grammatic structure of the proverb;
 - Write possible situations/fields where the proverb is used;
 - Write an email to your group mate using the proverb mentioned in a situation you wrote.

Namuna

- Write the proverb in order.

Maqsad: ingliz tilida soʻz tartibini maqollar vositasida mashq qilish;

Vaqt: 2 daqiqa;

Bajarilishi: juft;

- Tell the proverb as a tongue twister.

Maqsad: tallafuzni maqolni tez aytish orqali rivojlantirish;

Bajarilishi: individual;

Vaqt: 1 daqiqa;

- Explain the grammatic structure of the proverb;

Maqsad: grammatikani maqol orqali rivojlantirish;

Bajarilishi: individual;

Vaqt: 2 daqiqa;

Masalan: Better are small fish than an empty dish. In this proverb we can hear pronunciation of words (small), see degree of comparison (better than), rhyming (fish and dish), and an article (an);

- Write possible situations/fields where the proverb is used;

Maqsad: yozuv koʻnikmasini maqol orqali rivojlantirish;

Bajarilishi: individual;

Vaqt: 2 daqiqa;

Masalan: Better are small fish than an empty dish means it is no problem even though someone has achieved a few results in doing something. I think it can be used in business, sports, and education;

- Write an email to your group mate using the proverb mentioned in a situation you wrote.

Maqsad: yozuv koʻnikmasini maqollar orqali rivojlantirish;


Bajarilishi: juft;

Vaqt: 8 daqiqa;

Masalan:

Muhokama.

“All roads lead to Rome” metodining afzalliklari va ushbu metodning muvaffaqiyatli amalga oshirilishiga taʼsir etuvchi omillar.



Ushbu metodning afzalliklari:

- innovativligi – istalgan maqolni metod orqali rivojlantirish imkoniyati;
- maqsadga yoʻnaltirilganligi, masalan, yozuv koʻnikmasini rivojlantirishga yoʻnaltirilganligi;

●shakllantiruvchi, rivojlantiruvchi va mustahkamlovchi mashqlarning bir metodning o'zida mavjudligi – grammatika, proverbial tez aytish va qisqa xat yozish;¹

●soddadan murakkabga tamoyili asosida tuzilganligi – gapni tartib bilan yozishdan toki matn tuzishgacha bo'lgan jarayon;

●interfaolligi – talaba e-mail yozish orqali birga nutq ko'nikmalarini rivojlantirish imkoniyatiga ega bo'lishlari;

●kommunikativligi – talabalarning ingiz tilida muloqot qilish uchun maqoldan amaliy maqsadda foydalanishlari;

●qiziqarliligi, masalan, maqolni tartib bilan yozing yoki maqolni tez aytish mashqini bajaring kabi mashqlar biroz muammoli va qiziqarli bo'lib, mazkur mashqlar keyingi bosqishdagi mashqlar uchun tayanch, tayyorlovchi, shakllantiruvchi vazifani bajarishi;

●erkin va tanqidiy fikrlashga mo'ljallanganligi (4-mashqga qarang);

●til o'rganuvchilarining mustaqil ta'lim olishlariga maqsad qilinganligi (5-mashqga qarang).

Ushbu metodning muvaffaqiyatli amalga oshirilishiga ta'sir etuvchi omillar:

●asosiy o'quv materiallari sifatida kiritilmasa;

●interferension (ta'siriy – tilga aloqador) va tashkiliy qiyinchiliklar bo'lsa.

Xulosa. Ushbu maqolada bosqichli tabaqalashtirilgan mashqlarning talabalarning paremiologik kompetensiyasini rivojlantirishdagi samaradorligini o'rgandik. Tadqiqot olib borish uchun yangi metod, "All roads lead to Rome" metodini ishlab chiqdik. So'ngra mazkur metodning afzallik va ushbu metodni amalga oshirish uchun xalaqit beradigan omillarni sanab o'tdik. Quyida ushbu metodni tashkil etuvchi bosqichli tabaqalashtirilgan maqol mashqlarini keltiramiz.

a. Write the proverb in order; dish fish empty small are an better than;

b. Tell the proverb as a tongue twister;

c. Explain the grammatic structure of the proverb;

d. Write possible situations/fields where the proverb is used.

e. Write an email to your group mate using the proverb mentioned in a situation you wrote.

Yuqoridagi besh mashqdan iborat metoddagi topshiriqlar an'anaviy ko'rinishi mumkin. Boshqa tomondan esa ular alohida mashqda emas, bitta metod tarkibida bosqichma-bosqich interfaol va kommunikativ tarzda bajariladi. Bu esa uning o'ziga xosligidir. Yana shuni alohida ta'kidlab o'tish kerakki, talabalar "All roads lead to Rome" metodi vositasida ishlatilgan maqol, all roads lead to Rome maqolini takrorlaydilar. Shu bilan birgalikda, mavzuga aloqador yangi maqolni o'rganadilar. Bu bir o'q bilan ikki quyonni urish, deganidir. Albatta, ushbu metod tajriba sinovga muhtoj va biz keyingi tadqiqotlarimizda ayнан shu o'rganilmagan jihatni yoritamiz.

Jalolova Zarnigora Sulaymonovna (Jizzax davlat Pedagogika instituti

Ijtimoiy-gumanitar fanlarda masofaviy ta'lim kafedrasini o'qituvchisi)

BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINI SPORT TURLARIGA O'RGATISHDA SAMARALI FOYDALANISH USULLARI

Annotatsiya. Ushbu maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilarini jismoniy tarbiyasi shakllari kishilarning ijtimoiy hayot sharoitlari jismoniy rivojlanishda hal qiluvchi masalalar yoritilgan.

Аннотация. В статье рассмотрены вопросы физической формы учащихся начальных классов, социальных условий жизни людей, имеющих решающее значение в физическом развитии.

Annotation. In this article, the issues on the forms of physical culture of primary school classes and physical development social conditions of people were highlighted.

Kalit so'zlar: jismoniy tarbiya, jismoniy madaniyat, mehnat bilan tarbiya, kamol topish, aqliy, jismoniy, axloqiy, estetik.

Ключевые слова: физическое воспитание, физическая культура, труд и воспитание, достигать совершенства, умственный, физический, нравственный, эстетический.

Key words: physical education, physical culture, labour and education, reach perfection, mental, physical, moral, aesthetic.

¹ Jalolov J.J. (2012). Chet til o'qitish metodikasi. Chet tillar oliy o'quv yurtlari (fakultetlari) talabalari uchun darslik, Toshkent, "O'qituvchi", 432-bet.

Jismoniy tarbiya nazariyasi–bilimning alohida sohasi o‘z predmeti va tushunchasiga ega. Jismoniy tarbiya nazariyasining asosiy tushunchalariga quyidagilar kiradi: jismoniy taraqqiyot, jismoniy tarbiya, jismoniy tarbiya tizimi, jismoniy kamolot va jismoniy madaniyat. Ana shu tushunchalarning mazmunini aniqlab olmasdan turib, jismoniy tarbiya, jismoniy tarbiya tizimi, jismoniy kamolot va jismoniy madaniyat jismoniy tarbiya nazariyasi va amaliyotining ko‘pdan ko‘p ayrim hodisalari hamda masalalarini to‘g‘ri tushunib olish mumkin emas, jismoniy tarbiya nazariyasini o‘rgatadigan fanni muvaffaqiyatli egallab bo‘lmaydi. Xuddi mana shuning uchun ham jismoniy tarbiya nazariyasi kursini bayon etish uning asosiy tushunchalarini anglashdan boshlanadi.

Biz foydalanadigan tushunchalar muayyan tarixiy davrda paydo bo‘lgan hamda tushunchalarning hajmi va mazmuni o‘zgarib kelgan, o‘zgaraveradi ham, jismoniy tarbiya to‘g‘risida bizning bilimlarimiz boyib borgan sari, amaliyot rivojlangan sari, ular chuqurlashib aniqroq bo‘lib boraveradi. Nima uchun yuqoriga sanab o‘tilgan tushunchalar asosiy tushuncha deyiladi-yu, boshqalari masalan, jismoniy mashq, sport tushunchalari asosiy tushuncha hisoblanmaydi. Tegishli amaliyotni to‘g‘ri aks ettiradigan barcha tushunchalar o‘zining ahamiyati jihatidan birdek muhimdir, bular to‘g‘risida quyida fikr yuritiladi. Bu yerda bo‘lsa, jismoniy tarbiyaning asosiy, eng muhimi, belgilari, umumlashtirib ko‘rsatilgan tushunchalargina olingan, xolos. Agar asosiy tushunchalar to‘g‘ri aniqlangan, to‘g‘ri tushunilgan bo‘lsa, u holda jismoniy tarbiya fani nazariyasiga taalluqli bo‘lgan boshqa hamma tushunchalarni to‘g‘ri belgilash va izohlash uchun asos bor. Biz asosiy tushunchalarni bayon etishning bunday izchilligini tasodifan tanlab olganimiz yo‘q, bunday izchillikni keyingi boblarda jismoniy tarbiya nazariyasining o‘z mantiqi belgilab beradi.

Бундай вариантда ўқувчилар, энг аввал, қаттиқ жисмларнинг тузилиши назариясини тушунтириб бериши лозим бўлган экспериментал маълумотларни билиб олади. Сўнгра улар кристаллларнинг ички тузилиши тартибли эканлигининг экспериментал исботлари билан танишадики, бу кристаллларнинг хоссаларини тушунтириб бериш имконини беради. Ниҳоят, ўқувчиларга кристаллар тузилиши тартибли эканлигининг сабаби тушунтирилади. Қаттиқ жисмларнинг тузилиши ҳақида эгаллаган билимлардан келгусида кристаллар хоссаларининг турличалигининг сабабларини тушунтириш учун, шунингдек, қаттиқ жисмлардаги деформациялар механизмини ҳамда механик хоссаларини бошқаришнинг физик асосларини аниқлаб олишда фойдаланади;

б) техника, кундалик турмуш ишлатиладиган буюмлар ва турли хил конструцион материаллар, тошлар, пласмассалар, шишалар, чойнак-пиёладан тортиб барча буюмларимиз қаттиқ жисмлар қаторига киритилади. Улар учун умумийси – шакл ва ҳажмнинг ўзгаришига қаршилик кўрсатиш ёки бошқача қилиб айтганда, қаттиқ жисмларнинг эластиклик хоссаларидир. Физикада қаттиқ жисмлар кристалл, аморф шишасимон, керамик, композит ва полимер қаттиқ жисмларга бўлинади. Бундай бўлинишнинг сабаби – уларнинг ички тузилишлари бир-биридан фарқ қилишидир. Кристалл, аморф, шишасимон, керамик, композит ва полимер қаттиқ жисмларнинг умумий хоссаларини кўрсатган ҳолда, уларнинг фарқли хусусиятларини қараб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Умумий ўрта таълим мактабларида кристалл ва аморф қаттиқ жисмларга қўшимча шишасимон, керамик, композит ва полимер қаттиқ жисмлар ҳақида ҳам қисқача маълумот киритилса

ўқувчиларда қаттиқ жисмнинг кўпроқ турини ўрганадаи ва қаттиқ жисмлар физикасига оид билим, кўникмалари, фикрлаши ва дунёқараши кенгроқ бўлиб, олган билимини ҳаётга татбиқ этишга ўргатади;

в) умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф физика курсида ўрганиладаган кристалл ва аморф жисмларни қиздиришда температуранинг ўзгариши графикларини эслаш ҳамда кристалл жисмларнинг эриш ва қотиш температурасининг ўзгармас эканлигини намоиш қилувчи тажрибани бажариш лозим. Сўнгра эриш температурасининг ўзгармаслиги, модда алоҳида кристалл кўринишида олинадими ёки поликристаллик намуна кўринишида олинадими, бундан қатъий назар, кристалл ҳолатдаги ҳар қандай модданинг энг муҳим хоссаларидан бири эканлиги ҳақида сўзлаб бериш керак.



Умумий ўрта таълим мактабларида қаттиқ жисм турларини ўрганишда кўргазмалилик тамойилидан фойдаланиб ўрганишда Коменскийнинг “Буюк дидактикаси”га кўра, кўргазмалилик тамойили таълимнинг “олтин қондаси”дир. Унинг сўзларига кўра, таълимнинг самарадорлигини ошириш учун кўргазмали воситаларни қўллаш ва кўргазма (плакатлар, тақдиротлар ва анимациялар)га таяниш керак – бу асосий нарсаси. Бундан ташқари, бу бошқа ҳис-туйғуларни ҳис қилиш жараёнида иштирок этиш. Кўргазмалилик тамойилининг моҳияти шундан иборатки, ўқувчилар кўриш ҳисси билан эшитиш учун кўринадиган ҳамма нарсани тақдим этишлари керак – таъмин ҳис қилиш учун эшитиладиган ҳамма нарсаси таъминга боғлиқ бўлган ҳамма нарсаси, тегиниш ҳисси учун тегиниш учун мавжуд бўлган ҳамма нарсаси. Бироқ максимал ахборот мазмуни аниқ тасаввурга эга, чунки у одамга 80% билим беради.

Дидактиканинг тамойилларига: таълим-тарбия жараёнида таълим олувчининг диққатини берилаётган билимга қаратиб тўплаш ва уни жараён охиригача сақлаб туриш; ҳар бир билимни илмий асослаб бериш; билим беришда билим олувчилар имконияти ва ёш хусусиятларидан келиб чиқиш; билим беришда мумкин қадар кўп кўргазмали куроллардан фойдаланиш; билим беришда мунтазамлик ва давомийлик; билим беришни имкон қадар фан-техника ривожланиш жараёни билан қўшиб олиб бориш ёки билимни тушунтиришда ҳаётий мисоллар келтириш билан боғлаш; таълим-тарбия жараёнида таълим олувчиларнинг фаоллиги ва онглилигини таъминлаш; таълим-тарбиянинг тизимли ва изчил бўлиши, таълим ва тарбиянинг бирлиги қоидалари қиради.

Таълим-тарбияда кўргазмалилик тамойили: бу тамойилга амал қилинганида тингловчининг кўриш аъзолари ҳам иштирок этади. Россия. Педагогика академиясининг тадқиқотларига қараганда, инсоннинг сезги аъзолари орқали олинган билимларнинг хотирада сақланиб қолиш даражаси қуйидагича: эшитиш аъзолари орқали олинган билимларнинг 15–20 фоизи қолса, кўриш орқали олинган билимларнинг 80 – 85 фоизи эса қолар экан.¹ Шунинг учун ҳам кўргазмалилик тамойили ўқув-тарбия жараёнининг асосини ташкил этади. Халқимизнинг «юз марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган маъқул» деган мақоли бекорга айтилмаган. Аммо кўргазмалилик тамойили мавзуга мос ва меъёрида ишлатилгандагина бу тамойил самара беради.

Кўргазмалилик тамойили талаблари:

- ◆ кўргазмалилик тамойилидан фойдаланишда аниқ дидактик мақсадга эга бўлиши керак;
- ◆ бирор нарсани намоиш қилиш ўз тартибига эга бўлиши ва услубий жиҳатдан амалга оширилиши керак;
- ◆ кўриниш миқдори мақсадли аниқланиши керак;
- ◆ кўргазмалиликнинг алоҳида турлари бир-бири билан бирлаштирилиши керак;
- ◆ ўқувчилар кўрганларини ўзлари таҳлил қила олишлари керак;
- ◆ бирор нарсани намоиш қилиш маданий талабларга жавоб бериши керак;
- ◆ кўргазмаларни лойиҳалашга психологик талаблар (ўқувчиларнинг ёш хусусиятини) инобатга олиниши керак;

¹ <https://4brain.ru/pedagogika/principy-didaktiki.php>

◆ўқитувчи уларнинг намоёниш этиш жараёни хулоса чиқара олиши керак.

Кўрғагазмалилик тамойили ўрганилаётган қаттиқ жисм турларига оид воқеа ва ҳодисаларни жонли идрок этиш асосида ўзлаштиришни кўзда тутати.

Қаттиқ жисм турларининг кўрғагазмалилик тамойилидан фойдаланиб ўрганишда ўқув материалини аниқ образлар орқали идрок қилишни таъминлайди.

Қаттиқ жисм турларининг кўрғагазмалилик тамойилидан фойдаланиб ўрганиш жараёнида кўрғагазмали воситалардан тўғри фойдаланиш ўқувчилар қаттиқ жисм физикасига оид билимларни пухта ўзлаштириб олишига, уларнинг малакалари яна-да ошишига ёрдам беради. Агар кўрғагазмали қурол бирор ўқув материалини кўрсатиш воситаси бўлса, нутқ асосий, кўрғагазмали қурол эса ёрдамчи восита бўлади. Агар кўрғагазмали восита кузатишни ривожлантириш учун қўлланса, нутқ қисқа бўлиши, фақат асосий воситага, яъни кузатишнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилиши керак. Масалан, ҳар хил қаттиқ жисмлар (металлдан ясалган шар, шиша буюмлар, пластмасса, керамик (чинни, сопол ва ҳ.к.лар), композит ва полимерларни) кўрсатиш орқали уларнинг фарқини тушунтириш мумкин.

Билимларни эгаллаш жараёнида нарса ва ҳодисаларни кузатиш, сезиш ва идрок этишнинг муҳимлигини ифодалаган Я.А.Коменский шундай ёзган эди: “Ўқувчилар сезиб идрок этиши мумкин бўлган нарсаларни, албатта, сезгилар воситаси билан, яъни кўриш мумкин бўлган нарсаларни кўз билан кўриб, эшитиш мумкин бўлган нарсаларни қулоқ билан эшитиб, ҳиди бор нарсаларни ҳидлаб кўриб, ушлаб сезиш мумкин бўлган нарсаларни ушлаб билиб олишлари керак. Бирданига кўп сезгилар ёрдамида идрок этиш мумкин бўлган нарсаларни, иложи борича, бир неча сезгилар иштирокида идрок этиш лозим. Болаларга билим бериш учун, умуман, ҳамма нарсага бевосита кузатиш ва сезгилар асосида ўқитиш керак”¹.

Мана шу талабларни бажариш учун умумий ўрта таълим мактабларининг физика дарсларда дидактик материал (дарс мавзусига оид дарсликда йўқ расм ва формулалар акс этиши), плакат, видеофильм, диафильм, дарсга мос кўрғагазмали қуроллар ва бошқалар бўлиши керак. Таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиши тамойили уларнинг ақлий, жисмоний ва ёш хусусиятларини ҳисобга олишни талаб қилади.

Ўқувчиларнинг қаттиқ жисм турларини ўрганишда фойдаланиш йўллари қуйидагича:

- 1) ўқувчиларга қаттиқ жисмлар физикасига оид тушунчалар;
- 2) қаттиқ жисм турлари (кристалл, аморф, шишасимон қаттиқ жисмлар, керамиклар, композитлар ва полимерлар);
- 3) қаттиқ жисмлар физикасига оид эксперимент, тажриба ва лаборатория машғулотларини бажариш. Бажариш давомида қаттиқ жисмларнинг хоссаларини инобатга олиши зарур;
- 4) қаттиқ жисмлар физикасига доир топшириқ ва масалалар ишлаш орқали амалга оширилади;
- 5) қаттиқ жисмлар физикасига оид замонавий плакатлар, буклетлар, тақдимотлар, анимациялар ва қисқа видеороликлар тайёрланади.

Шу қондаларга амал қилиб ўқитилса, ўқувчилар қаттиқ жисм турлари ва қаттиқ жисмлар физикасига оид тушунчаларни ҳамда физика фанини ўқитиш яхши самара беради.

Хулоса. Ушбу мақолани ёзиш жараёнида умумий ўрта таълим мактабларида қаттиқ жисм турларини ўрганишда кўрғагазмалилик тамойилидан фойдаланиш, яъни, ҳар хил турдаги қаттиқ жисмларнинг кўрсатилиши, қаттиқ жисм турларига оид плакатлар, буклетлар, тақдимотлар, анимациялар ва қисқа видеороликлар тайёрланди. Бу тайёрланган кўрғагазмали қуроллар ва кўрғагазма материаллари анъанавий дарслар билан солиштиганда анча самарали натижа кўрсатди. Мақолада қаттиқ жисм турлари (кристалл ва аморф жисмлар, керамиклар, композитлар ва полимерлар)ни ўрганиш бўйича маълумотлар берилди. Умумий ўрта таълим мактабларида қаттиқ жисм турлари кристалл ва аморф жисмлардан ташқари керамиклар, композитлар ва полимерлар ҳақида ҳам маълумот берилса ўқувчилар қаттиқ жисм турларини яхшироқ ўрганган бўлар эди.

Ушбу мақолада баён этилган “Кўрғагазмалилик тамойили”дан фойдаланиб ўқитишни муаллиф томонидан Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳридаги умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф ўқувчиларига “Физика” фанинг “Қаттиқ жисм турлари” (кристалл ва аморф жисмлар) мавзусини ўтиш жараёнида қўллаб келинган ва ижобий натижаларга эришилган.

¹ Я.А.Коменский, Д.Локк, Ж.-Ж.Руссо, И.Г.Пестолоцци. педагогическое наследие. М., “Педагогика”, 1989, с. 416.

**Maxmudov Zafar Mardanovich (Samarqand davlat Tibbiyot instituti, Tillar kafedrası,
Lotin tili va tibbiy terminologiya fani assistenti; e-mail: maxmudovzafar4510@gmail.com)
LOTIN TILI VA TIBBIYOT TERMINOLOGIYASI FANINI O‘QITISHDA ZAMONAVIY
PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN UNUMLI FOYDALANISH ISTIQBOLLARI**

Annotatsiya. Maqolada talabalarga lotin tili va tibbiyot terminologiyasi fanini o‘qitishda zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanishning kutilayotgan natijalari haqida so‘z yuritiladi. An‘anaviy ta‘limdan zamonaviy pedagogik texnologiyalarga asoslangan ta‘lim jarayoniga o‘tish davrida lotin tilining metodologiyasini yaratish uchun qilinayotgan ishlardan ayrim lahzalarni yoritib o‘tishga harakat qilindi.

Аннотация. В статье рассматриваются ожидаемые результаты использования современных педагогических технологий в обучении студентов латыни и медицинской терминологии. При переходе от традиционного образования к образовательному процессу на основе современных педагогических технологий предпринята попытка осветить некоторые моменты проводимой работы по созданию методики латинского языка.

Annotation. The article discusses the expected results of the use of modern pedagogical technologies in teaching students Latin and medical terminology. During the transition from traditional education to the educational process based on modern pedagogical technologies, an attempt was made to highlight some moments of the work being done to create a methodology of the Latin language.

Kalit so‘zlar: ta‘lim, metod, pedagogik texnologiya, o‘qitish, interaktiv, “charxpalak”, talaba, samara, mustaqil ta‘lim, ma‘lumot olish.

Ключевые слова: обучение, метод, педагогическая технология, обучение, интерактив, «колесо», ученик, эффективное, самостоятельное обучение, обучение.

Key words: education, method, pedagogical technology, teaching, interactive, “wheel”, student, effective, independent learning, learning.

Kirish. Ta‘lim metodlari va ularning turlari. O‘qitishdan ko‘zlanadigan maqsad bu davlat ta‘lim standartlarida belgilangan bilim va ko‘nikmalarini talabaga yetkazishdan iborat. Qachonki, talaba tomonidan bilim qabul qilinsa va tushunib yetilsa yoki talaba malaka oshirish uchun mo‘ljallangan topshiriqlarni amalda namoyish etib bera olsagina o‘qitish muvaffaqiyatli kechdi, deb hisoblasa bo‘ladi.

Ma‘lumki, ta‘lim olish (ma‘lumot olish) jarayoni – bu ma‘naviy va aqliy qobiliyatlarni tizimli rivojlantirib borish, bilim va tushunchalarni shakllantirish va olingan bilimdan foydalana olish qobiliyatini tarkib toptirishdan iborat jarayondir. Bu jarayon ta‘lim oluvchining o‘zi orqali yoki ta‘lim beruvchining ko‘magida amalga oshirilishi mumkin. Ta‘lim olish jarayoni esa turli xil metodlarga (usullarga) tayangan holda kechadi.

Metod – grekcha “metodos” so‘zidan olingan bo‘lib, izlanish yoki bilish yo‘li, nazariya, ta‘limot ma‘nosini anglatadi.

Ta‘lim metodini–ta‘lim oluvchi va ta‘lim beruvchining ma‘lum maqsadiga qaratilgan, birgalikdagi faoliyatini tashkil qilishning muayyan tizimga va tartibga solingan yo‘l-yo‘rig‘i sifatida ta‘riflanadi.

Ta‘lim modelini, esa bir yoki bir nechta ta‘lim metodlari yordamida amalga oshiriladigan ta‘lim jarayoni amalga oshirish tuzilmasi, deb qarash kerak.

Ta‘lim metodi – bu ta‘lim oluvchi va ta‘lim beruvchining ma‘lum maqsadga qaratilgan, birgalikdagi faoliyatini tashkil qilishning muayyan tizimga solingan yo‘l-yo‘rig‘i.

Ma‘lumotlar va uslublar. Ta‘lim metodlarini ta‘lim maqsadlariga erishish bo‘yicha talaba va o‘qituvchining birgalikdagi ish faoliyatini tashkil qilishning belgilari bo‘yicha quyidagicha guruhlarga bo‘lish mumkin:

- o‘qituvchi markazda bo‘lgan uslublar;
- talaba markazda bo‘lgan (interfaol yoki interaktiv) uslublar.

O‘qituvchi markazda bo‘lgan uslub. Bu uslub orqali o‘qituvchi o‘zi egallagan ma‘lumot va ko‘nikmalarni talabalarning sezgi organlari orqali uzatish yo‘llarini qidiradi. Bunda talabalarning ishtiroki passiv bo‘ladi, ya‘ni ular tinglaydilar, kuzatadilar va ma‘ruzalarni yozib boradilar.

Bu uslublar, asosan, o‘qituvchining quyidagi faoliyat turlari orqali amalga oshiriladi.

Og‘zaki o‘qitish usuli (ma‘ruza, hikoya) – insonlar o‘rtasidagi eng sodda muloqot yo‘llaridan biri – og‘zaki nutq – og‘zaki ta‘rif yoki asosiy mazmunning og‘zaki ifodasi hisoblanadi. Bu uslub butunlay “so‘zlash” orqali amalga oshiriladigan o‘qitishning eng rasmiy uslubi hisoblanadi. U 40 daqiqa yoki un-

dan uzoqroq davom etadi va odatda talabani ishtiroki uchun hech qanday imkoniyat qoldirmaydi. Bunda, asosan, talabani eshitish qobiliyati ishga solinadi.

Namoyish etish usuli. O'qituvchi ma'lum bir asbob yoki jihozdan foydalanish vazifasini yoki topshiriqqa aloqador harakatlarni namuna sifatida namoyish etib berishi mumkin. Yakka holda namoyish etish talabani ko'rish qobiliyatidan foydalanishga undaydi.

Talaba markazda bo'lgan (interfaol yoki interaktiv) uslublar. Bu uslublar qo'llanilganda o'qituvchi talabani faol ishtirok etishga chorlaydi. Talaba markazda bo'lgan yondoshuvning foydali jihatlarini quyidagilarda namoyon bo'ladi:

- ta'lim samarasi yuqoriroq bo'lgan o'qish-o'rganish;
- talabani yuqori darajada rag'batlantirilishi;
- ilgari orttirilgan bilimni ham e'tiborga olinishi;
- o'qish shiddatining talabani ehtiyojiga muvofiqlashtirilishi.
- talabani tashabbuskorligi va mas'uliyatining qo'llab-quvvatlanishi;
- amalda bajarish orqali o'rganilishi;
- ikki taraflama fikr-mulohazalarga sharoit yaratilishi;
- o'qishni sog'lom muhitda saqlab qolinishi;
- o'qituvchining yengillik yaratib beruvchi shaxsiga aylanishi.

Talaba butun jarayon davomida ishtirok etadi. Shu sababdan talabani bilim va ko'nikmalarini rivojlantirish uchun yetarli darajada talabalar ishtiroki va amaliyoti mavjud bo'ladi.

Bu uslublar, asosan, o'qituvchining turli faoliyat shakllari orqali amalga oshiriladi. quyida ularning ba'zilarini ustida qisman to'xtalamiz.

Savol berish orqali o'qitish usuli. O'qituvchi talabalar oldiga savollarni ko'ndalang qilib qo'yadi va bu bilan ularni berilgan ma'lumotni yana takrorlashga undaydi. Shu tariqa, ularni o'qituvchi tomonidan qo'llanilgan og'zaki va boshqa aloqa uslublarini tushunib yetganliklari aniqlanadi.

Muhokama usuli. Talabalarga suhbatlashish, masalalarga oydinlik kiritish, savollar berish, shuningdek, ma'lumotni o'zaro va o'qituvchi bilan muhokama yo'li bilan tahlil qilish taklifi kiritiladi.

Suhbat usuli. Mavzuga aloqador ma'lumotlar beriladigan bir sharoitda va darsning bir qismi sifatida ana shu mavzu haqida tushuntirish berish muhim hisoblanadi. Odatda, ma'ruza vaqti 30 daqiqadan uzoq bo'lmasligi kerak va asosiy vaqt ma'ruza ta'riqasida va mashg'ulot so'ngida o'qituvchiga savollar berish uchun bir oz vaqt ajratiladi.

Lug'at bilan ishlash (diktant) bilimlarni baholashning joriy nazorat shakli; odatda, qisqa vaqt davomida o'tkaziladi; talabalarining o'tilgan atama va tushunchalarni bilish darajasini tekshirish uchun o'tkaziladi;

Konferensiya. Oraliq nazoratning bir turi bo'lib, asosan, semestr yoki yil davomida ma'lum mavzular bo'yicha mustaqil yozilgan ishlarning og'zaki ma'ruza ko'rinishidagi taqdimoti.

Juft-juft muloqot. Biror mavzu bo'yicha yonma-yon o'tirgan talabalarni o'zaro muloqotga chorlash; o'zaro fikr almashish va ularning ba'zilarini tinglash.

Ovozga qo'yish metodi. Dars davomida bahsli vaziyatni keltirib chiqarish; yuzaga kelgan bahsmunozarani boshqarish maqsadida, bahs yuritayotgan tomonlarning fikrlarini sinf bo'yicha ovozga qo'yish; har bir fikr bo'yicha qarshi, rozi va betaraflarni aniqlash; tomonlarning dalillarini va fikrlarini tinglash; so'ng yana ovozga qo'yish; xulosalash.

“Charxpalak” usuli. Mazkur metod guruhlarda ishlash usulining takomillashtirilgan ko'rinishi bo'lib, uning yordamida talabalar o'rganiladigan material bo'yicha ma'lum bilimga mustaqil ega bo'lish, jamoa bilan ishlash malakasiga ega bo'lish, boshqalarni o'qitish, axborot bilan almashish hamda jamoa bo'lib qaror qabul qilish ko'nikmalariga ega bo'ladi.

Xulosa. Institutimizda lotin tili va tibbiyot terminologiyasi fanini o'qitish jarayonida yuqorida sanab o'tilgan metodlardan keng va samarali foydalanish hamda talabalar bilimlarini boyitish yuzasidan tizimli ishlar amalga oshirib kelinmoqda.

O'qituvchilar zamonaviy ta'lim metodlaridan foydalanish orqali, birinchidan, ta'lim samaradorligini oshirish, ikkinchidan, talabalar bilim darajasini rivojlantirish, uchunchidan, talabalarining tanlagan kasbiga qiziqishlarini oshirish kabi rejalarning ijrosini bajarmoqda.

Talabalar lotin tilidagi lug'atlarni yod olishda, yod olingan terminlarni amaliy mashqlarda qo'llash orqali mavzuni mustahkamlashda, grammatik bilim va ko'nikmalarni egallashda boshqalarni o'qitish orqali o'rganish usuli, lug'at bilan ishlash, juft-juft muloqot, ovozga qo'yish metodi, mustaqil o'rganish

usuli kabi zamonaviy pedagogik texnologiyalarni amalda qo'llamoqda. Lotin tili fanining 70–90% dars mashg'ulotlari aynan shunday tashkillashtiriladi.

Zamonaviy ta'lim metodlaridan foydalanish va darsda talaba markazda bo'lgan uslublarni qo'llash talabalar bilim darajasini oshishiga xizmat qiladi. Interaktiv usullar orqali talaba fanda olgan bilimlarini boshqa fanlarda qo'llay oladi. Bu esa o'qituvchi oldidagi oliy vazifadir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Razikova L.T., Ziyadullayev X. Ta'lim mazmunini takomillashtirish – davr talabi. Metodik qo'llanma, Samarqand, "Tong", 2015.
2. Raximov M.R., Xaydarov U.X. Tibbiyot kollejarida o'qitishning zamonaviy usullaridan foydalanish, Metodik qo'llanma, Samarqand, "Sogdiana press", 2007.
3. Uzbekiston Respublikasi Oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi.
4. Xo'jayev G'.X., Kuvatov A.K. Ta'lim jarayonida ilg'or pedagogik texnologiyalarni qo'llash. Samarqand, 2004.
5. E.Haydarov. Shaxsga yo'naltirilgan pedagogik texnologiyalarda mexanika fanini akademik litseylarda o'qitish uslubiyati. Samarqand, SamDU, 2014.
6. A.Choriyev, I.Choriyev. Pedagogikaning fanlararo bog'liqlik metodologiyasi. Toshkent, «Fan», 2011.
7. Римашевская Л.С. Технология развития навыков сотрудничества у старших дошкольников. М. "Педагогика", 2015.
8. В.С.Зайцев. Современные педагогические технологии. Челябинск, ЧГПУ, 2012.

Ismailova Shamsiya (O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi dotsenti, pedagogika fanlari nomzodi)

YOSHLARNI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASHNING IJTIMOYIY-PEDAGOGIK MASALALARI

Annotatsiya. Ushbu maqolada yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlashning ijtimoiy-psixologik jihatlari yoritib berilgan. Xususan, yoshlarning oila haqidagi tasavvurlarining shakllanishiga ta'sir ko'rsatadigan omillar, oilada ota-ona va farzandlar munosabatlari xarakteri, shaxslararo munosabatlar, o'zaro moslashuvchilik masalalari o'rganilgan. Yoshlarni oilaga tayyorlashda milliy urf-odat va udumlarimizning o'rni tahlil qilingan.

Аннотация. Данная статья посвящена социально-психологическим аспектам подготовки молодежи к семейной жизни. В частности, проанализированы факторы, влияющие на формирование у молодежи представлений о семье, характере взаимоотношений родителей и детей, межличностных отношениях, вопросы личностной адаптации молодежи друг-друга. Анализируется роль национальных традиций и обычаев в подготовке молодых людей к браку.

Annotation. This article is dedicated to the socio-psychological aspects of preparing young people for family life. In particular, the factors influencing the formation of young people's ideas about the family, the nature of the relationship between parents and children, interpersonal relationships, and issues of personal adaptation of young people to each other are analyzed. The role of national traditions and customs in preparing young people for marriage is analyzed.

Kalit so'zlar: yoshlar, mustaqil oilaviy hayot, shaxslararo munosabatlar, oila tasavvurlari, o'zaro moslashuvchanlik, milliy an'analar.

Ключевые слова: молодежь, самостоятельная семейная жизнь, межличностные отношения в семье, представления о семье, адаптация, национальные традиции.

Key words: youth, independent family life, interpersonal relationships in the family, ideas about the family, adaptation, national traditions.

Mamlakatimizda ijtimoiy-iqtisodiy va ma'naviy-madaniy jabhalarda amalga oshirilayotgan tub islohotlar jarayonida oila masalasiga e'tibor davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Albatta, bu bejiz emas,

chunki porloq ertamizning tamal toshlari oilada qo'yiladi. Mamlakatimizda oila farovonligini ta'minlash davlatimizning asl maqsadidir.¹

Oila – barchamiz uchun aziz va qadrdon dargoh, mehribon isonlarimiz, bobo-buvi, ota-ona, singil, aka-ukalarimiz bizni intiqib kutadigan, sog'inadigan go'sha, hayot tashvishlarimizni unutadigan nurli maskan. Bir-birini to'g'ri qabul qilish, qiyinchilik damlarda hissiy-emotsional va moddiy-ma'naviy jihatdan qo'llab-quvvatlash oila a'zolarining burchidir.

Mustahkam oila qurish uchun faqat muhabbatning o'zi yetarli emas, balki har ikkala tomon ham ruhiy-ma'naviy bir-birini to'ldirishi lozim. Oila mustahkamligiga ta'sir etuvchi nikoh oldi omillaridan biri – bu yoshlarning o'z oilaviy hayoti haqidagi tasavvurlaridir.

Oiladagi tinchlik, hamjihatlik, a'zolarining ma'naviy jihatdan kamoloti jamiyatda muhim o'rin tutadi. Oilaning to'liq bo'lishi, ya'ni, unda ham ota, ham onaning tinchlik-totuvlikda yashashlari va unda yaxshi insoniy munosabatlar, sog'lom ma'naviy muhitning mavjudligi bolaning har tomonlama yaxshi rivojlanishi, aqlli, kuchli iroda sohibi bo'lib yetishiga imkon beradi. Oilaning to'liq bo'lishi yoshlarning mustaqil hayot haqidagi tasavvurlarining to'g'ri shakllanishiga ta'sir ko'rsatadi. Masalan, farzandlar otalarining o'zaro bir-birlariga qilgan muomala-munosabatlariga qarab, kelajakda oila qurganlarida o'zlarining xulq-atvorlari qanday bo'lishi kerakligini belgilab oladilar.²

Xuddi shunday, o'g'il bola onasining fazilatlarini, oiladagi o'zini tutishi va otasiga munosabatini anglab borar ekan, kelajakda qiz bilan turmush qurish mumkinligi, tanlaydigan qizi qanday sifatlar egasi bo'lishi lozimligini bilib borsa, qiz bola otasi va uning oilada mavqeyiga qarab, turmush o'rtog'iga qanday munosabatda bo'lish lozimligi to'g'risida tasavvurlarini orttirib boradi.

Shu bois ham bolaning tom ma'noda yaxshi tarbiya olib, jamiyatda va oilaviy munosabatlarda munosib mavqega ega bo'lishi uchun oila muhiti sog'lom, barqaror, er va xotin bir-birlariga g'amxo'r, mehrlil va sadoqatli bo'lishlari o'ta muhimdir.

Mutaxassislar tomonidan nikoh qurish omillariga oilaviy hayotga yoshlarning jismoniy, jinsiy, huquqiy, iqtisodiy, ma'naviy-axloqiy, psixologik yetukligi, oilaviy hayot haqidagi tasavvurlari, oila qurish yoshining mutanosibligi, oila qurish motivlari, shartlari, sharoitlarini kiritadilar.³

Nikoh ajrimlarining sabablari o'rganilganda, aksariyat holatlarda bunga, birinchi navbatda, kelin-kuyovlarning oilaviy hayotga tayyor emasligi, er-xotinlarning o'zaro kelishmovchiliklari, fe'l-atvorlarining bir-biriga mos kelmasligi, rashk, kelin bilan qaynona va boshqa yaqin qarindoshlarning chiqishmasliklari, erkakning zararli odatlarga berilib ketishi (ichkilik, giyohvand moddalar iste'mol qilish va shu ka-bi), moddiy qiyinchiliklar (asosan, ernaing ishlamasligi, oilani mustaqil boshqara olmasligi), qudalarning to'ydan keyin o'zaro kelishmay qolishlari sabab bo'lgan. Bu muammolarga ernaing boshqa shaharlarga ish qidirib ketishi bilan ham bog'liq bo'lishi kuzatilgan.

Nikohdan o'tib oila qurilgandan keyin u bir necha bosqichlarni bosib o'tadi. Shulardan eng ko'p kuzatiladigani, psixologik jihatdan katta ahamiyat kasb etadigani yosh oila bosqichiga to'g'ri keladi. Bu bosqichda er-xotinlarning oilaviy hayot haqidagi tasavvurlari shakllanadi, farzandlar dunyoga keladi, ularni tarbiyalash, voyaga yetkazish bilan bog'liq bo'lgan asosiy vazifalar amalga oshiriladi.

Yangi kelin-kuyovlarning ko'pchiligi bir-birlariga mos bo'lmasalarda, ammo ularning oilaviy hayotdan qoniqishi ko'p jihatdan moslashish xarakteriga bog'liq.

Ma'lumki, oilaviy munosabatlarning asosini ikki yoshning bir-biriga bo'lgan muhabbati tashkil qiladi. Mutaxassislarning fikricha, ayol va erkak o'rtasidagi sevgiga asoslangan munosabatlar quyidagi bosqichlarda kechadi:⁴

1. *Sevish va sevilishga bo'lgan xohish-istak.* Inson xuddi kimnidir sevib qolganga o'xshaydi, lekin bu holat haqiqiy sevgidan farq qiladi. Yoshlar bir-birlarini ideallashtirishga harakat qilishadi. "Orzuyimdagi yigit yoki qiz" degan o'y-fikrlarga boradilar. Bunda yoshlar bir-birlarining shaxsiga qiziqish bilan qaraydilar, o'zaro hayrat, e'tiborni jalb qilishga bo'lgan harakatlar paydo bo'ladi. Lekin bu haqiqiy sevgidan hissiyotlarning turg'un bo'lmasligi bilan farqlanadi, ya'ni, suyish, rashk, nafrat, keskin talablar, xudbinlik, o'zaro ittifoq va yana rashk va hokazo bilan kechadigan munosabatlarni kuzatishimiz mumkin.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 05.03.2021 йилдаги ПҚ-5020-сон.

² Каримова В. Оила психологияси. Тошкент, "Fan va texnologiya", 2008, 85 – 89-бетлар.

³ Шоумаров Ф. ва бошқалар. Оила психологияси. Тошкент, "Шарқ", 2010, 113-бет.

⁴ Шнейдер Д.Б. Семейная психология. Учебник для вузов, 2-е изд-е, М., "Деловая книга", 2020, 183 – 185 с.

2. *To'yinish holati.* Hissiyotlar ikkinchi o'ringa tushadi. Endi yoshlar bir-biriga teran nazar solishadi, bir-birining kamchiliklari ko'zga ko'rinib boshlaydi. Bu o'zaro munosabatlarda keskin burilish bosqichi hisoblanadi. Agar yoshlar chindan ham bir-birlari uchun kerak ekanliklarini his qilishsa, munosabatlar yana davom qilishi, aks holda, umuman, to'xtashi mumkin.

3. *Rad etish.* Bunda yoshlar go'yoki bir-birlarini qaytadan kashf qilishadi, kamchiliklar bo'rtib ko'rinadi, munosabatlar keskinlashadi. Yoshlar bir-biriga o'zlarining xarakterlarini namoyish qilib boshlaydilar, hech kim yon bosishni istamaydi. "Ko'zim qayerda edi?", "Bilmagan ekanman!" kabi e'tirozlar paydo bo'ladi. O'zlarini xuddi aldangandek his qilishadi, afsus-nadomat chekishadi. Ushbu bosqich xavfli bo'lib, munosabatlar uzil-kesil to'xtashi mumkin. Ko'pchilik bu sinovlarga bardosh bera olmaydi. Munosabatlarni davom qildirish uchun yoshlardan matonat, sabr-toqat, o'zaro chidam talab qilinadi.

4. *Tolerantlik yoki sabr xhlatining yuzaga kelishi.* Bu bosqichda endi yoshlar turmush o'rtog'ini qanday bo'lsa, shundayligicha qabul qilishga, kamchiliklariga ko'z yumishga harakat qiladi. Ko'pchilik holatlarda yoshlar bir-birlarini qayta tarbiyalashga, xarakteridagi nuqsonlarni tuzatishga harakat qilishadi. Bu esa doim ham muvaffaqiyatli bo'lmasligi mumkin.

5. *Qabul qilish jarayoni.* Bu davr o'zaro munosabatlarda keskin davr hisoblanadi. Endi er-xotinlar o'zlarini "ikki yarim – bir butun" ekanliklarini his qiladilar, bir-birlarini qadrlashni o'rganadilar, e'tiroz, norozilik bildirmaydilar. Endi ular bir-birlarini shunchaki borliklari uchun shukronalik hissi bilan yashaydilar. Agar munosabatlar ushbu bosqichga kelgan bo'lsa, turmush mustahkam, barqaror davom qiladi.

6. *O'zaro hurmat munosabatlarining shakllanishi.* Oilada er-xotin o'rtasida o'zaro qadr-qimmat, e'zoz munosabatlari paydo bo'ladi. Juftiga bo'lgan cheksiz hurmat, hayotida borligiga bo'lgan shukronalik, baxt hissi yuzaga keladi. Er-xotin har qanday holatda ham bir-birlarini tushunadilar, qo'llab-quvvatlaydilar.

7. *Sevgi bosqichi.* Er-xotin munosabatlarida mustahkam sevgi, o'zaro qadr-qimmat, cheksiz mehr qaror topadi. Bu er-xotin munosabatlarida tinch, osuda, bir maromda kechadigan davr. Endi er-xotin bir-birlarisiz hayotlarini tasavvur qila olmaydilar, sog'inch, g'amxo'rlik, bir-birlariga bo'lgan e'zoz, hurmat, qadrlash tuyg'ulari yetakchilik qiladi, birga ekanliklariga shukr qiladilar, hayotlari go'zal va mazmunli ekanliklarini his qiladilar.

Turmushdagi samimiy va oqilona munosabatlar, iliq ruhiy iqlim ta'siri natijasida oila a'zolarida kamtarlik, ko'ngilchanlik, iltifot, sabr, uyatchanlik, to'g'rilik, yaxshilik, yumshoqlik, dilkashlik, mehribonlik, talabchanlik, mehnatsevarlik, vijdonlilik, ma'suliyat, ozodalik, izzat-nafs, tejamkorlik kabi shaxs xislatlari tarkib topadi. Agarda oilalardagi turmush munosabatlari qo'pollilik, andishasizlik, negiziga qurilgan bo'lsa, u holda oila a'zolari ruhiy dunyosida manmanlik, mas'uliyatsizlik, dangasalik, xudbinlik illatlarini keltirib chiqaradi.

Ayol qudrati nazokat va mehr shafqatda ekanini yoshlarga singdirish zarur bo'lib qoldi. Bu borada yana sharqona, o'zbeklarga xos odob-axloqni joriy etish, latofat bosiqlik, mulohazalilik, andisha, o'zini tuta bilishlikni tarbiyalash, milliylikni singdirish zarur.¹ Er kishi erkaklarga xos ruhiy va jismoniy tetikligiga rioya qilish, o'ziga yuklangan ota-ona, ayoli, bolalari, vatan oldidagi burchidan yuz o'garmasligi, ko'cha-kuydami, jamoa orasidami – hamma yerda yigit kishiga xos o'zini tutishi, mard bo'lishi, yigit dagan nomga isnod keltirmasligi lozim.

Keyingi paytlarda ijtimoiy tarmoqlarda keng tarqalayotgan bir hodisaga e'tiborimizni qaratishni lozim topdik. Ya'ni, ko'cha-kuyda yigitning sevgan qiziga romantik ravishda sevgi izhor qilishi, uzuk taqib, turmushga chiqishni taklif qilish holatlari uchrab turibdi. Bu holat bizning sharqona, milliy urf-odatlarimizga zid va yoshlarning oilaviy hayot haqidagi tasavvurlarining sayoz ekanligini ko'rsatadi.² O'zbekona udumlarimizda kuyov ham, kelin bo'lmish ham to'ygacha qaynona-qaynotaning nazaridan yashirinishgan, hayo qilishgan. Ota-onaning roziligisiz, ularning oq fotahasini olmasdan o'zboshimchalik bilan turmush qurish to'g'risida qaror chiqarishmagan.

Oilaning mustahkam bo'lishida sovchilik institutining ijtimoiy ahamiyati yuqori bo'lganligini alohida ko'rsatishimiz mumkin. Sovchilik xalqimizning qadimiy an'analaridan hisoblanadi. O'zbek xonadonlarida o'g'il uylantirish niyatida bo'lganlar sovchilar xizmatiga murojaat qilishgan. Sovchilarning asosiy vazifasi bir-biriga munosib yoshlarning boshini qovushtirishdir. Elimiz sovchilik vazifasini obro'-e'tiborga ega, oqil, fozil, pir-u badavlatlik maqomiga erishgan insonlargagina ishonib topshirishgan. Sovchilardan, ikki yoshning boshini qovushtirishga kirishgan kishilardan o'ta ehtiyotkor, og'zidan chiqayotgan

¹ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар. Тошкент, "Нилol-nashr", 2018, 107-бе.

² Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар. "Шарк", Тошкент, 1999, 177-бе.

har bir soʻzni oʻylab qoʻllash, mahorat donolik va puxtalik talab etiladi. Zotan ikki yoshning taqdiri, kelgusidagi hayoti sovchilarning borgan joyida oʻzini tutishi, gap-soʻziga bogʻliq boʻladi. Yurtimizning har goʻshasida sovchilik bilan bogʻliq oʻziga xos urf-odatlar mavjud. Koʻpgina hududlarda sovchilik ishlarini, avval, ayollar bitirib, erkaklar unashtiruv marosimiga borishadi.

Oila, turmush va vijdon qonunlari asosida quriladi. Oʻzining koʻp asrlik mustahkam va maʼnaviy tayanchlariga ega oʻzbeklarning aksariyati oʻzining shaxsiy farovonligi toʻgʻrisida emas, balki oilasining qarindosh-urugʻlari va yaqin odamlarini, qoʻshnilarining omon-esonligi toʻgʻrisida gʻamxoʻrlik qilishni, birinchi oʻringa, qoʻyadi, ularning yuzini yerga qaratmaydi, or-nomusini oʻylaydi. Bu esa eng oliy darajada maʼnaviy qadriyat, inson qalbining gavharidir.

Raximov Azad (UrDU dotsenti, q.x.f.n.),

Abdullayeva Farida Erkinovna (UrDU katta oʻqituvchisi; faridahon; 2010@gmail.com),

Yaxshimuratov Nurbek Ulugʻbekovich (UrDU oʻqituvchisi)

“SABZAVOTCHILIK” FANI BOʻYICHA AMALIY MASHGʻULOTLAR OLIB BORISHDA INNOVATSION PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNI QOʻLLASH

Annotatsiya. *Maqsad – talabalarda oʻqitilayotgan “Sabzavotchilik” faniga nisbatan qiziqish uygʻotish, oziq-ovqat xavfsizligini taʼminlashda, inson salomatligini muhofaza qilishda sabzavotlarning oʻrni va ahamiyatini yetkazish, sabzavotlarining morfologiyasi, biologiyasi va ekologik sof mahsulot yetishtirishning zamonaviy texnologiyalari toʻgʻrisida toʻla tasavvurga ega boʻlishlari uchun imkon yaratib berish. Shu maqsadda “Bodring yetishtirish agrotexnologiyasi” mavzusini oʻqitishning zamonaviy pedagogik texnologiyalar asosida amaliy mashgʻulotlar materiallari ishlab chiqilgan.*

Аннотация. *Цель статьи – вызвать интерес учащихся к предмету «Овощеводство», научить их роли и значению овощей в обеспечении безопасности пищевых продуктов, здоровья человека, морфологии, биологии овощей и современных технологий выращивания экологически чистой продукции. С этой целью на основе современных педагогических технологий были разработаны материалы практических занятий по теме «Агротехнология выращивания огурцов».*

Annotation. *The aim of the graduation students are taught the “vegetable” wake-interest in the science, food safety, human health protection and to convey the importance of the role of vegetables, a generous vegetable morphology, biology and production of ecologically pure products of modern technology to create the opportunity to have a full intellectual to give to this end; a lecture textbook on the theme “Vegetable biology and technology of cultivation” was developed on the basis of modern pedagogical technologies.*

Kalit soʻzlar: *muammoli vaziyat yechimi, metodik ishlanmalar, xulosalash, konseptual jadval, keysvaziyat.*

Ключевые слова: *решение задач, методические разработки, резюме, концептуальная таблица, кейс-стади.*

Key words: *problem solving, methodical developments, summary, conceptual table, case-study.*

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tashabbusi bilan 2017–2021-yillarda Oʻzbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yoʻnalishlari boʻyicha Harakatlar strategiyasining 3-yoʻnalish 3-punktida qishloq xoʻjaligini modernizatsiya qilish va jadal rivojlantirishga qaratilgan mutaxassis pedagoglarga oliy taʼlim muassasalarda tahsil olayotgan magistr va talaba yoshlarga eng ilgʻor, zamonaviy fan va ishlab chiqarish agrotexnologiyalariga asoslangan holda taʼlim-tarbiya berish, bilimlarini yanada yuksaltirish, zamon bilan hamnafas yetuk, raqobatbardosh, yuqori intellektual salohiyatga ega mutaxassis kadrlarni tarbiyalash koʻzda tutilgan.¹

Sabzavotchilik fani ixtisoslik fanlari qatorida qishloq xoʻjaligi ishlab chiqarish tizimining ajralmas qismidir. Bu esa fanni oʻqitishda turli innovatsiyalarni bilmoq kerakligini anglatadi. Shuningdek, yangi ilgʻor pedagogik texnologiyalar – “aqliy hujum”, “bahs-munozara”, “insert”, “sinkveyn”, “keys stadi” va boshqa usullardan keng foydalanish mazkur fanni oʻqitish jarayonida taʼlimning zamonaviy metodlari, pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari qoʻllanilishi nazarda tutilgan.²

¹ Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi “Oʻzbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish boʻyicha Harakatlar strategiyasi toʻgʻrisida”gi PF-4947-sonli farmoni.


² Avlayev O. Taʼlim texnologiyalari. Toshkent, 2016; Tajiyev M., Alimov A.Y. Pedagogik texnologiya. taʼlim jarayoniga tatbigʻi. ”Tafakkur”, Toshkent, 2010.

Ushbu maqolada Sabzavotchilik fanidan “Bodring navlari va yetishtirish texnologiyasi” mavzusi bo‘yicha amaliy mashg‘ulotlar o‘tishning zamonaviy pedagogik uslublari tahlil qilindi.

Mavzu bo‘yicha metodik ishlanmalar

Ishdan maqsad: talabalarni O‘zbekistonda tumanlashtirilgan oddiy bodring navlarini morfologik belgilari hamda bu navlarni birini ikkinchisidan farq qiladigan asosiy belgilari bilan yaqindan tanishtirishdir.

Masalaning qo‘yilishi. Bodring navlari hayotining birinchi yili yetilish muddatlariga ko‘ra ertapi-shar ko‘chati o‘tkazilganidan (35–40 kundan so‘ng), o‘rtapishar (50–55 kun) va kechpishar (60–70 kun) larga bo‘linadi.¹ Nav belgilari. Oddiy bodring navlari vegetativ organlari o‘zlarining tuzilishi jihatidan biri ikkinchisidan farq qiladi. Shuning uchun ularni o‘rgatishda nav belgilari kompleksidan foydalanish shart.



Pervenets “Uzbekistana–265”



“Marg‘ilon – 822”



“Magistr”



“Gulnoz”



“Talaba”



“O‘zbekiston–740”

Topshiriq. Bodringdan yuqori hosil olishda qanday omillarning ta’siri bor? (Keys-vaziyat).

Xorazm viloyati Urganch tumanidagi “Guliston” fermerlar uyushmasidagi “Ollom bobo” fermer xo‘jaligi rahbari Husanboy Ollomov tomorqasiga bodringning “Marg‘ilon–822” navini aprel oyi oxirida ekan edi. U bodringni o‘tib rivojlanishi uchun barcha sharoitlarni qildi. Tuproqqa chirigan go‘ng, am-mofos ham soldi. Ko‘chatlar o‘tib rivojlanishi uchun sug‘ordi va oziqlantirdi.

Ammo 40 kun o‘tgandan keyin qarab ko‘rsa, bodring hosil elementlaridan darak yo‘q. Ko‘chatlar sog‘lom o‘smoqda, ammo bodring gullashi juda kam. Husanboy juda hayron bo‘ldi va mehnatiga achinib, qo‘shnisi tajribali dehqon Sapparboy akaga murojaat qilib, nima sababdan bunday hol yuz berganini aniqlashga tushdi.

Topshiriq:

1. Sizning fikringizcha, Husanboy qanday xatoliklarga yo‘l qo‘ydi?
2. Nima deb o‘ylaysiz, qo‘shnisi Sapparboy aka qanday maslahat berdi?
3. Bodringdan yuqori hosil olish uchun nima qilish kerak?
4. Yo‘l qo‘yilgan kamchiliklarni bartaraf etish yuzasidan tavsiyalar ishlab chiqing.

Muammoli vaziyatni tahlil qilish va hal etish bo‘yicha ta’lim oluvchilarga uslubiy ko‘rsatmalar

Ish bosqichlari	Maslahatlar va tavsiyanomalar
1. Keys va uning axborot ta’minoti bilan tanishish	Avvalo, keys bilan tanishing. Bodring o‘simligini hosili kamligi omillari va ularning sabablari haqidagi axborotni diqqat bilan o‘qib chiqish lozim. O‘qish paytida vaziyatni tahlil qilishga shoshilmang.
2. Berilgan vaziyat bilan tanishish	Ma’lumotlarni yana bir marotaba diqqat bilan o‘qib chiqing. Siz uchun muhim bo‘lgan satrlarni belgilang. Bir abzasdan ikkinchi abzasga o‘tishdan oldin, uni ikki uch marotaba o‘qib mazmuniga kirib boramiz.

¹ Zuyev V., Abdullayev A. Bodring va oshqovoqlar. Sabzavot ekinlari va ularni yetishtirish texnologiyasi. T., 1997.

	Keysdagi muhim fikrlarni qalam yordamida ostini chizib qo'ying. Vaziyat tavsifida berilgan asosiy tushuncha va iboralarga diqqatingizni jalb qiling. Ushbu vaziyatda qanday ishlarni amalga oshirish kerakligini aniqlang.
3. Muammoli vaziyatni tahlil qilish	Asosiy va kichik muammolarga diqqatingizni jalb qiling. Asosiy muammo: Nima uchun bodring hosil qilmadi?
4. Muammoli vaziyatni yechish metod va vositalarini tanlash hamda asoslash	Ushbu muammoning oldini olish harakatlarini izlab topish maqsadida quyida taqdim etilgan "Muammoli vaziyat" jadvalini to'ldirishga kirishing. Muammoni yechish uchun barcha vaziyatlarni ko'rib chiqing, muqobil vaziyatni yarating. Muammoning yechimini aniq variantlardan tanlab oling, muammoning aniq yechimini toping. Jadvalni to'ldiring. Keys bilan ishlash natijalarini yozma shaklda ilova qiling.

Keysologning javob varianti

Muammo: Nima uchun bodring yuqori hosil qilmadi?

Ertagi bodringdan yaxshi hosil olish uchun nima qilish kerak?

"Muammoli vaziyat" tahlili natijalari va tavsiyalar

Muammoli vaziyat turi	Muammoli vaziyatning kelib chiqish sabablari	Vaziyatdan chiqib ketish harakatlari
Nima uchun bodring hosil qilmadi?	Ertagi bodringni o'z muddatida ekmaslik.	Ekinni tez-tez sug'orish.
Ertagi bodringdan yaxshi hosil olish uchun nima qilish kerak?	Mart oyi oxiri aprel boshida ekish kerak. Ekishdan oldin chirigan go'ng va boshqa qo'shimcha ozuqalar bermaslik. Begona o'tlar, kasallik va zararkunandalarga qarshi kurashni vaqtida o'tkazmaslik.	Go'ng sharbati berib, o'sishni boshqaruvchi moddalar bilan qo'shimcha oziqlantiriladi. O'suv davrida kasallik va zararkunandalarga qarshi kurashiladi.

Xulosa qilib aytganda, an'anaviy ta'limda o'quv maqsadlari pedagog faoliyati orqali ifodalangan ya'ni bilim berishga yo'naltirilgan bo'lsa, modulli o'qitishda ta'lim oluvchilar faoliyati orqali ifodalanib, kasbiy faoliyatga yo'naltirilgan bo'ladi. Hozirgi kunda ta'lim jarayonida qo'llab ko'rib yaxshi samara berayotgan ilg'or ta'lim tajribalaridan biri bu modulli o'qitish tizimidir. Bizning amaliyotda yuqoridagi ta'kidlangan uslublar bo'yicha mashg'ulotlar o'tish talabalarida mavzular turkumida to'liq bilim va ko'nikmalarning shakllanishida kutilgan natijalarni bermoqda.

Modulli metodika asosida o'qitishda faoliyatlik, qiziqtirish, modullilik, muammolilik tamoyillariga muvofiq ishlab chiqilishi lozim, bunda:

- talabalarga mutaxassislik fanlaridan ta'lim berish jarayonida zamonaviy pedagogik texnologiyalarini samarali qo'llash;
- nazorat topshiriqlarini va amaliy masalalarni tuzishda darajali testlar, keys-stadi va grafik organayzerlarni qo'llash;
- o'quv-uslubiy ko'rsatmalar, tarqatma materiallar, ko'rgazmali qurollar tayyorlash va darslarni o'tishda tizimli yondashuv usullaridan foydalanish;
- amaliy mashg'ulotlarda talabalarning ko'nikma va kasbiy malakalarini oshirishga qaratilgan pedagogik texnologiyalarni joriy etish bilan belgilangan maqsadga erishish imkoniyati tug'iladi va innovatsion pedagogik uslublarni qo'llab mashg'ulot o'tish sifat samaradorligini oshiradi.

Sarsenbaeva Zoya Jangabay qizi (PhD student, Department of Pedagogy

Nukus state pedagogical institute named after Ajiniyaz; zoe.sarsenbaeva@list.ru)

A MODEL OF IMPROVING STUDENT'S LINGUOCULTURAL COMPETENCE

Annotatsiya. Maqolada talabalarning lingvomadaniy kompetensiyasini rivojlantirish masalalari ko'rib chiqiladi hamda lingvomadaniy kompetensiyani shakllantirishning taklif qilingan modeli tavsiflanadi. Shuningdek, maqolada modelning asosiy nazariy va uslubiy yondashuvlari, tamoyillari aniqlangan va tahlil qilingan. Maqolada tavsifiy tahlil usuli qo'llaniladi. Bundan tashqari, oliy ta'lim muassasalari talabalarning lingvomadaniy kompetensiyasini rivojlantirish modelining asosiy qismlari belgilab berilgan.

Аннотация. В статье речь идет о развитии лингвокультурной компетенции студентов, а также описывается предлагаемая модель формирования лингвокультурной компетенции. Также в статье выявлены и проанализированы основные теоретико-методологические подходы, принципы построения модели. В статье используется описательный метод анализа. Кроме того, определены основные части модели развития лингвокультурной компетенции студентов вуза.

Annotation. The article deals with enhancing students' linguocultural competence and describes suggested model of forming linguocultural competence. Also, in the paper, the main theoretical and methodological approaches, principles of the model have been identified and analyzed. In the article, descriptive method analysis is used. Furthermore, main parts of the model of developing students' linguocultural competence at higher educational institutions have been determined.

Kalit so'zlar: lingvotadaniy kompetensiya, xorijiy tillar, model, oliy ta'lim, talabalar.

Ключевые слова: лингвокультурная компетенция, иностранные языки, модель, высшее образование, студенты.

Key words: linguocultural competence, foreign languages, model, higher education, students.

Introduction. Currently, acquiring several foreign languages in the field of education and especially in the researching process is becoming vitally important as it can lead to the development of the quality of educational processes in the country. Moreover, Decree of the President of the Republic of Uzbekistan On the development strategy of new Uzbekistan for 2022 – 2026, within the framework of the tasks set in the Development Strategy to improve the quality of education.

There are several necessary competencies one of them is linguocultural competence that is required for future specialists in the field of foreign languages and cultures. After studying the state of the problem we assume that linguistic and cultural competence could not formed independently and requires efforts to improve it. Thus, we set the task of developing a special model that ensures the improvement of this competence among university students in the educational process. The model is a structurally functional formation that reproduces the object of research and learning, a mentally organized or materially implemented system that can replace it in such a way that its study gives us new information about this object [2]. The determining mechanism in solving the problem of constructing a projected model for the formation of linguocultural competence of university students in the process of professional training is the choice of theoretical and methodological approaches, each of which represents a fundamental orientation of the study of an object [1].

Literature review. As a theoretical and methodological basis for improving a model for the formation of linguocultural competence of university students, we have chosen systemic and *cultural-pragmatic approaches*. Their complementary development can help us to carry out a comprehensive study of the process of interest to us, as well as to build an effectively functioning model of professional training as a process of learning a foreign language and culture.

Considering the problem of the formation of linguocultural competence of university students, the main provisions of the system approach might be as in the following way: linguocultural competence of students is considered as a systemic integrative quality reflecting the readiness and ability for mutual understanding and interaction with representatives of another linguocultural society on the basis of mastering knowledge about a different linguoculture and socio-normative communicative experience in order to implement them in various areas of professional activity; the formation of linguocultural competence of students at higher education as a pedagogical system includes structural and functional components.

Research methodology.

Linguocultural competence	
The systematic approach	The cultural-pragmatic approach
linguocultural competence of university students is considered as a systemic integrative quality	formation of linguocultural competence of university students as a pedagogical system
<i>The development of this model is based on the goal – the formation of linguocultural competence of students, the achievability of which can be ensured provided that the educational process is regulated by the relevant principles:</i>	
general didactic	specific (methodological)
structural – functional:	

structural	functional
Motivational–targeted: <i>motivational component</i> <i>target component</i> Content–procedural: <i>personality-forming; communicative-cognitive;</i> <i>axiological.</i> Procedural component: <i>forms and methods</i> Evaluatively effective: <i>cognitive, operational, functional criteria</i> Effective component: <i>achieved progress in accordance with the goal.</i>	purposeful diagnostic and prognostic motivating personality–forming communicative–cognitive axiological diagnostic-corrective stabilization reflexively stimulating

The systematic approach will allow us to study the process of formation of the linguocultural competence of students with a certain degree of abstraction due to its universality and generality, however, at the same time it does not provide an opportunity to study specific aspects of the problem, especially, the essential characteristics of the linguocultural interaction of the subjects of the educational process under study in the content and methodology.

♦**Malakali ishchilarni tanlash.** Bilim darajasi va korrupsiya o'rtasida yaqin bog'liqlik mavjud. Malakaliroq ishchilarning pora olish ehtimoli kamroq. Bunday sharoitda xodimlarni o'z bilimlari asosida yollashga yondashuv korrupsiyaga qarshi kurashda samarali vosita bo'lishi mumkin. Shuning uchun davlat xizmatiga kirishga da'vogarlariga nisbatan yagona talablarni ishlab chiqish va ochiq tanlov imtihonlari tizimini joriy etish zarur. Masalan, Janubiy Koreyada hukumat vaqti-vaqti bilan davlat xizmatchilarini tekshiradi. Davlat xizmatchisining 5-darajasini olish uchun imtihon uch bosqichdan iborat. Birinchi qadam nomzodlarning umumiy bilimlarini sinab ko'rishdir. Imtihonning ushbu bosqichining predmetlari huquq, tarix, chet tili va boshqalar. Ikkinchi bosqich nomzodlarning kasbiy bilimlarini sinab ko'rishdir. Har bir professional guruh turli predmetlarni bilishni talab qiladi, ammo iqtisodiyot va huquq umumiy fanlardir. Uchinchi bosqichda nomzodning shaxsiy xususiyatlarini tekshirish uchun suhbat o'tkaziladi.

♦**Xodimlarning motivatsiyasi (ish haqi).** Nafaqat iqtisodiy nazariya, balki amaliyot shuni ko'rsatadiki, ish haqi darajasi korrupsiya sxemalarida ishtirok etishning afzalliklari bilan taqqoslanadigan, qo'lga tushish xavfini hisobga olmaganda, korrupsiyaning oldini oluvchi asosiy omil hisoblanadi. Shuni hi-

¹ Бурханов А. Коррупция даражаси – мамлакат тараққиёти ва демократиясининг кўрсаткичи ҳисобланади.// <https://www.gazeta.uz/uz/2020/09/05/akmal-burkhanov/>

sobga olgan holda, davlat xizmatchilariga xususiy sektor bilan raqobatdosh ish haqi taklif qilinishi kerak. Shuningdek, davlat xizmatchilarining ish faoliyatini baholash tizimi va yuqori lavozimdagi ishchilarga ularning faoliyati samaradorligiga qarab maosh to'lash tizimini joriy etish zarur.

♦**Jazo (obro', jarimalar).** Korrupsiya sxemalarida ishtirok etish xarajatlarining kamligi sababli, korrupsiya faolligi o'smoqda. Korrupsiya uchun javobgarlikni kuchaytirishga qaratilgan chora-tadbirlar korrupsiyani yengishda alohida rol o'ynashi mumkin, chunki ko'p hollarda xodim uchun korrupsiya xarajatlari uning asoratlaridan kattaroqdir.

♦**Monitoring (audit va aniqlash imkoniyati).** Ko'pgina davlatlar "pora berish" orqali korrupsiyaga qarshi kurashda audit rolini kuchaytirish zarurligini tan olishadi. Buxgalterlar va auditorlarning global korrupsiyaga qarshi strategiyaga qo'shadigan hissasini muhokama qilish uchun Xalqaro buxgalterlar federatsiyasi "Buxgalteriya ishi va korrupsiyaga qarshi kurashish" ma'ruzasini e'lon qildi.

♦**Texnologiyalar (elektron hukumat, jamoat nazorati).** "Elektron hukumat"ning to'laqonli ishlashi davlat xaridlarining aksariyat qismini va aholi, biznes va davlat o'rtasidagi munosabatlarning butun tizimini shaffof qilish imkonini beradi va bu tarmoqning hajmini sezilarli darajada kamaytiradi. Ikkinchisi biznesni rivojlantirishga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Masalan, Singapurda ko'plab zarur xizmatlarni, masalan, pasport va tug'ilganlik haqidagi guvohnomani uyda zarur shakllarni to'ldirib, tegishli organlarga elektron pochta orqali yuborish orqali olishingiz mumkin. Hukumat bunday xizmatlarni internet orqali taqdim etishi odatiy tarz sifatida qabul qilinadi. Shuni ta'kidlash kerakki, agar fuqaro ushbu xizmatlarni olish uchun muassasaga shaxsan tashrif buyursa, u holda ushbu muassasaga alohida ehtiyojsiz kelganlik uchun unga jarima solinadi.¹

O'zbekistonda korrupsiyaga qarshi kurash masalasi strategik va taktik ahamiyatga egadir. Korrupsiyaga qarshi kurashish strategiyasi deb mamlakatimizda mavjud bo'lgan moddiy va ma'naviy resurslardan samarali foydalanish orqali korrupsiyani batamom yo'q qilish uchun uzoq muddatga mo'ljallangan vazifalarni belgilab olish va uni bajarishga qaratilgan tadbirlarni ilmiy-amaliy jihatdan tashkil qilish san'atiga aytiladi.² Bular jumlasiga quyidagilar kiradi:

- «aholining huquqiy ongi va huquqiy madaniyatini yuksaltirish, jamiyatda korrupsiyaga nisbatan murosasiz munosabatni shakllantirish;

- davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarida korrupsiyaning oldini olishga doir chora-tadbirlarni amalga oshirish;

- korrupsiyaga oid huquqbuzarliklarni o'z vaqtida aniqlash, ularga chek qo'yish, ularning oqibatlarini, ularga imkon beruvchi sabablar va shart-sharoitlarni bartaraf etish, korrupsiyaga oid huquqbuzarliklarni sodir etganlik uchun javobgarlikning muqarrarligi prinsipini ta'minlash» belgilangan.³

Bu strategik ahamiyatga ega bo'lgan ustuvor yo'nalishlar dunyo davlatlarida jamiyat rivojiga g'ov bo'layotgan korrupsiya xavfiga qarshi kurashishni ta'minlashga qaratilgan bir qator xalqaro-huquqiy hujjatlar:

- Amerika davlatlari tashkiloti tomonidan 1996-yil 29-mart kuni qabul qilingan "Korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha Amerika konvensiyasi";

- Yevropa Ittifoqi Kengashi tomonidan 1997-yil 21-noyabrda Yevropa hamjamiyatining mansabdor shaxslariga yoki Yevroittifoqiga a'zo davlatlarning mansabdor shaxslariga daxl qilgan korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha Konvensiyasi;

- Iqtisodiy Hamkorlik va rivojlanish tashkiloti tomonidan 1997-yil 21-noyabrda qabul qilingan Xalqaro tijorat amaliyotlarida xorijiy mansabdor shaxslarga pora berishga qarshi kurashish bo'yicha Konvensiyasi;

- Yevropa Kengashi Vazirlar qo'mitasi tomonidan 1999-yil 27-yanvarda qabul qilingan "Korrupsiya uchun jinoiy javobgarlik to'g'risida"gi Konvensiyasi;

- Yevropa Kengashi Vazirlar qo'mitasi tomonidan 1999-yil 4-noyabrda qabul qilingan "Korrupsiya uchun fuqarolik-huquqiy javobgarligi to'g'risida"gi Konvensiyasi;

¹ Хамидов Б. Ўзбекистондаги коррупция хавфи бўлган соҳалар. "Экономическое обозрение", №4 (244), 2020, <https://review.uz/oz/post/ozbekistonda-korrupsiya-dinamikasi>

² Хидиров Х. Глобал коррупция ижтимоий-маданий инқироз оқибати. Фалсафа. Дарслик, СамДУ, 2021, 500-бет.

³ Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида» қонуни. 2017 йил 3 январь, ЎРҚ, 419-сон, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019, 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019, 03/19/542/3177-сон, 2019, 2-сон, 47-модда.

●2003-yil 12-iyuldagi Afrika Ittifoqining “Korrupsiyaning oldini olish va unga qarshi kurashish to‘g‘risida”gi Konvensiyasi;

●BMTning “Transmilliy uyushgan jinoyatchilikka hamda korrupsiyaga qarshi kurash” Konvensiyasi;

●MDH doirasida esa unga a’zo davlatlar tomonidan 2003-yil 15-noyabrda qarorga muvofiq, “Korrupsiyaga qarshi siyosatning qonunchilik asoslari to‘g‘risida”gi qonun qabul qilinganligi ham korrupsiyani jamiyat rivojlanishiga qarshi qaratilgan illat sifatida uning qanchalik xatarli ekanligini ko‘rsatadi.

●davlat mansabdor shaxslarining xalqaro axloqiy kodeksi (Nyu-York, 1996-yil 12-dekabr);

●korrupsiya bo‘yicha jinoiy javobgarlik konvensiyasi (Strasburg, 1999-yil 27-yanvar);

●korrupsiya bo‘yicha fuqaroviy-huquqiy javobgarlik konvensiyasi (Strasburg, 1999-il 4-noyabr) va mazkur Konvensiyaga qo‘shimcha protokol (Strasburg, 2003-yil 15-may);

● Birlashgan Millatlar Tashkilotining Korrupsiyaga qarshi konvensiyasi (2003-yil 31-oktabr) va boshqalar qabul qilingan qarorlariga mos ravishda ishlab chiqilgan.

Shu bilan bir qatorda, Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 2003-yil 21-noyabrda rezolutsiyasiga muvofiq, 2004-yildan boshlab, “9-dekabr – Butunjahon korrupsiyaga qarshi kurashish kuni” sifatida nishonlanmoqda. Ushbu kunda BMTning “Korrupsiyaga qarshi konvensiya”ni tan olgan, a’zosi hisoblangan davlatlarda turli tadbirlar va aksiyalar uyushtiriladi, plakat va varaqalar chop etiladi, shuningdek, ommaviy axborot vositalarida korrupsiyaga qarshi kurashish masalasidagi axborotlar faollashadi.

O‘zbekistonning 2008-yili BMTning Korrupsiyaga qarshi konvensiyasiga, 2010-yili Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti doirasida qabul qilingan korrupsiyaga qarshi kurash bo‘yicha Istanbul harakat rejasiga qo‘shilishi – korrupsiyaga qarshi kurashning huquqiy asoslarini yaratishda muhim qadam bo‘ldi.

Shu tariqa, xalqaro-huquqiy hujjatlar va milliy qonunchilik asosida, mamlakatimizda korrupsiyaga qarshi kurashish sohasida tashkiliy-huquqiy mexanizmlar yaratildi.

3. O‘zbekistonda korrupsiyaga qarshi kurashish taktikasi. O‘zbekistonda korrupsiyaga qarshi kurashish taktikasi deb korrupsiyaga qarshi kurashish strategiyasini amalga oshirishga qaratilgan aniq vositalar turkumidan iborat bo‘lgan chora-tadbirlar tizimiga aytiladi.¹

O‘zbekistonda korrupsiyaga qarshi kurashish strategiyasi va taktikasi o‘rtasidagi farq faoliyat ko‘lami va faoliyat ko‘rsatadigan vaqt oralig‘ida namoyon bo‘ladi. Bunda noto‘g‘ri tanlangan taktika – bu yo‘qolgan kun, notug‘ri tanlangan strategiya esa bu yo‘qolgan yil demakdir.

Mamlakatimizda korrupsiyaga qarshi kurashish strategiyasi korrupsiyaga qarshi harakat usuli sifatida, asosiy maqsadga bevosita erishish uchun mavjud resurslar yetarli bo‘lmagan sharoitda zarur bo‘lib qolishi bilan xarakterlanadi. Bunda korrupsiyaga qarshi kurashish strategiyasining maqsadi – korrupsiyani o‘q tomiri bilan yo‘q qilishga erishish uchun mavjud resurslardan samarali foydalanish hisoblanadi. Taktikalar esa strategiyani amalga oshirish vositasi bo‘lib, u strategiyaning asosiy maqsadiga bo‘ysunadi. Strategiya asosiy maqsadga oraliq taktik vazifalarni hal qilish orqali erishadi.

O‘zbekistonda korrupsiyaga qarshi kurashish taktikasining asosiy prinsiplarini «Korrupsiyaga qarshi kurash to‘g‘risida»gi qonunning 4-moddasi «Korrupsiyaga qarshi kurashishning asosiy prinsiplari»: qonuniylik; fuqarolar huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarining ustuvorligi; ochiqlik va shaffoflik; tizimlilik; davlat va fuqarolik jamiyatining hamkorligi; korrupsiyaning oldini olishga doir chora-tadbirlar ustuvorligi javobgarlikning muqarrarligi tashkil qiladi.²

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkin, Sh.M.Mirziyoyev ta’kidlaganidek: «...afsuski, jamiyatimizda korrupsiya illati turli ko‘rinishlari bilan taraqqiyotimizga g‘ov bo‘lmoqda. Bu yovuz baloning oldi olinmasa, haqiqiy ishbilarmonlik va investitsiya muhitini yaratib bo‘lmaydi, umuman, jamiyatning birorta tarmog‘i rivojlanmaydi». Shuning uchun «Korrupsiyaga qarshi kurashishda aholining barcha qatlamlari, eng yaxshi mutaxassislari jalb qilinmas ekan, jamiyatimizning barcha a’zolari, ta’bir joiz bo‘lsa, «halollik

¹Хидиров Х. Глобал коррупция и жтимоий-маданий инкйроз оқибати. Фалсафа. Дарслик, СамДУ, 2021, 504-бет.

²Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида» қонуни. 2017 йил 3 январь, ЎРК, 419-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019, 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019, 03/19/542/3177-сон, 2019, 2-сон, 47-модда.

vaksinasi» bilan emlanmas ekan, o‘z oldimizga qo‘ygan yuksak marralarga erisha olmaymiz. Biz korrupsiyaning oqibatlarini bilan kurashishdan uning barvaqt oldini olishga o‘tishimiz kerak”¹ bo‘ladi.

O‘zbekistonda korrupsiyaga qarshi kurashni strategik va taktik jihatdan tashkil qilishning nazariy-metodologik asoslarini mustaqillik falsafasi tashkil qiladi. Mustaqillik falsafasini chuqur anglamagan har qanday shaxs, ayniqsa, mansabdor o‘zining vijdonini kimgadir “pora” evaziga pullashga moyil bo‘ladi. Bunday illatni yo‘qotishning eng optimal usullaridan birini aholining barcha qatlamlarini ilmiy dialektika qonunlariga tayanib fikr yuritadigan mustaqillik falsafasi bilan qurollantirish davr talabi hisoblanadi.

Ashirova Anorgul Ismoilovna (Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU Urganch filiali dotsenti; anorgul76@gmail.com), Babadjanov Zokir Kadamovich (UrDU kompyuter lingvistikasi mutaxassisligi 1-kurs magistranti; zokir44maktab@umail.ru), Xusainov Shaxrat Madaminovich (UrDU kompyuter lingvistikasi mutaxassisligi 1-kurs magistranti; shutah@mail.ru)

MURAKKAB SO‘ROVLARGA JAVOB TOPISH MODELLARI VA USULLARI

Annotatsiya. Ushbu maqolada murakkab savollarga javob topishda matn abzasining lingvistik tuzilishini ifodalash, abzasning har bir jumlasini uchun tahlil daraxtlari, shuningdek, abzasni ifodalash uchun ishlatiladigan umumlashtirilgan tahlil modeli va usullari haqidagi materiallar berilgan.

Аннотация. В данной статье приведены материалы по выражению языковой структуры абзаца текста, анализа для каждого предложения абзаца, а также обобщенная модель анализа и методы, используемые для выражения абзаца при поиске ответов на сложные вопросы.

Annotation. This article provides materials on expressing the linguistic structure of a paragraph of text, analysis trees for each sentence of a paragraph, as well as a generalized analysis model and methods used to express a paragraph in finding answers to complex questions.

Kalit so‘zlar: graf, tahlil, murakkab so‘rov, model, usul, agent.

Ключевые слова: графа, анализ, сложный запрос, модель, метод, агент.

Key words: graph, analysis, complex query, model, method, agent.

Kirish. Zamonaviy qidiruv tizimlari ko‘p jumlati so‘rovlarni yetarlicha yaxshi bajarmaydi. Ular yo juda o‘xshash hujjatlarni (agar mavjud bo‘lsa), yoki kutilgan natijadan juda farq qiladigan hujjatlarni topadilar, bu esa qidiruv natijalarini foydalanuvchi uchun unchalik foydali bo‘lmaydi. Buning sababi shundaki, bir nechta jumladan iborat so‘rovlar uchun natijalar bo‘yicha foydalanuvchi “kliklari” ma’lumotlari asosida reyting tuzish juda qiyin, chunki bunday so‘rovlar soni deyarli cheksizdir. Shuning uchun savol va javob o‘rtasidagi tarkibiy o‘xshashlikdan foydalanib, potensial javoblarni qayta tartiblaydigan lingvistik uslub kerak.

Bizning tadqiqotimizda biz matnli abzasning tasvirini taklif qilamiz, bu bizga eslatib o‘tilgan strukturaviy farqlarni kuzatish imkonini beradi, bunda nafaqat tahlil daraxtlaridagi ma’lumotlardan, balki abzasni lingvistik tuzilma sifatida tavsiflovchi diskursiv ma’lumotlardan ham foydalanadi. Tadqiqot o‘zbek tilidagi matnlarni qayta ishlashga qaratilgan. Matn abzaslaridan so‘rovlar sifatida foydalanish, masalan, qidiruvga asoslangan tavsiya tizimlarida qo‘llaniladi.²

Tavsiyachilar chatlar, bloklar va forumlardagi foydalanuvchi faolligini, savdogar saytlaridagi foydalanuvchi sharhlarini kuzatib boradi va xarid qilish qaroriga tegishli veb-hujjatlar va ularning parchalarini taklif qiladi.³ Tavsiyani shakllantirish uchun agentlar matnning bir qismini olishlari, qidiruv tizimi uchun so‘rovni tuzishlari, uni Yahoo 51 yoki Bing kabi qidiruv tizimining APIga nisbatan ishlatishlari va sotib olish qaroriga aloqador bo‘lmagan qidiruv natijalarini filtrlashlari kerak. Oxirgi qadam agentning oqilona ishlashi uchun juda muhim, chunki past ahamiyatlilik tavsiya mexanizmiga ishonchni yo‘qotishiga olib keladi. Shuning uchun ikkita matn bo‘lagi o‘rtasidagi aniq o‘xshashlik ballini topish tavsiya qiluvchi agentlardan muvaffaqiyatli foydalanish uchun juda muhimdir. Tahlil daraxtlari gaplarning sintaktik tuzilishini ifodalashning standart shaklidir.⁴

¹Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Унинг ўзи. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон», НМИУ, 2020, 42-бет.

² Thorsten H., Marchand A., Marx P. Can Automated Group Recommender Systems Help Consumers Make Better Choices Journal of Marketing. 2012, Vol. 76 (5), p. 89 – 109.

³ Montaner M., Lopez B., de la Rosa J.L. A Taxonomy of Recommender Agents on the Internet. Artificial Intelligence Review. 2003, Vol. 19 (4), p. 285 – 330.

⁴ Punyakanok V., Roth D., Yih W. The Necessity of Syntactic Parsing for Semantic Role Labeling. IJCAI-05, 2005.

Bizning tadqiqotimizda matn abzasining lingvistik tuzilishini ifodalash uchun abzasning har bir jumlasini uchun tahlil daraxtlari, shuningdek, abzasni ifodalash uchun ishlatiladigan umumlashtirilgan tahlil modeli (Parse Thicket) quriladi.

Umumlashtirilgan matnli abzas modeli. Ayrim tadqiqotlarda matnli abzasning strukturaviy tasvirini qurishning nazariy imkoniyati qayd etilgan va yo‘naltirilgan graf daraxtlari, shuningdek (ixtiyoriy), sintaktik bo‘lmagan bog‘lanishlarga mos keladigan yo‘llar. Bizning tadqiqotimizda ushbu model amaliyotga tatbiq etilgan, shuningdek, unga matn abzaslarini umumlashtiruvchi operatsiya va sintaktik bo‘lmagan (diskursiv) bog‘lanishlarning o‘ziga xos turlarini qo‘shish orqali o‘zgartirilgan va kengaytirilgan. Ushbu modifikatsiyadagi model matnlarni qidirish, tasniflash, klasterlash muammolarida foydalanish imkonini beradi.

1-ta’rif. Matn abzasining P “tahlil tuguni”ga asoslangan umumlashtirilgan modeli bu (G, Π) juftlik bo‘lib, bunda G cho‘qqilari va 52 qirrasini (“tahlil tuguni”) va Π belgilari bo‘lgan yo‘naltirilgan grafdan iborat to‘plamdir. Cho‘qqi va yo‘llar belgilariga ega bo‘lgan ixtiyoriy cheklangan graflar to‘plamida aniqlangan tizimli umumlashtirish operatsiyasi. Keling, birinchi navbatda, tahlil qilish uchun umumlashtirish operatsiyasini aniqlaylik va ushbu operatsiyani qo‘llash matnlarning o‘xshashligini hisoblash va qidiruvning dolzarbligini oshirish muammosini qanday hal qilishga imkon berishini ko‘rsatamiz. O‘xshashlikni baholash uchun umumlashtirishdan foydalanish mashinali o‘qitishga tizimli yondoshuvni davom ettiradi.¹

Ushbu maqolada qo‘llanilgan g‘oya “eng kam umumlashtirish” konsepsiyasini (masalan, mantiqiy formulalarni birlashtirishga qarshi matn abzaslarining tasvirlashda tizimli tasviri yo‘nalishi bo‘yicha kengaytirish va keyin ushbu operatsiyani hisoblash uchun bir nechta jummalardan iborat savollar va mumkin bo‘lgan javoblar o‘rtasidagi o‘xshashlikni ishlatishdir.² Matnning abzaslari ko‘rib chiqilayotganda umumlashtirish jummalarni umumlashtirish operatsiyasiga asoslanadi.³ Jumlar uchun operatsiya natijasi mos keladigan tahlil tugunlari uchun maksimal (ichma-ich qo‘yish orqali) umumiy qism daraxtlar to‘plamidir. Shunga ko‘ra, eng tabiiy tarzda, abzaslar uchun tizimli umumlashtirish operatsiyasini quyidagicha aniqlash mumkin.

2-ta’rif. $P1$ va $P2$ matn abzaslarini yo‘naltirilgan graflar va $G1$ va $G2$ tahlil qilish chuqurliklari sifatida ko‘rsatamiz. Keyin ushbu abzaslarni umumlashtirish operatsiyasi $P1 \cap P2$ sifatida aniqlanadi $\{Hi\} - G1$ va $G2$ dan graflarning barcha maksimal (cho‘qqilari va yo‘llari xususiyatlarga nisbatan) umumiy subgraflari to‘plami.

Bu operatsiya assosiativ va kommutativ hisoblanadi. Abzaslar sonini ixtiyoriy chekli umumlashtirish uchun qo‘llanilishi mumkin. Ayrim jumlar uchun umumlashtirish yaratishdan tashqari, matnlar orasidagi o‘xshashlikni hisoblash uchun jumladagi so‘zlar orasidagi sintaktik bo‘lmagan munosabatlardan qanday foydalanish mumkinligini aniqlashga harakat qilinadi. Buning uchun diskursiv nazariyalarning maxsus tuzilgan rasmiylashtirishlaridan, xususan, ritorik tuzilmalar nazariyasidan foydalaniladi.

Savollarga javob topish uchun tahlil daraxtlaridan foydalanish. Agar savol va javob uchun tahlil daraxtlari ketma-ketligini tuzgan bo‘lsak, ularni qanday qilib moslashtirishimiz mumkin? Tahlil daraxtlari orasidagi juftlik o‘xshashligini hisoblash masalasiga bag‘ishlangan bir qator tadqiqotlar mavjud.⁴ Biroq abzas ichidagi munosabatlardan foydalanish va javobning bir nechta jummalari bo‘yicha tarkibning taqsimlanishiga bog‘liq bo‘lmashlik uchun biz faqat abzasni emas, balki butun abzasni (ya’ni, ushbu abzas tahlilining aksariyat qismini) ushbu bandga kiritilgan alohida jumlar ko‘rib chiqamiz. Bu konsepsiyada savolga berilgan javob qanchalik muvaffaqiyatli ekanligini aniqlash uchun javob va savolning qismlarini solishtirish kifoya qiladi.

Abzas strukturasi qurish uchun biz sintaktik bo‘lmagan aloqalar yordamida tahlil daraxtlarida mustahkamlangan sintaktik munosabatlarni to‘ldiramiz.

Sintaktik bo‘lmagan bog‘lanishlardan foydalanib, biz sintaktik guruh tushunchasini bir nechta gaplar holiga ham kengaytirishimiz mumkin. Alohida jumlar o‘rtasidagi o‘xshashliklarni izlashda nomlar, og‘zaki guruhlar va gaplarda uchraydigan boshqa turdagi guruhlar taqqoslanadi. Tahlil daraxti uchlari

¹ Furukawa K. From Deduction to Induction. Logical Perspective. The Logic Programming Paradigm. Eds. K.R. Apt, V.W.Marek, M.Truszczynski, D.S.Warren. Springer, 1998.

² Robinson J.A. A machine-oriented logic based on the resolution principle. Journal of the Association for Computing Machinery. 1965, Vol. 12, p. 23 – 41.

³ Galitsky B., de la Rosa J., Dobrocsi G. Inferring the semantic properties of sentences by mining syntactic parse trees. Data & Knowledge Engineering. 2012, Vol. 81–82, p. 21 – 45.

⁴ Collins M., Duffy N. Convolution kernels for natural language. Proceedings of NIPS. 2002, p. 625 – 632.

orasidagi sintaktik bo‘lmagan bog‘lanishlar turli gaplardan bir nechta guruhlarni yoki bir gapdan bir-biriga birlashtirish imkonini beradi. Shunday qilib, biz bir yoki bir nechta sintaktik bo‘lmagan aloqalarni guruhga kiritishga ruxsat berish orqali guruh tushunchasini kengaytirishimiz mumkin. Bunday ulanishlar, guruhni chetlab o‘tishda, shartli ravishda, bir tahlil daraxtidan ikkinchisiga “sakrash” imkonini beradi.

Keling, misolni ko‘rib chiqaylik, qo‘shimcha koeffitsiyentlarni qo‘shish javobni savolga to‘g‘ri moslashtirishga yordam beradi: 1-javob: ...Sil kasalligi, odatda, o‘pka kasalligidir. Pulmonologiyaga ixtisoslashgan shifokorlar tomonidan davolanadi. 2-javob: ...Sil – o‘pka kasalligi... Pulmonolog Jons kasallikning maxsus shaklini davolagani uchun mukofotga sazovor bo‘ldi. Savol: Mening sil kasalligimni qaysi mutaxassis shifokor davolashi kerak? Ikkala holatda ham matnlarda savolning kalit so‘zlari mavjud. Lekin faqat birinchi matn haqiqiy javobdir. Tuberkuloz→kasallik→bog‘lanishni o‘rnatish shifokorlar tomonidan davolanadi, pulmonologlar buni davolashga yordam beradi.

Xulosa. Maqola mualliflari tomonidan matn abzasining lingvistik tuzilishini ifodalash uchun abzasning har bir jumlasini uchun tahlil daraxtlari, shuningdek, abzasni ifodalash uchun ishlatiladigan umumlashtirilgan tahlil modeli qurildi, kompyuter lingvistikasidagi murakkab so‘rovlarga javob topish modeli va usullari ilmiy jihatdan o‘rganildi.

**Axmedov Hakimjon Yarashevich (Termiz davlat universiteti o‘qituvchisi; e-mail: hakim93@uqituv.chi)
“ALPOMISH” DOSTONIDA FRAZEOLOGIZMLARNING SEMANTIK-STRUKTUR TADQIQI**

Annotatsiya. Ushbu maqolada o‘zbek tilshunosligida folklor asarlar tilining o‘rganilishi. “Alpomish” dostonidagi frazeologizmlarning semantik struktur tarkibi. Shuningdek, doston tilida frazeologik birliklari va ularning o‘zaro munosabati tadqiq etilgan.

Аннотация. В статье рассмотрены вопросы изучения языка фольклора в узбекской лингвистике, семантическая структура фразеологизмов в дастане “Алпомыш”, фразеологические единицы и их взаимодействия также испытываются на языке дастана

Annotation. In the article, there were studied the language of folklore works of Uzbek linguistics, semantic structural composition of phraseologisms in the dastan “Alpomish” and phraseological units and their relationships in the Dostan language.

Kalit so‘zlar: o‘zbek tilshunosligida folklor asarlar tilining o‘rganilishi, Alpomish dostonidagi frazeologizmlarning tadqiqi, folklor frazeologiyasining shakllanishi. “Alpomish” dostoni tili o‘rganilishi, Doston tilida frazeologik birliklarning struktur-semantik tahlili.

Ключевые слова: исследование фразеологизмов в эпосе “Алпомыш” для изучения языка фольклорных произведений в узбекском языкознании, формирование фольклорной фразеологии, изучение языка достон “Алпомыш”, структурно-семантический анализ фразеологических единиц в языке дастана.

Key words: study of the language of folklore works in Uzbek linguistics, study of phraseologisms in the dastan “Alpomish”, study of folklore phraseology, Alpomish, structural semantic analysis of phraseological units in the dostan language.

Jahon va o‘zbek tilshunosligida folklor asarlar tilining leksik-semantik, struktur xususiyatlarini yoritish, unda so‘zlarning qo‘llanishi, funksional ma‘nolarni ifodalashi, uslubiy xususiyatlaridagi o‘ziga xosliklarni aniqlash borasida qator tadqiqotlar amalga oshirilgan.

Ushbu tadqiqotlar orasida A.Mamatov, B.Barnoyevaning “Fraseologik birliklarning lingvomadaniy va semantik-pragmatik tadqiqi” nomli monografiyasi muhim ahamiyatga ega. Ushbu tadqiqot shunisi bilan ahamiyatli, monografiyada o‘zbek tili frazeologizmlarining semantik-struktur xususiyati yaxlit holda izohlangan.

O‘zbek tilshunosligida folklor asarlar leksikasi tadqiqiga oid qator ilmiy ishlar olib borilgan. Bu borada Sh.Shoabdurahmonovning “Ravshan” dostonining badiiy tili”, A.Rahimovning “O‘zbek xalq dostonlari leksikasining qiyosiy-tarixiy tahlili” (Ergash Jumanbulbul o‘g‘li ijodi misolida), Z.Xolmonovanning “Shayboniyxon dostoni leksikasi” (Po‘lkan shoir leksikasi misolida), N.Xodjimusanovning “Orzigul” dostonining statistik, semantik-stilistik va lingvopoetik tadqiqi”, A.Xalikovning “Go‘ro‘g‘lining tug‘ilishi” dostoni tilining leksik-semantik xususiyatlari”, G.Jumanazarovanning “Shirin bilan Shakar” dostonining lug‘aviy va lingvopoetik xususiyatlari” (Fozil Yo‘ldosh o‘g‘li varianti asosida) nomli ilmiy tadqiqotlarini e‘tirof etish o‘rinli.

A.Rahimov o'z ilmiy izlanishlarida xalq dostonlari leksikasining umumlisoniy sistemada tutgan o'rni, doston leksikasining adabiy til tarixiy leksikasiga munosabati va jonli til hamda yozma manbalar tilining qiyosiy-tarixiy tahlili yoritib berilgan. Tadqiqotchi folklor asarlar frazeologiyasi va uning semantik-strukturasi haqida to'xtalmaydi.

S.Tursunovning "Alpomish" dostonining leksik xususiyatlari" nomli dissertatsiyasida folklor leksikasi va frazeologiyasining o'ziga xos xususiyatlari, ularning umumxalq tilidan farqli jihatlari tahlil qilingan. Ushbu tadqiqotda ilk bor "Alpomish" dostoni dialektal leksikasi monografik planda o'rganildi. Asosiy e'tibor leksik, grammatik, frazeologik dialektizmlarga qaratilib, ularning o'zbek adabiy tilida ekvivalentlarining mavjud yoki mavjud emasligi nuqtayi nazaridan tahlil etilganligi, doston tilidagi kasbiy leksikaning geografik, harbiy, sport, turar joy, qushlar, chorvachilik kabi tematik guruhlarga ajratilgan holda talqin etilishi e'tiborga molikdir.¹

Z.Xolmonovning "Shayboniyxon dostoni leksikasi" (Po'ltan shoir leksikasi misolida) nomli dissertatsiyasida doston tilida uchraydigan frazeologik birliklar haqida to'xtaladi. Bunda dostonda uchraydigan frazeologik birliklar asar uslubiyatini ifodalashga xizmat qilishi, ular, asosan, qipchoq shevalariga mansub ekani ta'kidlab o'tiladi. Dostondagi frazeologik birliklar dialektal va adabiy til frazeologizmlarga ajratiladi hamda qo'llanish doirasiga ko'ra tahlil qilish bilan chegaralanadi.

J.Xolmurotovning "Shimoliy Xorazm dostonlari leksikasining funksional-uslubiy xususiyatlari" nomli dissertatsiyasida doston tiliga xos leksik birliklarni arial jihatdan qiyoslash, ularning adabiy til va dialektal frazeologik birliklarga munosabati masalasi yoritilgan bo'lsa, G.Jumanazarovning "Shirin bilan Shakar" dostonining lug'aviy va lingvopoetik xususiyatlari" (Fozil Yo'ldosh o'g'li varianti asosida) nomli tadqiqotida esa doston leksikasidagi frazeologik birliklar va aforizmlarni mavzuiy, leksik-semantik xususiyatlariga qisqacha izoh beriladi. G.Jumanazarova "Fozil Yo'ldosh o'g'li dostonlari tilining lingvopoetikasi" (leksik-semantik, lingvostilistik va lingvostatistik tahlili) nomli doktorlik dissertatsiyasida Fozil Yo'ldosh o'g'li dostonlaridagi iboralarni qisqacha tuzilmaviy-semantik va konnotativ tahlil qiladi. Dissertant dostonlar tilida iboralar ikki xil bo'lishini ta'kidlaydi: 1. Gapga teng keladigan iboralar. 2. So'z birikmasiga teng keladigan iboralar. Shuningdek, tadqiqotda struktur jihatdan bu ikki guruh folklor frazeologizmlarning erkin birikmalardan farqli jihatlari izohlangan.

Jahon tilshunosligida iboralarni modellashtirishning quyidagi usullari keltiriladi: a) *sintaktik model* – so'z birikmasi sifatida iboralarni struktural shakllantirish: ot+fe'l, sifat+ot tipidagi modellar; b) *logik-semantik model* – iboralarni logik-semantik jihatdan shakllantirish: antiteza, qiyoslash va tasviriy vositalar orqali shakllantirish; d) *motivatsion model* – iboralarning botiniy formulasi orqali shakllantirish; e) *struktural-semantik model* – botiniy va struktural formula orqali iboralarni shakllantirish; f) *derivatsion model* – tilda mavjud iboralar asosida yangi frazemalarni shakllantirish; s) *nominativ model* – denotativ ma'nolar asosida iboralarni shakllantirish. Fozil Yo'ldosh o'g'li dostonlari tilini leksik-semantik, lingvostatistik va lingvostilistik jihatdan o'rgangan filologiya fanlari doktori G.Jumanazarova yuqoridagi iboralarni modellashtirishning sintaktik va derivatsion modellar ko'pchilikni tashkil etishini ta'kidlaydi.

N.Xodjimusaeva "Orzigul" dostonining statistik, semantik-stilistik va lingvopoetik tadqiqi"ga bag'ishlangan dissertatsiyasi "Doston tiliga xos frazemalarning semantik-stilistik tabiati" deb nomlangan qismida tilimizda hozirgi kunda faol qo'llanilib kelayotgan iboralar haqida emas, balki dostonlar tilida uchraydigan *bino bo'lmoq, shabgir tortmoq, sarparoz qilmoq, kuyasi tutmoq, ot tortmoq, ko'ngli qabarmog, qo'l qovushtirmoq, chiyasi chiqmoq* kabilarning semantik-stilistik xususiyatlari haqida so'z yuritgan.²

Yuqorida ta'kidlangan dissertatsiyalarda folklor asarlarda uchraydigan frazeologik birliklarning semantik-struktur xususiyati haqida aytarli nazariy ma'lumotlar berilmagan.

O'zbek tilshunosligida bevosita ilmiy ishimiz obekti bo'lgan "Alpomish" dostoni va uning leksik qatlami, til xususiyatini lingvistik tahliliga oid qator dissertatsiyalar yaratildi. Bu sohada B.M.Jirmunskiy, X.Zarifov, Sh.Shoabdurahmonov, R.Rasulov, S.Tursunovlarning monografiya va nomzodlik dissertatsiyalari alohida ahamiyatga ega.³

¹ Махмадиев Ш. Ўзбек халқ дostonлари тилида стилистик формулалар. Самарқанд, СамДУ, 2020, 10-бет.

² Хаджимусаева Н. "Орзигул" дostonининг статистик, семантик-стилистик ва лингвopoetik тадқиқи. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф., Жиззах, 2020.

³ Зарифов Х. Основные мотивы эпоса "Алпамыш". Об эпосе "Алпамыш". Т., "Фан", 1959; Жирмунский В.М. "Сказание об Алпамыше" и богатырская сказка. Москва, "Восточная литература", 1960; Расулов Р. Синтаксические связи между словами в дастане "Алпамыш". Автореферат дис. канд. фил. наук, Ташкент,

A. Abdiyev “Alpomish” dostoni tilining leksik-semantik va stilistik xususiyatlari” (Ho‘kiz jirov va rianti misolida) nomli dissertatsiyasida asar tiliga xos leksik birliklar, ularda uchraydigan ko‘chim turlarini o‘rganish asnosida dostonidagi frazeologik birliklarning semantikasi tahlil qilingan, ularning ko‘chma ma’no ifodalash imkoniyatlari, emotsional-ekspessiv, ta’sirchan, obrazli ifoda hosil qilishdagi roli ochib berilgan.

D. Ashurov o‘z tadqiqotida dostonida qo‘llangan frazeologik birliklarni lingvokulturologik jihatdan tahlil qiladi. Tadqiqotchi «Alpomish» dostonidagi frazeologik va paremiologik birliklarning lingvokulturologik tadqiqi» deb nomlangan bobning birinchi bo‘limida «Frazeologizmlarning lingvokulturologik tahlili» amalga oshirilgan. Ishda somatik xarakterdagi iboralar, jumladan, «bosh», «peshona», «ko‘z», «qu-loq», «burun», «og‘iz», «til», «bo‘yin», «ko‘ngil» va «bag‘ir» uzvli somatik frazemalar tahlil qilinadi.¹

B. Yunusova “Alpomish” dostoni onomastik birliklarining leksik-semantik va uslubiy xususiyatlariga oid ilmiy tadqiqotida folklor asarlar tilini o‘rganuvchi sohani lingvofolkloristika deb atalishini, bu termin ilk bor A.T. Xrolenko tomonidan ilm-fanga kiritilganini ta’kidlab o‘tadi. Tadqiqotchi lingvofolkloristika maqsad va vazifasiga ko‘ra, 7 bo‘limga ajralishini, ulardan biri “folklor frazeologiyasi va paremiologiyasi” deya atalishini aytadi. Shuningdek, dissertant lingvofolkloristikaning bo‘limlariga oid ilmiy tadqiqotlar haqida fikr yuritib, o‘zbek xalq dostonlari tiliga xos frazeologik birliklarni lingvistik planda ilmiy jihatdan o‘rganilmaganini e’tirof yetadi. Ta’kidlash kerakki, bu sohada B.O‘rinboyev va K.Bozorboyev² “Alpomish” dostonida uchraydigan frazeologik birliklarni yaxlit monografik jihatdan o‘rganadi.

Frazeologizmlar turg‘un, tilda tayyor holda bo‘lganligi sababli bir qarashda ularning struktural tarkibi o‘zgarishga teng tuyuladi. Ammo nutqda qo‘llanilgan ko‘pgina frazeologizmlar ma’lum tashqi, ya’ni struktural va ichki o‘zgarishlarga uchraydi. Tilshunoslikda frazeologizmlarning struktural o‘zgarishi deformatsiya, ya’ni forma buzilishi hodisasi sifatida qaralsa, ichki, ya’ni ma’no o‘zgarishi modifikatsiya hodisasi sifatida qaralsa, ichki ma’no o‘zgarishi modifikatsiya hodisasi sifatida o‘rganilib kelinadi.³

O‘zbek tilshunosligida folklor asarlar tili, uning leksik va paremiologik qatlamlari folklorshunoslik va tilshunoslik jihatidan ancha tadqiq qilingan bo‘lsa-da, dostonlarda uchraydigan frazeologik birliklar va ularning semantik-struktural yaxlit monografik planda o‘rganilmagan. Yuqorida izohlangan ilmiy tadqiqotlarda xalq og‘zaki ijodiga xos ma’lum doston tilida uchraydigan frazeologik birliklar haqida qisqacha ma’lumotlar mavjud. Biroq ushbu nazariy va amaliy qarashlar folklor frazeologizmlarga xos lingvistik xususiyatlarni ilmiy-nazariy jihatdan to‘liq ochib berishga xizmat qilmaydi. Bizningcha, folklor frazeologizmlar va ularning semantik-struktur, tematik, stilistik, lingvokulturologik, statistik, grammatik xususiyatlari chuqir ilmiy tahlil qilinishi lozim. Tilning barqaror birliklari shu til egasining ijtimoiy qarashlari va undagi o‘zgarishlarni, tildagi jarayonlarni o‘zida o‘zgarishsiz saqlab kelayotgan lingvistik hodisa sifatida ham ahamiyatlidir.

Frazeologik birliklar mazmuniy jihatdan yaxlitlik hosil qilsa-da, struktur jihatdan murakkab tarkibli birikma sanaladi. Iboralar tarkibiy qismlarining morfologik va sintaktik shakllanishiga ko‘ra guruhlarga bo‘linadi. “Alpomish” dostoni tarkibida uchraydigan frazeologik birliklar tuzilishiga ko‘ra, quyidagi turlarga ajratish mumkin:

1. So‘z birikmasiga teng bo‘lgan frazeologik birliklar.
2. Gapga teng bo‘lgan frazeologik birliklar.

“Alpomish” dostonidagi so‘z birikmasiga teng bo‘lgan frazeologik birliklarga: *davrini surmoq, zavqini surmoq, halqumi shishmoq, boshini tuman cholmoq, og‘ir xo‘rsinmoq, bir so‘zda turmoq, yorug‘ yuzli bo‘lmoq, qora kun solmoq, yuraging yarasi, ko‘ngil yozmoq, ko‘ngli to‘q bo‘lmoq, ko‘ngli tinchimoq, alplarning shunqori, dard alamaga to‘lmoq, o‘zini tutolmoq, ishni chetga qo‘ymoq, ko‘ngil qo‘rini bo‘shatmoq, qo‘lini halollatmoq, tobdan tushmoq, ko‘ngil xushlamoq* kabi barqaror birikmalarni kiritish mumkin. Ushbu birikmalarda ikki va undan ortiq so‘zlar grammatik jihatdan so‘z birikmasi qolipida shakllangan bo‘lib, tugal fikr, mazmun ifodalamaydi. Birikmalardan anglashilgan ma’no bir so‘zga teng.

1975; Турсунов С. Лексические особенности дастана “Алпамыш”. Автореферат дис.канд.фил.наук, Ташкент, 1990.

¹ Ашуров Д. “Алпомиш” достонининг лингвокультуролагик хусусиятлари. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф., Наманган, 2020, 17-бет.

² Ўринбоев Б., Бозорбоев К. “Алпомиш” достони фразеологизмларининг таъбири. С., 1998, 42-бет.

³ А.Маматов, Б.Барноева. Фразеологик бирликларнинг лингвомаданий ва семантик-прагматик таҳлили. Т., 2018, 57-бет.

Mana shu xususiyatiga ko‘ra so‘z birikmasi shaklidagi frazeologik birliklar gap shaklidagi iboralardan farqlanadi.

So‘z birikmasi shaklidagi turg‘un birikmalar shaklan murakkab bo‘lsa-da, bir leksema anglatgan ma‘noga teng. Biroq so‘zlovchi yetkazayotgan xabar, voqea-hodisani obrazli, ta‘sirli qilib yetkazishida ikki va undan ortiq asosli turg‘un birikmalarining roli beqiyosdir.

Dostonda uchraydigan gapga teng bo‘lgan frazeologik birliklarga: *olam qayg‘usi ichiga tushmadi, yurak-bag‘rim kuyadi, ko‘ziga yosh oldi, ko‘ngil qo‘rini boshatdi, ko‘nglida g‘ubor yo‘q, sadosi olamni tutdi, ko‘ngil xushladi, oyog‘i chalkash eshildi, oyog‘i toshga toymasin, ko‘ziga yosh oldi, yurak-bag‘rim tag-tagidan ezildi, ishi o‘ngidan keldi, ko‘ngilga katta irim bo‘ldi, ko‘ngli buzilib, bag‘ri ezildi* kabi birikmalarni kiritish mumkin. Ushbu frazeologik birliklar semantik, grammatik shakllanishi va sintaktik qonuniyati jihatidan gapga teng.

Gapga teng bo‘lgan frazeologizmlarni tuzilishiga ko‘ra, ikki guruhga ajratish mumkin: Birinchisiga u yoki bu voqea-hodisani, voqeylikni atovchi, ya‘ni, nominativlikni ifodalovchi frazeologizmlar kiradi. Masalan: *Boshi osmonga yetmoq–xursand; “Qo‘li quyoshga yetmoq” – boy; “Ko‘krak kerib shishinmoq” – O‘zini ko‘rsatish, manmansirash.* Misollardan ko‘rinadiiki, bu turdagi frazeologizmlar tugal fikrni ifoda etmasdan, biron-bir kishi xarakterini ataydi. Bu frazeologizmlar gapning biror bo‘lagi sifatida ishtirok etadi.

Ikkinchi guruh frazeologizmlar esa tugal fikr anglatib, grammatik jihatdan shakllanib, predikativlik xususiyatiga ega bo‘ladi. Ular gapda alohida yoki qo‘shma gapning bir bo‘lagi sifatida qatnashadi.¹ Masalan: *“Alqissa, bu so‘zni eshitib, amaldor, akobir, dono, vazir, vakil, sardor sohiblar ma‘qullashdi, maslahatni bir joyga qo‘yishdi.*

Alqissa, bu so‘zni eshitib, Boysarining sochi to‘zib, bo‘yni cho‘zildi, battar jinni qo‘zidi.

Tarkibni kengaytirish uchun xizmat qiladigan til elementlari okkazonal xarakterga ega bo‘lib, so‘z ustalari bu so‘z va iboralarni ma‘lum stilistik maqsad yo‘lida ataylab qo‘shib ishlatadilar. Chunki bu qo‘shilgan so‘z va iboralarsiz ham matndagi asos frazeologizm ma‘lum ma‘noni ifoda yeta oladi, ma‘lum stilistik vazifani bajara oladi. Qo‘shilgan komponentlar kontekstning umumiy ma‘nosiga putur yetkazmaydi, aksincha ular ifodaning ta‘sirchan va e‘tiborli, emotsional-ekspressiv bo‘lishini ta‘minlaydi.²

Bu kabi frazeologik birliklar strukturasi kengayish ro‘yi beradi. Misol keltiramiz: *Barchinning ko‘ngli buzilib, ko‘zidan yosh tizilib, yurak-bag‘ri ezilib, ot jiloviga qo‘li bormay borardi. (73). “Alpomish”* dostonida bir necha iboralar semantik jihatdan bir-birini izohlab, to‘ldirib kelishi mumkin: *Boy-bo‘rining befarzandligi esiga tushib, xo‘rsinib, esnab, halqumi shishib, oltmish ikki tomiri bo‘shashib, qalbi jo‘shib, bo‘yni pishib, g‘am-alami oshib, oh tortib, tobdan tushib, o‘ylab, fikr-xayoli adashib, “Xudo menga ham birgina o‘g‘il bersa, to‘qqiz iqlimni chaqirib, to‘kin-sochin to‘y bersam”, deb shu niyatlarni o‘ylab, to‘yxonaga borib qoldi (15-bet).*

Ko‘rinib turibdiki, yuqoridagit misollarning ko‘pchiligi o‘zbek tilining izohli frazeologik lug‘atida mavjud emas. Umuman, xalq dostonlarida dialektal xarakterdagi etnik frazeologik birliklar talaygina. Xullas, tilshunosligimizda “Alpomish” dostonining til xususiyatlarini o‘rganishga qaratilgan ayrim tadqiqotlar mavjud bo‘lsa-da, dostonida qo‘llangan frazeologik birliklarni tizimli tadqiq etish bugunning dolzarb vazifalari va muammolaridan biridir.

Хасанова Шахноза Абдурауповна (Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатия университети; Shahnoz74.74@mail.ru), Халиллаева Наргиза (Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети 1-курс талабаси)

ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИ ВА ДИПЛОМАТИК НУТҚ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек дипломатияси ва дипломатик нутқ жараёнлари ҳақида сўз боради. Шунингдек, дипломатик нутқни ўрганишга бўлган қизиқиши ва ундан фойдаланишга бўлган эҳтиёж барча даврларда ва барча давлатларда доимо муҳимлигини, қадимдан элчилик ва нотқлик санъатининг қанчалик аҳамиятга эга эканлиги мақолада айтиб ўтилган.

Аннотация. В статье идет речь об узбекской дипломатии и особенностях дипломатической речи. Также интерес к изучению дипломатической речи и необходимость ее использования

¹ Маматов А., Барноева Б. Фраzeологик birlikларнинг лингвомаданий ва семантик-прагматик тадқиқи. Т., 2018, 19 – 20-бетлар.

² Шу манба. 65-бет.

всегда были значительными во все времена и во всех государствах, в статье упоминалась важность искусства посла и публичных выступлений с древних времен.

Annotation. The article discusses the processes of Uzbek diplomacy and diplomatic speech. Also, the interest in the study of diplomatic speech and the need to use it has always been significant at all times and in all states, the article mentioned the importance of the art of the ambassador and public speaking since ancient times.

Калим сўзлар: дипломатия, дипломатик тил, дипломатик нутқ, элчилик алоқалари.

Ключевые слова: дипломатия, дипломатический язык, дипломатическая речь, посольские отношения.

Key words: diplomacy, diplomatic language, diplomatic speech, embassy relations.

Дипломатия – бу, тинч ҳамкорлик, музокаралар, ҳамжиҳатлик ва миллатлар ўртасидаги то-тувлиқ.

Дипломатия – бу давлат, ҳукуматлар ва махсус ташқи алоқалар органларининг давлат ташқи сиёсатининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, шунингдек чет елда давлатнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича принципаал фаолияти.¹

Дипломатия термини юнон тилидаги «икки букилган қоғоз» сўзидан олинган. Қадимда Юнонистон ва Римда тахтакач муқова ичига солинган хат элчиларга улар ваколатини тасдиқловчи ишонч ёрлиғи ёки ҳужжат сифатида тақдим этилган. Бу термин ҳозирги маънода Фарбий Европада XVIII асрнинг охирида пайдо бўлган.

Дипломатия давлат ташқи сиёсатининг энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади, ана шу сиёсатнинг мақсад ва вазифалари дипломатия шакли ва услубларини белгилаб беради. Дипломатик фаолиятнинг асосий шакллари:

- дипломатик конгресслар, конференциялар ёки кенгашлар;
- нота, меморандум, баёнот ва ҳ.к. шакллардаги дипломатик ёзишма;
- халқаро шартномаларни тайёрлаш ва имзолаш; давлатнинг элчихоналар ва миссиялар орқали амалга оширадиган чет элдаги вакиллиги;
- халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш; ташқи сиёсий масалалар бўйича ҳукумат нуқтаи назарини матбуотда ёритиш.

Дипломатик муассасалар ва уларнинг масъул ходимлари дипломатик имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланади. Халқаро ҳуқуққа биноан, дипломатик вакилларга ўзлари ишлаётган мамлакат ички ишларига аралаштириш ман этилади. Дипломатиянинг шаклланиши давлатнинг юзага келиши, унинг муайян органлари ва лавозимдор шахслари фаолияти билан боғлиқ бўлган. Ўзбек давлатчилиги тарихида чет эллар билан мунтазам алоқалар йўлга қўйилганлиги яхши маълум. Амир Темур давлати Франция, Англия, Кастилия, Константинополь, Генуя ва Венеция билан элчилар орқали алоқаларни йўлга қўйган.

Умуман олганда, дипломатия ишончни мустаҳкамлаш усулидир. Дипломатик саммитлар ва учрашувлар сингари ишончни мустаҳкамлаш ишлари икки томон ва кўп томонлама даражада маълумот алмашиш, ҳамкорликни тақлиф қилиш ва тушунмовчиликларни бартараф этиш учун платформа бўлиб хизмат қилади. Бошқа давлатлар ниятини тушуниб, бирон-бир мамлакат кераксиз тўқнашувларга дуч келмаслиги мумкин. Дипломатия воситасида вужудга келган ишонч ришталари кескинликлар ривожланишининг олдини олишга қодир, аммо дипломатик муносабатларда бўлган давлатлар бошқа давлат томонидан уларга бўлган ишончни сақлашга интилиши керак демакдир.

XX асрнинг атоқли француз мутафаккири Раймонд Арон шундай ёзган эди: “давлатлараро муносабатлар характерларнинг ўзига хос хатти-ҳаракатларида ўз ифодасини топади, мен уни рамзий маънода дипломат ва аскар” деб атайман.” Ядро қуролининг пайдо бўлиши билан аскарнинг халқаро майдондаги асосий актёрлардан бири сифатида сақланиб қолиши ядро уруши хавфи билан боғлиқ. Бу бизнинг замонамизнинг муҳим омилларидан биридир. Яна бир нарса бор–глобаллашув, бу мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг сезиларли даражада кўпайди ва аллақачон кўриниб турганидек, қарама-қарши оқибатларга ҳам олиб келди.

¹ А.А.Громько, А.Г.Ковалев, П.П.Севостьянов, С.Л.Тихвинский. Дипломатический словарь (3 тома). “Наука”, 1985–1986.

Француз олими Г.Гарден: «Дипломатия атамаси кенг маънода ташқи алоқалар ёки ташқи ишлар ҳақидаги фандир, тор маънода эса бу музокаралар фани ёки санъатидир».¹ Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий воқеликлар дипломатиянинг жаҳон сиёсатидаги ролини сезиларли даражада оширди, унинг доирасини кенгайтди ва янги ёндашувлар ва воситаларни ишлаб чиқди. Бизнингча, замонавий дунё ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ сўзнинг кенг маъносиди дипломатияга боғлиқ. Аммо дипломатлар зиммасидаги масъулият ҳам ўсди. Уларнинг ишларини баҳолашнинг асосий мезони масалаларни кескин можарога олиб келмаслик, урушсиз ғалаба қозониш қобилияти эди.

Ўзбекистон мустақил давлат бўлгач, халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектига айланди. 120 дан зиёд давлат билан дипломатик алоқа ўрнатди. БМТ, Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа обрўли халқаро ташкилотлар ва кенгашларга аъзо бўлди. Унинг ташқи сиёсати, дипломатик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланганидек, давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа қоиди ва меъёрларига асосланади. Тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро манфаатдорлик ва ўзаро ҳурмат Ўзбекистон дипломатиясининг асосий тамойилларидир. Ўзбекистон Республикаси жаҳонда янги иқтисодий тартиб ўрнатиш, бутун дунёда, жумладан, Марказий Осиё минтақасида ялпи тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга, халқаро терроризм ва гиёҳвандликка қарши курашда жаҳон ҳамжамияти билан бирга фаол ҳаракат қилмоқда, бу йўлда барча дипломатик каналларни ишга солмоқда.

Дипломатия термини, дастлаб, француз тилида пайдо бўлиб, XVIII асрда (1729–1797 йилларда) Эдмунд Бурк томонидан инглиз тилига киритилган. XX асрнинг иккинчи ярмида эса “дипломатия” термини рус тили орқали ўзбек тилига кириб келган.² Тилнинг намоён бўлиши нутқий жараёнга, нутқ фаолиятига боғлиқ бўлиб, бунда нутқ конкрет нутқий муҳитга асосланади.³

Демак, дипломатик нутқнинг намоён бўлиши дипломатик фаолиятли муҳитни талаб этади. Дипломатик фаолиятли муҳит эса фақат ва фақат давлат мустақил бўлгандагина мавжуд бўлади. Дипломатик нутқни ўрганишга бўлган қизиқиш ва ундан фойдаланишга бўлган эҳтиёж барча даврларда ва барча давлатларда доимо муҳим аҳамиятга эга бўлган.⁴

Нотиқлик санъатининг антик даврга оид адабиётларида дипломатик нутқ кенгаш нутқи ва кенгашув нутқи (сиёсий нутқ, маслаҳатлашув нутқи) таркибида ўрганилган бўлиб, унинг хусусиятлари ҳақида шундай дейилади: “Юнон давлатларида VI асрдан бошлаб, бизнинг эрамызгача элчи этиб, жамиятнинг энг яхши нотикларини, зукко адвокатларини тайинлашган. Улар фақат ва фақат энг жозибадор, сержило сўзлардан фойдаланишлари шарт бўлган”.⁵

Демосфен ёзганидек: “Элчилар кўл остида на кемалар, на пиёдалар ва на кўрғонлар бор. Уларнинг ягона қуроли бу сўзлар ва қўлай имкониятлардир. Муҳим музокаралар кетаётган пайтда бундай имкониятлар жуда кам бўлади. Агар бу имконият қўлдан бой берилса, демак, у бутун умрга йўқотилади. Қўлай фурсатдан фойдалана олмай сушлашган элчи нафақат имкониятни қўлдан бой беради, балки уларни бошқариш ҳуқуқини ҳам йўқотади”.⁶

Дипломатик нутқ ва элчилик ҳақида ўзбек тилида азалдан мавжуд бўлиб, бу ҳақда “Ўзбек дипломатияси тарихидан” асарида қимматли маълумотлар келтирилади. Жумладан, Элчининг ишлари мутлақ сўз(лар)дан иборат, (яъни сўзлар орқали битади). Сўзи яхши бўлса, (у) тилагини топади.⁷ “Азизим, – дея ҳукмдорга мурожаат қилади Хожа Самандар, – элчини бирор жойга жўнатишда ниҳоятда катта эътибор ва аҳамият бергин, унга сафар моҳияти ва мазмунини чуқур тушунтир. Чунки элчи подшоҳнинг тилидир. Унинг камолоти, ақли, тажрибаси гуфторида – нутқида ойдинлашади”.⁸

*Оқил элчи хуш каломлар дилга пайванд қилгуси,
Икки ёвни бир-бирига дўсту дилбанд қилгуси.*

¹ Қосимов А.М. Дипломатия асослари. Тошкент Давлат Шарқшунослик институти, 1996, 7 – 8-бетлар.

² Бўриев О. Буюк сиймолар. Соҳибқирон Амир Темур. Т., 2011, 109-бет.

³ Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Т., 1995, 7-бет.

⁴ Ковалев А.Н. Азбука дипломатии, М., 1984, с. 24.

⁵ Никольсон Г. Дипломатическое искусство. М., 1962, с. 42.

⁶ Исраэлян В.Л. Дипломаты лицом к лицу. М., 1990, с. 13.

⁷ Хайруллаев М.М. Ўзбек дипломатияси тарихидан. Т., 2003, 376-бет.

⁸ Шу асар.

(Хожя Самандар Термизий, “Дастур ул-мулк” асари)

XX асрдан бошлаб, ўзбек тилшунослигида – нутқ маданияти фанида дипломатик нутқ ижтимоий-сиёсий нотикликнинг бир тури сифатида ўрганила бошланди¹.

Psixolingvistlar va psixologlarning fikriga ko'ra, o'zidan qoniqmaslik, boshqalar bilan tenglasha olmaslik, sotsial tengsizlik asosida kelib chiqqan asabiy holat aybdor shaxsга nisbatan agressiyani keltirib chiqarish mumkin. Agressiya, agressiv harakatlar asabni tinchlantirish, ichki hayajonni bosish kabi inson psixikasining himoya reaksiyasidir¹.

Nutqiy aktlar matnini tahlil qilishda vaziyatni, sotsial statusni, madaniyatni, xarakterni, temperamentni, tarbiyani, ma'lumotni, etik tasavvurlarini, aloqaga kirishdagi steriotip xulqini hisobga olish zarur. Ayniqsa, konflikt vaziyat qatnashchilarining gender xususiyatlariga e'tiborni qaratish kerak. Ushbu holatda negativ emotsiyalarni erkaklar ko'proq haqorat so'zlarini ishlatib, ayollar qarg'ishdan foydalanadi. Yana shuni ta'kidlash zarurki, nutqiy agressiya maqsadli yo'naltirilgan kommunikativ harakatdir, ushbu harakat esa nutqiy ta'sirdagi obyektда negativ emotsional-psixologik holatni (qo'rquv, frustatsiya va h.k.) keltirib chiqarishga qaratilgan.

Bunday matnlar bilan ishlashda til vositalari orqali emotiv fikrlar – hissiy-emotsional tuyg'ular ifodalanganligiga alohida to'xtalmoq zarur. Shu narsa ma'lumki, bu hissiy-emotsional tuyg'ular inson faoliyati motivlari asosidagi ehtiyoji bilan bog'liqdir.²

**Nizamova Shahnoza Ubaydullayevna (Qo'qon davlat Pedagogika instituti,
filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
O'ZBEK TAXALLUSLARINING TASNIFI**

***Annotatsiya.** Maqolada bugungi kunda ijtimoiy-siyosiy, adabiy, madaniy omillar ta'sirida boyib, vazifaviy, tuzilish jihatidan o'zgarib, takomillashib borayotgan antroponimik birliklar, xususan, taxalluslarni qabul qilish va qo'llanish sabablari, ularni tahlil qilish orqali kasbiy xoslanishiga ko'ra tasnifi berilgan.*

***Аннотация.** В статье рассмотрены антропонимические единицы, особенно те, которые обогащаются, функционально, структурно изменяются и совершенствуются под влиянием социально-политических, литературных, культурных факторов исследуются причины принятия и использования псевдонимов, их классификация на виды по их профессиональной характеристике путем анализа.*

***Annotation.** The anthroponymic units, especially those that are enriched, functionally, structurally changing and improving under the influence of socio-political, literary, cultural factors reasons for the adoption and use of nicknames in the article are classified into species according to their professional characterization by analyzing them.*

***Kalit so'zlar:** taxallus, adabiy taxallus, siyosiy taxallus, onomastika, antroponimik birlik, "soxta nom", tarixiy va zamonaviy taxalluslar.*

***Ключевые слова:** псевдоним, литературный псевдоним, политический псевдоним, ономастика, антропонимическая единица, «ложное имя», исторические и современные псевдонимы.*

***Key words:** nickname, literary nickname, political nickname, onomastics, anthroponymic unit, "fake name", historical and modern nicknames.*

Dunyo tilshunosligida onomastika, xususan, antroponimika rivojlangan va ilmiy takomilga erishgan soha hisoblanadi. Antroponimik birliklarni tadqiq etish borasida muayyan tajribalar to'plangan, ilmiy maktablar va yo'nalishlar shakllangan. Bugungi kunda ijtimoiy-siyosiy, adabiy, madaniy omillar ta'sirida boyib, vazifaviy, tuzilish jihatidan o'zgarib, takomillashib borayotgan antroponimik birliklar, xususan, taxalluslarni tarixiy hamda zamonaviy aspektlarda tadqiq etish kun tartibidagi zarur vazifalardan biriga aylandi.

Ijodkorlar taxallusdan turli sabablarga ko'ra foydalanishadi. T.Qorayev, B.Vohidovlar taxallus tanlashning sabablarini quyidagicha qayd etganlar:

¹ Седов К.Ф. Речевая агрессия и агрессивность как черта речевого портрета. Социальная психоллингвистика. Сост. К.Ф.Седов, М., 2001, с. 252.

² Леонтьев А.Н. Потребности, мотивы и эмоции. М., 1971, Проблемы развития психики. М., 1972.

1. Siyosiy arboblardan, revolyutsionerlar podsho hukumati taqibiga uchramaslik uchun taxallus tanlashgan.
2. Ba'zi san'atkor va ijodkorlar o'z nomlarini san'atkorona, shoirona jarangdor emasligi bois taxallus tanlaganlar.
3. Yosh yozuvchilar boshlang'ich ijodlarini bildirmaslik maqsadida taxallus tanlaganlar.¹
4. Yozuvchilarning boshqa toifasi esa taxalluschilik an'anaga aylanganligi uchun taxallus tanlaganlar.
5. Boshqa birovlar esa familiyadoshlikdan qutulish uchun taxallus tanlashgan.
6. Yana bir guruh esa kitobxonlarni chalg'itish, ularni "soxta nom" ostida kim yashiringanligini o'ylashga majbur etish maqsadida taxallus ostida yashiringan.
7. Shon-shuhratga befarq qarashlik yoki kamtarlik sababli o'z haqiqiy nomini ko'z-ko'z qilmagan, uni ma'lum qilishni xohlamagan avtorlar ham uchrab turadi.²

Bizningcha, bunga qo'shimcha qilib yana bir guruh ijodkorlarning taxalluslari obyektiv hayotning ehtiyoji o'laroq, ijodkorning ijtimoiy-iqtisodiy hayotdagi mavqeyi sabab yuzaga kelganligini ham aytib o'tmoqchimiz. Masalan, *Furqat* (Zokirjon Xolmuhammad o'g'li), *Savdoi* (Bovarddin).

Tadqiqotimiz mobaynida to'plangan materiallarning tahlili taxallus qabul qilish va qo'llash, asosan, ijodkorlar – shoir va yozuvchilar, san'atkorlar – qo'shiqchi, bastakor, raqqosalar, qisman, olimlar, jurnalistlar, siyosatchilarga xosligini ko'rsatadi. Shu jihatdan o'zbek taxalluslarining kasbiy xoslanishiga ko'ra quyidagicha guruhlash mumkin:

I. Siyosatchi va arboblarning taxalluslari. *Akmal Ikrom* (Ikromov Akmal Ikromovich), *Dukchi Eshon* (Muhammadali Sobir o'g'li), *Mahmud Tarobiy* kabi.

II. Ijodkor va san'atkorlarning taxalluslari. Taxalluslarning bu turi ancha boy bo'lib, san'at turariga mansubligiga ko'ra o'z ichida quyidagicha bo'linadi:

1. Shoir va yozuvchilarning taxalluslari. *Rabg'uziy* (Nosiriddin Burxoniddin o'g'li), *Navoiy* (Nizomiddin Mir Alisher G'iyosiddin Kichkina o'g'li), *Ogahiy* (Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li), *Vasliy* (Sayyid Ahmad usta Azim o'g'li), *Mashrab* (Boborahim Mulla Vali o'g'li), *Gadoiy*, *Gulxaniy* (Muhammad Sharif), *Maxmur* (Mahmud Mulla Shermuhammad Akmal o'g'li), *Muqimiy* (Muhammad Aminxo'ja), *Zavqiy* (Ubaydullo Mullo Solih o'g'li), *Uvaysiy* (Jahonotin), *Amiriy* (Qo'qon xoni Amir Umarxon), *Fazliy//Fazliy Namangoniy* (Mulla Abdulkarim), *Behbudiy* (Mahmudxo'ja), *Botu* (Mahmud Maqsudovich Hodiyev), *Fitrat* (Abdurauf Abdurahim o'g'li), *Ayniy* (Sadriddin Saidmurod o'g'li), *Abdulla Qodiriy* (Abdulla Qodirov), *Abdulla Avloniy* (Abdullaxon Hakimxon o'g'li), *Ibrat* (Isoqxon Junaydullaxo'ja o'g'li), *Abdulla Qahhor* (Abdulla Qahhorov), *Oybek* (Muso Toshmuham o'g'li), *Mirtemir//Mirtemir Tursun* (Tursunov Mirtemir), *Zafar Diyor*, *Sulton Jo'ra* (Jo'rayev Sulton), *Zulfiya* (Zulfiya Isroilova), *Po'lat Mo'min* (Mo'minov Po'lat), *Oydin* (Manzura Sobirova), *Tohir Malik* (Hobilov Tohir Abdumalikovich), *Rauf Parfi* (Tursunali Parpiyev), *Tog'ay Murod* (Mengnorov Tog'aymurod), *Iqbol Mirzo* (Iqboljon Mirzaaliyev), *Onagul* (Enaxon Sidiqova) kabi.

2. Xalq og'zaki ijodi vakillarining taxalluslari. Bu guruhga ko'proq xalq baxshilarining taxalluslari kiradi. Masalan, *Bola baxshi* (Abdullayev Qurbonnazar), *Islom shoir* (Islom shoir Nazar o'g'li), *Po'ltan shoir* (Muhammad Jomurod o'g'li Po'ltan), *Qurbon sozchi* (Ismoilov Qurbon), *Sherna baxshi* (Shernazar Beknazar o'g'li) kabi.

3. Aktyor va rejissyorlarning taxalluslari. *Abulfayziy*, *Bidiyorshum*, *Uyg'ur//Mannon Uyg'ur*, *Ubaydulla Omon* (Ubaydulla Baqoyev) kabi.

4. Dramaturglarning taxalluslari. *Abdulla Badriy*, *Hakimzoda* (Hamza Niyoziy), *Amin Umariy*, *Bog'bon* (Yunusov G'ozil Mahammad), *Xurshid* (Shamsiddin Sharofiddinov), *To'ra Mirzo* (To'ramirza Jabborali Dadamirzo o'g'li), *Yashin* (Komil Nu'monov) kabi.

5. Musiqachi va bastakorlarning taxalluslari. *Komil Xorazmiy* (Pahlavon Muhammadniyoz Abdulla Oxund o'g'li), *Mug'anniy* (Safo Ollayor), *Mutribiy//Noiy* (Mavlono Sultonmuhammad Mutribiy, Noiy Samarqandiy), *Yunus Rajabiy*, *G'ulom Zafariy*, *Sheroziy* (Yoqubov Madrahim) kabi.

6. Qo'shiqchi, xonanda va hofizlarning taxalluslari. *Tamaraxonim* (Petrosyan Tamara Artyomovna), *Sardor Rahimxon* (Abdurahimov Sanjar Farhodovich), *Sevara Nazarxon* (Nazarxonova Sevara Anvarjonovna), *Alisher Fayz* (Turdiyev Alisher Bahodirovich), *Dilso'z* (Jumaniyozova Go'zal), *Ziyoda* (Qobilova Ziyoda O'tkirovna), *Kaniza* (Ahmedova Shahrizoda Farhodovna), *Mahliyo Omon* (Rahmon-

¹ Qoriyev B. Taxalluslar. "Fan va turmush", 1966, 4-son, 21 – 22-betlar.

² Qorayev T., Vohidov B. Taxalluslar. Toshkent, "Fan", 1979, 31 – 32-betlar.

berdiyeva Mahliyo Omonjon qizi), *Shuhrat Daryo* (Yo'ldoshev Shuhrat), *Anora* (Shahnoza Usmonxo'jayeva), *Bonu* (Mahbubabonu Abduraimova), *Guli Asalxo'jayeva* (Gulbahor Asalxo'jayeva), *Diyora* (Kamola Arslonova), *Dineyra* (Dinara Hasanova), *Doniyor Fayz* (Doniyor Toshmuhamedov), *Jahongir Rizo* (Jahongir Otajonov) *Jahongir.uz* (Jahongir Azimxo'jayev), *Ja'farbek* (Jasur Kenjayev), *Iroda Dilroz* (Iroda Yo'ldosheva), *Leyli* (Laylo Madumarova), *Madina Mumtoz* (Madina (Ziyoda Musayeva), *Mustafo* (Zohid Yusupov), *Oyxon* (Oypopuk Eshonxonova), *Otabek Muhammadzohid* (Otabek Mamazoitov), *Parizod* (Firuza Ma'rupova), *Ra'no Said* (Ra'no Qambariddinova), *Ruxshona* (Feruza Mahmudova), *Sayatash* (Sayyora Musayeva), *Shahzoda* (Zilola Musayeva), *Shirina* (Marhabo Muzaffarova), *Shohsanam* (Sanamjon Otayeva), *Yagona* (Kamilla Umarova), *DJ Pilgrim* (Ilhom Yulchiyev), *Radius 21* (Shahzod G'ulomov), *Sabina* (Farangiz Jabborova), *Sayyod* (Sardor Kamilov) kabi.

7. Qiziqchi, askiyachi va so'z ustalarining taxalluslari. *Abdulla fonus*, *Aka Buxor* (Zokirov Buxorjon), *Zokir eshon* (Rustam Mehtar o'g'li), *Sa'di mahsum*, *Saidahmad askiya*, *Yusuffjon qiziq* (Shakarjonov Yusuffjon) *Avaz Oxun* (Avaz Oxunov) kabi.

III. Allomalar, olimlarning taxalluslari. *Koshg'ariy* (Mahmud ibn al-Husayn ibn Muhammad al-Koshg'ariy – turkshunoslik ilmining asoschisi, qomusiy olim), *Qaffol Shoshiy* (Abu Bakr Muhammad ibn Ali Ismoil Qaffol – tilshunos, fiqhshunos olim), *Ulug'bek* (Muhammad Tarag'ay – buyuk o'zbek astronomi va matematigi, davlat arbobi), *Abdurazzoq Samarqandiy* (Kamoliddin Abdurazzoq ibn Jaloliddin Isoq Samarqandiy – mashhur sayyoh, elchi va tarixchi), *Abdurahmon Tole* (Abdurahmon Davlat – buxorolik munajjim, shoir va tarixchi), *Abu Abdulla Xorazmiy* (Abu Abdulloh ibn Ahmad ibn Yusuf al-Xorazmiy – olim, lug'atshunos), *Abu Sahl Tiflisiy* (Abdulmun'im ibn Ali – riyoziyotchi olim), *Abu Tohirxoja Samarqandiy* (Mir Abu Tohir ibn Qozi Abu Sa'id Sadr Samarqandiy – tarixchi), *Abu Lays Samarqandiy*¹ (Abu Lays Nasr ibn Muhammad ibn Ahmad ibn Ibrohim as-Samarqandiy – qonunshunos va ilohiyot olimi, Samarqand shayxulislomi), *Abu Nasr Qubaviy* (Ahmad ibn Muhammad ibn Nasr – quvalik tarixchi va tarjimon), *Abulabbos Mustag'firy*² (Nasafiy Samarqandiy Ja'far ibn Abu Ali Muhammad ibn Abu Bakr – tarixchi, adib, muhaddis va faqih), *Adib Sobir Termiziy* (Shohobiddin ibn Ismoil – falakiyot va riyoziyotchi olim), *Ali Qushchi* (Alloveddin Ali ibn Muhammad Samarqandiy – astronomiya, matematika, geometriya, geografiya kabi fanlar rivojiga o'z hissasini qo'shgan olim), *Beruniy* (Abu Rayhon Muhammad ibn Ahmad – olim, shoir), *Buxoriy* (Ubaydulloh ibn Mas'ud ibn Umar Toj Ash-shar'ia al-Buxoriy – qomusiy olim), *Moturidiy* (Abu Mansur Muhammad ibn Muhammad Hanafiy Moturidiy Samarqandiy – mutafakkir, olim), *Nasafiy* (Abu Nafs Najmiddin Umar ibn Muhammad – tarixchi, faqih, tilshunos, muhaddis olim).

G'oz *Yunus* (Yunusov G'oz – tilshunos, folklorshunos olim); *Mavloniy* (Mashhura Egamovna – mikrobiolog olim, biologiya fanlari doktori (1971), O'zbekiston FA akad. (1989), O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan fan arbobi (1994), O'zbekistonda sanoat mikrobiologiyasi asoschisi. O'rta Osiyoda ilk bor sanoat mikroorganizmlari kolleksiyasini yaratgan), *Olim Usmon* (Usmonov Olim – tilshunos olim, lug'atshunos. O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan fan arbobi (1973) kabi.

IV. O'qituvchi va ziyolilarning taxalluslari. *Saidahmad Vasliy Samarqandiy*, *Muxtor Bakir*, *Ollobergan Po'lat* (Po'latov Ollobergan), *Qayum* (Ramazonov Qayum), *Shokir Sulaymon* (Sulaymonov Shokir) kabi.

V. Tabiblarning taxalluslari. *Abu Abdulloh Iloqiy* (Sharafuddin Abu Abdulloh Muhammad ibn Yusuf al-Iloqiy), *Boqiy Jarroh Samarqandiy*, *Zayniddin Jurjoniy* (Abu Ibrohim ibn Hasan ibn Muhammad ibn Mahmud ibn Ahmad al-Husayniy), *Nizomiy Aruziy Samarqandiy*, *Tabibiy* (Ahmad Ali Muhammad o'g'li), *Tohir Marvaziy* kabi.

VI. Rassomlarning taxalluslari. *Anvar Mirzo* (Anvar Mirsoatov, (1939.13.2, Toshkent) – manzarachi rassom, rangtasvir ustasi, O'zbekiston xalq rassomi (2001). Anvar Mirzo G'arbiy Yevropa san'ati, fransuz impressionistlari, ayniqsa, neoimpressionistlari ijodini o'rgandi, ulardan ta'sirlandi. Rassom ijodida O'zbekistonning go'zal tabiati, uning gullagan bog'lari yetakchi o'rin egallaydi: “Urgut turkumi” (1980), “Farg'ona hovlisi” (1986), “Oydin kecha” (1988), “Birinchi qor” (1994), “Tog'dagi erta bahor” (1994), “Sijjak” (1998), “Bog'iston” (2000), “Chorbog'” (2000), “Vatan haqida qo'shiq” (2000), “Qishki Chimyon” (2001) va b.

¹ Husniddinov Z. Islom ensiklopediyasi. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. T., 2004, 9-bet.

² O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. Toshkent, 2003, 70-bet.

Hamdamiy (Hamdam Bahrom, 1910 – Toshkent – 1942, frontda halok bo‘lgan) – rassom, O‘zbekiston rassomlari uyushmasining tashkilotchilaridan. Hamdamiy asarlarida kunning dolzarb voqealari, xalq hayoti tasvirlangan.¹

Akmal Nur (Nuriddinov Akmal Vahobovich; 1959, Namangan) – O‘zbekiston Badiiy akademiya-sining ijodiy birlashmasi a‘zosi (1990), O‘zbekiston xalq rassomi (2005), 2012-yildan O‘zbekiston Badiiy akademiyasini boshqarib kelmoqda. Rassomning ijodiy ishlari O‘zbekiston davlat san‘at muzeyi, Badiiy akademiyaning ko‘rgazmalar direksiyasi, Urganch davlat galereyasi va boshqa joylarda saqlanadi. Shuningdek, Yugoslaviya, AQSH, Hindiston, Shveysariyadagi muzey va galereyalarda, Gollandiya, Germaniya, Belgiya, Avstraliya, Isroil, Kanada, Turkiyaning xususiy kolleksiyalarida ham bor.

VII. Hunarmandlarning taxalluslari. *Abdulla kulol* (Kali Abdullo, 1815 – Rishton – 1900) – kulol, koshinpaz usta. Rishton va Qo‘qonda ishlagan. Farg‘ona kulollari ishlariga boshchilik qilgan. Xudoyorxon o‘rdasining (Qo‘qon o‘lkashunoslik muzeyi) bosh fasadini rang-barang koshinlar bilan bezashda qatnashgan (1867–73). Abdulla kulol ishlaridan namunalar (sopol idishlar) O‘zbekiston davlat san‘at va Qo‘qon o‘lkashunoslik muzeylarida saqlanadi.

Parang (Najmiddinov Haydar, 1874, Shahrisabz – 1920, Qo‘qon) – naqqosh, o‘ymakor usta, tajribali bezakchi. Qo‘qonlik mashhur usta Qodirjon Haydarovning otasi. Usta Haydar Najmiddinov ko‘pgina davlatlarda hunarmanchilik ko‘rgazmalarida qatnashib kelgan, xususan, Frantsiyada bo‘lib o‘tgan festivalda ham ishtirok etadi. Shu sabab zamondoshlari u kishiga “Parang (farang – yevropalik)” deb nom berishgan. Keyinchalik, bu nom ustaning taxallusiga aylangan.

Komil Devoniy (Muhammadkomil Ismoil Devon o‘g‘li, 1887, Xivaning Sangar qishlog‘ida, hunarmand muhrkand oilasida dunyoga kelgan – 1938, Toshkent) – shoir, mohir musiqachi va naqqosh. Xivadagi Arabxon madrasasida ta‘lim olgan, fors tili, xattotlik san‘atini o‘rgangan. Feruz saroyida birmuncha vaqt kotiblik qilgan. Shuningdek, Devoniy yog‘och o‘ymakorlarga, ganchkorlarga, qandakorlarga, hunarmandlarga, bosh bo‘lgan va turli xil buyumlarga naqshlar chizgan.

Usto Mo‘min (Nikolaev Aleksandr Vasilevich; 1897.30.8, Voronej 1957.27.06, Toshkent) – rangtasvir ustasi, grafik rassom. O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan san‘at arbobi (1950). Ko‘pgina asarlarini levkasga tempera usulida ishlagan. “Bahor” (1924), “Boy” (1932), “Xo‘ja Nasriddin bozorda”, “Uyg‘ur raqsi” (1944) va boshqa Abdulla Qodiriyning “Obid ketmon” (1935), M.Kozimiyning “Qo‘rqinchli The-ron” va boshqa asarlarni badiiy bezagan. “Pravda Vostoka”, “Qizil O‘zbekiston” gazetalari, “Mushtum” jurnalida ishlab, rasm va karikaturalari bilan qatnashgan, plakatlar yaratgan.

Usta Shirin (Shirin Murodov, 1879, Buxoro – 1957.12.2, Toshkent) – me‘mor, ganch o‘ymakori; O‘zbekiston FANing faxriy a‘zosi (1943), O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan san‘at arbobi (1943). Hunarni otasi usta Murod va bobosi usta Nosirdan o‘rgangan, yoshligidan amakisi usta Hayot qo‘lida qolgan va undan ta‘lim olgan. Mustaqil usta sifatida Buxoro amirining Karmanadagi saroyi (Sitorai Mohi Xosa yozlik saroyining Oq zali)ni bezashda qatnashib, tanilgan. Shirin Murodov ijodida ganch o‘ymakorligi an‘analarini mahorat bilan qo‘llagan, ularni yangi mazmun va shakllar bilan boyitgan. Respublika (jumladan, Toshkent, Buxoro va b.)dagi maktab, ko‘chalarga Shirin Murodov nomi qo‘yilgan; Buxorodagi Sitorai Mohi Xosa hovlisida uning byusti o‘rnatilgan. Vafotidan so‘ng “Buyuk xizmatlari uchun” ordeni bilan mukofotlangan (2001).

Usta Sharif (Sharif Saidov, 1887) – buxorolik yog‘och o‘ymakori, duradgor usta. Usta Shirin Murodov bilan birga hunar o‘rgangan, Buxoro amiri saroyida ishlagan, ko‘plab jamoat binolari (Bolohovuz masjidi, Sitorai Mohi Xosa va boshqalar)ni qurishda, Buxorodagi Mir Arab, Ko‘kaldosh madrasalarini ta‘mirlashda qatnashgan. Usta Sharif yog‘och o‘ymakorligida yuksak mahorat bilan bezab tayyorlagan ishlaridan namunalar (bir necha eshik) Buxoro viloyat o‘lkashunoslik muzeyida saqlanadi [9].

Xulosa qilib aytganda, taxallus qabul qilish va qo‘llash, asosan, ijodkorlar – shoir va yozuvchilar, san‘atkorlar – qo‘shiqchi, bastakor, raqqosa, qisman, siyosatchilar, olimlar, jurnalistlar hamda rassomlar-ga xos bo‘lib, o‘zbek tili antroponimiyasida adabiy taxalluslar salmoqli o‘rin tutadi.

Irgasheva Feruza Baxtiyorovna (BuxDU)

LINGVOKULTUREMALARNING IFODALANISH USULLARI VA TARJIMA PRINSIPLARI

Annatsiya. Ushbu maqola lingvokulturemalarning nemis va o‘zbek tillarida ifodalanish usullari, shuningdek, ularning tarjimada berilish usullari hamda prinsiplari, lingvoetnokulturologik xususiyatiga

¹ Shu manba. 68-bet.

ko'ra madaniyat va shaxslararo o'zaro aloqasi, struktural komponentlari doirasida qiyoslanishi yoritilgan.

Аннотация. В данной статье описаны особенности выражения лингвокультурем в немецком и узбекском языках также принципы перевода лингвокультурем с немецкого на узбекский язык, их культурная и личностная взаимосвязь с точки зрения лингвокультурологических особенностей, их сравнение в рамках структурных компонентов.

Annotation. In the article, the features of translation of linguoculturemes from German into Uzbek languages, their cultural and interpersonal interaction from the point of view of linguo-ethnocultural characteristics, their comparison within the framework of structural components were discussed.

Kalit so'zlar: lingvokulturema, til, tarjima prinsiplari, konsept, ekstralingvistika.

Ключевые слова: лингвокультурема, язык, принципы перевода, концепт, экстралингвистика.

Key words: linguocultureme, language, principles of translation, concept, extralinguistics.

Lingvokulturemalar har bir til madaniyatida oxirgi izlanishlarning markaziy nuqtasiga aylandi. Har bir tilda va madaniyatda ularning ifoda usullari turlicha bo'lib, boshqa millat vakillari til birliklari yordamida tarjimada berilishi tilshunoslar bilan bir qatorda, tarjimolar, madaniyatshunoslik sohasi vakillari tomonidan chuqur o'rganilmoqda va turli yo'nalishlarning tarjimada berilishi va tarjima prinsiplari ustida bir qator amaliy va nazariy ishlar amalga oshirilmoqda.

Milliy-madaniy o'ziga xosliklar lingvokulturemalarning tarjimalarda berilishi natijasida yuzaga keladi. Tarjima qilingan badiiy asarlarni tahlil qiladigan bo'lsak, tarjimolar har doim mos ekvivalent topa olmaydi, chunki har bir millatning o'ziga xos shunday xususiyatlari bor, boshqa bir o'zga, madaniyatda uni yetkazib berishning imkoni shu qadar qiyinki, bu tarjimolarga bir qancha qiyinchilikni yuzaga keltirib, o'quvchi uchun tushunarli bo'lishini talab qiladi.

Kommunikatsiyaning har ikkala tarafdorlariga ham ma'lum bo'lgan fakt haqida gapirilsa, unda hech qanday muammo yuzaga kelmaydi. Ammo turli millat va turli madaniyat mavjud ekanki, albatta, ular o'rtasida o'xshash va farqli jihatlari mavjuddir. Til madaniyat shakllanishi va rivojiga ta'sir ko'rsatib, o'z navbatida, "shaxs sifatida shakllanadi". Til, madaniyat va shaxs muammolarini bir nuqtaga yig'ish kerak, chunki aynan madaniyatdan insonlarning ma'naviy muloqoti va xalqlarning bir-birini tushinishi hamda hamkorligi boshlanadi.

Shuni ta'kidlash joizki, zamonaviy lingvistika antroposentrik yo'nalishga ega. Bu esa inson va til hamda madaniyat orasidagi munosabat ilmiy tadqiqotlar markazida ekanligini anglatadi. Til va madaniyatning o'zaro aloqasi bir qancha yo'nalishlarda o'rganiladi, shulardan biri lingvokulturologiyadir. Lingvokulturologiya lingvoetnokulturologik xususiyatiga ko'ra, til, madaniyat va shaxsning o'zaro aloqasini ham tadqiq etadi:

- madaniyatning antroposentrik tushunchasi;
- inson lisoniy shaxs sifatida;
- til madaniy meroslarni mujassamlashtirgan tizim sifatida;
- til va madaniyatning o'zaro ta'siri;
- madaniyat tilning eng o'liy darajasi sifatida;
- dunyoning o'ziga xos milliy lisoniy tasviri sifatida;
- nutq shakllanishi va qabul qilinishining modellanishi;
- matnning madaniyatga kirib borishi va uning interpretatsiyasi.

Lingvokulturemalar til va madaniyat belgilari asosida o'rganiladi. Til va madaniyatni bir qolip doirasida o'rganish, ya'ni, ham lisoniy, ham madaniy nazariyani birlashtirishda lingvokulturologiya yo'nalishi til va madaniy mazmun muvofiqligini aks ettiruvchi lingvokulturema tushunchasi kiritilgan. Lingvokulturemalar dunyoning etnik kartinasini hosil qiladi, ularning qiyoslanishi esa tillar va madaniyatlarda o'xshashlik va farqli jihatlarni aniqlaydi.

V.V.Vorobyovning ta'rifi ko'ra, lingvokulturema o'zida lingvistik va ekstralingvistik dialektik birliklarni aks ettirib, "tegishli lisoniy tasavvur" sifatida hamda u bilan bog'liq "nolisoniy madaniy muhit" tushunchasini ham bevosita bog'liq holda bo'ladi. Lingvokulturemalar strukturasida madaniy-konseptual komponentlar nolisoniy tarkib sifatida mavjuddir. O'z ifoda tilida lingvokulturemalar turli xil – ular so'z, so'z birikmasi, matn paragrafi, she'r va hattoki butun bir matn orqali ifodalanishi mumkin.

Har qanday lingvokulturema formal va mazmun beruvchi qismga ega. Lingvokulturemalar struktural komponentlar doirasida qiyoslanishi va shunga ko‘ra, ularning o‘xshash va farqli jihatlarni aniqlash mumkin:

- shakl;
- mazmun;
- realiya.

Madaniyatga xos so‘zlar o‘zaro nisbati va mutanosibligini nemis va o‘zbek tillari misolida quyidagi hollarini ko‘rishimiz mumkin:

- o‘zbek tiliga xos, nemis xalqi madaniyatida mavjud bo‘lmagan realiyalar;
- o‘zbek madaniyatida mavjud bo‘lmagan, ammo nemis madaniyatiga xos;

–har ikkala til madaniyatida ham realiya sifatida nomuvofiq. Bunda uch turdagi nomuvofqlikni ko‘rish mumkin.

Nomuvofqlikning birinchi ko‘rinishida har ikkala tilda mavjud, ammo ularning funksiyasi ikkala til madaniyatiga bir xilda mos kelmaydi. Masalan, nemis tilidagi *Akademiker* so‘zi DUDEN izohli *lug‘atida jemand, der eine Universitäts – oder Hochschulausbildung hat*, ya‘ni oliy bilim yurtida tahsil olgan shaxs.

O‘zbek tilining izohli *lug‘atida* akademik so‘ziga *Fanlar akademiyasining haqiqiy a‘zosi; biror akademiyaning a‘zoligiga saylangan olim, adib, rassom, haykaltarosh va sh.k.ning unvoni* ta‘rifi keltirilgan. Tushuncha har ikkala tilda ham mavjud, ammo ular funksional jihatdan farqlanyapti.

Nomuvofqlikning ikkinchi ko‘rinishida shakl turlicha, ammo bir xil ma‘noni bildiruvchi lingvokulturemalar. Masalan:

... – Haken dort, Zischlaut da, schräge Flügel, weibliche Augen.

... – ilmoqli belgilar, shipildoq undosh tovush belgilari, qiyshiq qanotlar, *ohu ko‘zlar*.

Bir xil mazmunga ega lingvokulturemalar turli tillarda qabul qilingan ichki shaklga ega bo‘lgan turli so‘zlar yordamida atalyapti. *weiblich – ayollarga xos ma‘nosiga ega* nemis tili ichki xususiyatidan kelib chiqib, ko‘z so‘ziga sifat berilgan, o‘zbek tilida esa shu tilning ichki xususiyati inobatga olinib, *ohu ko‘zlar* sifatida shakllantirilgan.

Quyida keltirilgan misolda shaklning boshqaligi, ammo mazmun har ikkala tilde ham bir xilligini ko‘rishimiz mumkin:

DUDEN izohli *lug‘atida Die Mütze – in verschiedenen Formen gefertigte, überwiegend aus wiechem Material bestehende Kopfbedeckung mit oder ohne Schirm*.

O‘zbek tilining izohli *lug‘atida qalpoq – 1. Yupqa namatdan qilingan bosh kiyim. 2. Har qanday to‘qima yoki matodan qilingan bosh kiyim.*

“Til va madaniyat” muammosi interpretatsiyasi mnemo nazariyasi orqali lingvokulturologik ma‘lumotlarni saqlash va yetkazib berish jarayonini avloddan avlodga (tarixiy aspekt), bir ijtimoiy jamoadan ikkinchi ijtimoiy jamoaga, jamiyatdan individga va aksincha (individual-psixologik aspekt), bir millatdan boshqasiga (millatlararo aspekt) obyektiv tadqiq qilish imkonini beradi.

Sliksin fikriga ko‘ra, “lingvokulturologik konsept” – bu til, anglash va madaniyatni kompleks o‘rganishga yo‘naltirilgan shartli mental birlikdir. Uning quyidagi asosiy xususiyatlari mavjud:

a) mavjudlikning kompleksliligi: tushuncha ongda mavjud, madaniyat orqali aniqlanadi va til yordamida nutqda shakllanadi.

b) mental tabiat: lingvokulturologik konsept o‘zining mental xarakteriga ko‘ra lingvokulturologiyada qo‘llanadigan boshqa birliklardan farq qiladi. Konsepsiya ong ostida shakllangandan keyin uning har bir tadqiqoti kognitiv bo‘ladi.

d) ahamiyatlilik: ahamiyatlilik doimo konsepsiya markazida bo‘ladi, chunki bu konsepsiya qadriyatlilik prinsipiga asoslangan madaniyatni ifodalashda qo‘llanadi. Turli doiralarga oid boshqa mental birliklar lingvokulturologik konsepsiyaga bog‘liq bo‘ladi (masalan, kognitiv konsept, freym, script, geshtalt, stereotip).

e) shartlilik va mavhumlik: lingvokulturologik konsepsiya shartli birlik sifatida ong osti va uning strukturasi tadqiqot ob‘yektiga funksiyasiga ega. Konsept ong osti “kuchli” nuqtasida birlashib, undan asotsiativ vektorlar tarqaladi. Til vakillari uchun end dolzarb assosiativlarni konsept yadrosi tashkil etadi. Markaziy nuqta konsepsiya nomi sifatida xizmat qiladi.

f) o‘zgaruvchanlik: bir til jamoasi hayotida dolzarblilik farqlanadi. Shunga muvofiq konsepsiya o‘z ahamiyatini manfiydan musbatga yoki musbatdan manfiyga o‘zgartiradi.

g) til vakili ongi orqali chegaralanish: lingvokulturologik konsepsiya individual va jamoaviy ongda mavjud bo‘lib, analogik, individual, jamoaviy, milliy va universal konseptlar bo‘yicha tartiblanadi. Individual konseptlar jamoaviy konseptlarga qaraganda boyroq va rang-barang, chunki jamoaviy tajribalar individual tajribalarga nisbatan mahsuldor.

h) uch komponentli struktura: bu tushuncha obrazli (obrazli-metaforik), konseptual (joriy) va belgilangan komponentlarni qamrab oladi.

i) ko‘p murojaat qilish: har bir til tushunchasi (so‘z, frazeologizm, noverbal belgi uchun) uchun lingvistik havolalar mavjud.

j) ko‘p vaznli: sintetizm oqibatiga ko‘ra, konsepsiya ko‘p vaznli (freym, ko‘rinish).

k) metodologik ochiqlik, ko‘p klassifikatsiyalilik (tematika bo‘yicha, ommaviy axborot vositalari, diskurs turlari va boshqalar).

Yuqorida keltirilgan ma‘lumotlarga asoslangan holda shuni aytishimiz mumkin, lingvokulturmalar birlik sifatida mavjud bo‘lib, ularning iyerarxik munosabatlari esa paradigmatic va sintagmatik bosqichda ularning strukturasini elementlarning o‘zaro aloqasi sifatida tasvirlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Воробьев В.В. Лингвокультурология (теория и методы). М., 1997.
2. Слыский Г.Г. (2004). Лингвокультурный концепт как системное образование. Вестник Воронежского университета, 1, с. 29 – 35.
3. Bakhtiyorovna I.F. (2021). Translation of linguocultural peculiarities in hafiza kochkarova’s translations. Middle European Scientific Bulletin, 12, 247–249. Retrieved from <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/546>.
4. Irgasheva Feruza Bakhtiyorovna. (2021). INTEGRATION OF LANGUAGE AND CULTURE INTO THE TRANSLATION PROCESS. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE, 2(1), 32-34. Retrieved from <http://cajlp.centralasianstudies.org/index.php/CAJLPC/article/view/56>.
5. Nurullayevna S.N. (2021). The techniques of explicit grammar instruction. Middle European Scientific Bulletin, 12, p. 281 – 284.
6. Rabiyeva M. (2022). THE PROBLEM OF EQUIVALENCE OF EUPHEMISMS. Eurasian Journal of Academic Research, 2 (2), p. 354 – 358.
7. To‘rayeva Fazilat Sharafiddinov. (2022). Analysis Of Modal Words and Particles in German and Uzbek Languages. Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences, 3, 151–154. Retrieved from <https://geniusjournals.org/index.php/ejhss/article/view/331>.
8. Nafisa K. (2021). Semantics and Pragmatics of a Literary Text. Middle European Scientific Bulletin, 12, 374–378.
9. Tashpulatovich B.M. (2021). Using Multimedia Technologies in Teaching Foreign Languages. Middle European Scientific Bulletin, 12, 64–67. Retrieved from <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/514>.
10. Yulduz Mehmonova. Lexico-grammatical Parts of Speech Expressing the Indefiniteness of the Subject. Journal NX, vol. 7, no. 1, 2021, pp. 323 – 327.

Чориева Шахноза Шухратовна (ЎзДЖТУ 3-босқич таянч докторанти; chorievash@mail.ru)

ВЕРА БРИТТЕННИНГ “ЁШЛИК ВАСИЯТИ” РОМАНИДА ФЕМИНИСТИК ҒОЯЛАРИ ТАДҚИҚИ

Аннотация. Ушбу мақолада таниқли инглиз ёзувчиси, шоираси ва жамиятнинг фаол инглиз аёли Вера Бриттеннинг 1933 йилда нашр этган “Ёшлик васияти” номли романи таҳлилга тортилди. Шу билан бирга, Биринчи жаҳон уруши давридаги, уруш олди ва кейинги даврларда инглиз аёлининг қиёфасини, жамиятдаги ва сиёсатдаги мавқеи ва феминистик қарашларни ўрганиши имконини беради.

Аннотация. В данной статье анализируется роман «Заветы юности» известной английской писательницы, поэтессы и общественной деятельницы Веры Бриттен, изданный в 1933 году. Роман позволяет получить информацию о статусе, положении женщин в обществе и политике, а также феминистские взгляды автора.

Annotation. This article analyzes the novel “Testament of Youth” by a well-known English writer, poet and social activist Vera Britten, edited in 1933. It also allows to be informed about the status, position of women in society and politics and also feminist views of the author.

Калим сўзлар: феминизм, феминистик ҳаракатлар, пацифизм, Биринчи жаҳон уруши, хотиралар, инглиз аёли.

Ключевые слова: феминизм, феминистские движения, пацифизм, Первая мировая война, воспоминания, англичанка.

Key words: feminism, feminist movements, pacifism, First World War, memories, English woman.

Инглиз феминист ёзувчиси Вера Бриттен (1893–1970) Англия вилоятларидан бирида жойлашган Бакстон шаҳрида туғилиб ўсган. У “Ёшлик васияти” деб номланган биографик ва мемуар романи муаллифидир. У ота-онасининг дастлабки эътирозларига қарамай, Оксфорд коллежи Сомервиллга боради. Лекин кўп ўтмай, Биринчи жаҳон уруши бошланиб қолади ва у кўнгилли ҳамшира сифатида ишлаш учун ўқишини тўхтатади. Урушдан кейин у Оксфордга қайтиб келди ва 1922 йилда ёзувчилик фаолиятига эътибор қаратиш учун Лондонга жойлашди. 1923 йилда унинг “Зулмат” номли биринчи романи нашр этилган.

Бриттен 1933 йилда 1900–1925 йиллардаги хотиралари ақс этган бестселлер романи “Ёшлик васияти” (“Testament of Youth”)ни нашр этгандан кейин оммага тан олинган.¹ Урушдан кейин Бриттен Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қизиқиб қолади ва у 1922 йилдан бошлаб, тез-тез нутқ сўзлайди. Ташкилот фақатгина тинчликни қўллаб қувватлаб қолмасдан, балки аёлларнинг ривожланишини ва аёлларнинг ҳуқуқларини ҳам қўллаб-қувватларди.²

Бриттен 1924 йилда Меҳнат партиясида пацифист ва социалистларга қўшилди, у ерда у парламентда ишлади ва нутқлар сўзлади. Шунингдек, у Женевадаги ҳар йили ўтказиладиган Лига ассамблеясида, ҳамда феминистик газета “Time and Tide”да мухбир сифатида қатнашди. Бриттен ўз фаолияти давомида феминистик ғояларини илгари сурган ва патриархат зулмига барҳам бериш сабабларини кўрсатиб берди. Ушбу сабабларни у “Ёшлик васияти” романида батафсил мисоллар орқали изоҳлар келтирди.

Бриттенни Англиядаги урушлараро феминистик ва пацифистик ҳаракатлар етакчиси деб аташ мумкин, булар унинг асарларида ақс этган. Бриттен 30-йилларнинг охирида Иккинчи жаҳон уруши таҳдиди туфайли ўз эътиборини кўпроқ пацифизмга йўналтирди. ... Ўша вақтга келиб, Бирлашган Миллатлар Лигаси бесамара бўлиб қолганлиги туфайли, у партия сиёсатидан узоқлашиб, мутлақ пацифистларга қўшилди.³

Биринчи жаҳон уруши пайтида Бриттен Лондон, Мальта ва Франциядаги ҳарбий касалхоналарда армиянинг кўнгиллилар отряди ҳамшираси бўлиб хизмат қилди. ...Уруш давомида у ўзининг урушда кўрган-кечирганлари ва тажрибалари ҳақида кундалигига ёзиб борди. Кейинчалик у мемуарида ўз хотиралари ва хат ёзишмаларини келтирди.⁴ Унинг қаллиғи, ақаси ва иккита энг яхши дўсти урушда вафот этишади, шундан кейин унинг қайғуси уни бутунлай пацифизм томон буриб юборди.⁵

Бриттен адабий ижодига уруш ва йўқотишлар азоби катта таъсир қилган, ҳатто, илҳомлантирган деб айтиш мумкин. Бунга мисол тарзида шуни айтиш мумкинки, қаллиғининг ўлиmidан кейин у ҳақда китоб ёзишга унда кучли хоҳиш-истак пайдо бўлади.⁶

¹ Bennett Yvonne A. “Vera Brittain: Feminism, Pacifism and Problem of Class. 1900–1953. Atlantis 12.2 (1987): 18–23. Web. 12 Mar, 2017.

² Mellown, Muriel. “One Woman’s Way to Peace: The Development of Vera Brittain’s Pacifism.” Frontiers: A Journal of Women Studies 8.2 (1985): 1–6. Web. 12 Mar, 2017.

³ Mellown, Muriel. “One Woman’s Way to Peace: The Development of Vera Brittain’s Pacifism.” Frontiers: A Journal of Women Studies 8.2 (1985): 1–6. Web. 12 Mar, 2017.

⁴ Bostridge Mark. Introduction. Testament of Youth. By Vera Brittain. 1933. Ed. Penguin Books. New York: Penguin Books, 2005, Print.

⁵ Mellown Muriel. “One Woman’s Way to Peace: The Development of Vera Brittain’s Pacifism.” Frontiers: A Journal of Women Studies 8.2 (1985): 1–6. Web. 12 Mar, 2017.

⁶ Gilbert, Sandra. “Soldier’s Heart: Literary Men, Literary Women, and the Great War.” Signs 8.3 (1983): 446 p. Web. 23, Oct. 2016, p. 446.

Бриттен Биринчи Жаҳон урушидаги тажрибаларини “Ёшлик васияти” китобида батафсил муҳокама қилади.

Бриттен, асосан, *Time and Tide* газетаси учун мақолалар ёзгани туфайли феминистик журналист сифатида тан олинган. Шунингдек, у иккита феминистик китобни “Замонавий Англиядаги аёллар ижоди” (“*Women’s Work in Modern England*” (1928) ва “Алкион, ёки Моногамиянинг келажаги” (“*Halcyon, or the Future of Monogamy*” (1929)ларни нашрдан чиқарган.¹

Бриттен ўз эътиборини аёлларнинг ҳуқуқлари ва жамиятдаги ролларини ҳимоя қилишга қаратган эди. Шунингдек, у таълим олишда, иш билан таъминланишда, эркалар билан тенг иш ҳақи олишда, ижтимоий хизматлар ва шу қабиларда аёллар тенг имкониятларга эга бўлишлари керак деган мавзунини илгари суради.

У, айниқса, аёлларнинг никоҳ ва уй ҳўжалигидаги ролини ўзгартириш тарафдори эди: у аёлларнинг анъанавий уй ишларини бажаришдан халос бўлишларини, фақат ҳаёти давомида бир хил функцияни бажармасдан уйдан ташқаридаги юмушларни бажаришларини, ўзларини касблари, пуллари бўлишдек имкониятга эга бўлишларини илгари сурди.² 1923 йилда Бриттен Женевадаги тўртинчи Лига ассамблеясида феминистик газета “*Time and Tide*” газетасининг расмий вакили бўлди ва 1953 йилда у Халқаро аёллар лигасида қатнашди.

Бриттен уруш пайтида феминистларнинг аҳамиятли ўрин эгаллаганликларидан мамнун бўлди, чунки у ҳам бошқа ҳамширалар сингари анъанавий уй вазифаларидан ҳоли бўлган эди. Чунки улар анъанавий уй юмушларидан узоқда чет элда фронтда хизмат қилиш пайтида ўзларига янги мустақилликни кашф этдилар.³

Бриттен феминист-ёзувчи, пацифист Уинифред Холтби билан яхши таниш эди, шунингдек, улар урушдан кейин бирмунча вақт бирга яшашган ва пацифистик мақсадларини амалга оширишда саёҳат қиладилар. ...Холтби ўзининг “Оломон тўла кўча” (“*The Crowded Street*” (1924) номли асарида”, унинг яққаланиб қолган қаҳрамони Мюриэль Хаммонд, ниҳоят, қандай қилиб фаол феминист Делии Воган билан дўстлашиб, биргаликда орзу-истакларига эришганлиги тавсифланди⁴ (Делии Воганга Вера Бриттенни, Мюриэль Хаммонд ролида Холтби ўзини тасвирлаган).

Бриттеннинг уруш пайтида ҳамшира сифатида гувоҳ бўлган даҳшатлари ҳамда ҳаётидаги яқин кишиларининг жангда ҳалок бўлгани каби, йўқотишлари унинг қалбида пацифизм ҳисси пайдо бўлишига сабаб бўлди. Урушдан сўнг у Бирлашган Миллатлар Лигасида интернационалист сифатида ишлай бошлайди. У интернационализм соҳаси бўйича маърузалар ўқийди ва Лига учун Англия бўйлаб нутқлар сўзларкан, шу билан бир қаторда, у аёллар ҳаракатларини ривожлантириш учун мақолалар ҳам ёзади.⁵ Бунга мисол тарзида унинг “Ўз ролини ўйнамайдиган аёллар” (1933) ва “Дунё аёллари урушни тўхтата оладими?” (1934) каби мақолаларини келтириш мумкин.

Бриттеннинг “Ёшлик васияти” мемуар романида феминизм билан боғлиқ матнлардан кўп фойдалангани туфайли феминистик асар деб ҳам ҳисоблаш мумкин. Бриттен ўз китобида ҳаётининг муҳим қисмини ташкил этган феминистик ғояларни очиқчасига муҳокама қилади.

Бриттен ўз асарида феминизм ҳақида сўз юритаркан, феминистик ғоялар унда илк бора қачон пайдо бўлган ҳақида ҳам ёзади: *Only the other day a fellow-journalist, half rueful and half amused, told me that I had made a better thing out of sex equality than she had ever thought ... at a school which was apparently regarded by many of the parents who patronised it as a means of equipping girls to be men’s decorative and contented inferiors.*⁶

Аниқроқ қилиб айтганда, Бриттен илк феминизм тушунчаларини у мактаб давридаёқ мактаб ўқитувчиси мисс Хит Джонс томонидан олганини таъкидлаб ўтади: *Miss Heath Jones, who from my knowledge of her temperament ... was an ardent though always discreet feminist. She often [...] lent me books on the woman’s movement, and even took me with one or two of the other senior girls in 1911 to ...*

¹ Mellown, “One Woman’s Way to Peace”.

² Mellown Muriel. “One Woman’s Way to Peace: The Development of Vera Brittain’s Pacifism.” *Frontiers: A Journal of Women Studies* 8.2 (1985): 1–6. Web. 12 Mar, 2017.

³ Gilbert Sandra. “Soldier’s Heart: Literary Men, Literary Women, and the Great War.” *Signs* 8.3 (1983): 440 p. Web. 23 Oct. 2016, p. 440.

⁴ Gilbert, Sandra. “Soldier’s Heart: Literary Men, Literary Women, and the Great War.” *Signs* 8.3 (1983): 442 p. Web. 23 Oct. 2016, p. 442.

⁵ Bennett Yvonne A. “Vera Brittain: Feminism, Pacifism and Problem of Class, 1900–1953.” *Atlantis* 12.2 (1987): 20 p. Web. 12 Mar, 2017, p. 20.

⁶ Brittain Vera. “Testament of Youth”. New York, Penguin Books, 2005, Print. p. 38.

...suffrage meeting in Tadworth village. This practical introduction to feminism was to be for ever afterwards associated in my mind with ...that hectic summer.¹

Бундан ташқари, Бриттен ўзининг феминистик қарашларининг келиб чиқишида Жанубий Африкалик ёзувчи Олив Шрайнердан илҳомланганини ва ўзини феминист сифатида талқин қилишига сабабчи бўлганини ёзади.²

Бриттеннинг ҳамшира сифатида фаолият юритиши унинг феминизм билан боғлиқ билим ва тажрибалар орттиришига имкон беради. Мамлакатидан ва уйдан йироқда ҳамширалик қилишда Вера мустақиллик туйғуси ва ҳаётий тажрибаларга эга бўлди: *“After twenty years of sheltered gentility I certainly did feel that whatever the disadvantages of my present occupation, I was at least seeing life”*.³

Ота-онаси унга ҳамшираликни тўхтатишини ва Бакстонга қайтиб келишини сўраб хат ёзишганда, у ҳамшира сифатида ишлашни давом эттиришини куйидаги сабаблар билан изоҳлайди: *“Because I wanted to prove I could more or less keep myself by working, and partly because, not being a man and able to go to the front, I wanted to do the next best thing. I do not agree that my place is at home doing nothing or practically nothing”* (Brittain, Testament 213–14).⁴

Бриттен эркак киши бўлмаса-да, жанрларда қатнаша олмасада, у аёлларнинг ҳам ҳарбий ҳаракатлар учун фойдали эканликларини исботлашга уринади: ҳамширалик унга урушда қатнашиш ва ўз ҳиссасини қўшиш имконини беради. Унинг янгича кучга тўла ҳиссиётларини куйидаги парчада ҳам кўриш мумкин, Мальтадаги ҳамширалик чоғида ўзини “чироқ хоними” ҳисобланган Флоренс Найтингейлга қиёслайди, шу аснода, Бриттен ўзини тимсоли орқали кучли аёлни намоён қилади: *“Do you remember how afraid I used to be of thunder when I was little? Now I feel quite a ‘Lady of the Lamp’ marching along with the thunder crashing and the lightning – such lightning as you never see in England – flashing around us, to see if other people are afraid”*.⁵ Бу шуни кўрсатадики, Вера ҳамширалик фаолияти туфайли мустақил аёлга айланади ва бу унга янгича куч ҳис-туйғусини беради.

Бироқ уруш пайтида эркинликка эришганига, анъанавий уй бекасилик ролини ўзгартира олганига, янги куч туйғусини қўлга киритишига қарамай, феминистик ҳаракатларга эътибори бироз сусаяди: *Remembering the eager feminism of my pre-war girlhood, and the effervescent fierceness with which I was to wage post-war literary battles in the cause of women, it seems incredible to me now that I should have gone back to hospital completely unaware that, only a few days before my leave began, the Representation of the People Bill, which gave votes to women over thirty, had been passed by the House of Lords*.⁶

Аммо Бриттен урушдан кейин Оксфордга қайтиб, яна феминистик ҳаракатларга ўз эътиборини қаратади ва ўзининг ютуқлари ҳақида хотираларида ёзади. Унинг кўплаб феминистик фаолиятига мисол қилиб, 1920 йилда битирув маросимларида дипломларни тақдим этишдаги иштирокини кўрсатиш мумкин (бунга аёллар биринчи марта сазовор бўлишлари эди).⁷

Бриттеннинг “Ёшлик васияти” романи унинг шахсий ҳаётий тажрибаларида орттирган феминистик ғояларини ўз ичига олади. ...Бундан ташқари, китобда келтирилган феминистик дискурсларнинг аксарияти Бриттеннинг ўз қарашларини акс эттирганини англатади. У ҳамширалик фаолияти мобайнида эришган эркинлиги унинг феминистик дунёқарашини ривожлантиради ва илҳомлантиради. Бу эркинлик унда урушлараро ва оилавий турмуши давомида сақланиб қолади. Бриттен ўзининг феминистик фаолияти тўғрисида кўплаб журналистик ишларида ва бошқа ижодий манбаларида батафсил маълумотлар келтиради.

¹ Brittain Vera. “Testament of Youth”. New York, Penguin Books, 2005, Print. pp. 38–39.

² Ўша манба. p. 41.

³ Brittain Vera. “Testament of Youth”. New York: Penguin Books, 2005, Print. p. 213.

⁴ Ўша манба. 213 – 214 pp.

⁵ Ўша манба. 331 p.

⁶ Brittain Vera. “Testament of Youth”. New York: Penguin Books, 2005, Print, p. 404.

⁷ Ўша манба. 507 p.

Ibragimova Dilbar Atxamovna (Chirchiq oliy Tank qo'mondonlik muhandislik bilim yurti
Tillar kafedrası katta o'qituvchisi, O'zbekiston davlat Jahon tillari universiteti mustaqil
izlanuvchisi; dilbaribragimova1984@gmail.com)

MATNAZAR ABDULHAKIM SHE'RIDA OY LEKSEMASINING VA UNING SINONIM SATIRINING O'RNI

Annotatsiya. Mazkur maqolada Matnazar Abdulhakim she'riyatida qo'llangan oy ma'noli leksemalarning vaziyatli she'r sifatidagi o'rni, matnda she'riy yuklama bilan qo'llanishi haqida ma'lumotlar berilgan.

Аннотация. В данной статье представлена информация о роли лунных лексем как ситуационной поэзии в поэзии текстовых Абдулхаким, их использовании в тексте с поэтической нагрузкой.

Annotation. This article provides information on the role of lunar lexemes as situational poems used in the poetry of textual Abdulhakim, their use in the text with poetic loading.

Kalit so'zlar: Oy leksemasi, poetizm, kosmonimlar, intertekstuallik, Moh, Qamar, Badr, metafora.

Ключевые слова: лунная лексема, поэтизм, космонимы, интертекстуальность, Мох, Ка-мар, Бадр, метафора.

Key words: moon lexeme, poetism, cosmonyms, intertextuality, Mokh, Kadr, Badr, metaphor.

I. Kirish. She'riy asarlarda obrazli ibora va ma'nolar fikr va obraz boyligini ta'minlovchi vositadir. Badiiy nutqni, ayniqsa, she'riy nutqni majoziy ma'noli so'zlar tasavvur etib bo'lmaydi. She'riy nutqning boshqa nutq turlaridan ajralib turadigan xususiyatlaridan biri shundaki, u so'z orqasida so'z ma'nosini emas, balki boshqa ma'noni yashiradi. She'riy matnlar leksikasiga nazar tashlasak, lirik matnlarda o'zining asl ma'nosida uchraydigan so'zlardan qay darajada irratsionallik kelib chiqishini tasavvur qilsak, ko'chma iboralar va ko'chma so'zlarning nutq jarayonida beqiyos o'rni ayon bo'ladi. Xususan, kosmonimlar she'riy matnlarda turli vazifalarni ham bajaradi: majoziy ifoda va ko'chma ma'no.

II. Materiallar va uslublar. Badiiy matnlarda qo'llanilgan kosmonavtlar san'ati haqidagi fikrlarni tilshunos olimlar B.Umurqulov [13], A.Primov [17], Z.Hamidov [20] asarlarida kuzatish mumkin. Ayniqsa, Azamat Primovning "Oy leksemasi va qurshovining leksik-stilistik xususiyatlari to'g'risida" [19] va "Ogahiy she'riyatidagi oy" maqolalaridagi fikrlari diqqatga sazovordir. kosmonimining uslubiy yordami (Ogahiy she'riyatida kosmonimlarning metodologik jihatlari)" [18]. Z.Hamidov "Saddi Iskandariy leksikasida samoviy timsollar" maqolasida Qora qush, Gunash, Kun, Hilol kosmonimlari bilan bir qatorda Oy (Oy) so'ziga e'tibor qaratgan. Quyosh, Navoiy tilida kuzatilgan va uning umumiy va ko'chma ma'no-da qo'llanilishiga alohida e'tibor bergan [20].

Boshqa shoirlar ijodidagi kabi Matnazar Abdulhakim she'rlarida ham kosmonimlar badiiy matn yaratishda faol ishtirok etadi. Shoirning badiiy matnlarida Qahkashon, Somon yo'li, Quyosh, Mehr, Kun, Oftob, Oy, Moh, Hilol, Mohtob, Cho'lpon, Zuhro, Mirrix, Mars, Tarozi, Qutb yulduzi, Saraton, Asaddan unumli foydalanilgan va ular she'riy jihatdan dolzarblashgan va badiiy matnning butunligida muhim rol o'ynagan. Bu so'zlar she'rlar kompozitsiyasida kichik harflar bilan yozilgan. Bunday so'zlarning yozilishi katta va kichik harflar anonimlikda bahsli masala bo'lib, mavzuimizga tegishli bo'lmagani uchun biz bu masalada to'xtalib o'tishga harakat qilmadik.

Mumtoz adabiyotimiz namoyandalari ijodida Oy kosmonimi bosh leksema, Mohi anvar, Moh, Mohtob, Mohi tobon, Hilol, Badr, Qamar kabi semantik va ierarxik qator birliklari, yasama va qo'shma so'zlar tarkibiga kiradi. bu qatorlarda mazmunan yondashuvchi leksemalar bilan bir qatorda, o'ta sof nutqiy sinonimlarni o'z ichiga oladi, ular kontekstda qo'llanilgan kontekstga qarab turli semantik nozikliklar bilan to'ldiriladi. Demak, Oy kosmonimi bosh leksema bo'lib, Moh, Mohtob, Mohi tobon, Oymoma, Hilol, Badr, Qamar kabi semantik va ierarxik qator birliklari, bu turkumga kiruvchi yasama va qo'shma so'zlar bo'lib, nihoyatda sof so'z turkumini o'z ichiga oladi. sinonimlar. 15-asrda Oy (Moh, Mohtob, Mohi tobon, Hilol, Badr) kosmonimining doirasi ancha kengroq bo'lgan bo'lsa, hozir birmuncha toraygan. Oy nomi haqidagi ma'lumotlarni umumlashtirgan holda, hozirgi o'zbek tilida Oy nomlari ko'proq, uning fors (Moh) va arabcha (Qamar, Hilol) sinonimlari kam qo'llanganini ko'ramiz [17.96].

Hozirgi o'zbek she'riyatida oy obyektiga rang-barang yondashish kuzatiladi, G'arb va Sharq an'analari ijodiy o'zlashtirish. Demak, milliy she'riyatimizda "oy" so'zining ma'no doirasi G'arb she'riyati tajribalari asosida ancha kengaydi, deyish mumkin. Umuman olganda, hozirgi o'zbek she'riyatida oy

o'lim timsoli emas, balki sirli va g'amgin kayfiyat bo'lib, shu ma'noda Omon Matjon she'rlarida "yolg'izlik", "ojizlik" ma'nolarini ko'rishimiz mumkin. "kamchilik":

*Bir hafta yurdi onak oy,
Kemtikligin o'ylab yuragi dog'li* [9.8].

Matnazar Abdulhakim ijodida "oy" so'zi mahorat bilan ifodalangan xuddi shunday lirik "men"ning iztirobi, oshiqning ichki dunyosidagi isyonni ifodalash uchun:

*Qaylargadir o'rtanib botdi,
Falaklarga yosh sachratib oy* [3.250].

Bu vaqtda o'yning ko'z yoshlari bilan to'plami yanada oshirib yuborishga xizmat qildi sevgilining yolg'izligi. Boshqa tomondan, bu she'rda "cho'kish", "yo'q bo'lish", "ketmoq" semantikasi orqali o'tkinchi dunyo, mangu ayriliq semalari ochiladi. Bu shoirning ham jahon she'riyati tajribalaridan xabardor yozuvchi ekanligini isbotlaydi. Shunga qaramay, milliy she'riyatimizda, qoida tariqasida, she'riy matnlar tarkibida "oy" so'zi faol, go'zallik, ezgulik timsoli bo'lgan ijobiy semantika bilan o'ralgan. Matnlarda bu go'zallik muqaddas istak, yetib bo'lmas umid, yetib bo'lmas go'zallik doirasida aktualashtiriladi: Sen oy kabi olislardasan,

Sen oy kabi yaqinsan ko'zga [3.77].

Oy tegilmagan hudud, unga maftun bo'lmaslik mumkin emas. Oy sevgiga mahkum yolg'iz farish-taning ramzidir. Matndan anglashilgan ma'noda ichki qarama-qarshilik mavjud. U ko'zga yaqin, lekin uzoqda. Bu qarama-qarshilik "siz uzoqdasiz" va "ko'zga yaqinsiz" so'zlari bilan yanada kuchayadi. Xullas, oy orqali ko'z o'ngimizda sovuq va befarq, sirli, beadab, daxlsiz, abadiy dilbar bo'lishga mahkum oshiq gavdalanadi. Muallif she'rlarida, nazarimizda, "oy" so'zi ba'zi o'rinlarda "Olloh" ma'nosida o'ziga xos tarzda qo'llangandek ko'rinadi, har holda ham shahid bo'lgan oshiqni tushunish qiyin emas. Misralardan. Bunday jozibali bo'lish faqat yaratilishga loyiqdir:

*Rasvosi erurman senga shaydolarining,
Ayt, qani, oy, kim senga shaydo bo'lmas* [3.287].

Xalqimizda shunday naql bor: "Quyoshga niyat qilsang, yetar oy". "Oyga intilish" iborasi ham ishlatiladi. Demak, "oy" so'zi maqolda yuksak daraja, ulug' maqsad ma'nosida majoziy ma'noda qo'llangan:

*Qorni to'ygan kun qashshoq bir odam,
Nogoh ko'zlab qoldi yulduzni, oyni* [11.145].

Matnazar Abdulhakim ham bu borada ko'p marotaba o'z mahoratini ko'rsata olgan, Oyni simulyatsiya uchun asos qilib olgan ijodkorlardan biri sanaladi. Xususan, sinonim sifatida olingan so'zlardan butun (yuz) va uning bo'lagi (qosh) ifodasida oy, hilol so'zlarining qo'llanishi natijasida hosil bo'lgan matn nihoyatda muhim:

*Garchi gala-gala quzg'un, zog'lar ko'p,
Bir bulbuli bilan baxtli bog'lar ko'p.
Kulgichlari yuraklarda choh qazgan,
Qoshi hilol, chehralari mohlar ko'p* [2.103].

Biz allaqachon nutq konnotatsiyasi, ya'ni yopishgan konnotatsiya haqida gapirgan edik. Bunday konnotatsiyalar tadqiqotchilar tomonidan alohida baholanadi. Hilolning bir joydagi egri shakli matndagi antisemitizm uchun asosdir. Bu yerda "sarvqad" so'zi juftlik hosil qilgan: "Sarv" – tik o'suvchi daraxt, uning to'g'riligi "hilol"ning egilishiga qarama-qarshidir. boshqa mualliflarda uchramaydi. Shoirning so'z qo'llashdagi o'ziga xosligining yorqin namunasini uning "oy" so'zini bir o'rinda ikki xil ma'noda qo'llashida ko'rish mumkin:

*Ming o'lib tirildim men shu ming yilda,
Ming yil bir nuqtadan siljimadi oy* [3.281].

Birinchi talqinga ko'ra yil va oy so'zlari birlashtirilgan vaqt birligini ko'rsatish uchun, bu holda biz qabiladagi teskari ta'sirni, ya'ni ming yilga cho'zilgan oyni kuzatamiz. Bu erda giperbola (bo'rttirish) sodir bo'ladi. Ikkinchi talqindagi mubolag'a darajasi birinchisiga qaraganda kuchliroq. Osmon nuri ming yil o'tib ham qimirlamadi. Shunday qilib, soniya ming yilga cho'zildi, go'yo vaqt to'xtagandek. Matnda ming so'zning uch marta takrorlanishi mubolag'ani kuchaytiradi. Sog'inish, har soniya kutish oshiq uchun ming yilga teng. She'rdagi she'riy vazn to'rt unsur tomonidan yaratilgan:

1. Iyhom (I Oy qimirlamadi – "vaqt o'tmadi". II. Oy qimirlamadi – "osmon nuri qimirlamadi"), 2. Metonimiya. 3. Giperboliya. 4. Takrorlash.

“Oy” so‘zining fors-tojikcha “moh” varianti poetikada an’anaviy so‘z poetizmi sifatida ko‘riladi (13). Bu so‘z o‘zbek she‘riyatida unumli qo‘llanadi; umumiy qo‘llanishdan chiqib ketgan, shuning uchun tilshunoslikda bu leksik birlik eski so‘z sifatida qaraladi. Muallifning badiiy matnlarida bu so‘z tush semantikasida o‘z aksini topgan (Tunda yilt etmadi bir yulduz, Garchi ming mohlar istarman (g‘azallardan), boshqacha aytganda, uyg‘unlashib, musiqa uyg‘unligi hosil qiladi (Goh gado, gohida shoh, yuragim). sen // Quyosh yuragim sen, moh, yuragim, sen (2,156).

Yangi tug‘ilgan oy shaklidan islom ramzi sifatida foydalanish keng tarqalgan. Islom e‘tiqodiga ko‘ra oy ilohiy ramz bo‘lmasa-da, “yarim oy” Usmonlilar ta‘sirida islom timsoliga aylangan. Usmonli imperiyasi bayrog‘ida yarim oy va yulduz tasviri bor. Shunday qilib, yarim oy an’anaga ko‘ra islom dini va madaniyatining ramzi sifatida tushuniladi. Bu ma‘noda qo‘llash boshqa shoirlarga qaraganda Matnazar Abdulhakimda faolroq: Balki shu giryaning izohlaridir, Yarim oy, but, sanam va xochlarimiz. Balki bir kuy, barcha qo‘shiqlar bilan Shu yig‘ining tilmochlarimiz [4.75].

Olloh bergan hayot Olamning naqshi,

Na yarim umid oy va yo na xochi... [2.150]

Bu o‘rinlardagi “yarim oy” birikmasini an deb hisoblash to‘g‘ri bo‘lar edi metonimiya yordamida individual perifraza. Bu she‘rlar bag‘rikenglik nafasini uyg‘otadi va muallifning hayotiy pozitsiyasini aks ettiradi. Demak, shoir barcha dinlarning ezgu, istiqbolli g‘oyalarining ashaddiy tarafdori.

III. Xulosa. Xulosa qilib aytganda, “oy” va uning “hilol, moh” she‘riy shakllari shoir she‘rlarida ba‘zi o‘rinlarda obraz darajasida, ayrim o‘rinlarda o‘xshatish uchun asos bo‘lib, turli ma‘nolarda majoziy ma‘noda qo‘llangan. Bu kosmonimlar so‘zma-so‘z matnlarda yakka tartibda qo‘llaniladi, bu muallifning uslubini aniqlashga, ularni boshqa ijodkorlardan ajratib turadigan jihatlarini aniqlashga yordam beradi. Muallif she‘rlaridagi “oy” so‘zining badiiy maqsadiga ko‘ra kontekstda goh ijobiy, goh inkor semantikasi bilan o‘ralganligi bugungi o‘zbek she‘riyatining xarakterini belgilaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Matnazar Abdulhakim. Tanlangan asarlar (1-jild). Toshkent, 2017, 327-bet.
2. Matnazar Abdulhakim. Tanlangan asarlar (2-jild). Toshkent, 2017, 303-bet.
3. Matnazar Abdulhakim. Javzoning tashrifi. Toshkent, “Sharq”, 2008, 336-bet.
4. Matnazar Abdulhakim. Ko‘prik. Urganch, 2009, 143-bet.
5. Matnazar Abdulhakim. Bir dasta gullar. Urganch, 1997.
6. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. Moskva, “Rus tili”, 1981, 631-bet.
7. “Jahon adabiyoti”. 2015, 10-son, 75-bet.
8. Yo‘ldoshev Q., Yo‘ldosheva M. Literal tahlil asoslari. Toshkent, “Kamalak”, 2016, 462-bet.
9. Omon Matjon. Imon nuri. Toshkent, 1994, 384-bet.
10. Pushkin A.S. Tanlangan asarlar (She‘rlar, dostonlar). Toshkent, 1999, 270-bet.
11. Oripov A. Quyosh to‘xtashi. Toshkent, “Sharq”, 2010, 382-bet.
12. Navoiy. Mening Qora Ko‘zlarim. Toshkent, 1988, 400-bet.
13. Umurqulov B. She‘riy nutq lug‘ati. Toshkent, “Muxlis”, 1990, 109-bet.
14. Yo‘ldoshev M. Badiiy matn lingvopoetikasi. Toshkent, “O‘zbekiston”, 2019, 256 p.
15. Federiko Garsia Lorka. Eng tushkun shodlik (she‘r va doston. Shavkat Rahmonning ispan tilidan tarjimai). Toshkent, 1989, 381-bet.
16. O‘rozboyev A. Farishta maktublar. Toshkent, “Muharrir”, 2018, 104-bet.
17. Primov A.I. O‘zbek kosmonimlarining lisoniy xususiyatlari. Himoya qilish uchun dissertatsiya. Filologiya fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun. Toshkent, 2009, 140-bet.
18. Primov A.I. Ogahiy she‘riyatidagi “oy” kosmonimining stilistik tomonlari. “Ogahiy olami”, Maqolalar to‘plami, Urganch, 2005, 64-bet.
19. Primov A.I. “Oy” leksemasining leksik-stilistik xususiyatlari va uning haqida sinonimik doira. “Xorazm folklori” 6-jild, Urganch, 2004, 57-bet.
20. Hamidov Z. “Saddi Iskandariy” lug‘atida osmon timsollari (“Aktual” to‘plami.tilshunoslik muammolari”). Toshkent, “Universitet”, 2002.
21. I.B.Sapaev, E.Saitov, N.Zoxidov va B.Kamanov. Mahalliy elektr tarmog‘i bilan integratsiyalangan quyosh fotovoltaiik stansiyasining matlab modeli/IOP Conf. Seriya: Materials Science and Engineering 883 (2020) 012116. doi:10.1088/1757- 899X/883/1/012116.

22. B.Sapaev, A.S.Saidov, I.B.Sapaev, Y.Y.Bacherikov, R.V.Konakova, O.B.Oxrimenko, I.N. Dmitruk, N.P.Galak. (Si2)1-x(ZnS). Yarim o'tkazgichlar fizikasi, kvant elektronigi va optoelektronika spektroskopiyasi, 2005, V. 8, №3, 16-bet.

**Azizov Ravshan Komilovich (T.N.Qori-Niyoziy nomidagi
O'zbekiston Pedagogika fanlari ilmiy tadqiqot instituti tayanch doktoranti)
O'ZBEK MILLIY ESTRADA QO'SHIQCHILIGI SAN'ATI TARQQIYOTIDAGI
MUAMMOLAR VA O'Z YECHIMINI KUTAYOTGAN VAZIFALAR**

***Annotatsiya.** Mazkur maqolada mamlakatimizda estrada san'atining paydo bo'lishi, rivojlanishi va uning ijodkorlari faoliyati yoritilgan bo'lib, o'zbek milliy estrada san'ati taraqqiyotida janr masalalari, jumladan, Pop, Rok, Rep, Pop-folk, Jaz kabi janrlarning spetsifikasi, ijrodagi o'ziga xoslik, mazkur janrlar ijodkorlari haqida ma'lumotlar berilgan. Shuningdek, O'zbekistonda estrada va uning janrlarining rivoji yuzasidan takliflar berilgan.*

***Аннотация.** В данной статье говорится о появлении, развитии и о творчестве представителей эстрадного искусства в нашей стране, а также о жанрах узбекского национального эстрадного искусства, таких как поп, рок, рэп, поп-фольк, джаз и об их особенностях исполнения. Кроме этого, даны предложения по развитию эстрады и её жанров в Узбекистане.*

***Annotation.** This article talks about the origin, development and creativity of the representatives of pop art in our country, as well as about the genres of Uzbek national pop art like pop, rock, rap, pop, folk, jazz and their performance features. In addition, proposals for the development of variety and its genres in Uzbekistan are given.*

***Kalit so'zlar:** estrada, Pop, Rok, Rep, Pop-folk, Jaz, estetik tarbiya, ma'naviy omil.*

***Ключевые слова:** эстрада, поп, рок, рэп, поп-фольк, джаз, эстетическое воспитание, духовный фактор.*

***Key words:** pop, pop, rock, rap, pop folk, jazz, aesthetic education, spiritual factor.*

Bugungi kunda yangi O'zbekiston Respublikasidagi taraqqiyot yo'lida sodir bo'layotgan ijtimoiy, madaniy-siyosiy o'zgarishlar milliy san'atimizning rivojlanib borishiga ham o'z ta'sirini ko'rsatib kelmoqda.

Xususan, mustaqilligimiz asosida o'zbek san'atiga ana'naviylik milliylik shu bilan birga, zamonaviy mavzularda erkin ijod qilish imkoniyatlari yaratildi. O'zbekiston Respublikasining Vazirlar Mahkamasining 2022–2026-yillarga mo'ljallangan islohotlar ichida Respublikamizda o'zbek san'atini rivojlantirish uni yangi jabhalarini ochib berish esa san'atkorlarning oldida turgan bosh masalaga aylandi, ayniqsa, yosh xonanda va sozandalarni qo'llab-quvvatlash, ularning ijodiy yutuqlarini keng ma'noda tatbiq etib, ularga ko'mak berish.

Yaqin 10 yil mobaynida Respublikamizda estrada san'atini rivojlantirish uchun keng imkoniyatlar yaratilib berildi. Ushbu san'at turidan ko'plab tinglovchilarning qalbidan o'rin olganligi sababli, ayniqsa, yosh avlodning ma'naviy-axloqiy tarbiyasiga katta ta'siri e'tiborga olinib, uni yangi davr talablari asosida rivojlantirishga qaratilgan bir qator hujjatlar qabul qilindi.

Respublikamizdagi tadqiqotchi olimlarimiz, sotsiolog-pedagoglar va psixologlarimizning tasnifiga ko'ra, zamonaviy estrada san'ati o'zining ko'p qirrali xususiyatlariga ega bo'lib, ayniqsa, yosh avlodning ma'naviy, axloqiy fazilatlarini shakllantirishda katta ahamiyatga egadir. Bizning kuzatuvlarimiz shuni ko'rsatmoqdaki, Respublikamizda ushbu soha bo'yicha qilinayotgan barcha ijobiy ishlar bilan birga, ommaviy san'at bo'lgan estrada qo'shiqchiligi san'atini rivojlantirishda qator kamchiliklar mavjud. Kamchiliklardan biri bu ushbu sohada ijod qilayotgan aksariyat kasbiy mas'uliyatini unutib, o'z ustida ishlaymay qo'ygan. Izlanish har bir san'at ustozininig ijodini o'rganib, ularning metod shakl-usullaridan oqilona foydalanish ko'nikmalariga ega bo'lish, san'at dunyosiga muxlislarga nisbatan hurmat qilish kabi ma'naviy-axloqiy fazilatlariga ega bo'lish talab etilishi kerak.¹

Ayni damda, estrada qo'shiqchiligi san'ati o'zining izlanishlari, mantig'i, ichki va tashqi qiyofasi, uslubi nuqtayi nazaridan, murakkab sharoitlarni boshidan kechirmoqda. Bu jarayonlar bevosita estrada

¹ Mirziyoev Sh.M. Adabiyot va san'at, madaniyatni rivojlantirish – xalqimiz ma'naviy olamini yuksaltirishning mustahkam poydevoridir. O'zbekiston ijodkor ziyolilari vakillari bilan uchrashuvdagi ma'ruzasi. "Xalq so'zi", 2017-yil 4-avgust.

san'atida janr masalalari bilan bog'liqdir. Xususan, o'nga yaqin va O'rta Sharq davlatlaridan tortib, to Lotin, Shimoliy Amerika hamda G'arbiy Yevropa xalqlari ommaviy musiqasining kuy-ohang va ritm usullari ta'siri yorqin sezilib turadi. Ilgarilari man etilgan yoki "qo'llab-quvvatlanmagan" oqimlar, yo'nalishlar, tur va janrlar ("disko" va "xard-rok"dan boshlab, "rep" gacha) so'nggi yillarda keng o'rin egalladi. Aynan yoshlar orasida "texno-pop", "pank", "xard-rok", "reggey" va "jaz-rok" ijrochiligi kabi yo'nalish va uslublar rivojlana boshladi.¹

Bugungi kunda Respublikamizda estradaning pop yo'nalishi ko'proq ommalashganligi ko'zga tashlanadi. O'zbek estradasida ijod qilayotgan ko'plab san'atkorlarimiz aynan pop (pop) yo'nalishida ijod qilishadi. Shu o'rinda, "pop" atamasining ma'no-mazmuni ko'pchilikni qiziqtiradi. "Pop" so'zi ingliz tilidan olingan bo'lib (pop musis, popular music), "ommabop", "barchaga teng" ma'nolarini anglatadi.

XX asrning 50-yillarida tashkil topgan ushbu tushuncha estrada janridagi barcha ko'ngilochar uslublarni qamrab oladi. Pop yo'nalishi kashf qilingan yillari unga rok musiqasining bir turi deya qaralgan, keyinchalik, pop-musiqiy, tijoriy-ko'ngilochar yo'nalishga aylanib, unga "shlyager" termini kirib keldi. Ayni damda, nafaqat o'zbek estradasi ijod qilayotgan san'atkorlar, balki jahonning aksariyat xonandalari ham shu yo'nalishda ijod qilishadi. Buning sababi esa, yuqorida aytilganidek, pop musiqasining ommaopligidadir.

Ushbu yo'nalishda ijod qilish san'atkor uchun birmuncha yengillik tug'diradi. Bugungi kunga qadar pop yo'nalishining aniq chegaralanib qo'yilgan ko'rinishi, ijro yo'nalishlari mavjud emas. Ma'lumki, har bir san'at turi izlanishlar, rivojlanishlar, yangilanishlar zahirida shakllanib, yorqin va yoqimli bo'lib boraveradi. Pop yo'nalishiga ham xohlagancha tus berish, ohanglarini jilolantirish, pardoqlash, boshqa yo'nalishlar bilan umumlashtirish va uyg'unlashtirish mumkin. Qolaversa, ana shunday uyg'unliklar zahirida ham yangi-yangi yo'nalishlar kashf etilib boriladi. Pop musiqasiga yozilgan matn, odatda, birmuncha sodda, tushunarli bo'lgan.²

Ta'kidlash joizki, qo'shiq matni qanchalik mukammal, musiqa matniga hamohang bo'lsa, o'sha hamohanglik ijrochi tomonidan yuksaklikka erishilsa, qo'shiqdagi obraz ochib berilsa, haqiqiy asar yaratiladi. Obraz yaratish ijrochi uchun ham eng muhim jarayonlardan hisoblanadi. San'atkor qo'shiq obrazini qanchalik mukammal ochib bersa, uning san'at asari tinglovchilar qalbiga tez yetib boradi va uning ko'ngilini zabt etadi. Bu mehnatlar esa xoh shoir, xoh bastakor, xoh ijrochi bo'lsin, uni mashhurlikka yetaklaydi.

Aslida, o'zbek milliy estrada qo'shiqchiligimiz shakllana boshlagan ilk jarayonlarda ham undan keyingi damlarda ham san'atkorlarimiz bu omilga to'la amal qilishgan. Jumladan, Botir Zokirov, Farruh Zokirov, Nasiba Abdullayeva, Kumush Razzoqova, G'ulomjon Yoqubov, Yulduz Usmonova kabi san'atkorlarimiz bu borada tajribali hisoblanishgan.

Aksariyat estrada xonandalarining milliy uslub yo'nalishini xorijiy estrada xonandalari ijodiga ergashib, taqlidchilik yo'li bilan milliy kuylarimizni qalbdan his eta olmayotganliklari bu borada zarur bilim va amaliy malakalarga ega emasliklaridan dalolatdir.

Milliy ohang masalasi yosh avlodni milliy qadriyatlar asosida tarbiyalashda juda muhim ahamiyat kasb etadi. Bu o'rinda, professor Abdurauf Fitratning "O'zbek klassik musiqasi va uning tarixi" kitobida bayon etilgan quyidagi satrlarga murojaat etmoqchimiz: "Ovrupo musiqasi olimlarining yordamlari bilan kuylarimizni notaga oldirishda Ovrupo musiqasining ohang usullariga ergashtirmaylik. Ovrupo ohang usullaridan ko'z yumub, kuylarimizning o'z ohangida qolishiga tirishaylik. Ovrupo ohang usullariga ergashtirib oling'an kuylarning etnografiy nuqtasidan ahamiyatini yo'qotqanimiz kabi ularning o'zbekligini ham yo'qotqan bo'lurmiz".³

Demak, milliy ohang muhim ijtimoiy-ma'naviy omil hisoblanar ekan, milliy ohang bilan yo'g'rilgan yuksak darajadagi musiqa namunalarini yaratishimiz zarur, an'alarimizni asrab qolishimiz darkor, zero, bu hol mustaqil Vatanimizning milliy mafkurasini shakllantirishda ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Ayniqsa, musiqiy estrada eng katta sahnalarni zabt etayotgan bir paytda bunga e'tiborli bo'lishimiz, har bir estrada san'atkori katta mas'uliyat bilan chiqishi, milliy musiqiy an'analarni nihoyatda zo'r o'zlashtirgan, asrlar davomida rivojlanib kelayotgan musiqiy merosimiz yutuqlarini o'zida jamlagan holda ijod qilishimiz maqsadga muvofiqdir.

¹ Sirojiddinova D.Y. Estrada san'atida so'z, musiqa va ijro uyg'unligi. Toshkent, O'zDSMI, 2014, 26-bet.

² Shu manba. 28-bet.

³ Fitrat A. O'zbek klassik musiqasi va uning tarixi. Toshkent, "Fan", 1993, 52-bet.

Bugungi kunda o'zbek estrada san'atining qo'shiqchilik yo'nalishida ijod qilayotgan xonandalari-miz orasida o'z xonishlarida obraz yarata olayotgan, qo'shiqlar matni, musiqa va ijro uyg'unligi bilan tinglovchilarning qalbiga kirib borayotgan tajribali san'atkorlarimiz talaygina. Ularga Mahmud Namozov, Ravshan Komilov, Rustam G'oirov, Ozodbek Nazarbekov, Gulsanam Mamazoitova, Alisher Turdiyev, Tohir Sodiqov, Hosila Rahimova, Og'abek Sobirov, Jaloliddin Ahmadaliyev kabi bir qancha san'atkorlarimizni misol qilishimiz mumkin.

O'tgan asrning 70-yillarida G'arbda LPS seriyali, to'g'rirog'i, nomlangan kassetalar ishlab chiqilgan edi. Ma'lum davr orasida yaratilgan eng yaxshi qo'shiqlar aynan shu kassetalarga yozib olinib, eng sara qo'shiqlar jamlangan albom sifatida sotuvga chiqarilgan edi. Bu kassetalar esa "Top of the pops", ya'ni "Ommalashgan qo'shiqlar sarasi" deya nomlangandi. "Top of the pops" dagi "pops" so'zi rok musiqachilari orasida buzib aytilishi natijasida popsa so'zi kelib chiqadi. Ayni jarayonda G'arb estradasida bu so'zlarni uchratish qiyin. Faqatgina estrada qo'shiqchiligi keyinroq rivojlangan mamlakatlar xonandalari G'arb voz kechgan atamalarni o'z mamlakatining madaniy hududiga kiritishmoqda. Xususan, bu atama o'zbek estrada qo'shiqchiligida ham keng ishlatilib kelmoqda.¹

O'zbek estradasida qo'shiqchiligi janrlariga e'tibor qaratisa, pop yo'nalishi bilan birga rok yo'nalishining ham san'atimiz va madaniyatimizga ta'sir o'tkazib kelayotganligi ko'zga tashlanadi. Rok – estradamusiqamizda G'arbdan kirib kelgan va kirib kelayotgan yo'nalishlar orasida ikkinchi o'rinda turadi, deyish mumkin. Rok musiqasi allaqachon G'arbnı zabt etdi, shiddat bilan O'rta Osiyo mamlakatlari san'atiga ham o'z ta'sirini o'tkazib ulgurdi. G'arbnıng eng mashhur musiqiy telekanallaridan biri MTV kanalidan efirga uzatilayotgan musiqalarning aksariyatini rok musiqasi tashkil etadi.

Aslida Rok (rok) atamasi ingliz tilidan olingan bo'lib, qimirlash, titrash kabi ma'nolarni anglatadi. Rok 1920–1930-yillarda vujudga kelgan negrlar raqs janri bo'lib, ritm-bluth hamda keyinchalik shakllangan rok-n-roll yo'nalishlaridan paydo bo'lgan. Maxsus urg'ulardan tashkil topgan rokda maishiy va ijtimoiy ahamiyatga ega bo'lgan mavzular ko'tarilgan.

1989-yili tashkil topgan "Bolalar" guruhi 1995–1996-yilga qadar, asosan, pop yo'nalishi, keyinchalik rok yo'nalishida o'z ijodini davom ettirib kelmoqda. O'sha yillari yaratilgan "Esingdami seni, qish kunlari", "Malikam", "Ajoyib kun", "Vatan", "Allo-allo" kabi kompozitsiyalar bunga misol bo'la oladi.

Musiqaning ritmi raqsbop bo'lib, matnga hamohang yaratilgan. Musiqiy ijro jarayonida fortepiano, damli va zarbli cholg'ulardan keng foydalanilganligi, Tohir Sodiqovning jozibali ohanglarda ijro yo'nalishini topa olganligi qo'shiqning tez ommalashishiga sabab bo'ldi. Ma'lumki, rokda ijod qilish uchun, birinchi navbatda, yo'g'on ovoz, gitara va zarbli asboblarning mohir cholg'uchilari kerak bo'ladi. Quvonarlisi, "Bolalar" guruhida bunday imkoniyatlar yetarli edi. Shunga qaramay, rok yo'nalishida ijodini davom ettira boshlagan guruh harakatlarini tinglovchi tezda hazm qilishi qiyin bo'ldi. To'g'rirog'i, yangi yo'nalish tinglovchiga bir qadar erish tuyuldi. Ammo, keyinchalik, muxlislar Tohir Sodiqov yakkaxon ijrochiligidagi "Bolalar" guruhini bu yo'nalishsiz tasavvur qila olmaydigan bo'lib qoldilar. Ushbu guruh ketma-ket "Unutganim yo'q", "Aqldan ozgan", "Oyijon" kabi kompozitsiyalarini yaratdi. Bu qo'shiqlarda ham o'zaro uyg'unlik, so'z, musiqa va ijro mahorati yetarli darajada mavjudligi tufayli tinglovchi qalbidan tez o'rin egalladi. Qolaversa, Tohir Sodiqov tomonidan aynan rok yo'nalishida ijro qilingan ko'pgina qo'shiqlar hali-hamon o'z mavqeini yo'qotgani yo'q.²

2002-yildan boshlab o'zbek estradasida yana bir rok yo'nalishida ijro qiladigan, "Tarona" kompaniyasi prodysserligidagi "Sahar" guruhi o'z ijodini boshladi. Ushbu guruh tomonidan yaratilgan "Yomg'ir", "Yolg'iz", "O'sha sizmu", "O'zga bir ishq" nomli kompozitsiyalar rok yo'nalishining yana bir namunasi bo'ldi. Odatda, boshqa yo'nalish talablari kabi rokda ham qo'shiqning mazmun mohiyati jiddiy ahamiyat kasb etadi. Shu bilan birga, rokda asosan bas-gitara, elektro gitara, akustik gitaralardan foydalanilganligi uchun, yakkaxon ijrochining ovozi gitaraning ohangiga mos tushishi talab etiladi. Bu moslik, ohang uyg'unligi qo'shiqning ta'sir kuchini yanada oshirishga xizmat qiladi.

Jahon estradasiga e'tibor qaratisa, bu yo'nalishga juda ko'plab guruhlar murojaat qilganligiga guvoh bo'lamiz. Ayniqsa, "Green day", "Aerosmit", "Rasmus", "Linkin park", "Ramshteen" guruhları rok musiqasining eng og'ir uslubi hisoblangan xard-rokda samarali ijod qilib kelishmoqda. Xard-rok (hard-rock) so'zi "qattiq", "og'ir" degan ma'nolarni anglatadi. Xard-rok bu rok musiqasining zamonaviy yo'nalishlaridan biri bo'lib, ritmning tezda o'zgarishi, zarbli cholg'ular jo'rliigi va gitara ohanglarida vujudga keladi.

¹Sirojiddinova D.Y. Estrada san'atida so'z, musiqa va ijro uyg'unligi. Toshkent, O'zDSMI, 2014, 30-bet.

² Shu manba. 32 – 33-betlar.

Mamlakatimizda ham rok musiqasiga tez-tez murojaat qilib turadigan san'atkorlarimiz, guruhlarimiz ko'pchilikni tashkil etadi. Ularga Ravshan Sobirov, "Ummon", "Durdona" kabi guruh va xonandalarni misol tariqasida ko'rsatish mumkin. Mazkur xonandalar orasidarok yo'nalishida eng sermahsul ijod qilgan xonandalardan biri Ravshan Sobirov hisoblanadi. Uning "Sevar edim", "Nega", "Xayr, maktab", "Sen yig'lama", "Askar" kabi o'nlab qo'shiqlari aynan rok musiqasi asosida yaratilgan. Jumladan, uning "Sevar edim" nomli dastlabki kompozitsiyasida gitara cholg'usidan unumli va mahorat bilan foydalana olingan. Undan tashqari rok musiqada an'anaviy hisoblanadigan 4/4 o'lchovli forma, shu ritm asosida gitara sadosining jo'rliigi hamda ijrochining ovozi u bilan bir maromda ketishi kabi tizimdan foydalanilganligi e'tiborga loyiq.

Aslida, mantiqan o'ylab qaralsa, rok atamasining belgilari o'zbek qo'shiqchiligida ancha yillar oldin ham ma'lum darajada sezilib turganligini bilish mumkin. Shu ma'noda rok ikki xilda ishlatilgan. Ya'ni, birinchi navbatda, o'zbek raqslarida chalingan doira usuli nomini anglatgan bo'lsa, ikkinchi jihatdan yirik shakldagi o'zbek xalq kuyining nomini ham bildirgan.¹

Bugungi estrada san'ati qo'shiqchiligida rokdan tashqari rep yo'nalishi ham ma'lum darajada rivojlanganligini kuzatishimiz mumkin. Rep yo'nalishi odatda o'zgarimas ritm asosiga quriladi va qo'shiqning yakuniga qadar bir maromda davom etadi. Rep (rap) so'zi inglizchadan tarjima qilinganda, "keskin gapirish", "baqirmoq", "qichqirmoq" ma'nolarini anglatadi. Zamonaviy dolzarb mavzu bayon qilingan matn hamda o'zgarimas ritm ham repga xos sifatlar hisoblanadi.

2003-yilda xonanda Samandar Hamroqulov "Jayhun" guruhi bilan birgalikda "Gabarjuba" deb nomlangan rep yo'nalishiga oid qo'shig'ini kuylaydi. Ushbu qo'shiqda musiqadagi popga yaqinlik, repning qonun-qoidalaridan bir oz chekinish, raqsboplik, so'zlarda mantiqiylik sezilardi. 2004–2005-yillari rep yo'nalishiga kirib kelgan Shoxruh reper boshqa ijodkorlarga nisbatan samarali ijod qiladi. Uning "Har kun" nomli kompozitsiyasi yosh estrada tinglovchilarini o'ziga tortdi. Ushbu qo'shiqda ilgari surilgan inson umri zavoli bo'lgan narkotik moddalarga bo'lgan nafrat, uning domiga tushgan inson, aslo, qutula olmasligi haqidagi fikrlar barchani birday mulohazaga chorlaydi. Ammo uning ham ba'zi qo'shiqlari axloq doirasidan chiqib ketadi.²

Bugungi kun o'zbek estrada qo'shiqchiligidagi rep musiqasida pop analari yoki pop musiqasidan foydalangan holda, asarlar ham yaratilmoqda. Jumladan, xonanda Davron Ergashevning "Zolotoy" nomli kompozitsiyasida zamonaviy ohanglar foydalanilganligining guvohi bo'lamiz. Ushbu qo'shiq asosi rep bo'lsa ham, popga oid ritmlarning o'zgarishi va turli bezaklar ishlatilganligini anglash mumkin.

Undan tashqari xonanda Lolaning "Netayin", Yodgor Mirzajonovning "Go'zalim", "Setora" guruhi "Yo'q dema", "Zero"ning "Yo'q problem", Nilufarning "Sho'xidan bo'lsin" kabi qo'shiqlari, garchi pop analarida yaratilgan bo'lsa ham, repga oid matnlar o'rin olgan.

Pop, qisman rok yo'nalishida ijod qiladigan ijrochilar sahnalardan tashqari turli xalq marosimlarida ishtirok etsalar, rep faqat sahnada ijro etiladi. Unda mujassam bo'lgan reperona g'oya zamonaviy xorij musiqasi psixologiyasidan sharq, xususan, o'zbek tinglovchisi tafakkuriga moslab, tabiiy tarzda singdirilmas ekan, uning vaqtinchalik faoliyati yana ham qisqaradi. Rep davri o'zbek estrada qo'shiqchilik san'atida mavhum oqim bo'lganligi uchun jiddiy tinglovchilar orasida o'z o'rnini topolmayapti. Uning estetik, kengroq qilib aytadigan bo'lsak, ma'naviy ta'siri milliy musiqasi va uning haqiqiy durdonalari bilan hali tanishib, bahra olib ulgurmagani yoshlar ruhiyatini badiiy jihatdan nomukammal, mavhum mazmun bilan chalg'itmasligi kerak. Sharqona estetik vazifa ular uchun ham ijod mahsuli bo'lishi lozim.

Bu jiddiy muammo bo'lib, "rep"chilar tomonidan benatija mantiqsizlik sari qilinayotgan jiddiy xatolik bo'ladi. Rep oqimining dastlabki shakllanish davridagi omadsiz "izlanishlar" ayni damlarda ham davom etib kelmoqda.

Bunday asarlar ijodkorlari yangi topilma qilayotganlar kabi, sharq va g'arb ijodkorlaridan ko'chirma qilishi bilan birga shu ijod prinsiplarini o'zlar darajasidagi fikrlovchi san'atkorlarga ham singdira boshladilar. Chunonchi, rep yo'nalishi ijodkorlari yaratayotgan qo'shiqlar shou-biznes talablariga moslashtirilib, xalq badiiy tafakkuri qobig'idan chiqishi oddiy holatga aylanib bormoqda. Bu borada ayrim taniqli estrada qo'shiqchilarining fikrlarida ham noaniqlik mavjud. Xususan, "...maqomlarni maromiga yetkazib ijro etadigan san'atkorlar nega uch-to'rt kun konsert bera olmayapti-yu, kecha chiqqan reper uch kun konsert beradi? Chiptalar yetmay qoladi. Shou-biznesni to'g'ri qabul qilish kerak. Qanaqa uslubda

¹ Shu manba. 34-bet.

² Shu manba. 36-bet.

kuylashdan qat'iy nazar, ommaning nazariga tushish oson ish emas".¹ Taniqli estrada xonandasi Ravshan Komilov tomonidan "Darakchi" gazetasiga bildirilgan ushbu fikr butun vujudi bilan milliy estrada taraqqiyoti uchun xizmat qilib kelayotgan san'atkor tafakkurining o'zgarishi, vaqtinchalik ko'ngilxushlikni doimiy ma'naviy ozuqaga tenglashtirilishi... bu ham kamlik qilgandek: "...nega endi xorijning texnikasini olib kelib, o'zimizda mahsulot bo'lib chiqarilayotganini faxr bilan aytishadi-yu, san'atkor xorij estradasidan foydalansa, xuddi gunoh ish qilib qo'ygandek qarashadi?"

Bu jumlar zamirida nima yotibdi? "Xorij estradasi"dan foydalanish lozim, hatto kerak. Ammo, uning qaysi oqimlari yoki jihatlarini olish – bu milliy mentalitetimiz, ma'naviy talablarimiz asosida kechishi shart. Taniqli xonandaning "jonsiz" predmetni jonli idrok sohibi-inson yaratadigan ma'naviy boylikdan ajrata olmasligi, ajablanarli hol, albatta.

Oynai jahonda ajabtovur qiliqlar qilayotgan, peshonasiga ro'molini durra qilib, qiyshiq o'rab, us-tidan shapka kiyib olgan yigitchaga ko'zim tushadi. Durrali reper dam ilondek yo'rg'alar, dam yerga yotib olar, dam ko'zlarini lo'q qilib pirpiratardi. Harakatlari mayliku-ya, na kuydan, na matndan biror ma'no topa olasan kishi. Bu Shohruh "izdoshlari" turmushimizda shu qadar ko'payib ketdiki, boshiga durracha o'rab, shapka bostirib olgan yigitchalar ko'cha-ko'yni to'ldira boshladi. "Hofiz" yigit esa boshqa kliplarda ham bosh kiyimini yechib qo'yishni unutyapti, shekilli. Unga qarab kishining "Xoy, hofiz bola, boshingnani avaylamoqchi ekansan, o'zbekning do'ppisini yaraqlatib kiygin", deging keladi.²

Muallif keltirib o'tganidek xatti-harakatlari kurakka sig'mas "reperlar"ning qo'shiqlari muntazam ravishda teleradiolar orqali uzatilib borilmoqda. Bu esa bolalar tarbiyasiga, ularning ma'naviy dunyosiga qanchalik salbiy ta'sir etishi haqida ba'zan o'ylab ham ko'rmaymiz. Bunday kliplar ularning musiqa to'g'risidagi tushunchalarini izdan chiqarib yuborishi ham hech gap emas. To'g'rirog'i, yoshlarning san'at, musiqa borasidagi tushunchalarini zaharlaydi. Zero, bolalarning nazarida, klip degani yarim-yalang'och kiyimlar, o'zining mashinasi-yu, dang'illama uyini ko'z-ko'z qilishdan iboratdek bo'lib qoldi go'yo.

Yuqorida bildirilgan ayrim fikr va mulohazalarning o'zi ham madaniyat va san'at, xususan, estrada san'ati orqali tinglovchilarga estetik zavq va ma'naviy bilim berish yuzasidan quyidagilarni amalga oshirishni tavsiya etamiz:

– estrada san'atini rivojlantirish ko'proq repertuar muammosini hal etilishiga bog'liq. Shuning uchun ham mavjud Badiiy kengashlarda repertuarining badiiy saviyasiga bo'lgan e'tiborni yanada takomillashtirish;

– O'zbekistonda milliy estrada san'atini rivojlantirish uchun turli hududlarda ijod qilayotgan iqtidorlarni, havaskor-san'atkorlarni izlab topish va ularni qo'llab-quvvatlash, ularning mehnatini munosib rag'batlantirib, ishlarini takomillashtirish;

– estrada san'atini rivojlantirishning muhim omili bo'lgan yuqori malakali kadrlar tayyorlash va ularning malakasini oshirish ishlarini sifat bosqichiga ko'tarish, bu jarayonda xorijiy tajribalarni yanada tatbiq etish;

– milliy estrada san'ati tarixi va nazariyasini tatqiq etish ishlarini takomillashtirish.

Hozirgi estrada san'atimizni yanada rivojlantirish, uning jamiyat hayotidagi, barkamol avlod tarbiyasidagi, kishilar ma'naviy boyligini oshirishdagi o'rni va ahamiyatini oshirish uchun, eng avvalo, estrada xonanda va sozandalarida o'zlarining kasbiy kompetentlarini oshirish bilan birga, o'z ma'suliyatlarini unutmastliklari zarur.

Safarova Maftuna Zoir qizi (BuxDU o'qituvchisi) TOTEM TUSHUNCHASI VA ETNOTOPONIM

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada Respublikamizning ko'pgina joylarida tarqalgan, xususan, Buxoro viloyati hududida uchraydigan etnotoponimlarning totemistik qarashlar asosida ifodalanishi haqida fikr yuritilgan. O'zbek tili lug'at fondining bir qismi sanalgan atoqli otlarning alohida bir guruhini totem asosida shakllangan toponimlar tashkil etadi. Totemistik qarashlarga asoslangan joy nomlari etnik, lingvistik jihatdan tahlil etilgan. Ba'zi etnotoponimlarning leksik-semantik, etimologik xususiyatlari ifodlangan.*

¹ Shou-biznesdagi yoshlar. "Darakchi", 2007, 6-iyul.

² Hayitova L. Klipmi yoki qiliqmi? "O'zbekiston adabiyoti va san'ati", 2008, 14-oktabr.

Аннотация. В данной статье речь идет о тотемной репрезентации этнопонимов, распространенных во многих регионах страны, особенно в Бухарской области. Особую группу народных имен, включенных в узбекский словарь, составляют тотемные топонимы. Этнолингвистическому анализу подверглась топонимия, основанная на тотемистических воззрениях. Выражены лексико-семантические, этимологические особенности некоторых этнопонимов.

Annotation. This article deals with the totem representation of ethnotoponyms common in many regions of the country, especially in Bukhara region. A special group of folk names included in the Uzbek dictionary are totem toponyms. Toponymy based on totemistic views was subjected to ethnolinguistic analysis. Lexico-semantic, etymological features of some ethnotoponyms are expressed.

Kalit soʻzlar: totem, etnonim, etnotoponim, nom, atoqli ot, joy nomi, urugʻ, qavm, qabila, etimologiya, belgi, predmet.

Ключевые слова: тотем, этноним, этнопоним, имя, имя собственное, топоним, племя, этимология, знак, предмет.

Key words: totem, ethnonym, ethnotoponym, name, proper name, toponym, tribe, etymology, sign, object.

Oʻzbek tili lugʻat fondining bir qismi sanalgan atoqli otlarning alohida bir guruhini totem asosida shakllangan toponimlar tashkil etadi. Totem deganda (ingl. totem<indeyscha ototem – “uning nasli, urugʻi” maʼnosidagi soʻz) ibtidoiy urugʻ, qabilalarda diniy hurmat-ehtirom obyektini boʻlgan, yaʼni ilohiylashtirilgan hayvon, oʻsimlik, biror narsa-buyum yoki tabiat hodisasi (har bir urugʻ, qabila oʻz totemi nomi bilan atalgan).¹

Shuningdek, totem eʼtiqod belgisi boʻlib, u qadimgi kishilar eʼtiqodining asosini tashkil etgan. Totem shomonizmning asosiy elementlaridan biri boʻlib, u turli hududlarda turli shakl va koʻrinishlarga ega boʻlib, har xil shakl va mazmunda namoyon boʻlgan.

Totem vazifasini turli predmetlar bajarishi mumkin. Totem sifatida qoʻllanishi keng tarqalgan predmetlar sirasiga qush, turli hayvonlar, kundalik turmushga bevosita aloqador jismlar kirishi mumkin. Bu predmetlar qadimgi kishilar hayotining barcha jabhalari bilan bogʻliq holatlarni belgilab bergan hamda ularning turmush tarzidagi yagona eʼtiqod manbai sanalgan. Aslida, totem amerika mahalliy hindulari tilida “xoʻjayin” maʼnosida qoʻllangan. Qadimgi kishilar totem sifatida qabul qilingan predmetni oʻz hayotlarining ega, xoʻjayini sifatida qabul qilganlar.²

Totem ibtidoiy diniy eʼtiqodlarning ilk shakllaridan biri. U kishilarning maʼlum guruhi bilan hayvon va oʻsimliklarning muayyan turlari (baʼzan tabiat hodisalari, jonsiz narsalar) oʻrtasida gʻayritabiiy aloqa, qonqarindoshlik bor degan eʼtiqodga asoslanadi. Hayvonlar, oʻsimliklar, jonsiz predmetlar totem hisoblangan. Totemlar (koʻpincha, hayvonlar) ov qilinmagan, oʻldirilmagan, goʻshti yeyilmagan, ular goʻyo kishilarning kudratli himoyachisi hisoblangan. Qabila, urugʻ har bir aʼzosining hayoti va farovonligi totemga bogʻliq deb qaralgan. Ular oʻz totemini qarindoshi, akasi, otasi, doʻsti deb hisoblagan. Har bir qabila, urugʻ oʻz totemining nomi bilan atalgan.

Qadimgi kishilar totem sifatida qabul qilgan predmetlarga ilohiy kuch-qudrat va gʻayritabiiy imkoniyatlar egasi sifatida qaraganlar. Ulardan turmushning turli jabalaridagi holatlarda madad kutganlar. Totem qadimgi kishilar uchun ishonch va umid manbai boʻlib xizmat qilgan. Shuningdek, kishilar totem oldida qoʻrquv va hadikni ham his etganlar.

Xitoy mualliflarining xabar berishicha, VI asrda turklarda *boʻri* va *xon* soʻzlari sinonim tushunchalarini anglatgan.³ Shuning uchun qadimiy turklarning bayroqlarida boʻrining kallasi tasviri tushirilgan ramzlari boʻlgan. Oʻzbeklarda boʻri chaqaloqni oʻlimdan asraydi deyilgan eʼtiqod boʻlgan. Boʻri, Boʻri-boy, Boʻriniso kabi ismlar berilishida, chaqaloqni bevaqt oʻlim va balo-qazodan asrash uchun uni tugʻilgach, boʻri terisiga oʻrab olishda, boʻri jagʻidan oʻtkazishda farzand koʻrmagan ayollarning boʻrining tishini beliga bogʻlab yurishlarida va shu kabilarda yorqin ifodalangan.⁴ S.Otaniyozovning yozishicha, turkman tilida biri, *mejdek* (“boʻri” maʼnosida), *gurt* (“boʻri”) kabi etnonimlar mavjud.⁵

¹ <https://uz.wiktionary.org/wiki/totem>

² <https://uz.wiktionary.org/wiki/totem>

³ Гумилев Л.Н. Древние тюрки. М., “Наука”, 1967, с. 23.

⁴ Бегматов Э.А. Номлар ва одамлар. Т., “Фан”, 1966, 16-бет.

⁵ Атаниязов С. Словарь туркменских этнонимов. Ашхабад, 1988, с. 27.

Turkiy xalqlarda totem hisoblangan hayvonlar, qushlar, o‘simliklar, narsalar haqida tarixiy manbalarda ba’zi ma’lumotlar saqlanib qolgan. Abulg‘oziy Bahodirxonning “Shajarayi tarokima” asarida qayd qilinishicha, O‘g‘uzxon davrida shunqor, burgut, ukki, qarchig‘ay, turumboy, lochin, humoy, tuyg‘un, qarg‘a muqaddas qush – totem hisoblangan.¹ V.V.Bartold Rashiddin bergan ma’lumotlarga asoslanib, o‘g‘uzlarda hatto islom davrida ham totemizm saqlangan va ular har bir qushni e‘zozlab, urug‘ning a‘zosi deb hisoblaganini, ularga tegmagani va go‘shini yemaganini yozgan edi.² Totemizm bilan bog‘liq mana shu kabi tasavvurlar dunyodagi barcha xalqlarda mavjud. To‘plangan materiallar orasida 40 qa yaqin etnonimning totemik e‘tiqodlar bilan aloqadorligi ma’lum: avjin, buqa, bagish, bahrin, uyshin, bo‘gun, boy-bo‘ri, guvalax, ilonli, kaltatoy, kojar, kerayit, kiyikchi, javli, olchin, sari, toyloq, tulki, to‘lg‘a, to‘pichoq, enaka, esaboy, yobi/yobu, chovgan, chuvalay, qarg‘a, qiyg‘ochli, qorabura, qoralochin, qoraqush, qoraqo‘yli, qoraqursoq, qo‘yin, qo‘zichi, qo‘ng‘irot, qo‘chqorbuloq va boshqalar.

Keltirilgan etnonimlarning ba‘zilarida totem hisoblangan hayvon yoki qush aniq sezilib turadi (buqa, toyloq, tulki, qarg‘a), ba‘zilarida esa u yashirin holatdadir (avjin, qo‘ng‘irot, bahrin). Keying holatda etnonim uchun asos bo‘lgan va totemik tasavvur ifoda qiluvchi so‘z hozirda istemoldan chiqqan, shuning uchun tushunarsiz bo‘ladi. Shu sababli quyida keying tip etnonimlarning ba‘zilariga to‘xtalamiz.

Avjin – urug‘ nomi. U av<ev<uy shaklida o‘zgargan bo‘lib, qadimiy turkiy tilda uy–sigir ma‘nosidir. -jin, -chin, -chil predmetning mavjudligini anglatuvchi qo‘shimchadir.³

Bahrin – turklashgan mo‘g‘ul qabilasi nomi bo‘lib, dastlab, Dashti Qipchoqqa kelib o‘rnashgan, keyinchalik, XVIII–XIX asrlarda ularning kata qismi Toshkent vohasi va Farg‘ona vodiysiga tarqalgan. 1924-yil ma‘lumotlariga ko‘ra, O‘zbekistonda bahrinlarga mansub 9000 aholi yashagan. Bahrin qadimiy turkiy tilda katta *yirtqich qush*, *lochinning* bir turi bo‘lib, uni qo‘lga o‘rgatib ovchilikda foydalanilgan.⁴

Bahrin etnonimidan shakllangan toponimlar O‘zbekiston ko‘plab hududlari, xususan, Qashqadaryo, Surxondaryo, Buxoro, Navoiy viloyatlarida keng tarqalgan. Bu holat ushbu qabilaning migratsiyasi bilan izohlanishi mumkin. *Bug‘un//bo‘g‘un-gavzan* ham deb yuritiluvchi ushbu hayvon tog‘ sigiri ma‘nosini beradi. Bu yerda sigir totemdir va undan urug‘ nomi yasalgan.⁵

Kaltatoy – qadimgi turkiy qabila va o‘zbek urug‘laridan birining nomi.⁶ Kaltatoy so‘zi kichik jussali, kalta bo‘yinli otni anglatgan va u totem hisoblangan. Etnos nomi ana shu asosida yasalgan.⁷

Yobi/yobu – qabila va urug‘ nomi bo‘lib,⁸ bu so‘z oddiy, jaydari otni anglatgan.⁹

O‘zbek dostonlarida “Yobi dema, shu ot tulpor ekan de”. Ot nomining etnos nomiga o‘tishi totem bilan aloqador.

Qorabura//qorabug‘ra – qo‘ng‘irot qabilasining qanjig‘ali bo‘limi tarkibiga kiruvchi urug‘ nomi. Qadimgi turkiy tilda bugra – erkak tuyani anglatgan XI asrda turk xoqonlaridan biri Bug‘raxon deb atalganligi ma‘lum. Xoqoniya shaharlaridan birining nomi ham Bug‘ra deb atalgan.¹⁰ Bugra – buvra – burg shakllarida uchraydigan ushbu so‘z totem hisoblangan. Hayvon – tuya nomini ifodalagan hamda etnonim vazifasiga o‘tgan.

Qo‘ng‘irot – qadimgi turkiy qabila nomi.¹¹ XX asrning 20-yillari qo‘ng‘irotlar Qashqadaryo hududi-da, Surxandaryoning Boysun va Sherobod tumanlarida yashagan. Qo‘ng‘irotlar o‘zbek tilining qipchoq lahjasida so‘zlashgan.

Qo‘ng‘irot etnonimining etimologiyasi haqida turli qarashlar mavjud, ba‘zilar uni qo‘ng‘ir rangli otga bog‘lashsa, boshqalar rang nomi bo‘lgan qo‘ng‘ir leksemasiga dahldor deb hisoblashgan. Ammo ba‘zi tadqiqotchilar fikricha, qo‘ng‘irot so‘zi qadimiy so‘z bo‘lib, u mo‘g‘ulcha xun *kerey* (*qora qarg‘a*) so‘ziga aloqadordir, u *xun+kerey+m >xunkereyt>xunkirat>kungirat >qo‘ng‘irot* evolutsiyasini boshdan kechirgan. So‘z tarkibidagi -t qo‘shimchasi *ko‘plik, jamlik, to‘dani* anglatgan. Demak, qo‘ng‘irot, asli,

¹ Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи тарокима. Т., “Чўлпон”, 1995, 48-бет.

² Бартольд В.В. Сочинение. Т-2, часть I, М., “Восточная литература”, 1963–1977, с. 576.

³ Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Т., “Ўқитувчи”, 1988, 8-бет.

⁴ Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Т., “Ўқитувчи”, 1988, 29-бет.

⁵ Тоҳирхўжа Али. “Самария”, мерос туркуми. Т., 1991, 20-бет.

⁶ Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. Т., 1968, 113-бет.

⁷ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 томлик, Т., 2003, 615-бет.

⁸ Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. Т., 1968, 37-бет.

⁹ Эргаш Жуманбулбул ўғли. Достон. 1-том, Т., 1971, 432-бет.

¹⁰ Кошғарий М. Девону луғотит турк. III том, Т., 1960, 240; 271-бетлар.

¹¹ Вамбери Г. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Т., 1990, 18-бет.

qarg'alar demakdir. Qarg'a esa qadimgi turklarda totem hisoblangan. Buni kerayit etnonimining paydo bo'lishi dalillaydi.

Kerayit qadimiy oltoy tillariga mansub so'z bo'lib, u *keret* – *qarg'a* ma'nosini anglatgan. So'z oxiridagi -t ko'plik, jamlikni bildirgan. Mo'g'ul tilida ham *xeree(n)* – *qarg'a* demakdir. Mana shunday fikrni G.Axmetyanov ham aytgan. Shu bilan birga, kerayit so'zini *qora uy*, Rashiddin esa *qora odam* deb talqin qilgani ham ma'lum. Ammo kerayit etnonimini totem bo'lgan *qarg'a* nomi bilan bog'lab izohlash kengroq tarqalgan.

Etnonimik manbalarga asoslansak, turkiy xalqlar, jumladan, o'zbeklarda hayvonlar (buqa, boybo'ri, kiyikchi, olchin-bug'u, sari-qo'y, toyloq, tulki, to'pichoq, qorabura, qoraqo'yli, qo'zichi, qo'chqorbu-loq), qushlar nomi (irg'oqli, kojor-burgut, jovli-lochin, to'lg'a, chavgon-lochin, chuvalay, qarg'a, qiyg'ochli-qaldirg'och, qoralochin, qoraqush), ba'zi mayda jonivorlar (ilonli, sariqumursqa, qoramurcha, chumoli) totem bo'lgani va ular nomi o'sha asosda urug' va qabilalar nomiga ko'chganini ko'rsatdi.¹

Xullas, ayrim etnoslar nisbatan kichik hududlarda tarqalagan. Chunonchi, kenagas urug'i Qashqadaryo (Kitob, Shahrisabz), Samarqand (Urgut) viloyatlarida hamda Xorazm (Qo'shko'pir)da uchraydi, xolos. Bu holatni turli siyosiy-ijtimoiy shart-sharoitlar bilan izohlash mumkin. Bundan ko'rinadiki, yuqorida izohlangan etnotoponimlarning tarqalishi hamda nomlanishi siyosiy jarayonlar, insonlarning yashash turmush tarzi, lisoniy imkoniyatlari, diniy va dunyoviy bilim darajasidan kelib chiqib nomlangan.

Suyunova Matluba Abdusaidovna (Temiz davlat universiteti o'qituvchisi)
MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA AGRESSIV XULQ-ATVORNING
SHAKLLANISH SABABLARI VA UNI KORREKSIYA QILISH YO'LLARI

Anotatsiya: *Ushbu maqolada maktabgacha yoshdagi bolalar ruhiyatida kechayotgan salbiy o'zgarishlar, agressivlik holati, uning kelib chiqish sabablar, ularning xulq-atvoridagi salbiy jihatlarni ijobiy tomonga o'zgartirish yo'llari aks etgan.*

Аннотация: *В данной статье описаны негативные изменения в психике дошкольников, состояние агрессии, ее причины, способы изменения негативных сторон их поведения в лучшую сторону.*

Annotation: *This article describes the negative changes in the psyche of preschoolers, the state of aggression, its causes, ways to change the negative aspects of their behavior for the better.*

Kalit so'zlar: *bolalar, agressiya, psixologiya, korreksiya, ijtimoiy moslashuv, oila, ota-ona, psixolog, natija.*

Ключевые слова: *дети, агрессия, психология, коррекция, социальная адаптация, семья, родитель, психолог, исход.*

Keywords: *children, aggression, psychology, correction, social adaptation, family, parent, psychologist, outcome.*

Ma'lumki, bola shaxsini ijobiy shakllantirish eng muhim va dolzarb masala hisoblanadi. Bu ayniqsa maktabgacha yosh davrida jadal rivojlanadi. Chunki aynan mana shu davr bolalarda bir qancha individual sifatlarni shakllanishida muhim ahamiyat kasb etadi. Bolalar ruhiyatiga xos bo'lgan salbiy xususiyatlardan biri bu – agressivlikdir.

“Agressiya” ga (lotin. *aggressio* – hujum) “yo'naltirilgan salbiy xulq-atvor, ijtimoiy muhitdagi qoidalar, normalarga amal qilmaslik, insonlarga jismoniy va ruhiy zarar keltirish” deya ta'rif beriladi.

Bolalardagi agressiya bugungi kunda ko'p kuzatiladigan muammolardan biridir. Agressivlik holati ko'pchilik kichik yoshdagi bolalarga xos bo'lib, ko'p hollarda agressiv xatti-harakat o'tish davrida kuzatiladi. Bolalar agressiyasi bolalarga xos tajovuzkorona xatti-harakat hisoblanib, u bolalar alam yoki g'azab tuyg'ularini boshlaridan kechirib, ularni izxor etishning ijtimoiy maqbul usullarini topa olmagan yoki kattalarga taqlidan yo'l tutgan paytlarda namoyon bo'ladi. Bundan tashqari, bola o'z qo'rquvini yashirishga intilgan holatlarda psixologik jihatdan o'zini himoyalash reaksiyasi bo'lishi ham mumkin”.

Bola yosh davrlari inqirozi paytida qiyinchiliklarga ro'baru bo'ladi, natijada uning xatti-harakatlarida agressiya elementlari kuzatila boshlanadi. Maktabgacha ta'lim tashkilotlaridagi bolalarni kuza-tish jarayonida ma'lum bir toifadagi bolalarni kuzatish jarayonida shu ma'lum bo'ldiki, agressiv xulq-

¹ Марқаев К.Ш. Ўзбек тили этнонимларининг лисоний тадқиқи. Фил. фан. ном. дисс., Т., 2007, 72–76-бетлар.

atvor rivojlanib, barqaror shaxsiy xususiyatlarga aylanarkan. Natijada, bolaning ishlab chiqarish salohiyati pasayadi, uning shaxsiy rivojlanishi deformatsiyalanadi.

